ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

**Махсус сон**

**2017**

**Тошкент**

Махсус сон
2017

Илмий журнал
Научный журнал
Scientific magazine

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

**Муассис:**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Таҳрир кенгаши раиси:**

Ходиев Баходир Юнусович – и.ф.д., профессор

**Таҳрир кенгаши**

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич – и. ф. д., профессор
Ахмедов Дурбек Кудратиллаевич – и. ф. д., профессор
Бегалов Баходир Абдусаломович – и. ф. д., профессор
Бекмуродов Адхам Шарипович – и. ф. д., профессор
Болтабаев Махмуджон Рустамович – и. ф. д., профессор
Набиев Дилмурод Хамидуллаевич – и. ф. д., профессор
Содиқов Авазбек Мадаминович – и. ф. д., профессор
Бегимкулов Узокбой Шоимкулович – п. ф. д., профессор
Ғайибназаров Баходир Каримович – и. ф. д., профессор
Ражаббаев Шароф Рахимбердиевич - и.ф.н., доцент

**Таҳрир ҳайъати**

Беркинов Бозорбой – и.ф.д., профессор
Йўлдошев Нуриддин Қурбонович – и.ф.д., профессор
Нишанбай Сиражиддинов – и.ф.д., профессор
Рашидов Октам Юнусович – и.ф.д., профессор
Тошматов Шухрат Амонович – и.ф.д., профессор
Умурзаков Баходир Хамидович – и.ф.д., профессор
Усманов Анвар Саидмахмудович– и.ф.д., профессор
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна – и.ф.д., профессор
Ғофуров Убайдулла Вахобович – и.ф.д., доцент
Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – и.ф.д., доцент
Насретдинова Шахноза Саидакмаловна – ф.-м. ф. н., доцент
Урманов Низамиддин Тулаганович – и.ф.н., доцент
Хакимов Рашид Хамдамович – и.ф.н., доцент
Ташматов Рустам Хусанович– и.ф.н., доцент

ISSN 2010-6130

Махсус сон 2017

Илмий журнал
Научный журнал
Scientific magazine

**Бош муҳаррир:**
Абдувалиев А. А. - и.ф.н.

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
Рустамов Б.М.

**Масъул котиб:**
Турсунов М.Б.

**Адабий муҳаррир:**
Караев М.Ю.

**Мусаҳҳиҳ:**
Караев М.Ю.

**Техник муҳаррир ва саҳифаловчи:**
Турсунов М.Б.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда “Иқтисодиёт ва таълим“ илмий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Веб-сайт манзили: www.economedu.uz
E-mail: economedu@cedr.uz

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0041-сон билан рўйхатга олинган.

# Мундарижа


**ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**
**ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ПРОИЗВОДСТВО**

**Д.К.Ахмедов**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказида фан ва таълим интеграцияси самарадорлиги 7

**Б.Б.Усманов**
Фан ва таълим интеграциясида инновацион технологияларнинг қўллаш самардорлик калитидир....... 10

**М.А.Икрамов, М.Б.Турсунов**
Маркетологларни тайёрлаш муаммолари....... 14

**Н.У.Арабов**
Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес билан олий таълим тизими ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари....... 19

**Ф.Н.Насриддинов,Д.А.Рахмонов**
Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг молиявий механизми ....... 23

**У.У.Шарифходжаев**
Основные направления государственной политики в обеспечении качества образования в Республике Узбекистан....... 28

**Д.П.Хашимова** Организация процесса обучения студентов на основе использования дистанционных учебных курсов....... 31

**БАНК ИШИ**
**БАНКОВСКОЕ ДЕЛО**

**И.Тоймуҳамедов**
Ўзбекистон банк тизимида маркетинг фаолиятини ривожланиш муаммолари ва ечимлари....... 38

**З.А.Умаров**
Банк актив операцияларининг даромадлилигини ошириш....... 44

**Д.А.Саидов**
Тижорат банклари кредитлаш фаолиятини такомиллаштириш йўллари ....... 50

**МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР**
**ФИНАНСЫ И НАЛОГИ**

**И.Кенжаев, Ш.Шарипов**
Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активларини жойлаштиришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари ....... 56

**Х.А.Қубонов**
Ҳудудлар бюджет салоҳиятини ошириш орқали уларни субвенциядан чиқариш имкониятлари ....... 60

**Дж.М.Чариев**
Давлат ташкилотларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлиги истиқболлари ....... 65

**Н.Сиражиддинов, Г.К.Султанова**
Механизм финансовой поддержки экспорта в Узбекистане................. 67

**Р.И.Каюмов, Б.Бободжанов**
Фундаментальные Подходы К Активизации Инвестиционной деятельности на фондовом рынке Узбекистана.................................................... 74

**МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ**
**МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА**

**А.С.Юсупов**
Ҳаракатлар стратегияси: сиёсий, ижтимоий-иқтисодий асослар ва барқарор тараққиёт мақсадлари.................................................................. 81

**И.С.Хотамов** Инвестиция лойиҳалари таҳлилининг асосий йўналишлари ......................................................................................... 91

**РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ**
**РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ**

**М.Амонбоев**
Миллий туризм бизнес субъектларини маркетинг тамойиллари асосида ривожлантириш ........................................................................ 100

**З.Д.Адилова**
Развитие креативной науки и экономического образования ............. 107

**ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ**
**ЭКОНОМИКА РЕГИОНОВ**

**Б.Д.Хажиев, Б.Э.Мамарахимов**
Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини комплекс ўрганиш натижалари ........................................................................ 113

**А.А.Исломов**
Ўзбекистонда минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш тамойиллари ............................................................................................ 123

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ**
**БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ, ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И АУДИТ**

**И.Н. Қўзиев, И.Р.Авазов**
Ўзбекистонда аудиторлик ҳисоботини умумлаштириш йўналишлари ......................................................................................... 129

**З.А.Мукумов, Ш.А.Тожибоева** Ички имкониятлардан самарали фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш. ................................................................. 134

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ**
**ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**М.С. Қосимов**
Топинамбур индустриясини шакллантиришда инновацион ҳамкорлиги .......................................................................................... 143

**МЕНЕЖМЕНТ**
**МЕНЕДЖМЕНТ**

**Р.Х.Карлибаева**
Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш..................................................................................... 146

**МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ**
**ЭКОНОМИКА ТРУДА**

**А.А.Аюбджанов, Н.Б.Тула**
Статистическое исследование влияния миграции на рынок труда Узбекистана ........ 151

**G.K. Abduraxmanova, D. A'zamov**
O`zbekiston mehnat bozorida rekruting agentliklari faoliyatini yo`lga qo`yish zarurati ........ 156

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК**
**МАЛЫЙ БИЗНЕС И ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО**

**У.У.Иноятов**
Ҳудудларда кичик бизнес соҳасини ривожланишининг иқтисодий-статистик таҳлили ........ 160

**Д.К.Усманова, З. Бакаев**
Пути повышения конкурентоспособности предприятия сферы индустрии гостеприимства ........ 167

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ “ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИДА ФАН ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ САМАРАДОРЛИГИ

**Ахмедов Дурбек Кудратиллаевич**

И.ф.д., проф. ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» ИТМ директори

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМда 2017 йилда илмий-тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг илмий-техник дастурлари доирасида 1 та фундаментал ва 3та амалий лойиҳалар бўйича амалга оширилди.

Марказ томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот натижалари асосида илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш ва иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари ўқув режалари ва дастурларига иқтисодий таълимотларни ўқитиш сифати ва даражасини ошириш борасидаги ишларни Марказда янада ривожлантириш мақсадида амалдаги фундаментал илмий лойиҳага Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан қўшимча равишда маблағ ажратилди.

Марказда давлат илмий-техник дастурлари асосида амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар доирасида фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Марказнинг Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедралари билан инновацион-корпоратив ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Марказ томонидан 60та илмий-техник муаммолар мавзулари шакллантирилган;

- Давлат илмий техник дастурлари доирасида амалга оширилаётган фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида республика миқиёсида ОТМларнинг бакалавриатура ва магистратура талабалари, профессор-ўқитувчилари жалб қилинган ҳолда 4 та илмий мақолалар тўплами нашр қилинди;

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон миллий университетининг 45та бакалавриатура ва магистратура талабалари малакавий амалиёт ўташди. Уларга битирув малакавий ва магистрлик диссертацияларини сифатли ва ўз вақтида бажаришлари учун шароитлар яратиб берилди, жумладан: алоҳида иш ўринлари, компьютер ва техника воситаларидан фойдаланиш имкониятлари, чекланмаган интернет ресурси ва кутубхонанинг турли соҳаларга мансуб 12000 дан зиёд иқтисодий адабиётлардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди. Марказ томонидан амалиёт якунида малакавий битирув ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари учун зарур йўлланмаларни олишди;

- Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш билан боғлиқ дастур доирасида бош илмий-методик марказининг 49та тингловчилари стажировка ўтади;

- Марказ ходимлари томонидан 20дан ортиқ илмий ишланмалар, иқтисодиёт йўналишидаги давлат ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар, докторлик ва магистерлик диссертациялари, битирув малакавий ишларига тақризлар тайёрланган.

Ушбу йўналишдаги ишларни тизимлаштириш мақсадида 2017-2018 ўқув йили учун Марказ томонидан Тошкент давлат

иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти билан ҳамкорликда "Илмий ва ўқув-методик материалларни мамлакатнинг иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари ўқув режалари ва дастурларига жорий қилиш режаси" ишлаб чиқилди. Режа Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Мазкур режанинг тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтининг базавий кафедралари иштирокида янги ўқув йилига тайёргарлик доирасида:

- 7та бакалавриат ва 8та магистратура йўналишлари бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурлари экспертизаси бўйича такомиллаштириш ишлари амалга оширилди;
- базавий мутахассисликлар бўйича малакавий талаблар такомиллаштирилди;
- 12та ўқув-методик комплекслари, 12та намунавий дастурлар ва 12та ўқув дастурларини тайёрлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сонли Қарори билан тасдиқланган "Магистратура тўғрисида"ги Низом доирасида Марказ томонидан ҳар йили мунтазам иқтисодиёт йўналишида мутахассисларни тайёрлайдиган ОТМлар учун бугунги кунда миллий иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб мавзулардан иборат магистрлик диссертациялари базасини янада бойитишга ўз ҳиссасини қўшади. Жумладан, 2017 йилда жами 87та янги магистрлик диссертация мавзулари тайёрланиб иқтисодиёт йўналишидаги Тошкент шаҳри ва ҳудудлардаги ОТМлар базаларига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим қилинди.

Ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши учун жами 42 кишидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилган, улардан, 2 нафари Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиклари, 14та фан докторлари, 21 фан номзодлари.

Марказ томонидан 2017 йил декабрь ҳолатига бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижалари бўйича 6 та ахборот-таҳлилий ва аналитик хатлар тайёрланиб тегишли ташкилотларга йўлланди. Шунингдек, жами 148та нашрлар амалга оширилган бўлиб, улардан, 11та монография, 90та илмий мақолалар, улардан 18таси чет элнинг нуфузли журналларида, 72таси маҳаллий даврий нашрларда ва ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилди. Анжуманларда чоп этилган мақолалар сони 45та, шу жумладан халқаро анжуманларда 21тани ташкил этди.

Марказда амалга оширилаётган Давлат илмий техник дастурлари доирасидаги фундаментал ва амалий илмий лойиҳалар вазирлик, етакчи Олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, реал сектор вакиллари учун жами 21та илмий амалий тадбирлар ташкил этилган. Жумладан, "Фан ва таълим интеграцияси" доирасида Фарғона политехника институтида, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги, Урганч давлат университетида, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги инновация фаолияти ва технологияларини трансфер қилиш марказида иқтисодиётнинг бугунги кундаги долзарб мавзулари доирасида илмий семинарлар ўтказилди.

2017 йил 25 августда Марказнинг илмий ходимлари "Инновация ва менеджмент" Марказида "Марказнинг ривожланиш стратегияси" деб номланган семинарда иштирок этишди. Семинардан кўзланган мақсад Марказ ходимларининг жамоада ишлаш тажрибасини орттириш, Марказнинг истиқболда ривожланиши учун SWOT таҳлили амалга оширилди.

2017 йил 26 декабрда Марказда "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишининг инновацион моделини шакллантиришнинг илмий-методологик асослари" мавзусида илмий семинар ўтказилди. Илмий методологик семинарда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, вазирлик ва ташкилотлар ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари раҳбарлари қатнашишди.

Семинарда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги вакили Хидеки Мори, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг вакили и.ф.н. Ё.Ш.Файзуллаев ва и.ф.н. А.А. Набиходжаев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими, и.ф.д., проф. С.В.Чепель, Ўзбекистон банклар ассоциацияси департамент директори А.Д.Маликов, Марказнинг бош илмий ходими, и.ф.д.,проф. А.М.Қодировлар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Шу билан бирга и.ф.н.Р.Х.Тошматов муаллифлигида "Инновацион ривожланиш: муаммо ва ечимлар" мавзусида илмий рисола нашр қилинган. Рисолага Бердах номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети-

дан ўқув жараёнига жорий қилинганлиги тўғрисида далолатнома тақдим қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги ПҚ-1927-сонли "Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига ҳамда Марказнинг ташкилий таркибий тузилмасига мувофиқ Марказда Илмий кенгаш фаолият юритади. Қарорга мувофиқ Илмий кенгаш таркиби Марказнинг раҳбари, мутахассислари, вазирлик, илмий ва олий таълим муассасаси мутахассисларидан ташкил топиши белгиланган. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Илмий кенгашнинг 31.08.2017 й. №9-сонли Қарори билан Илмий кенгаш таркибига ўзгартиришлар киритилди ва унинг таркибига Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, проф. Б.Ю.Ходиев, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги мутахасислари, и.ф.н. Ё.Ш.Файзуллаев, и.ф.н. А.А.Набиходжаевлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2016 й. ПФ-4907-сонли "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академикларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида Илмий кенгаш таркибига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2та академик, и.ф.д., проф. Р.А.Убайдуллаева ва и.ф.д., проф. И.И.Искандеровлар киритилди. Бугунги кунда Илмий кенгаш таркибида 7та фан доктори ва 4та фан номзодлари бор, яъни Илмий кенгашнинг 60% иқтисод фанлари докторларидан иборат, аъзоларнинг 98% илмий даражали.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган "Иқтисодиёт ва таълим" журналини тайёрлаш ва нашр қилиш Марказга ўтказилган. Бугунги кунга қадар журнал томонидан 347та мақолалар нашр қилинган, улардан 39таси профессорлар, 69таси доцентлар, 64таси катта ўқитувчилар, 104таси катта илмий ходим изланувчилар ва тадқиқотчилар, 39таси ассистентлар, 19таси магистратура ва 13таси бакалавриатура талабалари муаллифлигида ёзилган.

Бугунги кунда Марказ янги ташкил этилган Инновацион ривожланиш вазирлиги билан эксперт ҳамкорлигини ўрнатиш борасида ишларни амалга оширилмоқда. Марказ олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2017 йилнинг август ойидан халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида фаол ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий аналитик ташкилотлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида музокаралар амалга оширилмоқда.

# ФАН ВАТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРДОРЛИК КАЛИТИДИР

**Усмонов Бахтиёр Бабаханович**

И.ф.н., доцент Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи

***Аннотация.*** Ушбу мақолада фан ва таълим интеграциясиниг аҳамияти, шу билан бирга фан ва таълим интеграциясини инновациялар орқали самарали бошқариш усуллари, яратилган имтиёзлар, мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ва уларни бартараф этиш йўллари таклиф қилинган.

***Таянч тушунчалар:*** интеграция, инновация, фан, таълим, самарали бошқариш, ахборот технологиялари, усул, натижа.

***Аннотация.*** В данной статье были проанализированы важность интеграции науки и образования, а также методы эффективного управления науки и образования через инновации, созданные преимущества, существующие проблемы и способы их устранения.

***Ключевые слова:*** интеграция, инновации, наука, образование, эффективное управление, информационные технологии, метод, результат.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган шиддатли ўзгаришлар ҳар бир соҳада ижобий натижага олиб келаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий соҳаларда жаҳон талабларига хос ва мос равишда инновацион янгиликларни жорий этган ҳолда фаолият юритишни тақозо этади.

Биргина Фан ва таълим соҳасини олсак, мамлакатимизда муваффақият билан амалга оширилаётган “Таълим тўғрисидаги” Қонун шу билан бирга Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида амалга оширилган ишлар таълим сифатини ва жараёнини самарадорлигини таъминлашга имкон берган бўлса, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаркатлар стратегияси” тўғрисидаги Президент Фармони асосида 2017-2012 йилларда амалага ошириладиган бешта устувор йўналишларни жорий этилиши фан ва таълим соҳасини ривожлантиришда муҳим омил хисобланади. Харакатлар стратегиясининг IV- йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га бағишланган бўлиб, унинг 4.4-бўлими “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш”га, 4.5-бўлими “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш”га қаратилган.

Юқоридаги қонун ва фармонлар асосида “илмий- тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилиган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”[1] фан ва таълим соҳасини интеграциясини кучайтиришга ва унда инновациялардан фойдаланишга ундайди.

Шунга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда фан ва таълим интеграциясида инновацион технологияларнинг қўллашни ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)***

Фан ва таълим интеграсиясига ёндошишдан аввал интеграция терминига изох келтирсак, “интеграция” термини лотин тилидан олинган бўлиб, integratio-яъни “улаш, тиклаш” ва кўпинча бирлаштириш, алоқаларни созлаш, ўзаро боғлиқлик маъноларини англатади[2] .

Ушбу изоҳдан интеграция термини“фан ва таълимнинг ўзаро боғлиқлиги барча муаммоларни ечишга ва биргаликда ривожланишига имкон беради” деган хулосага келамиз.

Ривожланиш асрида ижтимоий соҳа тизимларни интеграциясиз муқобил фаолият кўрсатишини тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса мамлакатнинг келажагини таъминловчи муҳим бўғин хисобланган фан ва таъ-

лим интеграциясини.

***Таълим тизими*** – асосий ижтимоий институтлардан бири, шахс шаклланишининг муҳим соҳаси, таълим муассасалари ва уларни бошқарув органларининг тарихий шаклланган тизими бўлиб, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, мустақил ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёрлаш ҳамда уларнинг таълимга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондириш мақсадларига хизмат қилади.[3]

Бунда инновацияларни қўлланилиши бошқариш самарадорлигини оширади.

Инновациялар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тизимда шакилланган янгича ёндошув бўлиб, иқтисодиётда ишлаб чиқилган инновацион технологиялар мамлакатнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юқори бўлишини ва инсон манфатларини таъминлайди. Айни пайтда, фан ва таълим интеграциясида улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, фан ва таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади.

Инновация – маълум бир соҳа ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва услуллар, муаммони ечиш учун янгича ёндошув ёки янги технологик жараённи қўллаш асосида, юқори муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган натижадир. Интерфаол услублар яъни инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълим самарадорлигини оширишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормокда.

***Тадқиқот методологияси (Research Methodology)***

Тадқиқот жараёнда фан ва таълим интеграциясида инновацион технологияларни қўллаш орқали соҳадаги ўзгаришларни тизимли ёндошув, гуруҳлаш ва статистик маълумотлар асосида қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Албатта, фан ва таълим интеграциясида инновацион технологияларнинг қўллаш самардорликни оширадива соҳа маҳсулоти бўлган юқори салоҳиятли кадрларни етиштириб чиқариш омили ҳисобланади. Шунинг учун фан ва таълим соҳасини самарали бошқаришни амалга ошириш ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасида ҳар бир давлатда муҳим вазифа ҳисобланади.

Бизнингча, бугунги шиддатли ўзгаришлар шароитида фан ва таълимни ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаши керак. Бунда аввало Олий таълим муассасаларида соҳага доир фан дастурларини такомиллаштириш ва таълим технологияларни ривожлантириш лозим. Бунда инновацион технологиялардан фойдаланишлари мақсадга мувоффиқдир.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилганислоҳотлар самараси ўлароқ биргина Олий таълим соҳасида сезиларли ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Ушбу соҳани таҳлил қилар эканмиз миқдор ва сифат жиҳатдан ўсишни кузатамиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Олий таълимнинг асосий кўрсаткичлари***

| Йиллар | Олий таълим муассасалари сони | Талабалар сони(минг киши) | Профессор ўқитувчилар сони(минг киши) | Хар бир профессор ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони |
|---|---|---|---|---|
| 1991 й | 52 | 340,9 | .... | ..... |
| 1995 й | 58 | 192,1 | 19,9 | 9,6 |
| 2000 й | 61 | 183,6 | 18,4 | 10,0 |
| 2005 й | 62 | 278,7 | 23,1 | 12,1 |
| 2010 й | 65 | 274,5 | 23,0 | 11,9 |
| 2016 й | 70 | 268,3 | 24,0 | 11,2 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси*

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз 2016 йилда 1991йилга нисбатан 34,6 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Бироқ талабалар сони ушбу йиллар оралиғида 78,7 фоизга тушган. Бу эса ушбу сохадаги ечилиши лозим бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

2005 йилда олий таълим муассасаларида ҳар бир профессор ўқувчига 12,1 нафар талаба тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 11,2 нафарни ташкил қилди (1-диаграмма).

**1-диаграмма**

**Олий таълим муассасалари ва битта ўқитувчига тўғри келадиган талабалр сони***




| | 1991 | 1995 | 2000 | 2005 | 2010 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Олий таълим муассасалари | 52 | 58 | 61 | 62 | 65 | 70 |
| Хар бир профессор ўқитувчисига тўғри келадиган ўкувчилар сони | | 9,6 | 10 | 12,1 | 11,9 | 11,2 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси*

Юқоридаги маълумотларни тахлил қилар эканмиз бошқа мамлакатларда олий таълим тизмида хар бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонини таққослаш асосида юртимизда фан ва таълим соҳасига эътибор юқори эканлигини кўришимиз мумкин (2-диаграмма)

**2-диаграмма**

**Айрим мамлакатларда олий таълим тизмида хар бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони***




*Манба:Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Юнеско статистика институти.*

Ушбу таҳлилар асосида бугунги кунда фан ва таълим интеграциясини ривожлантиришда инновацион технологияларни таълим жараёнига уйғунлаштириш асосида жамият ва инсоннинг шахсий эҳтиёжларига мос келувчи ҳолатга келтириш, ижтимоий фойдали ва етук шахсни шаклланиши муаммоларини ҳал этиши лозим. Бунда инновацион технологияларни ва инновацион ўқитиш усулларни қўллаган ҳолда талабага масофали ўқитишни жорий этиш асосида вақт масаласида муаммога эга бўлган, яъни бирор бир иш билан банд бўлган аммо ўқиш истаги бўлган инсон масофали ўқитиш асосида билм олиш имконига эга бўлади. Бу эса юқоридаги 1-жадвалдаги талабалар сони бўйича муаммони ҳал этишнинг бир йўлидир. Шу билан бирга бу сиртқи ўқишнинг инновацион шаклидир.

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппҳарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат[4] .

Ушбу тизимни жорий этишнинг афзалликлари қуйдагича:

-ўқувчи ўзи учун қўлай вақтда дарс жараёнига қатнашиши мумкин;

-билим олиш жараёнида ўзлаштириш натижаси асосида ўқитилиши;

-ўқув режаси индивидуал ва давлат талабларига мос равишда ташкил этилиши;

-билим олиш жойини ўқувчига қулайлиги (уй, интернет кафе, иш жойи, мехмонхона);

-мултимедиа асосида кўргазмали ўқитиш имкони;

-малакали ўқитувчиларни жалб қилиш.

Шу билан бирга биринчи навбатда таълимнинг мана шу соҳаси ривожланишида умуман таълимнинг ноанъанавий шаклларига ўтиш жараёнида дунё тенденцияларда янги ахборот технологиялари бўйича тайёргарлик олиб борувчи касбий ўқув юртларининг сони ортиб бориши кузатилмоқда. Бундан ташқари университетлар ташкилий тизимларининг бирлаштирилиши масофали таълимнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда масофали университет таълимнинг ташкилий тузилишининг янги тури - университетлар консорсиуми ривожланмоқда. Бунда бир неча университетлар фаолиятини бирлаштирувчи ва бошқарувчи махсус ташкилот масофали таълим хизматларини кўрсатмоқда.

Бироқ бу модел бир қатор муаммоларга дуч келмоқда буларга:

-кенг жамоатчилик томонидан тан олиниши;

- илмий даража бериш билан, яъни диплом ва сертификатлар олиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Ушбу қийинчиликларни йўқотиш ва виртуал университет моделининг тўла ривожланиши замонавий таълим тизимда алоҳида ёндашувини талаб қилади ва бу ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).

Ўз навбатида, мамлакатимизда фан ва таълим интеграциясида инновацион технологияларнинг қўллаш орқали масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш борасида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

-таълим жараёнини самарадорлигини таъминлаш мақсадида ушбу тизим талабига жавоб бера оладиган ўқитувчиларни тайёрлаш;

-масофадан ўқитиш технологиясининг асосий қонуниятларга мослаштириб назорат қилиш дастурини шакиллантириш;

-виртуал университет аккредитацияси (мақомини) бериш;

-ўқувчиларда мустақил равишда таълим олиш жараёнида “ахборот саводхонлигини” шакиллантириш.

Ушбу тўртлик асосида хорижий мамлакатларда кенг тарқалган масофали ўқитиш тизимини мамлакатимизда самарали бошқаришга ва йўлга қўйишга эришиш мумкин.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.*

*2. Осипов Ю.С., Кравец С.Л. Большая Российская энциклопедия. М., 2013. 752 с.*

*3. Педагогика. Учебное пособие /под ред. П.И.Пидкасистого. - М.: Высшее образование 2006. – 432 с.*

*4. “Инновацион таълим технологиялари ва педогогик компетентлик” модули бўйича ўқув услубий мажмуа.*

# МАРКЕТОЛОГЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

**Икрамов Мурат Акрамович**

И.ф.д., профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Турсунов Мансур Бекпулатович**

Кичик илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази

***Аннотация.*** Мақолада маркетинг йўналиши ва мутахассислиги бўйича тайёрлашда учраб турадиган муаммолар, уларга ижодий меҳнат усуллари асосида таълим бериш жараёни, ёшларни ижодий меҳнатга ўргатиш масалалари кўрилган.

***Таянч тушунчалар:*** *маркетинг, фикрлаш, билиш назарияси*

***Аннотация.*** В статья рассмативаются основные проблемы, встречающиеся при подготовке маркетологов по направлению и специальности, их процесс обучения на основе методов творческого труда, обучения молодежи к творческому труда.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви даврида ёш мутахассисларга қўйилаётган талаблар тез ўзгариши, улардан бозор муносабатлари ҳамда ўзгарилаётган шароитларга тез мослашувчанлик фазилатларини шаклланишини талаб қилди. Албатта, ҳар бир тайёрланаётган мутахассис, жумладан, маркетинг соҳада ҳам, реал иқтисодиёт ва яқин келажакдаги вазифаларни амалга ошириш учун етарли билим ва кўникмага эга бўлишни таъминлашдан иборатдир. Бу юксак вазифаларни бажариш учун бир нечта мавжуд муаммоларни ҳал этилиши лозим бўлади.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан охирги йилда таълим соҳасини такомиллаштиришга қаратилган бир нечта фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мактабгача, ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шу жумладандир. Масалан, мактабгача таълим ва тарбия билан шуғулланувчи янги вазирлик шаклланиши ёшларни касбга йўналтириш ишларини улардаги иқтидорни вақтлиров аниқлашга қаратилган тадбирлар намунасидир. Таълим соҳасидаги ўқув стандартлари, улар асосида тайёрланаётган ўқув режалари ва дастурларини тубдан сифатий ўзгарилиши, фойдаланилаётган адабиётларни янгиланиши, фойдаланилаётган адабиётларни янгиланиши, профессор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, замон томонидан қўйилаётган талабларидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассисликларга қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш вазифалари қўйилмоқда. Бу тизимдаги тубдан щзгаришларни Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Олий таълим тизимидаги иқтисодчи кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Маркази мисолида кўриш мумкин. 2016 йилдан бошлаб малака ошириш тизими икки ойлик муддатга ўтказилиши, билимларни янгилаш модул тизимида амалга оширилиши, малака оширувчиларнинг ижодий ёндашувини талаб этилиши шунинг исботидир.

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг янг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажмуасида Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг маърузасида "...нафақат академик илм -фанни, балки олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш" вазифасини қўйди [1]. Ушбу вазифасини самарали ҳал этиш учун ёшларни, жумладан, маркетинг йщналиши ва мутахассислигига тайёрланаётган бакалавриат ва магистрантларни ижодий ёндашувга жалб этилиши муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу мақолада бизнинг асосий мақсадимиз, ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот марказида илм, ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясини таъминлашдаги ижодий фаолиятнинг ўрнини кўрсатиш, ушбу фаолият-

ни ёшларда шакллантириш йўналишларини асослаш, инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берувчи кадрларни тайёрлашга услубий асос яратишдан иборатдир.

Юқорида малакали кадрларни тайёрлашда малкали профессор-ўқитувчилар, жиҳозланган аудиториялар, назария билан амалиётни боғлайдиган ўқитиш услублари, улар асосида бўлажак маркетологларни ижодий баҳолашга йўналтирувчи ўқитиш шаклларини жорий этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада ижтимоий фойдали меҳнат ўзи нима ва қандай турларига бўлинишига изоҳ бериб ўтамиз.

Ижтимоий фойдали меҳнат икки турдан иборат - бажарувчанлик меҳнати ва ижодий меҳнат. бу иккала меҳнат тури жамият учун объект тариқасида қабул қилинган. Аммо ҳозирги кундаги таълим стандартлари бажарувчанлик меҳнатига йўналтирилган бўлиб, ижодий, тадқиқот, яратувчан меҳнат иккиламчи ўринда қолган.

Охирги 5-6 йил мобайнида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув-услубий мажмуалар яратиш ва уларни таълим жараёнига қўллаш борасида фаол усуллардан кенг фойдаланиш, ижодий меҳнат қилишни рағбатлантириш усуллари кенг амалга оширилмоқда. Чунки биринчидан, юқори малакали иқтисодчи кадр бўлиб етишиш учун самарали бошқарув ғояларини ишлаб чиқиш заминида ижод қилиш фазилатлари ётади; иккинчидан, бозор иқтисодиёти талаблари асосида ушбу вазифа ҳали тўлақонли равишда ечимини топгани йўқ.

Мутахассис ижод қилиши учун, биринчи навбатда, илмий билиш, воқеликни (ҳақиқат) ўзгартириш усулларини ўзлаштирган бўлиши керак. Ўз даврида Г.Эмерсон қуйидаги фикрни айтиб ўтган эди: “Оддий инсонлар фойдаланаётган тўғри принциплар даҳоларнинг тасодифий ва тизимсиз уринишларидан кучлироқ бўлиб чиқади” [2]. Шу сабабдан биз мақоламизда асосий объект тариқасида ижодий мехнат усулларига урғу берганмиз.

Инсон капитали ўз мазмунига кўра, унумдорликни белгилайдиган, инсонга, унинг оиласи, корхона ва жамиятга даромад манбаи бўладиган фазилатлар йиғиндисини англатади. Ушбу фазилатлардан бири бўлмиш касб эгалиги узвий равишда таълим билан боғлиқ. Аммо иқтисодчи мутахассис бажарувчанлик меҳнатига ўқитилган бўлса, у фақатгина берилган топшириқларни бажаришдан, яъни корхонанинг фаолият кўрсаткичларини қўллашдан нарига ўтмайди. Хақиқий замонавий менежер-иқтисодчи ушбу кўрсаткичларни яхшилашга ижодий меҳнати билан ҳисса қўшган ҳолда фаолият юритиши зарур.

Бозорнинг глобаллашув шароитида, ҳамкорлик қилиш зарурати юксалиб, шу билан бирга, рақобат муҳити кучайгани мутахассислардан мустақил ижодий фикрлаш ҳислатларини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу борада ҳозирги кунда олий таълим тизимида мавжуд иқтисодчиларни касбий тайёрлаш тизимидан фойдаланган ҳолда келажак иқтисодчи-мутахассисларини ижодий меҳнат қилиш тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз. Ушбу тизимни ишлаб чиқишда Европа, Осиё ва АҚШнинг етакчи университетлари амалий тажрибаларидан ҳамда Ўзбекистон Республикасида иқтисодчилар тайёрлаш амалиётидан фойдаланамиз. 1-жадвалда талабарни тайёрлаш турлари ва уларни бўлажак иқтисодчиларнинг ижодий меҳнатларига таъсири тизимлаштирилган. Барча тайёрлов турларига имконият доирасида тушунча берамиз.

***Назарий билиш тайёргарлиги.*** Ижодий меҳнатни қўллаш учун муҳим асос тариқасида фойдаланилади. Биринчи навбатда, тадқиқот ўтказиш учун тадқиқ қилинаётган предмет аниқ белгиланиши зарур. Талаба томонидан бирорта олимнинг (муаллифнинг) нуқтаи назарини қўллаб ва уни асослаб бериш мақтовга сазовор, аммо бу ҳали фаол фикрлашдан ижод қилишга ўтиш, дегани эмас. Чунки ўқитиш жараёнида маълум билим йиғиндиси берилади, аммо у мустақил фикрлаш доирасига етарли бўлмайди. Айниқса, ҳозирги кунда билимни баҳолашда кенг равишда тест усулининг қўлланилиши талабалар томонидан етарли балл олиш учун ёдлаш жараёнига кўпроқ эътибор берилишига олиб келмоқда. Бошқача айтганда, ижод ўрнини яхши эслаш қобилияти босиб кетмоқда.

***Амалий бажарувчан тайёргарлик.*** Ижодий меҳнатга муносабат қарама-қаршиликка дуч келади. Бир томондан, бор амалиётни билмаган ҳолда уни такомиллаштириб бўлмайди ва самарали бошқарув қарорларни қабул қилинмайди. Шу сабабдан амалий билимлар ижодий меҳнат қилиш учун керакли асос бўлиб хизмат қилади. Аммо, бошқа томондан, мутахассислар учун ижод қилиш бундай ҳолатда рағбатлантирилмайди. Чунки маълум бир лавозим вазифаларини бажариш учун улар белгиланган меъёр ва кўрсатмалар доирасида амалга оширилиши керак, масалан, солиқ, иш ҳақи ҳисоблаганда.

Демак, амалий бажарувчан тайёргарлик мавжуд талабнома, нормативларни бажаришга ўргатиш ҳолатида нафақат мустақил фикрлаш, балки маълум ҳолатда талабларга жавоб бериш учун механик равишда фаолият юритишга ўргатади. Бундай ҳолат бюрократик тизим янада ривожлантирилишига олиб келади.

**1-жадвал**

**Тайёрлаш турлари, ижод босқичлари ва тадқиқот шакллари**

| Тайёрлаш вазифалари | Тайёрлаш воситалари | Тайёрлаш натижалари |
|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** |
| 1.Назарий билиш тайёргарлиги | | |
| Талабаларга билим йиғиндисини бериш | Умумий иқтисод назариясини, амалий фанлар ва бошқа ўзаро боғлиқ фанлар назариясини ўргатиш | Талабалар кенг назарий билимлар ва зарурий иқтисодий эрудицияга эга бўлишлари керак |
| II.Амалий-бажарувчан тайёргарлик | | |
| Талабаларни бажарувчанликка ўқитиш | Амалий иқтисодий фанларнинг амалий қисмини ўргатиш | Талабалар фаолиятдаги маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар (кўрсатма, услубий қўлланма, низомлар)ни қўллаш, стандарт ҳисоб-китоб қилишни билишлари керак |
| III.Ижодий методологик-тадқиқот тайёргарлиги | | |
| Талабаларни ижодий меҳнатга ўқитиш | Фикрлаш, билиш назарияси, иқтисодий тадқиқотлар методологияси ва унинг услубларини ўргатиш | Талабалар мустақил равишда иқтисодий тадқиқотларни бажаришни билишлари керак |
| 1. Икки босқичдан иборат ижод жараёни | | |
| А) Биринчи босқич танқидий. Воқеликни билиш | | |
| Талабаларни воқеликни билишга ўқитиш | Воқеликни билиш назариясини ўргатиш | Талабалар мустақил хулоса чиқариш, камчиликларни аниқлаш, хўжалик амалиётини таҳлил қилишни билишлари керак |
| Б) Иккинчи босқич яратувчанлик. Воқеликни ўзгартириш | | |
| Талабаларни воқеликни ўзгартириш кўникмаларига ўқитиш | Воқеликни ўзгартириш методларини ўргатиш | Талабалар хўжалик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этувчи мустақил тавсиялар ишлаб чиқишни билишлари керак |
| 2. Тадқиқот ишлари турлари | | |
| А) Амалий тадқиқот ишлари | | |
| Талабаларни амалий тадқиқот ишларини олиб боришга ўқитиш | Амалий тадқиқот ишлари методларини ўргатиш | Талабалар корхона хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, унинг ишини яхшилаш борасида самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишни билишлари керак |
| Б) Илмий тадқиқот ишлари | | |
| Талабаларни илмий тадқиқот ишлари кўникмаларига ўқитиш | Илмий тадқиқот ишлари методларини ўрганиш | Талабалар тадқиқ қилинаётган муаммолар ечимига илмий улуш қўшишни билишлари керак |

Оддий хизматчи фаолияти натижасида бундай амалиётнинг таъсири унча-мунча сезилмас, аммо раҳбар фаолиятида, айниқса минглаб инсонлар хаётига таъсир кўрсатувчи қарорларда акс натижани кўриш мумкин.

***Ижодий методологик-тадқиқот тайёргарлиги.*** Ушбу тайёргарлик хусусиятларини аниқ тасаввур қилиш учун унинг уч турини таққослаш керак. (2-Жадвал).

**2-жадвал**

**Талабаларни тайёрлашнинг уч турини таққослаш**

| Тайёрлаш вазифалари | Назарий билиш тайёргарлиги | Амалий бажарувчан тайёргарлиги | Ижодий методологик-тадқиқот тайёргарлиги |
|---|---|---|---|
| Фанни билиш | + | + | + |
| Мустақил фикрлаш | - | - | + |
| Тадқиқот иши | - | - | + |
| Самарали яратиш | - | - | + |
| Методологик фикрлаш | - | - | + |
| Ижодий ёки бажарувчанлик меҳнати | - | Бажарувчан меҳнат | Ижодий меҳнат |
| Назария ёки амалиёт билан боғлиқлиги | Назария | Амалиёт | Назария ва амалиёт |

***Тайёрлашдаги умумийлик:*** барчаси талабаларни фанни билишга ўргатади. Фақат учинчи шаклдаги тайёрловнинг устунлиги талабаларни мустақил фикрлаш, тадқиқ қилиш, самарани яратиш ва методологик фикрлаш кўникмаларини беради.

***Тайёрлашнинг бошқа ҳусусиятлари.*** Биринчи шаклдаги тайёргарликда талабалардан фақатгина назарий билимларни ўзлаштиришни талаб қилган ҳолда, меҳнат қилишга ҳали ўргатилмайди. Назария аълога ўзлаштирилган ҳолда ҳам, амалий кўникма бўлмаслиги мумин. Иккинчи тайёргарлик шаклида амалиётчилар фақат бажарувчанлик меҳнатига мослаштирилади. Учинчи шакл, яъни назарий методологик-тадқиқот тайёрлаш жараёнида, талабалар хўжалик амалиёти ва иқтисодий назарияни такомиллаштиришнинг ижодий меҳнати кўникмаларига эга бўлишади. Албатта бундай талабларни магистратура босқичида қўйилганда мақсадга мувофиқ бўлади, аммо бакалавриатура шароитида мустақил фикловчи, иқтисодиёт муаммоларининг ҳам назарий, ҳам амалий ечимларини тушуна оладиганларни танлаб олишга қўйилган бошланғич вазифалар тариқасида қабул қилиш мумкин.

Учинчи шаклнинг моҳиятига эътибор берилса, унда ҳам назария, ҳам тадқиқотга алоҳида ўрин берилган.

Ижод қилиш доимий равишда тадқиқот билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, янги ғоя келиши, маълум ҳолатда, инсоннинг интуицияси, тажриба ва бошқа шакллар асосида бўлиши мумкин. Асосий мақсадимиз ҳам талабаларни тадқиқот ишларини олиб боришнинг янги услубларига ўргатишдан иборат. Шу сабабдан, мақоланинг дастлабки қисмида айтиб ўтганимиздек, талабаларга методология моҳиятини етказиш, яъни билиш услублари ва воқеликни ўзгартириш фанини ўзлаштирмасдан туриб, ижодий меҳнат билан шуғуллана олмаслигини англаб етишини таъминлашимиз керак. Буни талабаларга сингдиришимиз учун, биринчи навбатда, профессор-ўқитувчиларнинг барчаси ўзи ўтаётган фанларни ушбу ёндашувда амалга ошириши лозим.

Ҳозирги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳаётда татбиқ этилаётган ўқув-услубий мажмуаларнинг асосий мақсади ҳам шундан иборат. Аммо, минг афсус, қўйилган мақсад ва унга етишиш орасида ҳали катта фарқ бор. Нима сабабдан бундай бўлаётганининг маълум омилларини кўриб чиқамиз ва ўз нуқтаи назаримизни билдиришга ҳаракат қиламиз.

Ижодий методологик-тадқиқий тайёрлов тизимини тушуниш учун ижод жараёнини икки босқичга, тадқиқот ишларини икки турга бўлиб кўрсатишимизга тўғри келади

Ижод жараёнининг икки босқичи.

Биринчи босқич танқидий бўлиб, воқеликни билишни англатади. Унинг мазмуни қуйидагича:

1. Муаммонинг қўйилиши.
2. Тадқиқот предмети аниқланиши.

Иккинчи босқич-яратувчанлик, яъни воқеликни ўзгартиришдан иборат. Бу босқичнинг мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

1. Муаммонинг методологик ечимини топиш.
2. Муаммонинг услубий ечимини топиш.
3. Услубий (методик) тавсияларни амалиётга жорий этиш.

Демак, биринчи босқичда воқеликни билиш ва ундан келиб чиқадиган хулосалар қилинади, иккинчи босқичда воқелик ўзгартирилади ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади. Ушбу структура талабалар томо-

нидан курс ишлари ва лойиҳаларида, битирув-малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларида, кейинги тадқиқотларда, яъни докторлик ишларида қўлланилиши мумкин.

Иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш жараёнида уларни иқтисодий назария ва амалиётни билиш ҳамда ўзгартириш методологияси ва услубларига ўргатиш зарур.

Методология усул (метод)лар хақидаги фан бўлиб, уни ўзгартирган мутахассисларга иқтисодиётни бошқариш жараёнидаги саволларга объектив ва илмий жавоблар топишга ёрдам беради. Буни амалга оширишда турли услублар, принцип, талаблар, усул, ёндашув, фикрлаш қоидалари воситаларидан фойдаланилади.

Қўлланилиши нуқтаи назаридан услублар турли фанларда хар ҳил гурухларга тақсимланиши мумкин.

Умумий усуллар, мисол тариқасида, барча иқтисодий фанлар учун диалетик принциплар қабул қилиниши мумкин.

Гурух усуллари-маълум иқтисодий фанлар, масалан, маркетинг ва менежмент учун, бошқарув қарорларини қабул қилиш методларидан фойдаланиш.

Хусусий усуллар-алоҳида фанлар учун, масалан, социологик тадқиқот услубларидан фойдаланиш мумкин.

Ижод жараёнининг икки босқичидан сўнг тадқиқотни олиб бориш турларини кўриб чиқамиз.

Тадқиқот ишларини икки тури.

Тадқиқот ишлари янги билим ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, ижодий, ўзига хос, яратувчан меҳнатнинг натижаси деб қабул қилиш мумкин. Улар орасида иккита турга алоҳида урғу бериб ўтамиз:

-илмий тадқиқот ишлари (ИТИ).

-амалий тадқиқот ишлари (АТИ).

Биринчи тур фаолиятида тадқиқотчи янги илмий билим яратади. Масалан, янги баҳолаш кўрсаткичи, инқироздан чиқиш усуллари, омилларни янги гурухлаш тизими ва хоказо. Бундай холат асосан магистрлик ва докторлик диссертацияларининг ҳимояга чиқарилаётган янгиликларида намоён бўлади.

Амалий тадқиқот ишлари натижасида янги амалий билимлар ишлаб чиқилади. Бу борада кафедраларда амалга оширилаётган ИТИ ва АТИларида ёш ижодкор талабаларнинг жалб этилиши ҳамма томонлама самара беради, деган фикрдамиз. Бундан ташқари, талабалар ўқиш даврида, амалиёт ўташ муддатида илмий ёндашув аниқ вазифа тариқасида қўйилиши ва яқинда қабул қилинган "Васийлар кенгаши" ҳақидаги қонунда истеъмолчи корхоналарнинг кадр тайёрлаш борасидаги маъсулиятини янада ошириш керак.

Фикримизча, магистратура тизимида ўқилаётган фанлар сонини 4-5 тагача қисқартириш, аммо шу билан бирга "Иқтисодий фикрлаш методологияси", "Мутахассисларнинг ижодий меҳнат методлари", "Иқтисодий тадқиқот методлари" фанлари жорий этилганда бўлажак магистрларга ижодий меҳнат, мустақил иқтисодий тадқиқот ва таҳлил учун имконият яратилар эди. Ҳозирги кунда барча кафедралар ички имконият ва эхтиёжларидан келиб чиқиб, таълим стандартлари, шу асосда, ўқув режаларига фанлар киритилиши бозор талабларига мос келмайди.

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясини амалга оширувчиларга қўйган талаблари кўпчилик тад қиқотчиларга оғирлик қилаётгани аниқ, айниқса вақт омили бўйича (сифати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади). Шу сабабдан олий ўқув юртлари ва Фанлар академиясига қарашли илмий текширув институтларида стажёр-тадқиқотчи лавозимларини тиклаш керак. Шундай қилинса, ёшларнинг илм билан шуғулланиш имкониятлари ошишидан ташқари, кафедраларнинг штат бирликлари барқарорлиги ҳам таъминланар эди. Стажировка муддатида ёшлар етакчи профессорлар дарсларига қатнаш, уларнинг илмий мактаби моҳияти билан танишиш, танланган мавзу борасида тадқиқотни мақсадли олиб бориш имкониятига эга бўлар эди.

Ёшларни ижодга жалб қилиш борасида анъанага кирган фан олимпиадалари, ИТИ, корхоналардаги амалиётлар қаторида илмий-амалий конференцияларнинг самарадорлигини ошириш бўйича талаба ва магистрантлар томонидан ёзилган илмий мақолаларни уч тоифага бўлишимиз керак: ўқув-билиш, амалий тадқиқот ва илмий тадқиқот йўналишларига. Ҳар бир тур ўзининг қадри ва ҳусусиятига эга бўлиб, талабаларга компилятив (йиғма, таҳлилий) ва ижодий меҳнатни ажратишига ҳамда келажакда ўз фаолиятида қўллашга ёрдам берар эди.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Мирзиёев Ш.М. "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак". –Т.: Ўзбекистон, 2017 -46 бет.*

*2. Эмерсон Г. "12 принципов производительности". Biblio Fond.ru/view aspx.*

# ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БИЛАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎРТАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Арабов Нурали Уралович**

И.ф.н., доцент, Самарқанд давлат университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизими ривожланишининг стратегик йўналишларидан бири сифатида олий таълим муассасаларининг инновацион имкониятларини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес билан олий таълим тизими ўртасидаги инновацион ҳамкорликни кенгайтириш масалалари тадқиқ этилган.

***Таянч тушунчалар:*** олий таълим муассасалари, инновация, кичик бизнес, фан сиғими, таълим, инновацион жамғарма, фан-техника тараққиёти, университет, корхона, олий ўқув юрти битирувчиси.

***Аннотация.*** В данной статье исследованы вопросы развития инновационных возможностей высших образовательных учреждений и расширения инновационного сотрудничества между малым бизнесом и системой высшего образования как одним из стратегических направлений развития социально-экономической системы нашей страны.

***Ключевые слова:*** высшие образовательные учреждения, инновация, малый бизнес, наукоёмкий, образование, инновационный фонд, науко-технический прогресс, университет, предприятие, выпускник вуза.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, инновациялар ва фан сиғими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш асосида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабаб республикамизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим соҳасида жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган янги узлуксиз таълим тизимини яратиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини самарали ривожлантириш энг аввало инсон ресурсларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Республикамизнинг таълим соҳасида ўзига хос сиёсати мавжуд бўлиб, у асосан ўқув юртларини ҳамда уларда кадрларни тайёрлашни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан иборатдир.

Ҳар қандай мамлакатнинг ўрни ва рақобатбардошлиги нафақат миллий иқтисодиёнинг ривожланиш даражаси, балки жамият тараққиётининг ижтимоий ривожланиш ҳолатига ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда дунё мамлакатларида жамиятнинг ижтимоийлашуви жараёни юз бермоқда, бу эса, ўз навбатида, жамият аъзоларининг таълим жараёнига иштироки орқали амалга оширилади. Шу муносабат билан мамлакатимизда "таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш" [3] долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида стратегик ривожланишнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири сифатида таълим соҳасини ривожлантириш масаласини етакчи ўринга қўйгани билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги даврда мамалакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий диққат эътибори илмий-техника ва фан сиғими юқори бўлган тармоқларни ривожлантиришга қаратилмоқда. Шу сабабли, республикамиз таълим тизимида ёш авлодни тарбиялашда янгича ёндашувни ва янгича вазифаларни бажаришни талаб этмоқда. Ҳозирда олий таълим муассасаларининг асосий фаолияти ёшларга, илмий-техник, ижодий, инновацион, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қила оладиган олий касбий таълим беришга йўналтирилган.

Бугунги кунда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига инновацион технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Олий таъ-

лимнинг асосий вазифаларидан бири ҳар бир ёш мутахассиснинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиб қолиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва бизнес соҳаси талабларига жавоб берадиган малакавий ва ижтимоий кўникмалар олишидан иборатдир [1].

**1-жадвал**

**Самарқанд вилоятида кичик бизнеснинг ривожланиши**

| № | Кўрсаткичлар | Бирлик | 2000 й. | 2005 й. | 2010 й. | 2016 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Хўжалик юритувчи субъектлар | бирлик | 23201 | 26140 | 45629 | 51675 |
| | шу жумладан: кичик бизнес субъектлари сони | бирлик | 14477 | 11509 | 14247 | 15375 |
| 2. | Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони | бирлик | 9376 | 9666 | 10689 | 13840 |
| 3. | Ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони | бирлик | 1245 | 1332 | 2049 | 2043 |
| 4. | Кичик бизнес субъектларини тугатиш | бирлик | 614 | 2891 | 1616 | 1779 |
| 6. | Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши | % | 44,3 | 49,9 | 73,6 | 77,9 |
| 7. | Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳажми | млрд. сўм | - | 95,0 | 632,8 | 3130,9 |
| 8. | Кичик бизнеснинг умумий ҳажмдаги улуши | % | - | 24,8 | 37,8 | 55,4 |
| 9. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш | млрд. сўм | 129,0 | 638,8 | 2208,3 | 4918,9 |
| 10. | Кичик бизнеснинг умумий ҳажмдаги улуши | % | 79,5 | 87 | 98,1 | 98,4 |
| 11. | Асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнес ҳажми | млрд. сўм | - | 73,3 | 362,8 | 1297,1 |
| 12. | Кичик бизнеснинг умумий ҳажмдаги улуши | % | - | 36,0 | 41,3 | 48,2 |
| 13. | Чакана савдо айланмасида кичик бизнес ҳажми | млрд. сўм | - | 223,1 | 1068,4 | 5458,2 |
| 14. | Кичик бизнеснинг умумий ҳажмдаги улуши | % | - | 52,7 | 63,5 | 89,8 |
| 15. | Пуллик хизматларда кичик бизнес ҳажми | млрд. сўм | 11,4 | 76,6 | 416,6 | 1630,1 |
| 16. | Кичик бизнеснинг умумий ҳажмдаги улуши | % | 53,5 | 59,3 | 60,1 | 58,8 |
| 17. | Кичик бизнес субъектлари экспорти ҳажми | млн. долл | 47,4 | 34,4 | 66,6 | 272,5 |
| 18. | Кичик бизнеснинг умумий ҳажмдаги улуши | % | 35 | 23,3 | 61 | 82,2 |

*Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.*

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рағбатлантирилиши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи, стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Кичик бизнес бандликнинг кенгайишига ва аҳоли даромадларининг ўсиши учун шароит яратади, жамият қатламлари ўртасидаги бўлиши мумкин бўлган зиддиятларнинг бартараф этиб, қулай ижтимоий муҳитни шакллантиради.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 2000-

2016 йилларда – 47 фоизга, ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони – 64 фоизга, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши – 44,3 фоиз, 2016 йилда – 77,9 фоизга ошган. Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши 2000-2016 йилларда 75 фоизга ошган. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2016 йилда – 55,4 фоизни, асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнес улуши 2016 йилда – 48,2 фоизни ташкил этган. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари экспорти ҳажми кейинги 16 йил ичида 5,8 мартага ўсган (1-жадвал) [4].

Яна бир эътиборга лойиқ муҳим масала кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ёш, инновацион фикрловчи мутахассис-кадрлар билан таъминотидир. Кейинги йилларда битирувчилар ўртасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони ошиб бормоқда, биргина Самарқанд давлат университети битирувчилари ўртасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар улуши 2015 йилида 2014 йилга нисбатан 113 фоизга, 2016 йилда эса 125 фоизга ўсган. Бу ҳам битирувчилар ўртасида тадбиркорлик фаолиятига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолат бермоқда.

Айни пайтда олий ўқув юртлари битирувчилари ривожланиб бораётган бизнесда муваффақиятли иш бошлаш учун зарур кўникмаларга эга бўлмаяптилар. Бизнеснинг кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжи давлат таълим муассасаларининг бундай талабини қондириш қобилиятидан анча юқори ва тезкор бўлиб, қуйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда.

1) Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизими ривожланишининг стратегик йўналишларидан бири олий таълим муассасаларининг инновацион имкониятларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобланади. Бунинг натижасида фан сиғими, илмий-инновацион янгиликларга асосланган корхоналар ҳиссаси сезиларли ўсиб бормоқда. Оқибатида, инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқишга эхтиёж кучайиб бормоқда. Бу ҳол хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни ва уларнинг энг мақбулларини қўллаш зарурлигини келтириб чиқаради.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда олий таълим инновацион фонди шакллантирилган. Унинг таркибига илмий ва технологик ташкилотлар, университетлар, институтлар, савдо ташкилотлари, фирмалар (корхоналар) киради. Бу ҳамкор ташкилотнинг мақсади илмий, технологик ва бизнес соҳаларини ўзаро манфаатли ҳаракатини ташкил этишдан иборатдир.

Олий таълим инновацион фонди университетларга танлов асосида молиявий маблағларни тақдим этади. Оқибатда университетлар бизнес соҳасига технологияларни бериш, марказлашган маркетинг тадқиқотларини таъминлаш, корхоналарга илмий, амалий, хуқуқий маслаҳатлар бериш, мустақил фирмаларни ташкил этиш, талабаларни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш каби имкониятларга эга бўлади.

2) университет ва хусусий (ва бошқалар) корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш:

Бу ҳамкорлик икки йўналишда амалга оширилади:

• хусусий компаниялар тадқиқот буюртмачиси сифатида бўлиши;

• давлат томонидан молиялаштирилган илмий тадқиқотларга хусусий компания вакилларини жалб этиш.

Олий таълим ва бизнес соҳасини ўзаро фаолияти турларини тўрт категорияга бўлиш мумкин:

• тадқиқот фаолияти билан боғлиқ хизматлар;

• амалдаги билимлардан фойдаланиш (яъни илгари амалда бўлган тажрибаларни умумлаштириб консультациялар беришда қўллаш);

• кадрларни касбий ҳаракатчанлигини ошириш (яъни олий таълим муассасалари талаблари ва ходимларини ўзаро алмашиш, корхона ходимларини ўқув жараёнига жалб этиш);

• инновацион корпоратив ҳамкорликнинг янги йўналишларини ташкил этиш.

3) Ҳозирги вақтда бизнес соҳаси – олий таълим ва илмий марказларнинг ҳаққоний буюртмачиси бўлмоғи лозим. Буюртмачи ва бажарувчи ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама манфаатли бўлиши зарур. Масалан, буюртмачи томонидан тўланган тўлов ҳақи олий таълим муассасининг ўқув юртини ривожлантиришга йўналтирилади. Ҳамкорлик натижасида олинган материаллар ўқитишда амалий қўлланма сифатида фойдаланилади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш ва олий таълим муассаси ўртасида узвийлик кучаяди. Ҳамкорлик илмий изланишларида иштирок этган талабалар олий таълим муассасини битиргандан сўнг муқобил иш ўринларига эга бўладилар.

4) Шу билан бир қаторда олий таълим муассаси ва бизнес соҳасининг ўзаро ҳамкорлиги баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан: интеллектуал мулк реализацияси (сотиш) ҳуқуқи. Бунинг учун фикримизча, интеллектуал меҳнат маҳсулотларини алмашиш бўйича марказлар олий таълим муассаси ва бизнес соҳаси ўртасида воситачилик ролини бажаради. Уларни олий таълим муассаси таркибида ҳуқуқий шахс сифатида шакллантириш мумкин.

5) Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида ижобий чет эл тажрибасига таянган ҳолда васийлар ва кузатиш

кенгашларини ташкил этиш орқали таълим муассасаларини жамоатчилик томонидан бошқариш тизими жорий этилмоқда. Уларнинг таркиби, Низомга мувофиқ таъсисчи ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, тадбиркорлар доиралари, жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар ва ҳомийлар таркибидан шакллантирилиб, олий ўқув юртлари улар орқали ўз муаммоларини мустақил равишда ҳал қилишлари мумкин. “Васийлар Кенгаши” олий таълим муассасаси ва бизнес соҳаси ўртасида бевосита алоқаларни таъминловчи ташкилот сифатида намоён бўлиши лозим.

Айни пайтда кичик бизнес ва олий таълим тизими ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, ҳар бир ёш мутахассиснинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва бизнес соҳаси талабларига жавоб берадиган малакавий ва ижтимоий кўникмаларга эга мутахассис бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, республикамиз ҳудудларида турли йўналишлардаги ўқув юртларининг иш билан бандлик муаммолари кучаймоқда. Бундай ҳолат яқин 3-5 йил ичида ҳам сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Давлат иш билан бандлик хизмати органлари у ёки бу мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги талабни илмий асослаш мақсадида меҳнат бозори мониторингини ўтказиши зарур. Меҳнат бозори мониторинги ўтказилиши ўқув юртларини битирувчиларни ишсиз бўлиб қолишининг олдини олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш имкониятини юзага келтиради. Чунки ўқув юртларини битирувчилар эртага ишсиз бўлиб юрсалар, уларни ўқитиш учун кетган харажатларни молиялаштириш самарасиз бўлиб чиқади [2].

Шу билан бирга, олий ўқув юртларининг олий маълумотга эга битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи ҳам долзарбдир.

Бизнинг фикримизча, кўп функцияли тизим сифатида талабаларга уларнинг касбий шаклланиши ва меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олий ўқув юртлари қошида битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича жамғарма ташкил этилиши керак. Бу жамғарманинг битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича фаолияти ҳокимият органлари ва иш билан бандлик хизматлари билан мувофиқликда амалга оширилиши ҳамда давлат иш билан бандлик хизмати органлари амалдаги қонунчилик базаси асосида касбий-таълим хизматларини меҳнат бозорида тартибга солиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Бизнингча, бу тадбирлар қуйидагилардан иборат: касбий таркибнинг йиллик таҳлили, битирувчи ишсизлар сони ва уларни ишга жойлаштириш мониторингини ўтказиш; ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлари тузилмаси ҳақида маълумотлар банкини шакллантириш; битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида иш берувчилар билан алоқадорликни ташкил этиш; ҳудудий ҳокимият органлари билан ўқув юртлари раҳбарияти ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ўқув юртлари жамғармалари билан алоқаларини ташкил этиш; олий маълумотли мутахассисларга вилоят иқтисодиёт тармоқларидаги талабни истиқболлаштириш; олий ўқув юртларига қабул қилинаётган талабаларга меҳнат бозоридаги талабни ўрганиш; янги очилган мутахассисликларга хулоса бериш.

***Манба ва адабиётлар:***

1. *Насимов Д.А. Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) // Дисс. И.ф.н. -Т.: ЎзРФА Иқтисодиёт институти, 2011.*

2. *Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. -332 б.*

3. *“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.4-банд.*

4. *Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007-2016 йиллардаги статистик тўплам.*

# ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИ

**Насриддинов Фазлиддин Нажмиддинович**

ТДИУ, “Банк иши” кафедраси мудири, и.ф.н., доц.

**Рахмонов Дилшоджон Алиджонович**

ТДИУ, “Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н.

***Аннотация.*** Мазкур мақолада иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун олий таълим, жумладан илмий-тадқиқот ва ишланмалар натижаларини молиявий таъминлашда хусусий секторнинг манфаатдорлигини ошириш масалари тадқиқ этилган. Бу борада эса, илғор тажрибалар баҳоланган ва уларни миллий иқтисодиётимизга қўллаш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** олий таълим муассасалари, инновациялар, молиялаштириш, учлик спирали, Ҳукумат-хусусий сектор ҳамкорлиги.

***Аннотация.*** В этой статье были исследованы вопросы инновационного развития экономики, в том числе повышение интересов частного сектора в предоставлении результатов R&D с финансовыми средствами. Эта точка зрения, на основе передовых зарубежных опытом научно-исследовательских предложений, по оценкам для реализации в национальной экономике.

***Ключевые слова:*** высшее учебное заведение, инновации, финансирование, тройная спираль, Государственно-частное партнерство.

Мамлакатимизда инновацион жараёнларни жадаллаштириш бир неча омилларга чамбарчас боғлиқ. Хусусан, инновацияларнинг вужудга келиши моҳиятан таълим соҳасининг тараққиёти билан пропорционалдир. Шу боисдан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, етакчи тармоқларни модернизациялашда муҳим ўрин тутувчи инновацияларга бўлган талабни шакллантиришдан олдин, унинг вужудга келишига имкониятлар яратиш лозим.

Бу борада 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислоҳотларнинг тадрижийлигини таъминлаб бермоқда. Шу боисдан, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни тубдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этади. Унга кўра қабул қилинган давлат дастурининг 13-бандида «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шу боисдан, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигига асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатнинг қабул қилинишида илмий таклиф ва тавсиялар муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, таълим соҳасида изчил амалга ошириладиган ислоҳотлар натижасида инновацияларнинг ривожланиши юзага келади. Ўз навбатида эса, дастлаб илмий-тадқиқот марказлари, жумладан олий таълим муассасаларининг фаолиятларини такомиллаштириш заруриятини юзага келади. Бу борада таълим тизимини ривожлантиришда унинг таркибий бўғинларини такомиллаштиришнинг молиявий ва институтционал жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Ресурсларнинг чекланиб бораётган айни бир пайтда ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини илғор тажрибалар ҳисобидан ошириш зарурияти мавжуд бўлган ҳозирги шароитда инновацион жараёнларни шакллантириш долзарб, деб ўйлаймиз. Ушбу йўналишда устувор аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири албатта, таълимда инновацияларни ишлаб чиқишни молиявий қўллаб-

қувватлашни ривожлантиришдан иборат.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига таълим соҳасининг таъсири етакчи иқтисодчилар томонидан баҳолаб берилган, шунингдек замонавий иқтисодиёт шароитида олий таълим тизими инновацион ривожланиш муҳитида доимий функцияга эга бўлиши лозим[1] .

Бу эса, таълим соҳасида интеграцион жараёнларнинг янгича шаклини амалга оширишни тақозо этади. Ҳозирги замонавий шароитда ушбу тенденциялар давлат таълим муассасалари ва хусусий сектор субъектлари билан бўлган ҳамкорлик алоқалари асосида ривожланмоқда. Ҳалқаро амалиётда Public-Private Partnership – PPP (Ҳукумат-Хусусий сектор ҳамкорлиги – ҲХҲ) тажрибасининг кенгайиши бунинг яққол мисолидир.

Бундан кўзланган асосий мақсад таълимда молиявий интеграцион жараёнларни ривожлантириш ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишдан иборат. Бу эса ўз навбатида, интелектуал, илмий-техникавий салоҳиятни ошириш ҳисобидан иқтисодиётни модернизациялаш учун замин яратади.

ҲХҲни ташкил этиш бўйича жаҳон амалиётида икки механизмдан фойдаланилади. Улар: институтционал ва шартномавий (дастурий-лойиҳавий). Институтционал шаклда илмий тадқиқот ёки таълим муассасасида маълум ишлаб чиқариш субъекти томонидан молиялаштириладиган илмий фаолият олиб борувчи бўлими ёки кафедраси мавжуд бўлади. Шартномавий шаклда эса, илмий тадқиқот ёки таълим муассасаси билан тузилган шартнома асосида муддатли фаолият ташкил этилади.

Мазкур икки шаклни амалга ошириш учун қуйидаги механизмлардан фойдаланилади: ҲХҲни ташкил этишнинг шакл ва механизмлари таснифи[2] :

1. Институтционал: эндаумент фондлари, технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, ресурс марказлари, жамоавий фойдаланиш марказлари, қўшма таълим тузилмалари.
2. Шартномавий: стипендия дастурлари, грантлар, концессиялар, узоқ муддатли ижаралар, инвестициявий шартномалар, таълим ваучерлари, таълим кредитлари, студентларнинг стажировка қилишлари.

Ҳалқаро амалиётда ҲХҲларнинг 3 фоизи шартномавий шаклдан иборат бўлса, қолган 97 фоизи институтционал шаклдан фойдаланади[3] .

Таъкидлаш лозим, таълим ва илмий тадқиқот муассасаларини молиялаштиришда ҲХҲнинг икки шаклидан ҳам кенг фойдаланилади, ушбу тенденция эса, молиявий манбаларнинг улушини оширади. Шу боисдан, ижтимоий соҳанинг муҳим бўғини бўлган фан, таълим соҳаларида молиялаштиришнинг бундай инновацион шаклларидан фойдаланишнинг зарурияти туғилади.

Бугунги кунда олий таълим тизимида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин[4] :

- олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ва маиший инфратузилмани яхшилаш, қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш;
- таълим хизматлари кўрсатиш, талабаларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва таълимдан кейинги иш билан бандлигини таъминлаш;
- олий таълим муассасалари фаолиятига оид ёки қўшимча хизматлар кўрсатиш (хусусан, савдо, овқатланиш,ноширлик, техник ва компьютер хизматлар шулар жумласидандир);
- олий таълим муассасасида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини амалга ошириш, ихтиролар, кашфиётлар ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш;
- олий таълим муассасалари фаолиятининг турли соҳаларига ҳомийлик ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, техник кўмакни амалга ошириш;
- алоҳида муҳофазага муҳтож талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтидорли талабаларни маънавий ва моддий рағбатлантириш ва бошқалар.

Қайд этиш лозим, мамлакатимизда ҲХҲнинг ривожланиши моҳиятан шартномавий шаклда бўлаётганлигини кўриш мумкин. Шу боисдан, институтционал шаклдаги ҳамкорлик шаклларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Қайд этиш лозим, кейинги йилларда ижтимоий соҳа харажатларида таълимни молиялаштириш юқори бироз номутаносиблик билан амалга оширилаётганлигини кўриш мумкин (1-расмга қаранг).

Шу боисдан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек таълим тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришда илғор тажрибаларни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, инновацион ривожланаётган етакчи мамлакатларнинг қарийб 50 фоиздан ортиғи Европа Иттифоқи давлатлари ҳисобланади. Европа Иттифоқини инновацион ривожлантиришни ўзида акс эттирган “Европа-2020” стратегияси Европа Иттифоқи мамлакатларида ИТИ (илмийтадқиқот ва ишланма)ларга харажатларни ЯИМга нисбатан 3 фоиздан оширишни назарда тутади (Швеция, Финляндия ва Дания давлатларида мезондан ортиқ) (1-жадвалга қаранг).




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллифларнинг ҳисоб-китоблари*

***1-расм. Таълим харажатларининг ижтимоий харажатлардаги улушининг регрессион таҳлили***

**1-жадвал**

**2008-2010 йилларда инновацион ривожланиш даражаси кўрсаткичлари**

| Мамлакатлар | ИТИга харажатлар, ЯИМда % | Илмий тадқиқот марказларининг илмий даражаси[1] | Мутахасисларни тайёрланиш даражаси[1] | Университет ва ишлаб чиқаришнинг алоқа кўлами[1] | Инновация рақобатбардошликнинг муҳим омили сифатида[1] |
|---|---|---|---|---|---|
| Швейцария | 2,99 | 6,3 | 5,8 | 5,8 | 5,8 |
| Швеция | 3,43 | 6,0 | 5,8 | 5,5 | 5,8 |
| Япония | 3,36 | 5,5 | 5,3 | 5,1 | 5,7 |
| Финляндия | 3,87 | 5,2 | 6,1 | 5,6 | 5,6 |
| Германия | 2,82 | 5,6 | 5,7 | 5,2 | 5,5 |
| АҚШ | 2,90 | 5,8 | 5,6 | 5,7 | 5,5 |
| Дания | 3,06 | 5,4 | 5,7 | 5,2 | 5,3 |
| Нидерландия | 1,83 | 5,7 | 5,7 | 5,3 | 5,3 |
| Б.Британия | 1,77 | 6,1 | 5,5 | 5,8 | 5,2 |
| Канада | 1,80 | 5,6 | 5,6 | 5,2 | 5,0 |
| Франция | 2,26 | 5,3 | 5,2 | 4,2 | 4,9 |
| Ж.Корея | 3,74 | 4,8 | 5,4 | 4,7 | 4,9 |
| Италия | 1,26 | 3,9 | 4,7 | 3,5 | 4,2 |
| Хитой | 1,70 | 4,3 | 4,3 | 4,5 | 4,1 |
| Испания | 1,37 | 4,3 | 4,9 | 4,1 | 4,0 |
| Бразилия | 1,02[2] | 4,1 | 4,3 | 4,2 | 4,0 |
| Хиндистон | 0,71[2] | 4,5 | 3,9 | 3,8 | 3,9 |
| Россия | 1,16 | 3,8 | 4,5 | 3,5 | 3,2 |

*[1] – етти баллик шкалада, [2] – 2007 йил маълумотлари.*

*Манба: Иванов Н. Социальные контекст инновационного развития// Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2013. - №5. – С. 17-30.*

ИТИларнинг ривожланиши, уларнинг сифат ва сон жиҳатдан ошиши, молиявий имкониятларнинг кенгайиши мамлакатларнинг илмий-техник соҳада етакчилик қилишига ва инновацион тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Жумладан, халқаро экспертлар томонидан мазкур соҳа фаолиятининг кўрсаткичлари орқали мамлакатлар инновацион ривожланишини баҳоланганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвалга қаранг).

Фикримизча, таълимга ажратилган харажатлар ҳажмида илмий тадқиқотлар ва ишланмалар учун йўналтирилаётган маблағлар ҳам бошқа мамлакатларга нисбатан бир мунча юқори бўлмоқда. Шу билан бирга, амалга оширилган харажатларнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан ҳам Европа Иттифоқи давлатлари умумий рейтингда олдинги ўринларда бормоқда (1-жадвалга қаранг).

Шу ўринда таъкидлаш лозим, ИТИларнинг ривожланиши ва унинг асосида инновацион тараққиётнинг таъминланиши мамлакатлар учун муҳимдир. Бу эса ўз навбатида, фикримизча, ҳамкорликнинг турли омилларини инобатга олинишини талаб этади. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: ўзаро ишонч, ҳамкорлик муносабатлари, умумий ахборот майдонидан фойдаланиш, умумий илмий-техник марказлар, маркетинг тузилмалари ва молиялаштириш манбалари кабилардир.

Қайд этиш лозим, Европа Иттифоқи мамлакатларида ЯИМга нисбатан таълим соҳасига йўналтираётган маблағларининг ҳажми Дания, Буюк Британия, Швеция, Франция ва Нидерландия каби давлатларда юқорироқ улушни ташкил этади. Умуман олганда, мазкур мамлакатлар таълим соҳаси учун йўналтирилаётган маблағларнинг ҳажми ва уларда хусусий секторнинг улуши жиҳатидан сезиларли мавқега эга бўлмоқда. Бу эса, таълим тизимида яратилаётган инновацион ишланмалар ва ишлаб чиқариш тармоғи интеграциясининг кўламини белгилаб турибди (2-жадвалга қаранг).

**2-жадвал**

**2009-2010 йилларда ИТИларнинг молиялаштирилиши, фоизда**

| Мамлакатлар | Давлат улуши | Хусусий сектор ва нодавлат ташкилотлари улуши | Жами |
|---|---|---|---|
| АҚШ | 31,3 | 68,7 | 100 |
| Буюк Британия | 32,1 | 67,9 | 100 |
| Германия | 29,7 | 70,3 | 100 |
| Япония | 17,7 | 82,3 | 100 |
| Франция | 39,7 | 60,3 | 100 |
| Ж.Корея | 26,7 | 73,3 | 100 |
| Дания | 27,7 | 72,3 | 100 |
| Финляндия | 25,7 | 74,3 | 100 |
| Швеция | 27,5 | 72,5 | 100 |
| Норвегия | 46,8 | 53,2 | 100 |
| Нидерландия | 40,9 | 59,1 | 100 |
| Хитой | 23,4 | 76,6 | 100 |
| Россия | 70,3 | 29,7 | 100 |

*Манба: OECD. Main Science and Technology Indicators. P.37.*

Дарҳақиқат, ушбу фаолиятдан кўзланган асосий мақсад фан ва таълим соҳаси билан ишлаб чиқариш тармоғи ўртасида самарали интеграцияни йўлга қўйишдир. Бу эса ўз ўрнида, соҳа учун янги молиявий манбаларнинг шаклланишига имконият яратади.

ҲХҲлар тўғрисида фикр юритганда, албатта "Учлик спирали" борасида тўхталиш зарур. Ушбу метод дастлаб Ньюкасл университети профессори Г.Инковиц ва амстердам университети профессори Лойетом Лейдесдорфлар томонидан илгари сурилган "Учлик спирали. Университет – саноат – давлат бошқаруви" инновацион фаолият тўғрисидаги фикрлари ўзида мужассамлаштиради[5] . Ғоя XXI аср бошида Англия ва Нидерландияда вужудга келган. Ушбу методологиянинг моҳияти олий таълим муассасаларида технопарк (техномарказ)ларни ташкил этишдан иборат. Мазкур учбурчак орқали таълим соҳасининг молиявий базасини такомиллаштириш имкониятлари кен-

гаяди.

Г.Исковиц саноат ва университет ҳамкорлигининг қуйидаги бешта асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

- илмий кашфиётнинг капитализациялашуви;
- бизнес тузилма ва давлат билан узвий алоқадорликнинг мавжудлиги;
- ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишдаги мустақиллик;
- ташкилий тузилманинг йириклашуви;
- интроспективлик – университет билан бизнес тузилма ва давлатнинг ўзаро алоқаларининг узлуксиз янгиланиб турилиши.

"Учлик спирали"ининг ривожланишида молиявий базанинг шаклланиши илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга молиявий ресурсларнинг узлуксиз йўналтирилишига боғлиқ. Натижада эса, университетларда илмий технопарклар вужудга келишига замин яратилади. Бундай технопарклар асосан Европанинг Кембриж, Оксфорд ва Сорбонна каби университетларида кенг ривожланган. Масалан, Волво-Чалмер университетининг илмий технопарки (Volvo-Chalmers University Science Park) бунга мисол бўлади .

Фикримизча, "Учлик спирали" ривожланишида эса ҳуқуқий меъёрларнинг шаклланганлиги асосий рол ўйнайди. Хусусан, хусусий сектор субъектлари ўз маблағларини ИТИларга йўналтиришлари учун қонунчилик асосида кафолатланган муҳит зарур бўлади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1.Калашникова О.В. источники финансирования высшего образования в условиях развития инновационной экономики//Финансы и кредит. – Москва, 2009. - №47(383). – С. 73-80.*

*2. Шевчук Е.В. Государственно-частное партнерство как институт модернизации сферы образовательных услуг: международный и отечественный опыт: автореф. ... к.э.н. - Ростов-на-Дону: ЮФУ, 2011. – 19 с.*

*3. Ш.А.Расулов. Олий таълимда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Тошкент, 2015. - №2. –www.iqtisodiyot.uz*

*4. Etzkowitz H. Triple Helix. University-Industry-Government. Innovation in Action. N.Y., 2008.*

*5. Иванов Н. Социальные контекст инновационного развития// Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2013. - №5. – С. 17-30.*

*6. Джабборова Н.А. Ўзбекистонда Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар журнали, www.iqtisodiyot.uz [электрон манба]. 2012. – №4*

*7. Лапина Н. Новый этап в формировании инновационной экономики// Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2012. - №1. – С. 61-71.*

*8. European Innovation Scoreboard (EIS) 2009. European Union, 2010. – 76 p.*

*9. Education at a Glance 2014 OECD Indicators*

*10. OECD. Main Science and Technology Indicators. P.37.*

*11. Human Development Report 2011. P. 162-165.*

*12. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасисайти.*

*13. www.mf.uz ва Молия вазирлиги сайти.*

*14. http://sibac.info/index.php- Илмий-амалий конференцияларни масофавий тарзда ўтказувчи илмий тадқиқот маркази сайти.*

# ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Шарифходжаев Усман Улфатович**

Государственная инспекция по надзору за качеством образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан, заместитель начальника

***Аннотация.*** Мақолада мамлакатимизда таълимнинг сифатини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ҳикоя қилинган. Муаллиф янги инспекциянинг дастлабки саъй-ҳаракатлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган.

***Таянч тушунчалар:*** таълимнинг сифатини назорат қилиш, таълим ҳужжатларини легаллаштириш, нострификация, лицензиялаш, аттестация ва аккредитация.

***Аннотация.*** В статье рассказывается о последних тенденциях и проводимых реформах по обеспечению качества образования в стране. Автор предоставляет своё видение на ближайшие шаги новой инспекции.

***Ключевые слова:*** контроль качества образования, легализация образовательных документов, нострификация, лицензирование, аттестация и аккредитация.

Даже самой развитой системе образования, необходимо совершенствоваться, что уж говорить про систему образования развивающегося государства, каким является Узбекистан. За последний год в нашей стране наблюдаются полномасштабные им всесторонние реформы, которые как полагается не обошли систему непрерывного образования. За последний год принято более 100 нормативно-правовых документов, целью которых является поднятие системы образования на качественно новый уровень развития. При этом в разрезе реформ особое внимание уделяется качеству образования.

Осуществляемая в Республике Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы требует подготовки для всех отраслей и сфер экономики Узбекистана высококвалифицированных, конкурентоспособных кадров.

При этом важным вопросом системы непрерывного образования является обеспечение и оценка качественного образования. В целях осуществления обеспечения его качества и эффективного государственного контроля Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» создана Государственная инспекция по надзору за качеством образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Кабинетом Министров Республики Узбекистан за №515 от 18 июля 2017 года принято Постановление «Об организации деятельности Государственной инспекции по надзору за качеством образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан»

Государственная инспекция является специальным уполномоченным органом государственного управления, реализующим государственную политику в области контроля за качеством образовательно-воспитательного процесса, профессорско-преподавательского состава, подготовки и повышения квалификации кадров в системе образования, проводящим аттестацию и государственную аккредитацию образовательных учреждений независимо от их ведомственной подчиненности и организационно-правовой формы. Исходя из этого, Государственная инспекция выполняет следующие функции:

1) в сфере реализации государственной политики в области контроля за качеством образовательно-воспитательного процесса, профессорско-преподавательского состава, подготовки и повышения квалификации кадров в системе образования:

проведение систематического анализа соответствия знаний учащихся, студентов и слушателей государственным образовательным стандартам и государственным требованиям Республики Узбекистан:

разработка нормативно-правовых документов по присвоению педагогическим кадрам должностей и квалификационных категорий;

составление и утверждение соответству-

ющих документов и таблиц по организации процесса присвоения квалификационных категорий педагогическим кадрам;

координация и контроль деятельности органов управления системой образования и местных хокимиятов по присвоению должностей и квалификационных категорий педагогическим кадрам;

формирование базы данных по периодичности присвоения должностей и квалификационных категорий педагогическим кадрам;

эффективная организация присвоения должностей и квалификационных категорий педагогическим кадрам;

выдача сертификатов, установленного образца по квалификационным категориям и должностям педагогическим кадрам;

систематическое объявление на официальном веб-сайте Государственной инспекции данных о результатах тестовых испытаний педагогических кадров и выдача сертификатов по присвоению должностей и квалификационных категорий;

в сфере контроля качества подготовки кадров — разработка предложений по совершенствованию квалификационных требований специалистов на основании предложений работодателей о качестве подготовки кадров в образовательных учреждениях;

проведение в установленном порядке экспертизы государственных образовательных стандартов, квалификационных и государственных требований, а также разработанных на их основе учебных планов по всем видам образования;

подготовка экспертных заключений о реализации образовательных программ, материально-технической базы, учебно-лабораторного оборудования и других технических средств, представленных для выдачи лицензий (разрешений) зарубежным образовательным учреждениям для ведения образовательной деятельности в регионах республики;

организация и реализация мониторинга качества учебно-воспитательного процесса и подготовки кадров;

обеспечение контроля и анализа результатов проведения предметных олимпиад, соревнований и смотр-конкурсов, организованных в системе непрерывного образования, на предмет объективности и справедливости;

расширение и укрепление международного сотрудничества в сфере оценки качества образования.

2) в сфере проведения аттестации и государственной аккредитации образовательных учреждений независимо от их ведомственной подчиненности и форм собственности:

разработка совместно с Министерством высшего и среднего специального образования, Центром среднего специального профессионального образования, Министерством народного образования, а также Министерством дошкольного образования критериев контроля качества и оценки деятельности образовательных учреждений;

реализация комплекса мероприятий по разработке, обеспечению конфиденциальности контрольных материалов, используемых для контроля качества образования и процесса аттестации;

совершенствование и разработка механизма отбора экспертов по итогам выбора, обучения и результатов обучения, привлекаемых к аттестации образовательных учреждений;

разработка и утверждение графика проведения аттестации образовательных учреждений;

обеспечение координации и контроля процесса проведения аттестации и государственной аккредитации образовательных учреждений;

установление контроля за мониторингом качества образования и своевременным контролем недостатков, выявленных в процессе аттестации;

проведение государственной аккредитации образовательных учреждений по результатам аттестации;

ведение реестра аккредитованных образовательных учреждений;

подготовка экспертных заключений, отчетов, аналитических материалов по вопросам проведения и итогам аттестации образовательных учреждений;

подготовка соответствующих заключений по организации (реорганизации, ликвидации) образовательных учреждений независимо от их ведомственной подчиненности и форм собственности, а также по пересмотру их статуса.

3) в сфере анализа соответствия знаний учащихся, студентов и слушателей государственным образовательным стандартам и государственным требованиям Республики Узбекистан, определения рейтинга образовательных учреждений:

разработка контрольных материалов, применяемых для определения знаний учащихся, студентов и слушателей;

проведение контрольных работ, анализ их результатов, определение факторов, влияющих на качество образования, осуществление мониторинга уровня и качества подготовки выпускников по общеобразовательным и специальным предметам;

организация интеллектуальных смотр-конкурсов, соревнований по определению уровня выполнения требований государственных образовательных стандартов, го-

сударственных и квалификационных требований, направленных на улучшение качества образования учащихся, студентов и слушателей;

разработка нормативных документов и методических рекомендаций по контролю и проведению мониторинга качества образования и подготовки кадров;

осуществление мониторинга качества образования и подготовки кадров на основе современных информационно-коммуникационных технологий;

в целях изучения созданных условий для учащихся, студентов и слушателей, их качественной подготовки и обучения в образовательных учреждениях проведение социальных опросов;

подготовка аналитических данных по результатам оценки качества образования;

по итогам оценки качества образования определение рейтинга образовательных учреждений.

Анализ показывает, что на сегодняшний день система оценки деятельности учебных заведений, начиная от дошкольных и заканчивая высших образовательных учреждений, нуждается в пересмотре. Так, существующие критерии оценки деятельности учебных заведений, были разработаны более 10 лет назад. Тогда как, за следующее 10-тилетия социально-экономическое развитие, как в Узбекистане, так и во всём мире, достигло совершенно нового уровня, соответственно и учебным заведениям необходимо подстраивается под новые тенденции.

На сегодняшний день необходимо провести следующие полномасштабные реформы оценки качества системы образования:

Во-первых, необходимо пересмотреть и усовершенствовать систему аттестации и аккредитации учебных заведений, и связать данный процесс с ежегодным рейтингом учебных заведений. Так как оценивать учебные заведения необходимо в динамике, а не в статике.

Во-вторых, учитывая развития системы информационно-коммуникационных технологий, необходимо оцифровать процесс оценки системы образования;

В-третьих, пересмотреть процесс лицензирования частных образовательных учреждений, сделать процесс максимально прозрачным и без лишних бюрократических процессов;

В четверых, учитывая большое количество наших граждан, обучившихся заграницей, упростить процесс легализации и нострификации.

Своевременная и качественная реформа вышеперечисленных направлений позволит обеспечить качественное образования на всех этапах непрерывного образования, и будет способствовать экономическому росту нашей страны.

***Источники и литература:***


*1. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования»;*

*2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №515 от 18 июля 2017 года «Об организации деятельности Государственной инспекции по надзору за качеством образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан»;*

*3. Указ Президента Республики Узбекистан №ПП-5185 от 8 сентября 2017 года «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан».*

# ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДИСТАНЦИОННЫХ УЧЕБНЫХ КУРСОВ

**Хашимова Дилёра Пахритдиновна**

Старший преподаватель кафедры «Информационные технологии в экономике»
Ташкентского государственного экономического университета

***Аннотация.*** Ушбу мақолада талабаларнинг ўқитиш жараёнини ташкил этишда масофавий ўқув курслардан фойдаланиш саволлари кўриб чиқилган. Олий ўқув юрти масофавий ўқув курснинг намунавий тузилиши таклиф этилган. Масофавий ўқув курсларни ишлаб чиқишга мўлжалланган мавжуд дастурий воситаларнинг, хусусан ўқитишни бошқариш тизимларининг қиёсий таҳлили берилган. Ўқув курсни ишлаб чиқиш учун очиқ дастлабки кодда тарқатиладиган ўқитишнинг эркин платформаси LMS Moodleнинг танланиши асосланган.

***Таянч тушунчалар:*** масофавий ўқитиш; масофавий ўқув курси; муаллифлик дастурлар, ўқитишни боқариш тизимлари; контентни бошқариш тизимлари; ўқув контентни бошқариш тизимлари; ўқитишнинг эркин платформаси; очиқ дастлабки кодга эга тизим.

***Аннотация.*** В данной статье рассмотрены вопросы использования дистанционных учебных курсов в процессе организации обучения студентов. Предложена типовая структура дистанционного учебного курса высшего учебного заведения. Сделан сопоставительный анализ существующих программных средств для разработки дистанционных учебных курсов, в частности систем управления обучением. Для разработки учебного курса обоснован выбор свободной платформы обучением LMS Moodle, которая распространяется в открытом исходном коде.

***Ключевые слова:*** дистанционное обучение; дистанционный учебный курс;авторские программы; системы управления обучением; системы управления содержимым; системы управления учебным контентом; свободная платформа обучения; система с открытым исходным кодов.

Современные условия информационного общества, развитие телекоммуникаций требуют иных подходов, методов и технологий в сфере образования. В настоящее время для активизации деятельности студентов применяются различные методы обучения и современные образовательные технологии, базирующиеся на использовании компьютерной техники. Освоение информационных технологий в образовательных целях предполагает переход к их использованию в сетевом варианте, включая системы и средства мультимедиа, развитие электронного обучения и дистанционного образования. Появление и развитие новых технических средств обмена информацией между участниками образовательного процесса создало условия для получения образования без отрыва от основного занятия обучающегося и перемены места жительства. С их распространением идет достаточно интенсивное внедрение новой формы обучения в учебных заведениях.

Вопросам использования передовых информационно-коммуникационных технологий в сфере образования уделяется огромное значение как в Узбекистане, так и в мире в целом. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в своем докладе, посвященный итогам 2016 года и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год, отметил: «На предыдущих встречах был дан критический анализ состояния дел в сфере образования и науки, реализации государственной молодежной политики, внедрения современных методов обучения, в том числе информационно-коммуникационных технологий» [2] и тем не менее «Внедрение современных учебных планов и методик находится не на должном уровне» [2].

В указе Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мизиёева «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 года» в четвертом приоритетном направлении развития социальной сферы отмечается, что необходимо «повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедре-

ния международных стандартов обучения». [1.с.70]

Системы дистанционного обучения используются повсеместно и являются неотъемлемой частью образовательного процесса в лучших высших учебных заведениях мира. Безусловно, для поддержания статуса образовательного учреждения и повышения качества образования требуется взять на вооружение данные технологии.

В дистанционном обучении (ДО), в силу специфики обучающихся и их иной мотивационной системы, главным критерием оценки усвоения курса является не способность студента воспроизвести лекционный текст (или текст учебника). В ДО главное – показать, как полученные знания могут быть реализованы на практике.

Поэтому курсы разрабатываются таким образом, чтобы студент не столько запомнил и воспроизвел информацию, сколько связал ее с реальными жизненными и/или профессиональными ситуациями. В ДО упор делается на комбинацию видов учебной деятельности прикладного характера, побуждающих студента не учить тексты, а творчески и активно осваивать информацию. В самом общем виде изучение дистанционного курса представляет собой интенсивную и регулярную комбинированную работу над предлагаемыми текстами, решение задач, выполнение письменных работ, участие в дискуссиях, а также прохождение серии контрольных мероприятий.

В учебном процессе по традиционным формам объемы и структура курсов определены рабочими учебными и тематическими планами и учебными программами. В них приведено относительно подробное описание материала (в программе), отражена структура и логика изучения курса. Обычно дается также распределение учебного времени по формам занятий (лекции, семинары и т.д.).

В дистанционном же обучении, естественно, традиционная методико-технологическая структура курса приобретает иной вид. В ДО основной содержательно-организационной единицей становится тема. Если в традиционных формах организации обучения тема – это часть содержания, то в ДО это и фрагмент содержания курса, и аналог занятия. Причем это занятие, объединяющее несколько разнородных видов учебной деятельности. По этой причине учебным планом ДО регламентируется не количество аудиторных часов, а количество тем.

Фактически дистанционный учебный курс – это разработанная с определенной степенью подробности пошаговая инструкция по освоению курса, т.е. по достижению целей, сформулированных в его описании. Сам процесс разработки курса четко делится на 2 части: разработка методического наполнения и дизайн курса.

Итак, дистанционный курс представляет собой особым образом сконструированный веб-сайт (рис. 1), состоящий из ряда страниц-разделов.

Начальная страница (home page). Здесь представлена общая информация о процессе обучения. С этой же страницы осуществляются переходы в другие части курса и, в частности, на страницу поддержки. Это страница, содержащая консультации по типичным проблемам технического и технологического характера (не связанных с содержанием курса).

Методический блок. Фактически это самая большая часть курса – как раз то самое методическое наполнение, которому мы и уделим далее особое внимание. Этот блок включает в себя три базисных компонента-страницы: «Введение в курс», «Технология» и «Тематика», а также три производных страницы, выход на которые осуществляется из соответствующих тем: «Контрольный блок», «Семинары» (или – дискуссионная страница), «Работы» и «Библиотека».

Во «Введение в курс» представляются: аннотация, цели курса и требования к уровню и степени его усвоения, межпредметные связи. В аннотации в 2–3 абзацах описывается сущность курса и его место в системе подготовки.

Тематика. Этот раздел дистанционного курса – самый большой в методическом блоке. Он представляет собой гипертекстовый тематический план, т.е. перечень названий разделов, модулей, тем с выходами собственно на тексты.

Библиотечка модуля. Все названия в этом перечне – гиперссылки, т.е. нажав курсором на название темы, библиотечку или контрольный блок, студент попадет соответственно в текст темы, базовому источнику или к вопросам (заданиям).

В структуру курса входят три производные страницы, выход на которые осуществляется через тематику. Такое построение объясняется спецификой электронных текстов, на которых строится дистанционное обучение – благодаря гипертексту мы можем соответствующие фрагменты курса собрать в одном месте и перескакивать на них из нужного места. На схеме курса они расположены под темами.

Технология. В начале этой части обычно следует вводная фраза, которая в общем виде характеризует технологию работы студента над данным курсом. Затем дается перечень видов учебной деятельности, которую предстоит осуществлять студенту при работе над курсом. После перечисления видов учебной деятельности следует общая организационная информация: о рейтинге, сроках и т.д. После этого, если это необходимо, следуют краткие пояснения особенностей работы по




*Рис. 1. Структура дистанционного курса*

каждому виду учебной деятельности.

Структура рейтинга. Здесь сначала буквально в одном абзаце говорится о рейтинговой системе оценки и о том, почему в дистанционном обучении она более целесообразна. Затем дается табличка, показывающая структуру рейтинга и соотношение рейтинговых и обычных оценок.

График прохождения курса – это рекомендованный методистами и тьюторами индивидуальный план работы студента, в котором указанные выше виды учебной деятельности накладываются на календарь семестра. В графике указываются недели изучения курса и те контрольные мероприятия, которые ожидают студента на той или иной неделе, а также контрольные сроки сдачи (присылки) письменных работ и ответов на дискуссионные и кейсовые задания.

Работе с библиотекой курса в ДО уделяется гораздо больше внимания, чем в традиционных формах организации обучения. Прежде всего, в связи с тем, что здесь почти нет прямого визуального контакта с препо-

давателем и работа с дополнительными ресурсами отчасти компенсирует этот недостаток ДО.

Участие в контрольных мероприятиях. В ДО студенту предстоит пройти через три вида контроля: текущий, рубежный и итоговый. В этом блоке дистанционного курса должна быть представлена подробная характеристика каждого из этих видов контроля. Ряд из указанных параметров задается методической службой ДО. Это количество контрольных рубежей (точек), примерный график их проведения, максимальный и проходной рейтинги. Способ контакта с преподавателем, метод контроля, а также критерии и параметры оценки определяются самим преподавателем по согласованию с методистами и тьюторами ДО.

Участие в дискуссиях. Анализ конкретных ситуаций (кейсов). Здесь студенту говорится о том, что такое дискуссия, когда они будут проводиться, как будут доставляться, как оцениваться. Здесь также возможно представление тем дискуссий, хотя чаще их представляют через тематику самого курса (т.е. на отдельной страничке, выход на которую осуществляется через страницу «Тематика»). В ряде курсов вместо дискуссионных заданий (или наряду с ними) может быть представлена конкретная ситуация (кейс) и инструкция по ее анализу.

Письменные работы. По каждому курсу выполняется минимум одна письменная работа. Ее жанр – задача, задание, эссе, реферат, курсовая работа – зависит от категории и характера содержания курса и задается учебным планом ДО. В этой части инструкции, так же как и других частях технологического блока, должно быть указание на жанр работы, время ее сдачи, способ пересылки, рейтинг. Подробная же тематика, методика выполнения, критерии оценки – на отдельной странице «Работы».

Группа. Здесь представляется список студентов, изучающих в текущем семестре данный курс. Чаще всего здесь дается объективная информация и элементы самопрезентации. Это не факультетская база данных, а, скорее, групповой журнал.

Виртуальное кафе (чат или офф-лайновая телеконференция). Место, где студенты могут «поболтать» на темы, не связанные с содержанием курса.

Групповые проекты. Разновидность дискуссионной страницы, предназначенная для общения студентов, выполняющих групповой проект.

После разработки структуры курса необходимо осуществить выбор программной платформы её реализации. Во всем многообразии средств организации дистанционного обучения можно выделить следующие группы:

- авторские программы (Authoring Packages) - представляют собой чаще всего некоторые локальные разработки, направленные на изучение отдельных предметов или разделов дисциплин. Преподаватель здесь разрабатывает и создает учебные материалы. Как правило, подобные продукты разработаны для создания уроков с немедленной обратной связью с обучаемым, а не для хранения информации об учебном процессе за длительное время. Такие разработки, с одной стороны, являются незаменимым средством для активизации учебного материала во время аудиторных занятий, самостоятельной работы студентов; с другой стороны, отсутствие обратной связи студентов и преподавателя сильно снижает эффективность их использования;

- системы управления обучением (Learning Management Systems - LMS) - предназначены для контроля большого числа обучаемых. Некоторые из них ориентированы на использование в учебных заведениях, другие - на корпоративное обучение. Их общей особенностью является то, что они позволяют следить за обучением пользователей, хранить их характеристики, подчитывать количество заходов на определенные разделы сайта, а также определять время, потраченное обучаемым на прохождение определенной части курса. Эти системы позволяют пользователям регистрироваться для прохождения курса. Зарегистрированным пользователям автоматически высылаются различного рода информация о текущих событиях и необходимой отчетности. Обучаемые могут быть организованы в группы. Кроме того, здесь присутствует возможность проверки знаний и онлайн общения;

- системы управления содержимым (контентом) (Content Management Systems - CMS) - предоставляет возможности размещения электронных учебных материалов в различных форматах и совместного процесса создания, редактирования и управления содержимым. Обычно такая система включает в себя интерфейс с базой данных с возможностью поиска по ключевым словам. Системы управления контентом особенно эффективны в тех случаях, когда над созданием курсов работает большое число преподавателей, которым необходимо использовать одни и те же фрагменты учебных материалах в различных курсах;

- системы управления учебным контентом (Learning Content Management Systems - LCMS) - сочетают в себе возможности двух предыдущих систем управления и становятся в настоящее время перспективными в плане организации дистанционного обучения. Сочетание управления большим потоком обучаемым, возможностей быстрой разработки курсов и наличие дополнительных модулей позволяет системам управления обучением и учебным контентом решать за-

дачи организации обучения в крупных образовательных структурах [3. С.57].

В качестве средства разработки дистанционного учебного курса нами рекомендуется использование системы управления обучением, так как она характеризуется высоким уровнем интерактивности и позволяет участвовать в процессе обучения людям, находящимся в разных странах и имеющим выход в интернет. С их помощью процесс обучения можно осуществлять в режиме реального времени.

Существует ряд систем LMS, осуществляющие обучение посредством сети Интернет. Рассмотрим основные программные платформы для организации дистанционного обучения:

1) ILIAS - позволяющая создавать методические и учебные материалы для дистанционного обучения, а также организовывать связи и выстраивать взаимодействие между учителями и учащимися, осуществлять тестирование и оценку знаний последних. ILIAS поддерживает русский язык. К сожалению, данная система не отличается быстротой вхождения, то есть система еще не столь интуитивно понятна. Она обладает красивым интерфейсом, поддерживает большое количество возможностей, но разобраться в ней сходу не так-то просто как учащемуся, так и преподавателю. Пользователю для работы необходимо учиться работать с ней, либо дорабатывать ее (адаптировать и упрощать) под собственные нужды [8].

2) ATutor – свободная платформа обучения, аналогичная системе ILIAS от канадских разработчиков. Интерфейс системы несложный и вполне понятный. Система поддерживает русский язык, что является плюсом. Однако это не относится к документации [8].

3) Open ELMS - это совместный проект, деятельность которого направлена на организацию и внедрение системы дистанционного обучения для использования в коммерческих и образовательных организациях. Данная платформа представляет собой свободно распространяемый программный продукт. Программное обеспечение LMS Open ELMS является как комплексным, так и принципиально легким в использовании [4].

4) Dokeos - это свободно распространяемый программный продукт, который используют международные компании, федеральные управления и университеты. Данная платформа создана для построения сайтов дистанционного обучения. Подойдет она скорее организациям, чем университетам, так как ориентирована на профессиональную клиентуру, например, на персонал предприятия [5.с.101].

5) Sakai - это свободно распространяемая программная оболочка, которую разрабатывает и использует международное сообщество крупнейших ВУЗов. Это постоянно развивающийся проект. Программное обеспечение Sakai включает в себя множество возможностей по разработке курсов и организации системы управления курсами, а также управление прохождением документов, форумы, чаты, онлайн-тестирование [4].

6) Moodle (англ. Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment - модульная объектно-ориентированная динамическая учебная среда) – представляет собой свободную систему управления обучением. Система ориентирована, прежде всего, на организацию взаимодействия между преподавателем и учениками, хотя подходит и для организации дистанционных курсов, а также поддержки очного обучения. [8.с.76] Система Moodle переведена на десятки языков, в том числе на русский, и используется почти в 50 тысячах организаций из 200 стран мира.

Система управления обучением Moodle - это система управления, специально разработанная для создания качественных онлайн-курсов. По уровню предоставляемых возможностей Moodle выдерживает сравнение с известными коммерческими системами дистанционного обучения. В то же время эта система выгодно отличается от них тем, что распространяется в открытом исходном коде - это дает возможность настроить систему под особенности конкретного образовательного проекта, а при необходимости и встроить в нее новые модули [7].

Широкие возможности для коммуникации - одна из самых сильных сторон Moodle. Система поддерживает обмен файлами любых форматов - как между преподавателем и студентом, так и между самими студентами. Сервис рассылки позволяет оперативно информировать всех участников курса или отдельные группы о текущих событиях.

Важной особенностью Moodle является то, что система создает и хранит портфолио каждого обучающегося: все сданные им работы, все оценки и комментарии преподавателя к работам, все сообщения в форуме. Преподаватель может создавать и использовать в рамках курса любую систему оценивания. Все отметки по каждому курсу хранятся в сводной ведомости. Она позволяет контролировать "посещаемость", активность студентов, время их учебной работы в сети. Модульная структура системы обеспечивает простоту использования системы для обучающихся и преподавателей. Наличие открытого сообщества, состоящего из более 50000 пользователей системы и более 3000 внедренных систем дистанционного обучения во всем мире, позволяет эффективно обмениваться опытом.

Сравнительный анализ технологий и систем управления электронным обучением представлен в таблице 1.

Проведенный анализ возможностей систем управления электронным обучением показал, что наибольший интерес среди Open Source систем представляет Moodle. Следует отметить, что, с учетом непрерывного совершенствования всех систем, Moodle сохраняет лидирующее положение и в настоящее время.

**Таблица 1**

**Сравнительный анализ технологий и систем управления электронным обучением**

| Критерии сравнения | ATutor | Claroline | Dokeos | LAMS | Moodle | OLAT | OpenACS | Sakai |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Итоговый рейтинг | 5 | 4 | 4 | 6 | 1 | 6 | 3 | 2 |
| Лицензия | GPL | GNU/GPL | GNU/GPL | Open Source | GNU | Open Source | GNU | ECL |
| Количество пользователей | 300 | 685 | 1000 | 100 | 130000 | 100 | 1000 | 5000 |
| Рейтинг трафика (alexa.com) | 103,527 | 98,771 | 61,355 | 517,722 | 8,091 | 561,647 | 56,756 | 128,842 |
| Популярность по версии (google.com) | 7 | 7 | 7 | 6 | 8 | 7 | 8 | 8 |
| Многоязыковой интерфейс | Да (более 30 языков) | Да (более 30 языков) | Да (34 языка) | Да (19 языков) | Да(54 языка) | Да (8 языков) | Нет | Да(10 языков) |
| Поддержка русского языка | Да | Да | нет | частично | Да | Нет | Нет | Да |
| Поддержка SCORM | Да | Да | Да | нет | да | да | нет | да |
| Структура | ядро+набор модулей | монолитная | ядро+набор модулей | монолитная | ядро+набор модулей | монолитная | модульная | ядро+набор модулей |
| Возможность расширения | Да за счет внешних модулей | зависит от разработчиков | Да за счет внешних модулей | зависит от разработчиков | Да за счет внешних модулей | зависит от разработчиков | зависит от разработчиков | Да за счет внешних модулей |
| Дополнительное ПО | Apache, MySQL, PHP | Apache, MySQL, PHP | Apache, MySQL, PHP | Apache, JBOSS, Tomcat, MySQL | Apache, MySQL, PHP | Java SDK | AOLServer,Oracle, PostgreSQL | MySQL, Oracle |
| Платформа | Windows, Linux, Unix, MacOS | Windows, Linux, Unix, MacOS | Windows, Linux, Unix, MacOS | Windows, MacOS | Windows, Linux, Unix, MacOS | Linux, Unix | Windows, Linux, Unix, MacOS | Windows, Linux, Unix, MacOS |
| Система тестирования | да | да | да | да | да | да | да | да |
| Поддержка внешних тестов | нет | нет | нет | нет | да | да | нет | да |
| Надежность сервера (0-5 баллов) | 3 | 3 | 3 | 3 | 4 | 3 | 3 | 4 |
| Стабильность сервера (0-5 баллов) | 3 | 4 | 3 | 4 | 5 | 2 | 3 | 4 |
| Ограничение на количество слушателей | нет | 20000 | нет | нет | нет | нет | нет | нет |
| Среда разработки учебного материала | Встроен-ная | Встроенная | Встроен-ная | Встроенная | Встроенная | Встроенная | Встроенная | Встроен-ная |
| Система проверки знаний | тесты | тесты, упражнения | тесты | тесты | тесты, задания, семинары, активность на форумах | тесты, задания | тесты | тесты, задания, актив-активность на форумах |
| Система отчетности | слабо развита | средне развита | средне развита | слабо развита | развита, постоянно развивается | слабо развита | слабо развита | развита, постоянно развивается |

В заключении хотелось бы отметить, что использование дистанционных технологий в образовании повышает возможность вариативности способов получения образования, облегчает доступ к информации преподавателей и студентов, позволяет по-новому организовать их взаимодействие, способствует развитию познавательной самостоятельности студента. Поэтому для поддержания статуса образовательного учреждения и повышения качества образования рекомендуется внедрить в образовательный процесс вузов технологии дистанционного обучения, в частности разработать и внедрить дистанционные учебные курсы по отдельным дисциплинам.

Современные тенденции развития Open Source LMS\LCMS направлены в сторону универсализации и увеличения функциональности систем. По своим возможностям наиболее продвинутые системы не уступают коммерческим аналогам, а некоторые даже превосходят. Анализ систем управления электронным обучением показал, что наибольший интерес среди Open Source систем представляет Moodle. Отличительна особенность проекта Moodle состоит в том, что вокруг него сформировалось наиболее активное международное сетевое сообщество разработчиков и пользователей, которые делятся опытом работы на платформе, обсуждают возникшие проблемы, обмениваются планами и результатами дальнейшего развития среды.

***Источники и литература:***

*1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.*

*2. Ш.М.Мирзиёев. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя.//«Народное слово», 16.01.17 г.*

*3. Богомолов, В.А. Обзор бесплатных систем управления обучением/ В.А.Богомолов. EducationalTechnology&Society, 2014. - 188 с.*

*4. Дистанционное обучение на основе портальных технологий [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://docs.altlinux.org/current/modules/moodle*

*5. Краснова, Г.А. Технологии создания электронных обучающих средств / Г.А. Краснова, М.И. Беляев, А.В. Соловов. – М., МГИУ, 2015. – 224 с.*

*6. Мясникова Т.С. Система дистанционного обучения MOODLE / Т.С.Мясникова, С.А.Мясников. - Харьков, 2015. – 228с.*

*7. Преимущества Moodle [Электронный ресурс]. - Режим доступа:http://www.opentechnology.ru/ info/moodle_about.mtd*

*8. Технология создания электронных средств обучения [Электронный ресурс]. – Режим доступа: www.ido.rudn.ru/nfpk/tech/t1.html*

## ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ


**Тоймухамедов Иброхим Рихсибоевич**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети



***Аннотация.*** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизими фаолияти ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг усулларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш имкониятлари ўрганилган. Шунингдек, банк тизимида маркетингни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган ҳамда уларни келгусидаги ривожланиши юзасидан назарий-амалий таклифлар берилган.



***Таянч тушунчалар:*** Тижорат банки, банк тизими, рейтинг, рақобат, банк маркетинги, сегментация, стратегия, банк хизматлари, банк операциялари, таҳлил.



***Аннотация.*** В статье рассмотрены современное состояние использование методов маркетинга в обеспечении конкурентоспособности банковской системы Республики Узбекистан и возможности его совершенствования. А также, освещены особенности организации и управления маркетинга в банковской системе и разработаны теоретическо-практические предложения по их дальнейшему совершенствованию



***Ключевые слова:*** коммерческий банк, банковская система, рейтинг, конкуренция, банковский маркетинг, сегментация, стратегия, банковские услуги, банковские операции, анализ.


Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ҳам ўтказилаётган ислоҳотларда сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2344-сонли қарорларида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида тижорат банклари муассасаларининг кенг тармоққа эга бўлаётганлиги, ўз навбатида, мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш, уларнинг банк хизматига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳитини кучайишига имкон бермоқда. Айниқса, кейинги йилларда ўз фаолиятини бошлаган микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар банк хизматлари бозорида тижорат банкларига кучли рақобатни юзага чиқармоқдалар.

Иқтисодий рақобат йулида банкларнинг муҳим вазифаларидан бири - ўз мижозлари ва контрагентлари олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир. Шу боис ушбу омилга Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, банк-молия тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида сифа-

тида белгилаб берилди.

Бунга яқинда тасдиқланган ва бажарилишга ўтилган 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилгани ҳам кенг имкониятлар яратиб берилаётганлигидан дарак бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Биринчи– ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш” зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ушбу вазифаларни бажаришда банк тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири банк хизматлари сифати ва маданиятини юксалтирган ҳолда тижорат банклари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни «мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида ташкил этилганлигидир. Банк хизматларини сифати ва маҳсуллари турларини кўпайтириш ҳамда, уларни мижозларга етказишда банк маркетингининг аҳамияти беқиёс каттадир.

Юкоридаги ҳолатлар тижорат банкларида маркетингни ташкил этиш, ундаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг йўлларини ишлаб чиқишни долзарблигини белгилаб беради ҳамда банк тизимида маркетинг усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўлларини чуқур илмий таҳлил қилишни тақозо этади.

Тижорат банкларининг моҳияти, уларнинг операциялари ва хизматларининг аҳамияти ҳамда уларни такомиллаштиришнинг йўналишлари хорижлик етакчи иқтисодчи олимлар Байнке К., Беренвилд А.Р., Е. Долан, Питер С.Роуз, Балабанов И.Т., Лаврушин О.И., Котлер Ф, Жуков Е.Ф., Маркова Л.С, Севрук В.Т, А. В. Тютюник, А. В. Турбанов, Усоскин В, Панова Г, Соколинская Н, Ширинская Е.Б, Данко Т.П, Спицин Я.О, Спицин Г.Л. ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунга қадар банк хизматларини бошқариш ҳамда уларни такомиллаштириш муаммолари билан маҳаллий иқтисодчи олимларимиз ҳам доимо шуғулланганлар. Республикамиз олимларидан М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, Ш.З.Абдуллаева, Д.Н.Аллаёрова, Д.Ғозибеков, О.Иминов, О.Алиқориев, З.Б.Мустафаев ва бошқалар томонидан ҳам тижорат банкларини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматларнинг самарасини ошириш, банк – мижоз тамойилини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Банк маркетинги истеъмолчиларнинг нафақат шу бугунги, шу лаҳзадаги манфаатларини, балки, энг муҳими, келажакдаги манфаатларини ҳам қондиришга қаратилган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан маҳкам боғланган фаолият туридир [11, 13-бет.].

Банк маркетинги тайёр андоза ёки қолипларни беролмайди. Шунинг учун банк хизматларининг аниқ тайин турлари бўйича ҳар бир тижорат банкида маркетинг дастурларини ижодий равишда ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда” [6, 3-бет].

"Банк маркетинги" атамаси сўнгги пайтларда республикамизда ҳам кўпларнинг назарига тушиб қолди. Бу тасодифий ҳам эмас: товар-пул муносабатларининг ривожланиши, молиявий фаолият соҳасига кенг йўл очиб берувчи туб иқтисодий ислоҳатлар, меҳнат жамоаларининг хўжалик ҳисобидаги даромадларини ошириш йўлларини изланишларнинг ҳаммаси маркетинг йўлини тутиб, мувозанатлашган талаб ва таклифни самарали равишда ташкил этиш юзасидан тўпланган халқаро тажрибага мурожат этишга мажбур қилади.

“Банк маркетинги” сўзининг таржимаси бозор билан боғлиқ, деган маънони билдиради. Лекин, моҳиятан олиб қаралганда бу анча кенг тушунчадир.[11,14-бет.]

Банк маркетинги бозор муаммосини ҳал қилишга комплекс равишда банк маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва турли хил хизматлар кўрсатишнинг, савдо-сотиқ ва истеъмол билан алоқадор дастурларини ишлаб чиқишдан тартиб буюмлар сотилганидан кейин хизмат кўрсатишни ҳамда истеъмолдан чиққан буюмлардан фойдаланишни ташкил этишгача бўлган ишларни ўз ичига олади. Албатта юқоридаги ишлаб чиқариш ва истеъмол банк фаолиятига тааллуқлидир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, банкларнинг рақобат курашидаги иштироки, биринчи, навбатда, мижозларни сақлаб қолиш ва шу асосида янги рақобатчилар таҳдидининг олдини олишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, янги банк маҳсулотлари томонидан қилинадиган таҳдиднинг олдини олиш ва шу асосида маркетинг хизматидан фойдаланган ҳолда янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Учинчидан, воситачилар билан муносабатларни уларнинг лаёқатига асосан ривожлантириб бориш талаб этилади. Банклар бозоридаги бу уйғунлашув банклараро рақобатни янада мураккаблаштириб, кескин

тус олишини таъминлаб боради. Бу эса банкларда маркетинг стратегиясини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш муҳимлигини англатади.

Илмий ишни амалга оширишда банк тизимида маркетинг фаолиятини ривожлантиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Ўзбекистон банк тизими ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошидан кечирмоқда. Бу босқич макроиқтисодий вазиятдаги жиддий ўзгаришлар, умумиқтисодий вазифаларни ҳал этишда банк потенциали ва таъсирининг ўсиши билан боғлиқдир.

Бунинг барчаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларини комплекс амалга оширилиши ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоиз ўсишини таъминлади.

...Бундай иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишида зарурий сифат ўзгаришлари бўлишига олиб келди. 2016 йил натижаларига кўра саноат ҳажми 6,6 фоиз, пудрат қурилиш ишлари 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,4 фоиз, хизматлар 12,5 фоиз ўсди. Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция қилинди, ёки 2015-йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлар ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан кўп бўлди [18, 3-бет.] .

Ҳозирги пайтда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва кўламининг кенгайиши ҳисобига 2016 йилда банк хизматлари ҳажми 1,2 баробарга ошди ва уларнинг жами молиявий хизматлар таркибидаги улуши 88 фоизга етди.

2007-2015 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлоқ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Унинг ЯИМдаги салмоғи улуши ҳам 2007-2016 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминлашда муаммоларни пасайиб бораётганидан далолат беради. Банк тизимида охирги уч йил 2014-2016 йилларда депозитлар базаси солиштирма кўрсаткичларда 60,4 фоизга ошди. 2016 йил якунига кўра тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 25,2 фоизга ошиб, 44,6 трлн. сўмни ташкил этди. Мамлакатимизда банк хизматларининг оммабоплик даражаси – ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 2016 йилда 49,8 тани ташкил этган бўлса, ҳар 1000 та катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк ҳисобварақлари сони 1138 бирликни (1000 тадан кўп «юқори» ҳисобланади) ташкил этди, бу халқаро амалиётда юқори кўрсаткич ҳисобланади [18, 16-бет.].

Шуни таъкидлаш лозимки, агар дастлабки даврда банк маркетинги фақат банк хизмати ва маҳсулотларини сотиш қилиш билан шуғулланган бўлса, ҳозирги кунда у бутун банк фаолиятини қамраб олган.

Банк фаолиятида маркетинг хизмати ҳукмрон бўлишини таъминлаш банкларнинг бозордаги ўрнини ҳам таъминлаб туришни тақозо этади. Банкнинг қандай маҳсулот чиқариши ва бу маҳсулот кимларни қаноатлантириши ҳамда қандай қилиб талабни қондириш зарурлиги доимо чамбарчас боғлиқликда бўлади. Шунинг учун маркетинг хизмати банклар бозоридаги ҳар бир омилларга эътибор қаратиш зарурлигини талаб этади.

Бунда хар тижорат банки маркетинг стратегиясининг тўғри ишлаб чиқилиши улар учун банклараро рақобатни шакллантиришда фақатгина ички муҳитдаги рақобатни баҳолабгина қолмасдан, балки, ташқи муҳитдаги (бозоридаги) рақобат фаолиятини ривожлантиришга ҳам имкон беради.

Демак, банклараро рақобат бозорини таҳлил қилиш натижасида, банкларда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ёки маркетинг стратегиясини танлашидаги салоҳияти унинг бозорга олиб чиқадиган маҳсулотларининг турли-туманлиги билан баҳоланади. Банк маркетинги ечимлари, банкларнинг бозорга имкон қадар кўпроқ мослашувини талаб қилади, уларга бозор тараққиётининг маълум стратегиясини, мазкур шароитларда давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос тушадиган ва шу билан бирга зарур самарадорлик, рентабелликни, меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорликни таъминлаб берадиган стратегияни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Банкларнинг рақобат курашидаги иштироки, биринчи, навбатда, мижозларни сақлаб қолиш ва шу асосида янги рақобатчилар таҳдидининг олдини олишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, янги банк маҳсулотлари томонидан қилинадиган таҳдиднинг олдини олиш ва шу асосида маркетинг хизматидан фойдаланган ҳолда янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Учинчидан, воситачилар билан муносабатларни уларнинг лаёқатига асосан ривожлантириб бориш талаб этилади. Банклар бозоридаги бу уйғунлашув банклараро рақобатни янада мураккаблаштириб, кескин тус олишини таъминлаб боради.

Банк хизматларини (актив ва пассивларини) бошқариш соҳасида ишни ташкил қилиш бўйича ҳаммабоп формула ёки, ушбу тизимини умумий схемаси ҳам мавжуд эмас.

Банк хизматларини бошқариш функциялари иқтисодий адабиётларда бир нечта деб кўрсатилади [14, 34-бет]:

**1-чизма**

**Банк хизматларини бошқариш функциялари**




Юқоридаги баён қилинган барча банк операцияларини ва хизматларини бошқариш қуйидаги вазифаларни хал қилишга эътиборини қаратади:

- банк операцияларини амал қилаётган ва потенциал бозорларини ўрнатиш.
- муайян бозорларни танлаш ва буюртмачи эҳтиёжини қўйиш
- амал қилаётган операцияларнинг ривожлантирилиши учун қисқа ва узоқ муддатли мақсадларни белгилаш
- амалиётга янги операциялар турларини қўллаш ва унинг бажарилиши устидан банк назоратини ўрнатиш.

Ҳозирда ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириш талаб этилмоқда.

Ушбу муаммоларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Тижорат банкларида банк хизматлари бозорини сегментлаш тажрибасининг етишмаслиги;
2. Айрим ҳудудларда тижорат банклари билан мижозлар ўртасидаги коммуникациянинг «узилиб» қолганлиги;
3. Замонавий банк хизматларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга киритиш учун зарур инфратузилманинг етишмаслиги;
4. Тижорат банкларида банк хизматларини кўрсатишда асосий эътиборни баҳолаш сиёсатига қаратилаётганлиги.

Бугунги кунда тижорат банклари ходимлари таркибида банк маркетинги ва қимматли қоғозлар бозори бўйича малакали мутахассислар етишмайди. Айниқса, банк маркетинги соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг малака савияси етарли даражада эмас. Шу ўринда, банк фаолиятини стратегик бошқариш инсон салоҳиятига таяниб, ишлаб чиқариш жараёнини истеъмолчилар талабларига мувофиқлаштиришни кўзда тутади, рақобатда устунликни таъминлайдиган ўзгаришларни ўз вақтида амалга оширади.

Банк ахборот тизимини танлашда, албатта, мазкур соҳадаги сўнгги ютуқларга эътибор қаратилиши керак. Биринчи навбатда, банкнинг катта-кичиклиги, ундаги ходимлар ҳамда автоматлаштирилган иш ўринларининг сони, ҳужжат айланиши ҳажми ва таркиби, ички банк ҳисобварақларининг сони, филиаллар тармоғининг мавжудлиги, валюта операцияларининг бажарилиши ва ҳоказоларни назарда тутиш лозим. Бу эса ахборот тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Банк операциялари бозорини ривожлантириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш сегментлаш ишларини ўтказиш ва мақсадли бозорларни аниқлашни талаб этади.

Банклар маркетинг фаолиятини ривожлантириш жараёнида фақатгина даромад ва харажат орасидаги нисбатни ўз банклари ривожланишининг асоси сифатида белгиламасдан, балки унинг умумий фаолияти кўрсаткичларини ҳам кўриб чиқишлари лозим.

Банк операциялари бозорини ривожлантириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш сегментлаш ишларини ўтказиш ва мақсадли бозорларни аниқлашни талаб этади.

Маркетинг тадқиқотларининг сифати кўп

жиҳатдан банк операциялари истеъмолчиларининг гуруҳларини ташкил этиш имкониятига боғлиқ. Шу мақсадда бозорни сегментлаш ишлари ўтказилади. Истеъмолчиларнинг банк операцияларини танлаш жараёни таҳлили ҳар бирига харидор хулқ-атворининг турли моделлари мос келадиган турли сегментлар гуруҳларини тузишга имкон беради. Сегментлаш икки йўналишда амалга оширилади:

- истеъмолчилар гуруҳлари бўйича;
- банк операцияларининг хиллари ва турлари бўйича.

Банк бозорининг ҳар бир сегменти бир хилдаги хизматларга талаби мавжуд ва бу хизматлар учун баҳолар муайян чегараларида ҳақ тўлашга тайёр турган истеъмолчилар (мижозлар) гуруҳини англатади. Бозорни сегментларга ажратишдан мақсад банк фаолиятини бозорнинг ҳаммасига эмас, балки алоҳида сегментга қаратиш, фаолият сифатини ошириш орқали рақобатда ютиб чиқишдир. Бозорни сегментлашда қуйидагиларга эътибор берилади:

1) бозор сегментлари чегаралари аниқ белгиланиши лозим;

2) сегмент ҳақида йиғилган маълумотлар сегментни таҳлил килиш ва баҳолаш учун етарли бўлиши лозим;

3) танлаб олинган сегмент банкка салмоқли даромад келтириши керак;

4) танлаб олинган сегментларда банкнинг хизматларини сотиш, реклама қилиш воситалари ва имкониятлари етарли бўлиши зарур ва бошқалар.

Бу жараёнлар банк операцияларини яратиш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Маркетинг мақсадларидан келиб чиқиб унинг амалий ҳаракатлари ҳам ишлаб чиқилади. Маркетинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этиш соҳасида депозитларни кенгайтириш лойиҳаларини ўрганиш, омонатчиларни фоиз шаклида фойда олиш манфаатдорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак. Омонатчиларни жалб этиш оқилона фоиз сиёсатини юритиш орқали амалга оширилади.

Банкда маркетинг ишлари мижозлар билан мулоқат, ушбу банк операцияларидан фойдаланиш чоғида мижозларга қулайликлар яратиш, банк ходимларининг ўз мижозларига турли операцияларни тақдим этишдан моддий мафаатдорлигини таъминлаш шаклида амалга оширилади.

Банкнинг маркетинг фаолиятини режалаштириш, унда узоқ муддатли сратегик сиёсатни юритиш, катта иқтисодий йўқотишлардан сақланиб қолиш ҳамда барқарор ривожланиш ва муваффақиятларга эришишга маркетинг фаолияти дастури имкон беради. Банкнинг маркетинг дастури стратегик режа бўлиб, унда аниқ белгиланган мақсадлар асосида унинг келгусидаги тараққиётининг мақбул вариантини аниқлаб берувчи нарх-наво, сотув ва маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятига доир тавсияномалар жамланган шаклда ифодаланади.

Ўзбекистондаги кредит муассасаларининг стратегик режани ишлаб чиқиш зарурияти улар фаолиятида таваккалчилик даражасининг ортиши, муваффақият ва йўқотишларни келтириб чиқариши, омиллар фаолиятининг ҳар хиллиги, бошқарувнинг ташкилий тузилмаси тафсилоти ҳамда муҳим вазифаларни ҳал этишга кучларни тўплаш зарурлиги билан боғлиқдир.

Ўзбекистон банк тизимини тавсия этилаётган тарзда ислоҳ қилиш билан бир қаторда айрим тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган операцияларни жаҳон сандартлари даражасига етказишга доир махсус стратегия ишлаб чиқиш зарур. Бу стратегия маҳсус дастурга асосланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.09.2017 йилдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди. Ушбу ҳужжатда Марказий банк, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан 2017-2021 йиллар даврида пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ва инфляцион таргет режимига босқичма-босқич ўтиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

Жумладан, ликвидлиликни тақдим қилиш ва жалб этиш операциялари бўйича пул-кредит сиёсатининг самарали қўлланилаётган фоиз инструментлари тўпламини кенгайтириш; тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантириш, шу жумладан кредитлар бўйича бозор механизмларини кенг қўллаш; макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш моделларини илғор хорижий тажрибага мувофиқ такомиллаштириш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон банк тизимини соғломлаштириш бўйича кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат банкларининг халқаро молия бозорига қўшилишига имконият яратади. Бундай ўтиш, бир томондан, тижорат банкларининг муайян стандартларини бажариши орқали таъминланиши, иккинчи томондан эса, муайян имтиёзлар бериш йўли билан рағбатлантирилиши зарур.

Юқоридагиларга қўшимча қилган ҳолда, айтиш мумкинки, банк актив ва пассивларини бошқариш тизимида ахборот етакчи аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай банк операциялари бозорда вужудга келган муайян вазиятни таҳлил этишга асосланиши керак. Бунинг учун ахборотларни йиғиш, узатиш, сақлаш ва уларга ишлов беришнинг махсус тизимини яратиш талаб қилинади. Шу мақсадда банк активлари ва пассивларини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш таклиф этилади.

Ҳозирги вақтда кредит ташкилотларига хизмат қиладиган дастурий маҳсулотлар бозорида хилма-хил тизимлар мавжуд. Улар вази-

фаси жихатидан ҳам, техникавий ижроси, аппарат платформаси, тизимли сервис даражаси, ахборотни ҳимоя қилиш усуллари ва ҳоказолпр билан ҳам фарқланади.

Шунингдек, банк бизнеси муҳим йўналишларини танлаш мавжуд ва бўлғуси банк маҳсулотлари ва операцияларини, банк рақобат борасида афзалликларга эга бўладиган потенциал бозорлар ва минтакаларни ҳамда филиаллар тармоғи кенгайтирилиши ёки ислоҳ қилиниши ёрдамида бизнесни ривожлантириш асосий йўналишларини белгилайди.

Мавжуд имкониятлардан керак даражада фойдаланиш учун стратегик мақсадларни қандай амалга ошириш кераклигини белгилаш ва банкни бошқаришнинг барча даражаларида кейинги ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва ёндашувлар тизимини шакллантириш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, қайд этиб ўтилган барча фикрлар тижорат банклари фаолиятида маркетинг тизимини келажакда янада такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётимизни таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш жараёнларидаги фаоллигини оширишни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг юксалишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни.Т.:Ўзбекистон. 1996 й. 25.04.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13-сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3272-сонли Қарори.*

*3. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони.*

*4. Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2344-сонли Қарори.*

*5. Ўзбекистон Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори.*

*6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.. /Халқ сўзи. 14.01.2017 й.*

*7. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши». Т. Ўзбекистон. 2007.*

*8. Аллаёрова Д.Н. Организация маркетинга в коммерческих банках. – Т.: ИПТД «Чулпан» 2005.*

*9. Банковское дело. А.В. Тютюник, А.В. Турбанов. М., Финанси и Статистика, 2005, 698 с.*

*10. Банковское дело: Учебник / Под ред.Г.Н.Белоглазовой -5-е изд., перераб. и доп.-М.: Финансы и статистика, 2005.-553 с*

*11. Жан-Жак Ломбен. Стратегический маркетинг. С-Петербург 1996, 13 бет.*

*12. Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка: Учебник / Е.П. Жарковская. – Омега-Л, 2011*

*13. К.Барлтроп и Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках.-Всемирный банк, Вашингтон, 1993.- С. 53-54.*

*14. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. –М.: «Консалтбанкир» 2003.*

*15. Роуз П.С. Банковский менеджмент.М.:Дело-ЛТД.1995. -323 с.*

*16. Синки Ж. Управление финансами в коммерческом банке/ Пер. с анг. –М.: Саталиахй, 1994. -458 с.*

*17. Мустафаев Б.З. Банк маркетинги молия бозори шаклланиши ва ривожланиш асослари. «Маркетинг» мутахассислиги бўйича и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.: ТДИУ. 1998.*

*18. cbu.uz. - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интернет сайти. 2017 й.*

# БАНК АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ОШИРИШ

**Умаров Зафар Абсаматович**

И.ф.н., доцент, Тошкент молия институти

***Аннотация.*** Мақолада банк даромади, унинг шаклланиши, банк актив операцияларининг даромадлилиги тадқиқ қилинган, банк актив операциялари даромадлилигини ошириш бўйича таклифлар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** банк, актив, банк актив операцияси, кредит, лизинг, факторинг, даромад, таваккалчилик, ликвидлилик.

***Аннотация.*** В статье изучины банковские доходы, их формирование, доходность активных банковских операций, даны рекомендации по увеличению доходности активных банковских операций.

***Ключевые слова:*** банк, актив, активные банковские операции, кредит, лизинг, факторинг, доход, риск, ликвидность.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлардан бири [1] бўлиб, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш ҳисобланади. Бунда банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, капиталлашув даражасини оширишда тижорат банклари даромадлилиги асосий ўринни эгаллайди. Тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани кўпайтиришдан иборат бўлиб, бунда банкнинг ликвидлилиги билан даромадлилиги ўртасидаги оқилона мутаносибликни таъминлаш муҳим, амалий аҳамият касб этадиган масала ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, банк активларининг даромад келтирувчи қисми қанчалик кўп бўлса, унинг ликвидлилиги шунчалик паст ҳисобланади ва, аксинча, агар банкнинг ликвидли активлар салмоғи кўп бўлса, даромади кам бўлади.

Банкнинг оқилона даромаддорлигини ҳисобга олган ҳолда, банк хизматлари жозибадорлигини ошириш ва янги мижозларни жалб этиш мақсадида тариф сиёсатини мақбуллаштириш [2] тижорат банклари олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Тижорат банкларининг даромадини оқилона тарзда ошириб боришни таъминлаш уларнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг зарурий шартларидан яна бири ҳисобланади. Шунингдек, банк фойдасини оқилона тарзда тақсимлаш, даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти бўлиб, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига, биринчи навбатда, фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш ҳисобланади.

Шуниси характерлики, ҳар қандай хўжалик субъекти ўз ялпи даромадининг асосий қисмини асосий фаолият туридан олиши лозим. Фақат шундай ҳолатдагина хўжалик субъектининг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланади, шу жиҳатдан олганда, тижорат банки даромадининг асосий қисми кредит операцияларидан ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялардан олиниши лозим. Чунки тижорат банклари барча мамлакатларда, аввало, кредитлаш институтлари ҳисобланади ва қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидир.

Иқтисодий адабиётларда банк даромади тушунчаси турли хил талқин қилинади.

Диана Мак Нотон банк даромади – жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлардан олинган фоизлар билан жалб қилинган ресурслар бўйича тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборатдир [3] деб ёзади. Ушбу таърифда банк даромадини фақат кре-

дитлар бўйича олинган фоизлар ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқни назарда тутган. Бу кўпроқ фойда тушунчасига мос келади. Шунингдек, у банкнинг бошқа операцияларидан олинадиган даромадларни назардан четда қолдирган.

Б.Т. Бердияров ҳам – «Тижорат банкининг даромади улар фойдасидан фарқли ўлароқ мураккаб табиатга эгадир. Аслида эса тижорат банклари даромади банк ихтиёрига келган тушум билан моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборатдир» [4] деб қайд этиб ўтади. Бунда банкка келган маблағларнинг ҳаммаси ҳам даромадни шакллантирмайди, жумладан, депозитларнинг жалб қилиниши, мижозлар номига келиб тушаётган тушумлар ва бошқалар. Шунингдек, банк ихтиёрига келган тушумлар (даромад) ва харажатлар ўртасидаги фарқни кўпроқ фойда сифатида тушунилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) да «Даромадлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб келиши ёки ўсиш йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларнинг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг кўпайиши, шаклида иқтисодий нафнинг ўсишидир» деб таърифланган.

Банк даромадларини фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлиб ўрганишда банк тизимида уларнинг жами даромаддаги салмоғини ҳамда уларнинг ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвал маълумотларида кўриш мумкин.

**1–жадвал**

**Ўзбекистон банк тизимида тижорат банкларининг**

**даромадлари таркиби (фоизда)**[5]

| № | Кўрсаткичлар | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Фоизли даромад | 55,9 | 54,4 | 55,1 | 56,2 | 57,0 | 57,2 | 57,3 | 61,2 |
| 2 | Фоизсиз даромад | 44,1 | 45,6 | 44,9 | 43,8 | 43,0 | 42,8 | 42,7 | 38,8 |
| 3 | Жами даромад | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |

Маълумотлардан кўриниб турибдики, банклар даромадларининг асосий қисмини фоизли даромад ташкил қилади. Фоизли даромадларнинг жами даромаддаги улуши 2008 йилда 55,9 фоизни, 2016 йилга келиб 61,2 фоизни ташкил қилган. Ушбу таҳлилдан фоизли даромаднинг улуши 2009 йилда камайиб, 2010 йилдан бошлаб кўпайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Фоизсиз даромад улуши эса, ўз навбатида, шунга мос равишда ўзгариб борган. Фоизли даромаднинг улуши камайиб бориши ҳам ижобий ва ҳам салбий ҳолат бўлиши мумкин. Унинг ижобийлиги шундаки, банкларга хос бўлган турли хил бошқа банк операцияларни бажариши ҳамда банк хизматлари эвазига банклар қўшимча фоизсиз даромад оладилар. Лекин, республика банклари фаолиятида ушбу ҳолатда кўпроқ салбийлик мавжудлигини тасдиқлайди, банкларнинг фоизли даромад келтирувчи банк операцияларини амалга оширишининг камайиши ёки ушбу операцияларда муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради. Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 65–70 фоизга етказса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий адабиётларда тижорат банклари активлари таркибини шакллантириш ва даромадлилигини ошириш масаласи қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Масалан, АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Эдвин Дж. Долан тижорат банклари активларининг даромадлилигини оширишда юқори ликвидли активлар билан рискли активлар ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Э.Долан юқори ликвидли активларни икки гуруҳга ажратади: -кассали активлар; -иккиламчи захиралар [6].

К.Барлтроп ва Диана Мак Нотонлар юқори ликвидли активлар таркибига кассали активлардан ташқари тижорат банкларининг балансидаги марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталрни ҳам киритади [7].

Фикримизча, Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталарни юқори ликвидли активлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банкнинг тратталар бўйича мажбуриятларни бажаришига шубҳа йўқ. Германия Федерал банкининг, АҚШ федерал захира тизимининг тратталарни қайта ҳисобга олиш борасида муаммолар ва чекловлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бироқ Ўзбекистон Республикасида бу амалиёт қўлланилмайди.

О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ликвидли активлари ўз ичига кассадаги нақд пулларни, тижорат банкининг Марказий банкдаги "Ностро" вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқларини ва йўлдаги пулларни олади[8].

Ш.З.Абдуллаева тижорат банклари актив-

ларини, уларнинг рискка учраш даражасини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига таъсири нуқтаи-назаридан тадқиқ қилган. Ш.З.Абдуллаева тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискини бошқаришни такомиллаштириш йўли билан кредит портфелининг даромадлилигини ошириш мумкин деб ҳисоблайди[9].

Бундан ташқари, банкларнинг актив операциялари даромадлилиги бўйича илмий-тадқиқот олиб борга Б.Т.Бердияровнинг илмий ишида тижорат банклари даромад манбалари ҳамда даромадлиликни бошқариш усулларини кенг тадқиқ этган.

Б.Бердияровнинг фикрича республикамиз банк амалиётига "Базель III" талабларини жорий этишда қуйидаги муаммолар кутилиши мумкин:

- тақсимланмаган фойда салмоғини ошириш борасида акциядорлар ўртасида манфаатлар келишмовчилигининг юзага келиши кузатилади;
- дунёда хали ҳам таъсирини сақлаб турган жаҳон молиявий инқирози шароитида соф фойдани ошириш имконияти чекланади;
- янги ликвидлилик талабини жорий этиш ҳисобига даромадлиликнинг пасайиши кузатилади;
- банклар томонидан доимо ликвид активларни сақлаб туриши кредитлаш кўламининг қисқаришига ёки жалб қилинган маблағлардан бор имкониятда фойдалана олмаслиги юзага келади;
- банклар томонидан даромад олиш мақсадида жойлаштирилган бошқа активлари фоиз ставкаларини кўтарилишига олиб келади, бу эса ажратилиши назарда тутилган кредитлар, инвестицияларни фоизларини сунъий тарзда ўсишига олиб келади [10].

Албатта ушбу фикрларга эътибор берадиган бўлсак, банк даромадлилиги ва ликвидлилиги ўртасида тескари мутаносиблик мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, проф. Ш.З.Абдуллаева ва Б.Т.Бердияровларнинг илмий изланишлари тижорат банклари активларини даромадлилигини оширишда уларни таҳлил этиш ва бу борадаги муаммоларни аниқлашга сезиларли даражада ўзининг ижобий таъсирини кўрсатганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Банкнинг актив операцияси бу банк ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган банк операциясидир. Уларни амалга ошириш натижасида банк активлари шаклланади. Банкнинг актив операциялари банкнинг даромадлилигини, ликвидлигини таъминлаш ва рисклилик даражасини пасайтириш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасида [11] қуйидаги актив операциялар амалга оширилиши назарда тутилган:

- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- молиявий лизинг;
- халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Бундан кўриниб турибдики банкнинг асосий актив операциялари сифатида кредит, инвестиция, лизинг ва бошқа актив операцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.




***1-расм. Тижорат банклари активлари динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)[12]***

1-расмдан тижорат банкларининг жами активлари охирги 5 йил давомида 2,3 бараварга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 80,4 трлн. сўмга етди. Банк активлари юқори ўсиш тенденциясига эга. 2012 йилдан 2016 йилга қадар ҳар йили ўртача 22,5 фоизга ўсган. Олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида банк депозитлар базасининг янада мустаҳкамланиши ва умумий капиталнинг ошиши банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишига имкон бермоқда.

Банк активлари таркибида кредитлар асосий ўринни эгаллайди. Банкларнинг кредит операциялари орқали иқтисодиётда маблағларга эҳтиёж сезаётган соҳалар кредитланади. Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Банклар томонидан ажратилган кредитлари қолдиғи ҳам 2,6 баробарга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 53,4 трлн. сўмни ташкил этди (2-расм). Кредитнинг сўнгги беш йил давомида ўртача ўсиш даражаси 27,2 фоизни ташкил этган.




**2-расм. Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг динамикаси (трлн. сўм ҳисобида)**[12]

Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

**2-жадвал**

**Тижорат банкларининг жами активлари таркибида кредит қўйилмалари салмоғининг динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)**[12]

| № | Кўрсаткичлар | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2016 й.да 2012 й.га нисбатан ўзгариши |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тижорат банкларининг жами активлари | 35,7 | 43,9 | 56,2 | 65,2 | 80,4 | +44,7 |
| 2 | Тижорат банкларининг жами кредит қўйилмалари | 20,4 | 26,5 | 34,8 | 42,7 | 53,4 | +33,0 |
| 3 | Кредитларнинг активлардаги улуши % да | 57,1 | 60,5 | 61,9 | 65,5 | 66,4 | +9,4 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тижорат банклари жами активлари ва берган кредитлари 2016 йилда ўтган йилларга нисбатан ошган. Кредитларнинг активлар таркибидаги салмоғи 2016 йилда 66,4 фоизни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 9,4 фоизга кўпайган. Бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади. Кредит риски нуқтаи назарда олганда ижобий деб баҳоласак бўлади. Аммо кредитлаш бу банкларнинг асосий фа-

олияти ҳисобланганлиги ва даромадининг асосий қисмини ташкил қилганлиги сабабли унинг салмоғини 70-75 фоизга етказилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активларини мукаммал таркибий тузилишини шакллантиришдан манфаатдор бўлади ва уни шакллантиришда маълум бир қийинчиликларга дуч келади. Бундан ташқари активларнинг таркибий тузилишида банкнинг қайси мамлакатда фаолият кўрсатишига қараб кўпгина миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Биз буни қуйидаги жадвалдан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибини кўришимиз мумкин.

**3-жадвал**

**Ўзбекистон тижорат банклари активлари таркибининг таҳлили** [13]

| № | Моддалар | 2015 йил | | 2016 йил | | Ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | млн. сўм | улуши % да | млн. сўм | улуши % да | млн. сўм | улуши % да |
| 1 | Нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари | 1011110 | 2,05 | 1211539 | 1,91 | +200429 | -0,14 |
| 2 | ЎзР Марказий банкидан олиниши керак бўлган пуллар | 7567488 | 15,38 | 9428631 | 14,88 | +1861143 | -0,5 |
| 3 | Бошқа банклардан олиниши керак бўлган пуллар | 5625507 | 11,43 | 7318804 | 11,55 | +1693297 | 0,12 |
| 4 | Олди-сотди ҳисобварақлари | | | | | 0 | 0 |
| а. | Қимматли қоғозлар | 44028 | 0,09 | 44338 | 0,07 | +310 | -0,02 |
| б. | Қимматбаҳо металлар, тангалар ва тошлар | 957 | 0,0019 | 2028 | 0,00 | +1071 | -0,0019 |
| в. | Минус: Олди-сотди ҳисобварақлари бўйича захиралар | 59 | 0,00 | 59 | 0,00 | 0 | 0 |
| г. | Соф олди-сотди ҳисобварақлари | 44926 | 0,09 | 46307 | 0,07 | +1381 | -0,02 |
| 5 | Инвестициялар | 850510 | 1,73 | 994631 | 1,57 | +144121 | -0,16 |
| а. | Минус: инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар бўйича захиралар | 22375 | 0,05 | 21303 | 0,03 | -1072 | -0,02 |
| б. | Соф инвестициялар | 828135 | 1,68 | 973328 | 1,54 | +145193 | -0,14 |
| 6 | Тескари РЕПО | | 0,00 | | 0,00 | 0 | 0 |
| 7 | Кредит ва лизинг операциялар | | | | | 0 | 0 |
| а. | Кредитлар, брутто | 29321036 | 59,58 | 39067346 | 61,64 | +9746310 | +2,06 |
| б. | Лизинг операциялар, брутто | 422173 | 0,86 | 523569 | 0,83 | +101396 | -0,03 |
| в. | Минус: кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар бўйича захиралар | 366295 | 0,74 | 432143 | 0,68 | +65848 | -0,06 |
| г. | Соф кредитларва лизинг операциялар | 29376913 | 59,69 | 39158771 | 61,78 | +9781858 | +2,09 |
| 8 | Сотиболинганвекселлар | | | | | 0 | 0 |
| а. | Минус: сотиб олинган векселлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар бўйича захиралар | | | | | 0 | 0 |
| б. | Соф сотиб олинган векселлар | | | | | 0 | 0 |
| 9 | Мижозларнинг молиявий воситалар бўйича мажбуриятлари | 1560633 | 3,17 | 1129123 | 1,78 | -431510 | -1,39 |
| 10 | Соф асосий воситалар, соф | 1277225 | 2,60 | 1619340 | 2,55 | +342115 | -0,05 |
| 11 | Олиш учун ҳисобланган фоизлар | 303663 | 0,62 | 452660 | 0,71 | +148997 | 0,09 |
| 12 | Кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган активлар | | | | | 0 | 0 |
| а. | Бошқа кўчмас мулк | 8980 | 0,02 | 7648 | 0,01 | -1332 | -0,01 |
| б. | Кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган бошқа активлар | 322319 | 0,65 | 377042 | 0,59 | +54723 | -0,06 |
| в. | Минус: Кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар | 61288 | 0,12 | 35188 | 0,06 | -26100 | -0,06 |
| г. | Соф, кредит бўйичаҳисоб-китобларда олинган активлар | 270011 | 0,55 | 349503 | 0,55 | +79492 | 0 |
| 13 | Бошқа активлар | 1346999 | 2,74 | 1695737 | 2,68 | +348738 | -0,06 |
| 14 | ЖАМИ: активлар | 49212611 | 100,0 | 63383743 | 100,0 | +14171132 | 0 |

Тижорат банкларида активлар даромадлилигини оширишнинг асосий шартларидан бири сифатида активларни тўғри таснифланиши муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ актив операцияларини ривожлантириш, улар активларини самарали бошқаришга ва ликвидлилиги ва даромадлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, банк активлари даромадлилигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур.

Бунинг учун, аввало, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларининг ҳажмини кескин ошириш лозим.

Фоизли даромадларнинг ҳажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, лизинг бозори бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади. Унинг асосида тижорат банклари учун лизинг операцияларини ривожлантириш стра-

тегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш керак.

Тижорат банкларининг лизинг операциялари уларга барқарор даромад келтиради. Чунки лизинг тўлови қатъий белгиланган фоиз шаклида бўлади.

2. Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида:

- кредитларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим;

- кредитлашнинг турли шаклларидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган объектив эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб банкнинг фоиз ставкаси белгиланади.

- тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Банкларда шундай баҳолаш тизимини юзага келтириш лозимки, у мижозини реал пул оқимини аниқ белгилаш ва прогнозлаш имконини берсин. Бундан ташқари, баҳолаш тизимида мижознинг кредит йиғма жилдини юритишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Унда мижознинг кредит тарихи, хулқига оид маълумотлар ўзининг тўлиқ ифодасини топган бўлиши лозим.

3. Тижорат банкларининг даромадларини кўпайтиришда юқори даромад келтирувчи факторинг операцияларни кенгайтириш лозим. Тижорат банкларининг факторинг операциялари банкка дисконт кўринишида даромад келтирувчи операция ҳисобланади.

Факторинг бўйича дисконтни икки қисмга, яъни берилган қисқа муддатли кредит учун тўлов ва хизмат кўрсатганлиги учун ҳаққа бўлиш керак. Сабаби банк регресс ҳуқуқисиз тўлов талабномаларини сотиб олганда савдо ёки хизмат кўрсатувчи корхонани кредитлайди ва унга хизмат кўрсатади. Факторинг бўйича дисконтнинг 10-15 фоизини хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ қолган 85-90 фоизини қисқа муддатли кредит учун тўлов сифатида ҳисобга олиш керак.

Бунда воситачилик ҳақи факторинг хизмати кўрсатилганда фоизсиз даромад сифатида тан олиниши ва ҳисобга олиниши лозим. Қисқа муддатли кредит бўйича тўлов фоизли даромад сифатида тан олиниши ва ҳисобга олиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк тизимининг узлуксиз ривожланиши объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали ташкил этиш учун банк томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг даромадлилигини ошириш, ушбу операцияларни амалга оширишда қилинаётган харажатларни камайтириш ва шу асосда банк фойдасини кўпайтириш йўлларини топишни талаб этади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони 2017 йил 7 февраль*

*2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори*

*3. Диана Мак Нотон «Банковские учреждения в развиваюшихсястаранах» – Всемирный банк, Вашингтон, 1994.*

*4. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операциялари даромадлилиги. и.ф.н. диссертацияси – Т., 2002. – б. 33.*

*5. «Банк ахборотномаси» газетаси ва "Ahbor-Reyting" рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди*

*6. Эдвин Дж Долан и др. Деньги банковское дело и денежно-кредитная политика. –спБ.: "Санкт-Петербург Оркестр", 1994. –С. 90-93*

*7. Барлтроп К., Мак Нотон Д. Банковские учреждения в развиваюшихся ринках,-Всемирний банк, Вашингтон, 1993.-С. 53-54.*

*8. Лаврушин О.И. Управление деятельностью комерческого банка.- М.: ЮРИСТЪ, 2003, -С.228.*

*9. Абдуллаева Ш.З. Банк рискларивакредитлаш. Т.: Молия, 2002 й.-304 б*

*10. Бердияров Б.Т. Халқаро талаблар асосида тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш / Молия ва банк иши электрон илмий журнали 2-сон, 2016 йил б. 20*

*11. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, 1996 й. 25 апрель*

*12. www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

*13. "Ahbor-Reyting" рейтинг компаниясининг банк секторининг таҳлилий шарҳи 46-сон маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Саидов Дониёр Абдуллаевич**

И.ф.н., доцент, Тошкент молия институти

***Аннотация.*** Мақолада Ўзбекистон республикаси тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти, кредит қўйилмалари динамикаси таҳлил этилган ва кредитлаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** кредит қўйилмалари, банк активлари, кредит портфели, кредит таваккалчилики, диверсификация, муаммоли кредитлар.

***Аннотация.*** В статье проанализирована практика кредитования коммерческих банков Республики Узбекистан и динамики кредитных вложений и выработаны предложения по совершенствованию кредитной деятельности.

***Ключевые слова:*** кредитные вложения банковские активы, кредитный портфель, кредитный риск, диверсификация, проблемные кредиты.

Республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида урғу берилган [1].

Иқтисодиёт турли соҳаларининг молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш орқали ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашда тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз тижорат банкларининг барқарорлиги ва капиталлашув даражаси, улар томонидан жалб қилинаётган юридик шахслар депозитлари ҳамда аҳоли омонатларининг юқори суръатларда ўсиши банклар кредитлаш салоҳиятининг ошишига, ўз навбатида уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилмоқда.

Хусусан, 2017 йилнинг 1 октябрдан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100 млрд. сўм қилиб белгиланди [2]. Бу эса, ўз навбатида банкларинг ресурс базасини ва кредитлаш ҳажмини ошишига хизмат қилади.

Айни пайтда банкларнинг кредит портфели таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларимиз томонидан иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса ўтган йилга нисбатан нисбатан 25,1 фоизга ошиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 53,4 трлн. сўмни ташкил этди [3].

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2016 йилда унинг 80 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига берилаётган кредит қўйилмаларини таҳлил қилиш ва унинг Ялпи ички маҳсулотдаги ўрнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, биз уни қуйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши** [4], **(млрд. сўм)**

| Кўрсаткичлар | 2012й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯИМ млрд. сўм | 96600 | 119000 | 144900 | 171400 | 199300 |
| Кредит қўйилмалари млрд. сўм | 20392 | 26530 | 34809 | 42685 | 53378,5 |
| ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида | 21,1 | 22,3 | 24,0 | 24,9 | 26,7 |

** маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.*

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, 2008-2013 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Яъни, кредит қўйилмалари 2012 йилда 20392 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу 2016 йилга келиб 53378,5 млрд. сўмни ташкил этган ва 2012 йилга нисбатан 32986,5 млрд. сўмга ортган. Кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши ҳам ўсиш тендинциясига эга бўлган, 2012 йилда 21,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб эса 26,7 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат ижобий ҳисобланиб, банк кредитларининг ЯИМга нисбатан салмоғининг ошиши иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш даражасини ошаётганлигидан далолат беради.

**2-жадвал**

**Тижорат банклари кредит қўйилмалари ва банк активларининг динамикаси** [4]

( млрд. сўмда)

| Кўрсаткичлар | 2012й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯИМ | 96600 | 119000 | 144900 | 171400 | 199300 |
| Банк активлари | 35744 | 43686 | 56223 | 65176 | 80362 |
| ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида | 37,0 | 36,7 | 38,8 | 38,0 | 40,3 |

* маълумотлар молиявий йилларнинг сўнгги санасига берилган.

Юқоридаги жадвалда 2012–2016 йиллар мобайнида иқтисодиётнинг реал секторларига тижорат банклари томонидан йўналтириган кредит қўйилмалари ва банк активларининг динамикаси келтирилган. Тижорат банклари кредит қўйилмалари ва активлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Таҳлил қилинган давр мобайнида банк кредитларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Банк активларининг ЯИМдаги улуши 2012 йилда 37 фоизни, 2016йилда эса 40,3 фоизни ташкил этган. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич анча юқори даражани ташкил этади.

**3-жадвал**

**Тижорат банклари активлари ва кредит портфелининг улуши** [4]
**(йил охирига, млрд. сўм)**

| Кўрсаткичлар | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2016 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| Банк активлари | 35744 | 43868 | 56323 | 65176 | 80362 |
| Кредит портфели | 20392 | 26530 | 34809 | 42685 | 53378 |
| Банк кредитларининг активлардаги улуши (%да) | 57,1 | 60,5 | 61,9 | 65,5 | 66,4 |

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўринадики, 2012-2016 йилларда республикамиз тижорат банкларинг активлари, кредит қўйилмаларига эътибор берадиган бўлсак, йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиб, банк кредитларининг активлардаги улуши ҳам ўсиш тенденциясига эгадир. Яъни, 2012 йилда 57,1 фоизни, 2016 йилга келиб эса 66,7 фоизни ташкил қилган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ҳам тижорат банклари активлари таркибида кредитларнинг улуши 60 фоиздан юқори бўлиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг барқарор ўсиши, уларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш борасида ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш борасида ечимини топмаган айрим муаммолар мавжуд.

1. Республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётининг такомиллашмагани.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга кредит хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур:

- аҳоли айрим тоифасининг тўлов қобилияти пастлиги ва оладиган даромадлари етарли даражада эмаслиги;

- олинган кредитларнинг кўпчилик ҳолатларда мақсадсиз ишлатилиши;

- тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг кредит қобилиятини баҳолаш бўйича такомиллашган тизимнинг мавжуд эмаслиги;

- банкларнинг етарли ресурс базасига эга эмаслиги;

- истеъмол кредити объекти сифатида танланган товар ва хизматлар баҳосининг сунъий равишда оширилиши.

Ушбу муаммолар тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётига салбий таъсирини юзага келтирмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида истеъмол кредитига мамлакат иқтисодиётидаги ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий муҳим восита деб қараш мумкин. Макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган ЯИМнинг юқори суръатда ўсиши, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар реализацияси ҳажмининг кўпайиши билан таъминланади. Истеъмол кредити иқтисодиётда нақд пул айланишини қисқартириш ҳисобига нақдсиз тўловлар салмоғини оширади. Ушбу натижалар мамлакатда инфляция даражасини жиловлаш, ишсизликнинг олдини олиш ва яширин иқтисодиётнинг қисқаришини таъминлайди. Бундан ташқари, банк кредитлари таркибида истеъмол кредити ўзига хос даромадли ва таваккалчилик даражаси паст бўлган актив ҳисобланади. Чунки истеъмол кредитида истеъмол омонатининг расмийлаштирилиши кредит таваккалчилиги даражасини пасайтиради.

2. Республикамиз тижорат банклари кредитлаш амалиётида кредит шаклларидан тўлақонли фойдаланилмаётганлиги.

Тижорат банклари фаолиятида кредитлаш шаклларидан оптимал фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Чунки, кредитлаш шаклининг тўғри танланиши кредитлаш самарадорлигини оширади, мижоз ва банкнинг кредитлардан маълум даражада наф кўришини таъминлайди.

Халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган кредитлаш шаклларидан мамлакатимиз банк амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, кредитлашнинг контокоррент, овердрафт, форфейтинг ва факторинг каби шаклларидан кенг миқёсда фойдаланилмаяпти. Бу эса тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини пасайтириб, уларнинг иқтисодиёт тармоқларига йўналтиришда муаммоларни келтириб чиқаради.

3. Банкларда мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларини баҳолаш тизимининг такомиллашмаганлиги.

Республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда камчиликларнинг мавжудлиги кредитлашнинг самарадорлигига салбий таъсир этади. Мижозлар тоифалари бўйича, яъни жисмоний ва юридик мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш билан боғлиқ қуйидаги камчиликлар мавжуд:

А. Тижорат банкларида юридик мижозларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда 3 та асосий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бунда корхонанинг фаолият тури, ихтисослашуви ва унинг обороти ҳисобга олинмайди, яъни фермер хўжалиги, савдо корхонаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат корхонаси ёки оғир саноат корхоналарининг кредитга лаёқатлиги бир хил усул асосида баҳоланади. Фикримизча, бундай ёндашув мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлигини етарли даражада баҳолаш имконини бермайди. Шу билан бирга, юридик мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини пул оқими таҳлили асосида баҳолашнинг тартиби мавжуд эмаслиги, тижорат банкларида кредит таъминланганлигининг иккиламчи манбаларига суяниб қолишига сабаб бўлмоқда.

В.Жисмоний шахсларни кредитга лаёқатлигини баҳолашдаги камчиликлар. Ушбу жараёнда асосий урғу жисмоний шахсларнинг даромадларига берилади ва кредитлаш амалга оширилади. Бу эса кредит таваккалчилигини ошишига олиб келади.

Тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашни такомиллаштириш, кредитлаш самарадорлигини ошириб банкларнинг барқарорлигини таъминлайди. Натижада мамлакат банк тизими барқарорлиги оширилади ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши таъминланади.

Юқоридаги санаб ўтилган тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда уларнинг кредитлаш фаолиятини такомиллаштириш ижобий натижаларга олиб келади ҳамда Республикамиз тижорат банклари томонидан реал секторни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларида уларнинг иштирокининг фаоллашувига олиб келади.

Республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлигини кўсатди.

Ана шундай муаммолардан бири – республикамизнинг қатор тижорат банкларида кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғини нобарқарорлиги ва нисбатан паст даражадалиги ҳисобланади.

Кредитларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 60 фоиздан кам бўлмаган даражаси таъминланган шароитдагина тижорат банки жами фоизли даромадларининг асосий қисмини кредитлардан олинган фоизлар ҳисобидан таъминлаш имкони юзага келади. Бу эса, тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунга эришиш учун тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган активлари – мажбурий захира ажратмалари суммаси, “Ностро” вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи, асосий воситалар миқдорини камайтириш тақозо этилади.

Шу билан бир бирга, республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси ҳам мавжуд. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги. Кредитларнинг асосий қисмини ўзаро боғлиқ тармоқларга мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган. Бу эса, кредит таваккалчилиги муаммосининг чуқурлашишига олиб келади. Бунинг боиси шундаки, банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади.

Тижорат банклари кредитлаш фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш орқали кредитлаш салоҳиятини ошириш.

Тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишда асосий эътиборни муддатли депозит ва нодепозит манбаларга қаратиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар эмиссияси ҳажмини ошириш йўли билан барқарор ресурс базани шакллантириш лозим. Банкларнинг қимматли қоғозларидан қуйидагиларни эмиссия қилиш лозим:

- банклар узоқ муддатли облигацияларни муомалага чиқариш йўли билан субординар қарзларни жалб қилиш амалиётини кенгайтириш;
- банклар томонидан узоқ муддатли ипотека кредитлари учун ипотекали қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва уни аҳоли ўртасида жойлаштириш;
- тижорат банклари томонидан муомалага фоиз тўловли ва ютуқли депозит сертификатларини муомалага чиқариш йўли билан ресурсларни жалб қилиш, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятини оширишнинг бирламчи омилларидан ҳисобланган аҳолининг муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан хориж амалиётида қўлланиладиган антисипатив фоиз ставкаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бу, биринчидан, аҳоли ўртасида муддатли ва жамғарма депозитлардан олинадиган даромадларга нисбатан қизиқиш уйғотса, иккинчидан тижорат банкларининг узоқ муддатли кредит ресурсларига эга бўлишини таъминлайди.

2. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар ҳажмининг улардан жалб қилинган депозитлар ҳажмидан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим.

Республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ. Чунки жисмоний шахсларни кредитлаш кредит таваккалчилиги паст кредитлар тоифасига киритилади. Жисмоний шахсларга кредитларни тақдим қилишда олдиндан депозит кўринишида омонатни жалб қилиш таваккалчилик даражасини пасайтирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Масалан, ипотека кредитларида жисмоний шахслар томнидан олдиндан камида 25 фоиз миқдорида банкка маблағларнинг қўйилиши, ушбу кредитнинг таваккалчилик даражасини пасайтиради.

Халқаро амалиёт тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида жисмоний шахсларга ажратиладиган кре-

дитлар миқдорини улардан жалб қилинган депозитлар ҳажмидан ошириш лозим.

Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва активлари таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг салмоғини ошириб бориш лозим. Масалан, 2017 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитларнинг жами пассивлар таркибидаги улуши 23,0 фоиздан ошиқроқни ташкил этгани ҳолда банкларнинг жисмоний шахсларга ажратилган кредитларининг брутто активлардаги улуши 11,8 фоизни ташкил қилмоқда [5]. Демак, ушбу кўрсаткичлар даражасини ўзаро мувофиқлаштириш, яъни жалб қилинган депозит ва кредитлар миқдорини тенглигини таъминлаш банкларнинг ресурсларни жалб қилиш ва кредитлаш самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, банклар томонидан аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилишнинг муҳим йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган кредит карточкалардан фойдаланиш бугунги кунда жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажмини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Кредит карточларини доимий иш жойига эга бўлган ва барқарор даромад олувчи жисмоний шахсларга берилиши мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда кредит карточкаларини қўллашда жисмоний шахс фаолият юритаётган корхонанинг кафиллигидан фойдаланиш кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлайди.

3. Республикамиз тижорат банклари кредитлаш амалиётида замонавий кредитлаш шаклларидан кенг фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида кредитлашнинг факторинг, форфейтинг, контокоррент ва овердрафт шаклларидан фойдаланилмаслиги кредитлаш амалиётига ва кредит таклифига салбий таъсирни юзага келтиради.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида кредитлашнинг замонавий усулларини қўллаш банклар ва мижозлар учун қуйидаги ижобий жиҳатларни таъминлайди:

* банклар жалб қилинган ва ўз маблағларидан самарали фойдаланади;

* тижорат банклари мижозлари маблағларини банк талабига кўра кредитни қайтаришга йўналтириш мумкин;

* тижорат банклари томонидан кредитлар қайта-қайта берилиши ҳисобига кредит таклифини оширишга хизмат қилади;

* кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тезкор ва кредит олиш имкониятлари юқори;

* ушбу кредитлаш шаклларининг кўп мақсадлилиги ишлаб чиқариш корхоналарининг айланма маблағларини айланишини тезлаштиради ва ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлайди;

* мижозлар фойдаланган кредит миқдори ва муддатига мувофиқ фоиз тўловларни тўлайди;

* кредитлаш жараёнида ресурслардан самарали фойдаланиш билан бирга, банк ликвидлилигини таъминлайди ва бошқаради;

* тижорат банклари кредитлаш фаолиятида кредит ресурслари маълум давомийлик асосида берилиши ҳисобига кредит таваккалчилигини пасайишини таъминлайди.

Тижорат банклари томонидан кредитлашнинг замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланиш орқали республикамиз банкларининг кредитлаш самарадорлиги оширилади. Хусусан, банкларнинг кредит операциялари ҳажми ошади ва кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг барқарор ўсиши таъминланади.

4. Банкларда мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

Республикамиз тижорат банклари амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда муаммоларни мавжудлиги кредит портфели сифатига ва унинг барқарор ўсишига салбий таъсир қилмоқда. Мижознинг кредит тўловига лаёқатлигининг тўғри баҳоланиши кредитларнинг ўз вақтида тўла қайтишини таъминлайди.

Фикримизча, тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

- банк мижозларининг тўловга лаёқатлиги билан биргаликда, банкларда кредит таваккалчилиги даражасини баҳолаш тизимини шакллантириш ва шунга мос равишда бериладиган кредит бўйича таваккалчиликни бошқариш усулларини белгилаш;

- хўжалик юритувчи субъектларни тоифаларга ажратган ҳолда корхоналарнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи, яъни қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, алоқа ва бошқа тармоқларни хусусиятига қараб кредит тўловига лаёқатлиликни баҳолашни жорий этиш;

- банклар мижозларнинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларини баҳолашда фақатгина корхона фаолиятига тегишли маълумотларга суяниб қолмаслиги зарур.

Ўзбекистон банк амалиётида кредитга лаёқатлиликни мижозлар фаолиятига тегишли молиявий ҳисоботлар, бизнес режа ва бошқа кўрсаткичларнинг таҳлилидан ташқари, ташқи маълумотларга асосланган ҳолда баҳолашни жорий қилиш бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этади. Мижозлар ҳақидаги ташқи маълумотларнинг унга тегишли бўлган ички маълумотлар базасига

нисбатан шаффофлиги юқори саналади.

Тижорат банклари мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда фақатгина молиявий коэффицентлар асосида эмас, балки халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган рейтинг тизимлари, гаров объектлари реестрини юритиши ва бошқа маълумотлар базасини шакллантириши ҳамда ушбу маълумотларга таянган ҳолда кредит таваккалчилиги даражасини баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги санаб ўтилган тавсияларни тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида қўллаш уларнинг кредитлаш салоҳиятини барқарорлаштиришга, банкларнинг кредитлаш фаолияти самарадорлиги ошишига ва натижада тижорат банклари томонидан иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида устувор тармоқларни молиявий қўллаб-қувватлашдаги фаоллигини оширишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3270-сонли Қарори.*

*3. 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. Бозор, пул ва кредит журнали. 2017. №1.*

*4. www.cbu.uz, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.*

*5. www.cbu.uz, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.*

# СУҒУРТАЛОВЧИ ВА ҚАЙТА СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ АКТИВЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Кенжаев Илхом Ғиёсович**

Катта ўқитувчи, Тошкент молия институти

**Ш.Шарипов**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, 2-курс тингловчиси

***Аннотация.*** Мақолада суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активларини жойлаштириш шартлариҳамда уларнинг устав капиталининг минимал миқдорига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда суғурталовчининг инвестиция фаолиятини таҳлили келтирилиб, суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурталовчининг активлари, суғурталовчининг инвестиция фаолияти, суғурталовчининг тўлов қобилияти, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси,устав капитали.

***Аннотация.*** В статье подвергаются анализу условия размещения активов страховщика и перестраховщика, изменения и добавления, вносимые в минимальное количество их уставного фонда, инвестиционная деятельность страховщика, а также даются рекомендации по повешению эффективности размещения активов страховщики и перестраховщика.

***Ключевые слова:*** страховщик, страхователь, активы страховщика, инвестиционная деятельность страховщика, платятеспособности страховщики, страховие премия, страховое возмещение, уставной капитал.

Суғурталовчининг активлари деганда суғурталовчи назоратида бўлган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолияти натижасида олинган иқтисодий ресурсларга айтилади.

Маълумки, суғурталовчиларнинг активларини жойлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи билан “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, суғурталовчиларнинг ва қайта суғурталовчиларнингтўлов қобилияти нормативларини ва уларни аниқлаш тартибини ҳамда суғурталовчи ва қайта суғурталовчиларнинг активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талаблар белгиланди.

Ушбу Низомга кўра суғурталовчилар ва қайта суғурталовчилар активларини жойлаштиришга оид талаблар қуйидагича қилиб белгиланди:

- суғурталовчи ва қайта суғурталовчи бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси устав капиталининг 50 фоизи миқдори билан чегараланади.
- суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши ушбу юридик шахснинг устав капиталининг 30 фоизидан

ошмаслиги шарт. Лекин суғурта фаолиятини, таъминлашга йўналтирилган фаолиятни амалга оширадиган шуъба корхоналар бундан мустасно.

- суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активлари кўчмас мулк объектларига жойлаштирилганда, суғурталовчи қайта суғурталовчи активларининг 50 фоизидан ортиғини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа объектига ёхуд битта объект сифатида қўрилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари мажмуига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

- суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активларини банк омонатларига (депозитларига) жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган омонат суғурталовчи ва қайта суғурталовчи активларининг 40 фоизидан ошмаслиги шарт.

- суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активларини кредит ташкилотларида (тижорат банкларидан ташқари) омонатларга (депозитларга) жойлаштиришда, омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси суғурталовчи ва қайта суғурталовчи активларининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт.

- суғурталовчи ва қайта суғурталовчи активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи ва қайта суғурталовчи активларининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт* .

Шунингдек суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг боғлиқ шахслар билан фаолиятининг кўрсаткичлари суғурталовчи ва қайта суғурталовчи томонидан битта ёки барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активлар суммасининг суғурталовчи ёки қайта суғурталовчини устав капиталига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$СК=\frac{СА \times 100\%}{УК} \quad ёки \quad СК=\frac{УС \times 100\%}{УК}$$

бу ерда:

СК – суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг барча боғлиқ шахслар билан фаолиятининг кўрсаткичлари;

СА – суғурталовчи ва қайта суғурталовчи томонидан бир нафар боғлиқ шахсда жойлаштирилган активлар;

УС – барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси;

УК - устав капитали.

Юқорида келтирилган формуладан келиб чиқиб, шундай хулосага чиқариш мумкинки суғурталовчи ва қайта суғурталовчи томонидан бир нафар боғлиқ шахсда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси, суғурталовчи ёки қайта суғурталовчи устав капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги шарт. Шу билан бир қаторда суғурталовчи ва қайта суғурталовчи томонидан барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси суғурталовчи ва қайта суғурталовчи устав капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги шарт.

Шунингдек суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активларни боғлиқ шахсларда фақат суғурталовчи ҳамда қайта суғурталовчининг кузатув кенгаши ёки бошқа ваколатли органи рухсати билан инвестиция қилинаётган маблағларнинг ликвидлиги, фойдалилиги ва қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган техник-иқтисодий асосланиш асосида жойлаштиришга ҳақли. Агарда суғурталовчи ва қайта суғурталовчи инвестиция маблағларини жойлаштиришда ушбу қоидаларни эътибордан четда қолдирса, у ҳолда суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлик даражаси паст бўлади.

Дарҳақиқат 2008 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришга оидқ ўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан фаолият турига қараб суғурталовчиларнинг устав капиталига янги талаблар қўйилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилган “2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарорига мувофиқ ҳамда 2017 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 5177-сонли Фармонига асосан товарлар, ишлар ва хизматлар учун нархлар ва тарифлар ҳамда тижорат банклари ва суғурталовчи ташкилотларининг устав капиталларига минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланади (1-жадвалга қаранг).

** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи билан “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида”ги Низом маълумотлари асосида тайёрланган.*

1-жадвалда, 2008-2018 йиллар давомида суғурта компанияларининг минимал устав капитал даражаси ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бундай воқейликни келиб чиқишига асосий сабаб шундаки, йиллари ўтиши билан ҳукуматимиз томонидан суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, суғурта бозорида кўрсатиладиган суғурта хизматлар кўлами кенгайиб, суғурталовчиларнинг минимал устав капитали миқдорини ошириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бунинг натижасида суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлик даражаси мустаҳкамланиб, улар ихтиёрида катта миқдордаги молиявий ресурсларни шаклланиши ва уни жойлаштириш имкониятини туғдиради. Яъни суғурта ташкилотлари мамлакат доирасида йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишади. Улар тасаруфида тўпланган пул маблағлари молия бозори орқали давлат бюджети тақчиллигини бартараф этишда катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда(1-расмга қаранг).




Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**1-расм. Суғурта компанияларининг инвестиция ҳажмининг ўзгариш динамикаси (млрд. сўмда).**

1-расмда, 2010 йилдан то 2016 йиллар оралиғида суғурта компанияларининг инвестиция ҳажмининг ўзгариш динамикаси келтирилган. 2010 йилда суғурталовчилар томонидан қилинган инвестиция ҳажми 298,8 млрд.сўм бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йилда 469,3 млрд.сўмни ташкил қилиб 2010 йилга нисбатан 170,5 млрд.сўмга кўпдир. 2013 йилда эса суғурталовчилар томонидан қилинган инвестиция ҳажми 526,6 млрд.сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 758,1 млрд.сўмни ёки 2013 йилга нисбатан 231,5 млрд. сўмга кўп инвестиция қилинган. 2014 йилда суғурталовчилар томонидан 623,7 млрд.сўмлик инвестиция қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб, 867,5 млрд. сўмни ташкил қилиб 2014 йилга нисбатан 243,8 млрд. сўмга кўпдир.

Юқорида келтирилган 1-расм маълумотлари таҳлилидан келиб чиқиб, ана шундай хулоса чиқариш мумкин. Ушбу расмда суғурталовчилар томонидан амалга оширилган инвестиция ҳажми йиллар давомида ўсиб борганига гувоҳ бўлдик. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳукуматимиз томонидан йиллар давомида суғурта хизмат турларини кўпайтириш мақсадида меъёрий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Бу ўз навбатида суғурталовчилар томонидан янги суғурта хизматларини кўрсатиш имкониятини яратди.

Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг активларини жойлаштиришнинг ташкилий услубий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

***Биринчидан,*** дебиторлик қарзларининг

ҳосил бўлишига мутлоқа йўл қўймаслик лозим. Бунинг сабаби шундаки, дебиторлик қарзлари суғурта ташкилотларида пул маблағлари оқимига салбий таъсир кўрсатади.

***Иккинчидан,*** суғурта қилдирувчилардан келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан шакллантириладиган суғурта захираларини бошқаришда уларни тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Суғурта ташкилотларида молиявий ресурслардан фойдаланишда суғурта даъволарини тартибга солиш масалалари катта аҳамиятга эга. Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин зарарларни аниқлаш, далолатнома тузиш орқали суғурта тўловларини амалга оширишда ҳатоликка йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда, суғурта қилдирувчига нотўғри ҳисоблаш орқали тўланган суғурта қопламаларини суғурта ташкилотига қайтариш анча мураккаб жараён ва бу молиявий ресурсларни бошқаришнинг салбий жиҳатларини акс эттиради.

***Учинчидан,*** суғурта қопламаларини тўлаш бўйича харажатларини камайтириш мақсадида суғурта ҳодисаларининг олдини олиш бўйича режалаштирилган харажатлар миқдорини ошириш, яъни олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ташкил қилинувчи жамғармага ажратма миқдорини ошириш керак;

***Тўртинчидан,*** суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятидан олган даромадларини солиққа тортиладиган базадан чиқаришни таклиф этамиз. Тўғри, ҳозирги кунда суғурта компанияларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари бўйича дивиденд шаклида олган даромадларига солиқ имтиёзлари берилган. Ушбу имтиёзларни бошқа инвестиция объектлари бўйича олинган даромадларига ҳам жорий этиш лозим.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи билан “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида”ги тасдиқланган Низом.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2008 йил 21 май.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 5177-сонли Фармони. 2017 йил 2 сентябр.*

*4. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Э., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. “Иқтисод-молия” нашриёти. Тошкент-2014 йил.*

*5. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг интернет саҳифаси маълумотлари.*

# ҲУДУДЛАР БЮДЖЕТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИ СУБВЕНЦИЯДАН ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Курбонов Хайрилла Абдурасулович**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада маҳаллий бюджетлар даромадлари, унда бюджетлараро трансфертлар ҳиссасинининг таҳлили ёритилган. Ҳудудлар бюджет салоҳиятини ошириш имкониятларининг умумиқтисодий ва молиявий омиллари асослаб берилган.

***Таянч тушунчалар:*** бюджетлараро трансфертлар, даромад базаси, маҳаллий солиқлар, субвенция, бюджет салоҳияти, иқтисодий салоҳият.

***Аннотация.*** В данном статье раскрыта доходов местных бюджетов и анализированы доли межбюджетных трансфертов. Обосновано общеэкономическое и финансовое факторы повышения бюджетного потенциала регионов.

***Ключевые слова:*** межбюджетные трансферты, доходная база, местные налоги, субвенция, бюджетный потенциал, экономический потенциал.

Ҳозирги шароитда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларини янада чуқурлаштириш бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган макроиқтисодий сиёсатнинг асосий векторларидан бири ҳудудларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги ислоҳотлар ҳудудлар иқтисодиётини мувозанатли ривожланишини таъминлаш орқали уларнинг молиявий-бюджет салоҳиятини янада ошириш эвазига Республика ва ҳудудлар ўртасидаги молиявий оқимлар барқарорлигини таъминлаш контекстида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий мустақиллигини янада оширилишини кафолатлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"[1] ги Фармонига мувофиқ қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш ҳисобига уларни субвенциядан чиқариш масалалари яқин ва ўрта истиқболда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси"га[2] мувофиқ Бюджет тизими бюджетларининг даромадлари мамлакатнинг 14 та ҳудудида шакллантириладиган солиқлар ва солиқсиз тўловлар ҳисобига шакллантирилиб, ҳар қайси бюджетнинг даромадларига мувофиқ уларга харажат ваколатлари ҳам тақсимлангандир. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари уларга бириктирилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда юқори бюджетдан бериладиган бюджетлараро трансфертлар тизими ҳисобига шакллантирилиб амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетлараро трансфертларнининг қуйидаги турлари мавжуддир: 1. Ўтказиб бериладиган даромадлар; 2.Субвенциялар. 3.Бюджет ссудаси; 4.Дотациялар; 5. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар. Улар ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ёки ҳудудлар бюджет салоҳиятидан оқилона фойдаланиш жараёнига салбий ёки ижобий таъсир этади.

Россиялик иқтисодчи, Н.С.Бескоровайнаянинг таъкидлашича[3], бюджетлараро трансфертлар иқтисодий тараққиёти турли даражада бўлган ҳудудларни фискал мувозанатлаштириш инструменти ҳисоблансада, улар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг нафақат ҳудудий молияни соғломлаштириш, балки, ижтимоий ислоҳотлардаги фаоллигини ҳам таъминланмаслигини эътироф этиб ўтади. Шу билан бир қаторда, бюджетлараро трансфертлар мамлакат ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятидаги тафовутнинг қай даражадалигини ҳам ифодаловчи кўрсаткич экан-

лигини айрим иқтисодчилар таъкидлаб ўтишадилар[4].

Кейинги 10 йилликда мамлакат ҳудудларини мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган ислоҳотлар натижаси ўларок, 2011 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар тўлиқ дотацион режимдан чиқарилди. Маҳаллий бюджетларни субвенциядан чиқариш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида эса уларни бюджетлараро трансфертлар тизимидаги улуши кескин камайиб, субвенцион режимдаги маҳаллий бюджетлар сони қисқариб бормоқда.

**1-жадвал**

**Маҳаллий бюджетларга ажратилаётган субвенциялар тўғрисида маълумот**

| *Республика ҳудудлари* | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *Ўзбекистон Республикаси* | 2546,5 | 3153,4 | 3687,4 | 2929,1 | 2521,7 | 2402,8 | 1397,1 |
| *ҚҚР* | 318,5 | 385,5 | 454,8 | 495,3 | 506,4 | 475 | - |
| *Андижон* | 359,1 | 470,7 | 543,1 | - | - | - | - |
| *Бухоро* | - | - | - | - | - | - | - |
| *Жиззах* | 215,3 | 257,1 | 314,0 | 372,0 | 367,2 | 404,5 | 228,9 |
| *Қашқадарё* | - | - | - | - | - | - | - |
| *Навои* | - | - | - | - | - | - | - |
| *Наманган* | 387,5 | 467,2 | 531,1 | 508,3 | 597,3 | 656,2 | 542,3 |
| *Самарқанд* | 547,5 | 655,7 | 771,5 | 642,2 | 249,9 | - | - |
| *Сурхондарё* | 385,6 | 475,8 | 556,2 | 618,2 | 645,1 | 688,6 | 532,9 |
| *Сирдарё* | 84,7 | 132,7 | 152,4 | 159,5 | 155,7 | 178,0 | 92,8 |
| *Тошкент* | - | - | - | - | - | - | - |
| *Фарғона* | - | - | - | - | - | - | - |
• «Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш» лойиҳасига Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг 23,8 млн. доллар [4] миқдоридаги маблағлари;

• «Орол бўйи минтақасида иқлим ўзгаришга мослашиш ва оқибатларини юмшатиш» лойиҳасига Халқаро тараққиёт уюшмасининг 14 млн. доллар миқдоридаги маблағлари жалб қилинган [4].

Республика миқёсида 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш, шунингдек аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида муқобил электроэнергия манбаларидан фойдаланиладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборларни ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш ҳам кўзда тутилган [4].

Айни чоғда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибийислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни ташкил этиш жараёни бошлаб юборилган.

Эндиликда назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш мақсадида режали текширишлар сонини режа-жадвалига мувофиқ олиб бориш белгилаб қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналарни сотиб олишга бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаш мақсадида акциядорлик жамияти шаклидаги суғурта фондларини ташкил этиш ва суғурта механизмларини янада такомиллаштиришга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Бунда устав капиталининг бошланғич миқдорини Ўзбекистон банклари ассоциацияси, давлат органлари ва тижорат банклари - муассислар улушлари ҳисобига шакллантириш мўжал қилинган.

Тадбиркорларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун хом ашё ва материаллар билан етарли даражада таъминлаш, уларга бир гектардан ортиқ ер майдонларини ажратиш тизимини такомиллаштиришда «ягона дарча» тамойилини қўллаш субъектлар томонидан аризани кўриб чиқиш жараёнини интерактив кузатиш имконини бермоқда.

Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом ашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш мақсадида иқтисодиёт ҳамда кичик бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажмини 1,2 баробарга ошириш режалаштирилган [4].

Айни пайтда, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рағбатлантириш ва такомиллаштириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Иқтисодиёт кўламида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини йириклаштириш орқали рақобатдош йирик компаниялар яратишни рағбатлантириш, бунинг учун эса инвестициявий жозибадорликни янада ошириш, шунингдек Жаҳон банкининг «Doing Business» халқаро рейтингида республикамизнинг объектив рейтинг кўрсатгичлари бўйича ўрнини яхшилаш масаласи ҳам муаммолигича қолмоқда.

Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар механизми ишлаб чиқилган [4.], [6.]. Айниқса, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда – енгил саноатда 85 та, чармпойабзал соҳасида 31 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 16 та, озиқ-овқат саноатида 78 та, фармацевтика соҳасида 18 та, электротехника саноатида 17 та лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилган [6.].

Фикримизча, ҳудудларнинг инновацион салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш учун уларнинг қуйидаги ожиз томонларига муҳим эътиборни қаратиш лозим:

• ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш билан боғлиқ янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банклари ва хорижий молия-саноат гуруҳларининг иштирокини кенгайтириш;

• кичик бизнеснинг инновацион технопаркларини ташкил этиш;

- кичик саноат зоналарида уларнинг ихтисослашуви, ресурс салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларининг рационал жойлашишини ташкил этиш ва иштирокчиларнинг зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини яхшилаш;
- инвестициявий лойиҳаларни самарали йўлга қўйиш ва иштирокчиларга юклатилган мажбуриятларнинг ижросини тизимли мониторинг қилиш [4].

Бугун давлатимиз ва халқимизни ўйлантираётган энг муҳим масалалардан бири – миллий валютамиз ва ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш муаммосидир. Бу борада, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, энди ҳар чоракда Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Марказий банк макроиқтисодий кўрсаткичлар, айниқса, валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган таҳлилий маълумотларни тақдим этиб боришга масъулдир.

Инфляция даражасини аниқлашда товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) ўзгаришини кузатиш методикасини такомиллаштириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Нақд пулсиз кўринишда товар ва хизматлар сотишда сунъий юқори нархлар ўрнатганлик учун жавобгарликнинг оширилиши ички бозорда нарх шаклланиш тартибини бошқаришда бозор механизмларини жорий қилиш имконини беради. Бунда маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга нархларни декларация қилиш тартиби босқичма-босқич қисқартирилади, кейинчалик 2020 йилга бориб уни тўлиқ бекор қилишга эришилади.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган [4].

Аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, мамлакатимизнинг олис ҳудудларини ҳам электр энергия, газ билан таъминлашни янада яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини ошириш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълимни сифат жиҳатдан янада бойитиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимизни келгуси беш йилда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳа объектлари, хусусан олий таълим соҳасини тараққий эттириш борасида ҳам комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилган. Ислоҳотлар ҳаётда тўла самара бериши учун, аввало, замонавий билим, кучли интеллект ва юксак маънавиятга эга кадрлар зарурдир.

Шу нуқтаи назардан Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз илм-фан намояндалари билан учрашувда мамлакатимиз олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш кераклигини алоҳида таъкидладилар.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурининг ишлаб чиқилганлиги мамлакатимизнинг стратегик мақсадларга эришишида муҳим босқич бўлди. Бунга мувофиқ академик соҳада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсад қилинган:

- ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш;
- пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш.

Фикримизча, юқорида зикр этилган вазифаларнинг сидқидилдан ижро этилиши – олий таълим муассасаларида сўзсиз таълим сифати даражасини ошириш орқали олий маълумотли кадрларимизнинг халқаро меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги ва босқичма-босқич ОТМларнинг мустақиллигини таъминлайди.

Бугун дунёнинг ривожланган давлатлари кадрлар танлашда 1999 йил 19 июндаги Болоня декларациясига таянмоқда. Шу боис мамлакатимизнинг мазкур халқаро ҳужжатга қўшилиш масаласи кўриб чиқилади. Бу билан миллий олий таълим тизими жаҳон амалиёти билан уйғун ривожланади, кадрлар тайёрлаш сифати кескин ортади.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш муаммосига ҳам муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида қаралади. Хусусан 2017 йилда [6]:

- саноатда 131 мингта иш ўрни яратишга мўлжалланган 5440 та лойиҳа;
- қишлоқ хўжалигида 55,8 мингта иш ўрни яратишга мўлжалланган 8430 та лойиҳа;
- хизмат кўрсатиш соҳасида 69,5 мингта иш ўрни яратишга мўлжалланган 11 мингта лойиҳани сўзсиз амалга ошириш

бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтириш белгиланган.

Мамлакатимизда тиббиёт масканлари, хусусан, бирламчи тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини янги босқичга кўтариш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, жамиятимизда ҳар томонлама соғлом оилаларни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимлари билан учрашувида бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар кенг муҳокама қилинмоқда, зарур топшириқлар берилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси тиббиёт соҳасини изчил ривожлантириш, соҳа ходимларининг касб малакаси ва масъулиятини янада оширишда ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётини белгилаб берувчи ушбу муҳим ҳужжатда ёши улуғларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари қайд этилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар, сув ва газ таъминоти қувурлари, бугунги талабларга мос замонавий йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини янада яхшилаш назарда тутилган.

Бу ислоҳотларнинг барчаси одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга асослангандир.

Мазкур ҳужжатнинг бешинчи устувор йўналиши мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга оширишга қаратилгандир. Бунда:

- Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги таҳдидларга қарши ўз вақтида, муносиб ҳаракатларни ташкил этиш;
- фуқаролар, миллат ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни янада мустаҳкамлаш;
- давлатимизнинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;
- экологик муаммолар ва фавқулодда вазиятларни олдини олиш;
- Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида холис ахборот етказиш каби қатор устувор йўналишлар белгиланган.

Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити мустаҳкамланган. Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда [5. 9-б.].

Ушбу йўналишда энг муҳим масалалардан бири – бу глобаллашув ва мураккаб «ахборот уруши» асрида мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш масаласидир. Чунончи ҳозирги кун бутун дунёда киберхуружлар тобора глобаллашиб, авж олиб бораётган бир даврдир. Ҳаракатлар стратегиясига кўра, мамлакатимизда бундай киберхуружларни олдини олиш, бу йўналишда етарлича хавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш жараёни кечмоқда.

Зеро мамлакатимизда тинчлик-тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ҳаётий заруратдир.

Мамлакатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларини чуқур таҳлил этиш – унинг истиқболини тасаввур этиш билан боғлиқ қуйидаги хулосаларни илгари суриш имконини берди:

1. Ҳаракатлар стратегиясининг беш босқичда амалга оширилиши ва бунга мувофиқ ҳар йили Давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши уни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз, албатта.

2. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари» йилида амалга ошириладиган Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бунинг туб моҳиятида халққа ҳар томонлама қулайлик яратиш мужассамдир.

3. Фаолияти аҳоли билан ишлаш ва унинг манфаатларини таъминлаш бўлган тузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш, сўзсиз мамлакатда ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг

муҳим кафолатидир. Зеро Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак», деган фикрлари жамият ҳаётининг муҳим мезонига айланмоғи даркор.

Шубҳасиз, давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини янада ошириш, қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтириш – Ҳаракатлар стратегиясида кутилган натижаларга эришишнинг муҳим воситасидир.

4. Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда қуйидаги масалаларга муҳим аҳамият беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

4.1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар, айниқса, валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва провард натижада юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш.

4.2. Валютани тартибга солиш, пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга, шунингдек нақд пул муомаласи механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илғор бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва самарадорлигини таъминлаш.

4.3. Республикада банк-молия тизими фаолиятини тартибга солишнинг сўнгги тамойил ва механизмларни жорий қилиш орқали нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини босқичма-босқич ошириб бориш ва шу орқали банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш, шунингдек иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шаклларини жорий этиш орқали тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш.

4.4. Банк кассаларига нақд пул тушумларини кўпайтириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида республика молия бозорини ривожлантиришга қаратилган ўрта ва узоқ муддатли концепцияни ишлаб чиқиш.

4.5. Бюджет харажатларини янада оптимallаштириш, шаҳарлар

ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, шунингдек фискал номарказлаштириш механизмларини такомиллаштириш орқали тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантиришга эришиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини берувчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириб бориш ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш.

4.6. Ҳудудлар иқтисодиётини модернизациялаш, уларнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, шунингдек барқарор келажагини яратишда саъй-ҳаракатларнинг оммавий қўллаб-қувватланишига эришиш.

4.7. Тадбиркорлик ривожига янада кўмаклашиш мақсадида солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ва солиққа тортиш дастакларининг бозор иқтисодиёти тамойилларига мослашувини такомилига етказиш ва фискал имтиёзларнинг индивидуал тартибда берилишига йўл қўймаслик мақсадида уларни мақбуллаштиришни назарда тутувчи қонуний асосларни ишлаб чиқиш.

4.8. Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишига мувофиқ мамлакатимиз иқтисодиётига хориж инвестицияларни фаол жалб қилиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Халқаро тажрибанинг гувоҳлик беришича, инвестициялар нафақат иқтисодиётнинг етакчи ва устувор тармоқларининг равнақ топиши ва гуллаб яшнашига, балки айни пайтда, уларнинг рақобатбардошлик салоҳиятининг кучайишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

5. Ҳудудларда ҳамон ўз ечимини кутаётган ва Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим ижтимоий сифат кўрсаткичи ҳисобланган: таълим сифатини янада ошириш; хотин-қизлар ҳамда ёшлар фаровонлиги, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш; аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, тиббий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; ёшлар орасида соғлом турмуш-тарзини тарғиб қилиш ҳамда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти ва ошкоралигини таъминлашда мавжуд ҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нафақат ўзаро ҳамжиҳатлигини, балки уларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарур.

6. Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишга мувофиқ чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтиришда қуйидаги

муҳим жиҳатларга эътиборни қаратишни лозим деб ҳисоблаймиз:

5.1. Устувор ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда чет эл ҳукумат ташкилотлари (Европа ҳамкорлик комиссиялари ва ҳоказо) ларнинг грант маблағлари ҳамда халқаро молиявий институтларнинг имтиёзли кредитларини фаол жалб қилиш.

5.2. Халқаро ва чет эл манбалари орқали молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг ташқи сармоя бўйича юзага келадиган харажатларини камайтириш мақсадида етакчи халқаро рейтинг ва суғурта агентликлари (S&P, FITCH, MOODY'S ва ҳоказолар) билан маслаҳатлашув ҳамкорлигини янада кучайтириш ва шунингдек, уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни, 2000 йил 26 май, 77-II-сон.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.*

*3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова.*

*4. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонига 8-илова.*

*5. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. - 56 б.*

*6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 488 б.*

*7. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 32 б.*

*8. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016-йил 7-декабр / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –32б.*

*9. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола [Матн] / Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. – 244 б.*

*10. Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов, А.С.Юсупов. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви: илмий монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 173 б.*

*11. http://kun.uz/uz/news/category/uzbekiston.*

*12. www.xs.uz*

*13. www.press-service.uz*

*14. www.gazeta.uz*

*15. www.uza.uz*

*16. https://www.sputnik.uz*

*17. www.gov.uz*

*18. www.kun.uz*

*19. https://pm.gov/uz/uz*

*20. www.mineconomy.uz*

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҲЛИЛИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Хотамов Ибодулло Садуллоевич**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада инвестицияларни жалб этиш, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда республикамизда бугунги кунда мавжуд бўлган тартибларни таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда зарур бўлган усуллар, мезонлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

***Таянч тушунчалар:*** инвестиция, жозибадорлик, рақобат, лойиҳа ҳужжатлари, пул оқимлари, экспертиза, дисконтлаш, фоиз ставкаси, самарадорлик, баҳолаш

***Аннотация.*** В данной статье изложены мнения по поводу привлечения инвестиций, о порядке разработки предпроектных документов инвестиционных проектов, опыт зарубежных государств в этой сфере и а также о методах, критериях, необходимых при разработки инвестиционных проектов на основе анализа существующих на сегодня порядков в нашей республике.

***Ключевые слова:*** инвестиция, привлекательность, конкуренция, проектные документы, денежные потоки, экспертиза, дисконтирование, процентная ставка, эффективность, оценка

Мамлакатимизда иқтисодиётни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш юзасидан кенг кўламли ишлар, шунингдек саноатни модернизация қилиш ва замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Республикамизда хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда. 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.[1]

Мамлакатимизда инвестицион ҳолатнинг жорий йил 9 ойлик натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, соҳада ижобий ўзгаришлар рўй бераётганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, жорий йил давомида давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган 1172 та олди-сотди шартномалари бўйича 240,9 млн. АҚШ доллари ва 1846,8 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши назоратга олинган. Шулардан, 18 та олди-сотди шартномалари хорижий инвесторлар билан тузилган. Юқоридаги шартномаларга кўра, бажарилган инвестициялар умумий миқдори 130,6 млн. АҚШ доллари ва 1009,0 млрд. сўмни ташкил этди. Инвестиция киритиш даврида 11950 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Амалдаги шартномаларга кўра, йил бошидан инвесторлар томонидан 9,4 млн. АҚШ доллари ва 353,3 млрд. сўм инвестиция киритилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажми 20,1 млн. АҚШ доллари ва 447,0 млрд. сўмни ташкил этди*.

Инвестицион фаолият соҳасида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллашга асосланган инновацион ёндашувларни жорий этиш бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий

** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.*

шартларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўсқинлик қилаётган бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. (1-расм)

**КАМЧИЛИКЛАР**

давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслиги

лойиҳаларни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезкор кузатиш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлиги

давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиқлик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек турли хил суиистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлиги

амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асослантирилганлиги ва рентабеллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек уларнинг қийматини ошириб кўрсатиш ва бошқа суиистеъмолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги

***1-расм. Инвестиция лойиҳаларни бошқариш тизимидаги камчиликлар***

Юқорида келтирилган ҳолатлар давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи, лойиҳа бошқаруви принципларига асосланган қарорлар қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва назорат қилишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни талаб қилади. Ушбу камчиликларни тезкор бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 24 июлда "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон имзоланди [2]. Ушбу фармонга асосан давлат дастурлари амалга оширилишини, молиявий маблағлар сарфланишини бошқариш механизмларининг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими яратилиши назарда тутилган.

Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлил этиш уларнинг самардорлигини очиб беришда марказий ўринни эгаллайди. Молиявий таҳлил лойиҳадан келадиган самара унинг ҳар бир иштирокчиларининг ўз мақсадларидан келиб чиқиб, лойиҳани амалга оширишдаги эришилиши лозим бўлган на-

тижаларни қўлга киритиш имкониятларини очиб беради. Бозор ислоҳотларигача бўлган даврда, яъни марказлаштирилган режалаштириш тизими амал қилган пайтда капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолаш академик Т.С.Хачатуров илмий бошчилигида ишлаб чиқилган услуб асосида амалга оширилар эди. Бунинг асосида капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тамойиллари самарадорликнинг тармоқ меъёр коэффициенти ёрдамида таққослама иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш йўли билан абсалют ва нисбий кўринишлардаги уларнинг қопланишини ҳисоблаш усуллари ётади [6].

Рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш борасида етакчи мутахассис Бхалла томонидан 1983 йилда ишлаб чиқилган "Хорижий инвестиция риск матрицаси" (Foreign Investment Risk Matrix (FIRM)) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича қарор қабул қилиш учун сиёсий ва иқтисодий рискларни баҳолаш учун ишлатилади. FIRMдан сиёсий ва иқтисодий рискларга асосланган ҳолда мамлакатларни инвестицияларни қабул қила оладиган, қабул қила олмайдиган ёки инвестициялар учун ноаниқ мамлакатлар гуруҳларига бўлинишини ўзида ифода этадиган матрицани ишлаб чиқиш учун фойдаланилиши мумкин*.

Инвестициялаш вариантларини танлашда ҳам ушбу услубларнинг ўзига хос ўрни бор эди, лекин улар қаттиқ догматик андозалар тизими билан чегараланган эди.

Шунинг учун ушбу услубларда зарур бўлган кўрсатмалар йўқ эди, яъни булар: бозор иқтисодиёти учун муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги ноаниқлик ва рисклар, инфляция шароитидаги реал ва номинал қийматларни баҳолаш ва шу кабилардир. Шунингдек капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини аниқлашда, баҳолашда иқтисодий, ижтимоий ва айниқса, маркетинг жиҳатлари ҳамда лойиҳа иштирокчиларининг манфаатлари етарлича ҳисобга олинмаган эди, пул оқими таҳлили, баланс таҳлили, амортизация ҳисоби ва бошқаларга бўлган эътибор унинг учун хос эмас эди.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олмаслик маъмурий бошқариш даврига мос келади, чунки унда давлат мулки ҳукмрон ҳисобланар ва бу борада ундан бошқа манфаатдорлар йўқ эди. Бундан ташқари, ҳар бир лойиҳа давлат томонидан белгиланган дастурлар орқали молиялаштирилар, лойиҳанинг самарадорлиги, кредитнинг қайтарилиши унчалик аҳамиятга эга эмас эди. Шунингдек хусусий тадбиркорликнинг мавжуд бўлмаганлиги инсонларни мустақил бир иш қилишларига ва фаолият олиб боришларига йўл бермас эди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестиция лойиҳаси, энг аввало, маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда кўпчиликнинг (лойиҳа иштирокчилари ва аҳолининг) манфаатларини эътиборга олиш билан амалга оширилиши лозим. Ҳозирги иқтисодий вазият, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидаги вазифалар, инвестиция лойиҳасини амалга оширишда бир неча манфаатларнинг ўзаро тўқнаш келиши жаҳон иқтисодиётидаги энг етук тажрибаларни Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш барча соҳалардаги каби инвестиция лойиҳалари таҳлилида ҳам услубий ўзгаришларга эришишни тақозо этди ва уни муҳим вазифа сифатида қўйди.

Ушбу вазифани ечишда муаллифлари В.В.Беренс, П.М.Хавранеклар бўлган "Руководство по оценке эффективности инвестиций" китобида инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда "ЮНИДО" услубиёти кенг тадқиқ этилган бўлиб, бу услубиёт лойиҳаларни таҳлил этишда аҳамиятли ўрин тутади [4]. Ушбу услубда у ёки бу лойиҳани молиялаширишда қарорлар қабул қилиш, шунингдек инвестиция олди тадқиқотлари учун мўлжалланган капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолашнинг жаҳон тажрибаси муфассал ёзилган. Буларнинг барчаси бозор таҳлилининг жиҳатларига, шунингдек техник-иқтисодий асослашдаги саволларга, яъни хом ашё базасини баҳолаш, қурилиш майдонини танлаш, лойиҳалаштириш ва технологияларни танлаш, инвестиция лойиҳаларини инвесторларнинг ўз маблағлари эвазига, шунингдек ташқи молиялаш манбалари эвазига молиялаштиришни таъминлаш, инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш (булар даромадлиликнинг ички меъёри, соф дисконтлаштирилган даромад ва ҳ.к.) жараёнларига тегишлидир.

Инвестицияларни баҳолаш учун шароитлар мавжуд бўлганда, лойиҳани тайёрлаш молиявий ва иқтисодий таҳлиллар талабларига мувофиқ ҳолда ўтказилиши керак.

Инвестициялаш молиявий ва иқтисодий нуқтаи назардан келгусида инвестицияларнинг умумий бошланғич қийматини оширувчи соф фойдани ҳосил қилиш ва олиш мақсадида барча турдаги молиявий, иқтисодий ресурсларнинг узоқ муддатга

** Uwe Gotze, DerylNorthcott, Peter Shuster.Investment Appraisal: methods and models. Second Edition. Springer – 2015. Page 42*

қўйилиши сифатида аниқланиши мумкин.

Ушбу қўйилманинг асосий жиҳати - бу молиявий ресурсларни (яъни инвесторнинг ўз ва қарз маблағларини) инвестор томонидан ишлаб чиқариш активларига қўйилган асосий ва соф айланма капиталга айлантириш. Қизиқишларни назорат қилиш учун турли хил маъмурий ва фискал тадбирлар қўлланилади. Бу тадбирлар ҳам рағбатлантирувчи, ҳам чегараловчи бўлиб, лойиҳани баҳолаш ва молиявий таҳлил жараёнларига киритилиши ва аниқланиши лозим.

Капитал қўйишда фойда инвестиция қарорларининг бош мезони бўлсада, у саноат инвестицияларининг бирдан-бир йўли ҳисобланмайди, чунки молиявий ресурсларни турли хил қимматли қоғозларга ҳам жойлаш (солиш) мумкин. Бироқ саноат лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларидаги мақсадлар йўлидаги инвестициялаш, нафақат, ресурсларнинг узоқ муддатга қўйилиши фойда олишга йуналтирилганлиги сифатида, балки ликвидлиликнинг ишлаб чиқариш активларида ўзгартирилиши сифатида ҳам аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лойиҳа мониторинги ва ундан кейин амалга ошириладиган аудит капитал инвестицияларга оид қарорларни қабул қилиш жараёнида “тескари алоқа” учун зарур ахборотни таъминлайди. Баъзи вазиятларда, бундай тескари алоқа кутилган натижаларга эришишни таъминлайдиган лойиҳаларни янада аниқлаштиришга яқиндан ёрдам қилади. Бундан кўзланган мақсад муаммоларнинг олдини олиш ва бу билан ёмон молиявий натижаларга дуч келишга йўл қўймасликдан иборатдир. Бошқа шундай ҳолатларда, тескари алоқа жорий лойиҳага жуда кеч кўмаклашиши мумкин. Бироқ, қандай бўлмасин бундай тескари алоқа компанияга келгуси инвестицион қарорлар ва уларнинг ижро этилишини ўрганиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам кўрсатиши мумкин*.

Саноат инвестициялари бўйича қабул қилинадиган ҳар қандай қарорлар инвестиция лойиҳаларининг умумий амалга ошиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги мезонларга асосланади:

**ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ**

- Ижтимоий-иқтисодий муҳитга тааллуқли лойиҳанинг асосий (корпоратив) мақсади билан ривожлантириш мақсадлари ўртасида ҳозирги ва кейинги давр мобайнида қандайдир бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилик мавжудми?
- Лойиҳа иқтисодий ресурсларни самарали ишлата оладими, лойиҳа учун талаб қилинадиган асосий ресурсларни ишлатишнинг энг яхши вариантлари борми?
- Лойиҳанинг мақсадига эришиш учун таклиф қилинган лойиҳа ва маркетинг стратегиялари қанчалик муҳимлиги, нима учун таклиф қилинган стратегия танланди, муқобил стратегиялар ҳам эътиборга олинганми?
- Лойиҳанинг таркиби, яъни лойиҳа андозаси маркетинг концепцияси, шунингдек корхона танлаган жойлашиш жойи қанчалик лойиҳа стратегиясига ва талаб қилинган ресурсларнинг мавжудлигига мос келади?
- Лойиҳалаштирилаётган барча инвестицион ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари ишончлилик даражасидами ва мувофиқ келадиган чегарага эгами?

***2-расм. Инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилиш мезонлари.***

** Uwe Gotze, DerylNorthcott, Peter Shuster.Investment Appraisal: methods and models. Second Edition. Springer – 2015. Page 32*

Лойиҳа ҳаётийлигининг ҳар қандай даврида тўланадиган молиявий мажбуриятларни бажариш учун миллий ва хорижий валюта билан етарлича таъминланганми - барча инвестиция харажатлари капиталнинг мавжудлиги билан аниқланувчи молиявий чегараларда ётиши, жамғарилган ҳар йиллик ва дисконтлаштирилган фойда горизонт режалаштиришга лойиҳа таркиби ва маълумотларни баҳолашдаги хатоларга, инфляцияга, нархларнинг нисбий ўзгаришига, шунингдек ишга алоқадор муҳитнинг ўзгаришига (рақобатчилар, истеъмолчилар, бозор, маҳсулот етказиб берувчилар ва жамоат сиёсатига) қанчалик сезгир, реал пул кирим-чиқимлари ва тегишли соф фойда таркиби инвесторлар ва молиячиларнинг кўзлаган мақсадлари минималталабларига мос келиши ҳам катта эътиборга олинади.

Инвестиция фаолияти субъектлари инвестициялаш ҳақида қарорлар қабул қилаётганда лойиҳаларнинг рисклилиги, манбаларнинг жорий қиймати, муқобил имкониятларга кўра лойиҳанинг жозибадорлигини эътиборга олиши лозим. У бундай қарорга рискнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг таҳлили асосида келади. Шу нарса муҳимки, инвестициялаш ҳақида қарор қабул қилинар экан, асосий эътибор рискларни ва келгуси инвестиция даромадлилигини ҳисобга ола билишга қаратилиши зарур.

Қарор қабул қилувчи шахс учун лойиҳанинг режалаштириш горизонти ўзининг лойиҳа билан боғлиқ хўжалик фаолияти соҳасини бошқариш ва назорат қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш ёки ўзиниг инвестиция ҳамда молиявий фаолиятини йўлга қўйишга нисбатан вақт оралиғи сифатида аниқлаш мумкин.

Қарор қабул қилувчи шахс томонидан аниқланадиган горизонт режалаштириш лойиҳа ҳаётийлигини ҳам ҳисобга олиши лозим. Иқтисодий ҳаёт, яъни лойиҳа соф фойдани яратадиган давр, асосан, корхонанинг асосий техник ва технологик ҳаёт циклига, ушбу саноат тармоғи ва маҳсулотнинг ҳаёт циклига, шунингдек корхонанинг ўз фаолиятида ишга алоқадор муҳитнинг ўзгаришига мослашувчанлигига боғлиқдир.

Лойиҳанинг иқтисодий ҳаётий даврини аниқлашда турли хил омилларни баҳолашга тўғри келади, булар қуйидагилардир:

- талабнинг давомийлиги;
- хом ашёни сақлаш ва етказиб беришнинг давомийлиги;
- техник юксалиш даражалари;
- бино ва ускуналардан фойдаланишнинг давомийлиги;
- муқобил инвестициялаш имкониятлари;
- бошқарувдаги чекланишлар.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда лойиҳа циклининг босқичлари муҳим аҳамиятга эга. «Лойиҳа цикли» тушунчасига лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг турли босқичлари киради. Лойиҳа циклининг бошланғич ва тугалланиш даврлари, ғоядан то унинг моддий қийматга эга бўлганга қадар даврларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишда, яъни инвестиция ғояларининг пайдо бўлишидан, то уни амалга ошириш уч фазани ўз ичига олади: инвестиция олди, инвестиция ва эксплуатация (ёки ишлаб чиқариш). Юқоридаги 3 та фаза инвестицион лойиҳа – ҳаётий циклини ташкил этади (projectlifetime).

Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишнинг асосий босқичи бўлиб, инвестиция олди фазаси ҳисобланади.

Ушбу фазада лойиҳа ишлаб чиқилади, унинг имкониятлари ўрганилади, дастлабки техник – иқтисодий тадқиқот – кузатишлар ўтказилади, потенциал инвесторлар ва лойиҳанинг бошқа иштирокчилари билан музокаролар олиб борилади, хомашё ва ускуналарни етказиб берувчилар танланади. Агар инвестицион лойиҳага кредит жалб қилиш кўзда тутилган бўлса, унда бу фазада кредитни олиш бўйича битимлар тузилади; инвестицион лойиҳани ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилади; ҳужжатларни тайёрлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва корхонани рўйхатга олиш амалга оширилади.

Лойиҳанинг инвестиция олди босқичида бўлғуси лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади. Лойиҳа ҳаётий босқичининг ушбу циклида унинг ҳаётийлиги ва жозибадорлигига асос яратилади. Инвестиция олди босқичи лойиҳанинг тўлиқ тавсифини бериши шарт.

Баъзи ҳолларда инвестиция лойиҳасининг бу ҳаётий цикл босқичининг давомийлигини аниқлаш жуда қийин кечади. Жаҳон амалиётида инвестиция олди фазаси қуйидаги босқичлари мавжуд:

1) инвестиция ғояларининг шаклланиши, яъни ғояни танлаш ва дастлабки асослаш ёки дастлабки инвестицион конценцияни шакллантириш (opportunitystudies);

2) инвестиция имкониятларини излаш, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талабни ўрганиш, лойиҳанинг қиймати ва унинг самарасини аниқлаш (pre – feasibilitystudies);

3) лойиҳанинг техник – иқтисодий асосланиши ёки унинг техник - иқтисодий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш (feasibilitystudies);

4) баҳоловчи хулосани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул қилиш (finalevaluation).

**1- жадвал**

**Инвестиция олди фазаси**

| 1 | 2 | 3 |
|---|---|---|
| Лойиҳани амалга ошириш имкониятларининг таҳлили | Лойиҳани асослашнинг тайёргарлик босқичи | Лойиҳани баҳолаш ва инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиш |
| Инвестициялаш учун керак бўладиган маблағлар ҳажми ва потенциал инвесторларни аниқлаш | Лойиҳани мавжуд муқобил вариантлар билан солиштирган ҳолда дастлабки асослаш | Якуний қарор сифатида лойиҳани ижтимоий-иқтисодий баҳолаш |
| Лойиҳани амалга оширишнинг ички ва ташқи шарт-шароитларини баҳолаш | Қўшимча (функционал) изланишлар. | Инвестициялашнинг потенциал манбаларини аниқлаш |
| Лойиҳани амалга ошириш имкониятларини макро ва микроиқтисодий даражада таҳлил қилиш | Лойиҳани техник иқтисодий асослаш (ТИА) | Инвестициялаш тадбирларини ишлаб чиқиш |
| | Лойиҳани келишиш ва тасдиқлаш (ишчи ҳужжатлар) | |

*Манба: Муаллиф томонидан тузилди.*

Инвестиция ғояларининг шаклланиши босқичида, бу ғояни танлаш, уни дастлабки асослаш, лойиҳада кўрсатилаётган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник, инновацион ва экологик нуқтаи назардан бир қарорга келиш, лойиҳани амалга ошириш давомида қўйиладиган бошқа талабларга жавоб бериш, инвестиция ғоясининг устунлигини тармоқ, худудий ва давлат идоралари билан дастлабки келишув, лойиҳани амалга ошира оладиган корхонани дастлабки танлаш ва маълумотлар меморандумини тайёрлаш ишлари кўриб чиқилади.

Инвестиция имкониятларини излаш босқичи, экспорт ва импортни хисобга олган ҳолда маҳсулот ва ҳизматларга бўлган талабни дастлабки ўрганиш, маҳсулот ва ҳизматлар таянч, жорий ва прогнозлаштирилаётган нархлари даражасини баҳолаш, лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳуқуқий – ташкилий таклифлар ва лойиҳа иштирокчилари таркиби, тахмин қилинаётган инвестиция ҳажмларини баҳолаш, лойиҳанинг техник – иқтисодий асослари бўлимлари бўйича дастлабки баҳолашни тайёрлаш, шу жумладан лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш, потенциал инвесторлар учун инвестицион таклифлар тайёрлашни ўз ичига олади. Маблағларни лойиҳага инвестициялашдан олдин бажариладиган муҳим ишлардан бири бу лойиҳа бўйича инвестиция имкониятларини аниқлашдир. Салоҳиятли инвесторлар, улар қандай бўлишидан қатъий назар ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда юзага келаётган инвестиция имкониятлари тўғрисида маълумот олишга қизиқишади. Бундай инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш икки хил йўналишда амалга оширилади:

1. Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича ёндашиш (макро).
2. Корхона даражаси бўйича ёндашиш (микро).

Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича изланишларни олиб бориш ўша давлатнинг бутун инвестиция салоҳиятини (потенциали) ҳамда бу давлатга бошқа давлатлар томонидан инвестиция қилиниши мумкин бўлган маблағлар ҳажмини ўрганиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Корхона миқёсидаги таҳлил аниқ инвестиция лойиҳаси бўйича қўйилаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Корхонанинг инвестицион салоҳияти тўғрисида сўз борганда Ш.В.Мустафакулов томонидан берилган фикрларга қўшиламиз, яъни “Корхонанинг инвестицион потенциали – корхона фаолиятининг самарадорлигидан кўра кўпроқ унинг имконият даражасини кўрсатувчи ресурслар маънасида тушунили-

ши лозим”, шунингдек “Инвестицион потенциал корхона фаолиятининг самарадорлиги эмас, балки унинг имкониятларини белгиловчи инвестиция ресурслари демакдир”. Демак, ҳар қандай лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун инвестицион ресурслар зарур бўлади. Аммо бунинг ўзи етарли эмас, зарур ресурсларга эга бўлиш билан бирга, улардан самарали фойдалана олиш ҳам лозим.

Лойиҳа бўйича инвестиция имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилишда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор берилади:

- умумий инвестиция муҳити, шарт-шароитлар;
- қайта ишланиши мумкин бўлган табиий бойликлар ва хомашё ресурслари;
- ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган товарга (хизматга) келгусидаги талаб (аҳоли сонининг ўсиши, аҳоли харид қобилиятининг ўсиши ва бошқа омиллар ҳисобига);
- лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири;
- бошқа тармоқлар билан келгусидаги ўзаро алоқаси ва имкониятлари;
- диверсификациялаш имконияти;
- ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг қиймати;
- экспорт имкониятлари;
- импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Инвестиция имкониятлари бўйича изланишлар юқорида келтирилган омиллар бўйича ҳар бирининг алоҳида таҳлилига эмас, балки умумий баҳолашга асосланади. Лойиҳа ғоясини ривожлантириш учун аниқ таклифлар киритишда талаб этиладиган маълумотларни миқдорий баҳолаш учун инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш асосий восита ҳисобланади. Бунда қуйидаги жиҳатлар таҳлил этилади:

| | |
|---|---|
| **Инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш** | қайта ишловчи саноат учун керакли бўлган табиий ресурслар |
| | қишлоқ хўжалигига асосланган саноат тармоғи учун асос бўлган амалдаги қишлоқ хўжалиги таркиби |
| | муайян истеъмол товарларига келгуси талаб, аҳоли ўсиши ҳисобига ортиб борувчи талаб |
| | умумий инвестиция муҳити |
| | маҳаллий ёки трансмиллий ва бошқа тармоқлар билан мумкин бўлган алоқалар |
| | қайта ишловчи саноат сектори |
| | атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш |
| | ишлаб чиқариш сиёсати |
| | ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги ва қиймати |
| | экспорт салоҳияти ва бошқалар |

*Манба: Муаллиф томонидан тузилди.*

Лойиҳанинг асосланиши ёки уни техник – иқтисодий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш босқичида кенг кўламда маркетинг изланишлари ўтказилади. Бозор сегменти қандайлиги ўрганилади, маҳсулотни ишлаб чиқариш дастури тайёрланади, техник қарорлар шу жумладан бош режа ишлаб чиқилади, инженерлик таъминоти, архитектур режалаштириш ва қурилиш қарорлари, фуқаролик мудофаси ва атроф муҳитни қўриқлаш бўйича чора тадбирлар ўтказиш, қурилишни ташкил этиш тавсифи, корхонани кимлар бошқариши ва ушбу сохада уларнинг бошқарув тажрибаси қай даражада эканлиги, корхона ишчилари сони ва таркиби, улар меҳнатини ташкил этиш.

Баҳоловчи хулосани тайёрлаш ва инвестициялаш учун қарор қабул қилиш босқичида, теҳник – иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш тугаллангандан сўнг, инвестицион лойиҳа иштирокчилари тахмин қилинаётган инвестиция бўйича аниқ мақсадлар, эҳтимолли рисклар, харажатлар ва фойдаларни ҳисобга олган ҳолда ўз баҳоларини берадилар.

Қанчалик лойиҳанинг техник – иқтисодий асосланиши сифатли бўлса, уни баҳолаш шунчалик осон бўлади.

Инвестиция олди босқичи харажатлари умумий капитал харажатларнинг 0,7% дан – 5% гача улушини ташкил этади.

Баҳоловчи хулоса ишлаб чиқариш олди харажатларининг қанчалик ўринли ёки тўғри эканлигини кўрсатиб беради.

Инвестиция ва ишлаб чиқариш харажатларини баҳоловчи хулоса, лойиҳа ўлчами бўйича барча муҳим жиҳатларни, яъни молиявий ва иқтисодий фойдалилигини ҳисоблаш ва улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда тўғри аниқлангандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳоловчи ҳулоса тузишда кенг қамровли лойиҳалар учун тўпланган маълумотлар ва лойиҳанинг барча омиллари таҳлилини қайта – қайта жиддий текшириб чиқиш талаб этилади.

Лойиҳа ҳаётий циклининг охирги босқичи, эксплуатацион ёки ишлаб чиқариш фазаси хисобланади.

Бу асосий ускуна ва воситаларни харакатга келтиришдан бошланади. Ушбу босқичда корхонанинг ҳаракатига старт берилади, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарила бошланади ва олинган қарз маблағлари (банк кредитлари) қайтарила бошланади.

Бу босқич мос тушумлар ва жорий харажатларни характерлайди. Ишлаб чиқариш босқичи давомийлиги инвестицион лойиҳанинг умумий хусусиятига сезиларли таъсир ўтказади. У қанча узоқ бўлса, жами даромад ҳажми шунча юқори бўлади.

Лойиҳа таҳлили услубиёти инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эҳтимоли жиҳатидан уларни идентификациялаш, текшириш, батафсил кўриб чиқиш, маъқуллаш ва комплекс экспертизадан ўтказиш босқичларини назарда тутади. Комплекс экспертиза лойиҳа маҳсулотларига эришиш имкониятларини излашга, лойиҳани чекланган ресурслар билан белгиланган вақт мобайнида (замонда) ва маконда таъминлаш, шунингдек тегишли техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

Инвестиция лойиҳасини комплекс экспертизасидан ўтказишнинг асосий мақсади лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги – ҳаётийлиги, самарадорлиги, рақобатдарбошлиги, даромадлилигини ўрганиш ва аниқлашдан иборат.

Шунга мувофиқ лойиҳа олди ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш натижалари учун буюртмачиларнинг мансабдор шахслари - лойиҳаларнинг ташаббускорлари ва лойиҳалаш ташкилотларининг масъулиятини ошириш йўли билан инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш механизмини такомиллаштириш учун қулай шароитларни яратиш, уларни амалга ошира бошлаш учун тайёргарлик ишларини тезлаштириш, илғор хорижий тажриба асосида лойиҳа олди ҳужжатларини тайёрлаш сифатига путур етказмасдан уларни экспертизадан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида 2017 йил 15 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида"ги ПҚ-2836-сонлиқарори қабул қилинди.[2]

Ушбу қарорга асосан инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни эспертизадан ўтказиш юзасидан қуйидаги ўзгаришлар тасдиқланди:

| | |
|---|---|
| **Тугатилди** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги |
| **Янгидан ташкил этилди** | Тармоқ илмий-техник кенгашларини (мавжуд бўлмаса) тузиш, уларнинг зиммасига таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларида соҳани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, замонавий юқори технологияли, энергияни тежайдиган технологиялар ва ускуналарни жорий этиш вазифалари юклатилди |
| **Янгидан ташкил этилди** | Ихтисослаштирилган тармоқ эксперт кенгашларини тузиш, уларнинг зиммасига лойиҳалаш ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳа олди ҳужжатлари, технологиялар ва ускуналарни танлаш, таклиф қилинаётган технологиялар ва ускуналарни баҳолашни экспертизадан ўтказиш вазифалари юклатилди |

Экспертизанинг вазифаси - жами ижобий ва салбий оқибатларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳага баҳо беришдан ҳамда танловдан иборат бўлади.

Инвестиция лойиҳаси экспертизасининг техник жиҳати ғоят муҳим, чунки лойиҳа мувозанатланган муҳандислик ва техник тамойилларга асосланмоғи лозим. Экспертизанинг бу босқичида лойиҳанинг тадбиқ этиш жараёнлари, лойиҳа учун етказиб бериладиган материаллар, ускуна-жиҳозлар ва техника тизимларининг ишончлилиги; лойиҳани жойлаштириш ўрнининг асосланганлиги, лойиҳа учун зарур бўлган ресурсларнинг мавжудлиги ва сифати, шу жумладан, ишчи кучи ва раҳбар кадрларнинг малакаси, лойиҳа фойдаланадиган мавжуд инфра-тузилманинг ишончлилиги; контрактлар тузиш тартиб-қоидалари ва механизмлари, ишлаб чиқариш қувватлари, хизматларни сотиб олиш усуллари; лойиҳани амалга ошириш жадвали муддатлари, фазалари ва бажариш мумкинлиги, натижалар олиш фазалари таҳлил қилинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, янгидан ташкил этилган "Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги" 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари билан ўзаро боғлиқликда Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурлари бўйича хулосалар беради;

2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурлари, давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари шакллантирилиши ва амалга оширилишини назорат ҳамда мониторинг қилиш Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Кўрилаётган барча чора-тадбирлар мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ҳамда жалб этилаётган инвестициялардан самарали фойдаланишни доимий назорат қилиб боришдан иборат. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий салоҳғиятини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. 2017 йил 7 февраль.www.lex.uz*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида"ги Қарори. 2017 йил 15 март. www.lex.uz*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. 2017 йил 24 июль.www.lex.uz*

*4. Investment Appraisal: Methods and Models –Uwe Götze, Daryl Northcote, Peter Schuster– 2015.*

*5. Беренс В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. Пер. с англ. перераб. и дополн. изд. — М.: Интерэксперт, Инфра-М, 1995. — 528 с.*

*6. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Т.: Иқтисод-молия, 2017 йил, 326 бет.*

*7. Хачатуров Т.С. Эффективность капитальных вложений- М. Экономика, 1997. — 335 с.*

## МИЛЛИЙ ТУРИЗМ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МАРКЕТИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ


**Аманбоев Маҳаммадсидик**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети



***Аннотация.*** Ушбу мақолада туризм соҳасида бозор механизмларидан фойдаланишнинг илғор усулларини жорий этиш, хусусан, менежмент ва маркетинг механизмларидан фойдаланиш бўйича илмий ёндашувлар келтирилган. Туризм бизнесни ривожлантиришда бизнес субъектларнинг рейтингини аниқлаш ва қўшимча рекламани кучайтириш ва айнан шу жараёнда таълим, фан ва реал сектор интеграциясини таъминлаш орқали бизнес субъектларининг ҳаракатчанлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.



***Таянч тушунчалар:*** туризм, рейтинг, бизнес субъектлар рейтинги, туризмда маркетинг, туризмда менежмент.



***Аннотация.*** В данной статье раскрыты научные подходы по внедрению передовых методов рыночных механизмов на рынке туризма, в частности, использование механизмов менеджмента и маркетинга. Разработаны предложения по определению рейтинша бизнес субъектов туризма и усилению дополнительной рекламы, а также повышение активности бизнес субъектов за счет обеспечения интеграции образования, науки и субъектов реального сектора.



***Ключевые слова:*** туризм, рейтинг, рейтинг бизнес субъектов, маркетинг в туризме, менеджмент в туризме.


Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар реал сектор корхоналари ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда иқтисодий субъектларнинг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатни, қонунчиликни яратиш, пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларини сонини ва улар фаолияти сифатини ошириш, қўшимча шароитлар яратиш бўйича алоҳида манзилли чора-тадбирлар белгиланган. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар даврида хизматлар соҳасининг ўсиши ва унда банд бўлганлар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, хизматлар соҳасида иш берувчиларнинг салоҳиятини ошириш иқтисодий ислоҳотларимизнинг устивор вазифаси сифатида қаралмоқда.

Шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар даврида Ўзбекитонда туризм соҳасининг ривожланиши борасида кўплаб иқтисодий, сиёсий, инновацион ва молиявий механизмлардан фойдаланиш бўйича самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мамлакатда ичик ва ташқи туризмни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида 3.2-бандида туризм соҳасининг ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда худудий туризмни ривожлантириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли “2017-2019 йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасида қуйидаги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган:

Бухоро шаҳрининг Эски шаҳар қисмида хорижий сайёҳларнинг бўш вақтларини туну-кун мазмунли ташкил этиш учун 12 гектарлик “Қадимий Бухоро” туристик зона-

си, унинг ҳудудида замонавий паст қаватли меҳмонхоналар, савдо-кўнгилочар марказлар, 500 ўринли амфитеатр барпо этилади;

Шаҳарнинг тарихий қисмида ёпиқ бозор ва ҳунармандлар маҳалласи ташкил қилинади, "Бухоро Палас" ва “Зарафшон” меҳмонхоналари қайта қурилади ва 11 та тўрт юлдузли янги меҳмонхоналар бунёд этилади.

Ҳозирги кунда туризм тармоғи жаҳон савдосининг энг йирик тармоғига айланиб бормоқда ва ер юзидаги жами товар ва хизматлар экспортида даромад келтириш бўйича нефть қазиб олиш ва автомобил саноатидан кейинги учинчи ўринда туради. Туризм соҳаси жаҳонда бўладиган жами экспортнинг 10 фоизини беради, хизматлар савдосининг эса 35 фоизи ва халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили ўртача 1,2 млрд. нафар киши саёҳатга чиқади. Ваҳолонки, бундан 10 йил муқаддам рўйхатга олинган туристлар сони 576 млн. нафарни ташкил этган, холос. Ҳозирги вақтда дунё туризмининг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиз, хизматлар экспортида 30 фоиз, савдо ҳажмида 6 фоизга етгани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 8 фоизи шу жабҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир.

Маълумотларга қараганда юртимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ва тарихий архитектура намуналари мавжудлиги, экотуристик табиат, ўзига хос миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликхорижлик саёҳларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари қараганда, айни вақтда мамлакат ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улуши жуда паст бўлиб, бу кўрсаткич бор-йўғи 1,7 фоизни ташкил этади. Туризм фаолиятини амалга ошираётган корхоналар сони эса қарийб 400 та бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (73,4 фоиз), Самарқанд (13,1 фоиз), Бухоро (4,5 фоиз) ва Хоразм (1 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги сайёҳлик хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган фирма ва ташкилотларнинг 92 фоизи, сайёҳларнинг 93,1 фоизи ушбу 4 та ҳудудга тўғри келади.

Шундай шароитда иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси ва экспортдаги ҳиссаси, иш билан бандликни таъминлашдаги ўрни жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан сезиларли даражада пастлиги ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устивор вазифаларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиши борасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ҳусусан, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар бизнес субеъктларнинг ривожлантиришга, уларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган бўлиб, юртимизда фаолият юритиаётган туризм соҳасига алоқадор бизнес субъектлар ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Айнан шу ерда атиш мумкинки, туризм соҳасида бизнес субъектлар фаолиятини Президент ва ҳукумат қарорлари ҳамда давлат дастурлари доирасида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш билан бирга хорижий мамлакатларда ўзининг самарасини бераётган замонавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш вақти келди. Яъни, бизнес субъектлар фаолиятини бир томонилама ривожлантириш ўрнига уларнинг ҳаракатчанлигини таъминлашнинг менежмент ва маркетинг тамойиллари асосида ривожлантиришнинг таъсирчан ва айни вақтда иқтисодий ҳаражатларсиз амалга ошириш йўларини жорий этиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда бизнес субъектларнинг ҳар томонлама ривожланишини акс эттирувчи рейтинг тизимлари мавжуд бўлиб, уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли каттадир.

Ҳозирги кунда бизнес субъектлар самарали фаолият юритишини таъминлаш ва уларнинг рекламасини ривожлантириш мақсадида дунёда жуда кўплаб рейтинг компаниялар фаолият юритади. Мисол учун, АҚШда 8 та йирик рейтинг агентликлари бизнес субъектларнинг турли томонларини акс эттирувчи рейтингларини юритади . Ўзбекистон шароитида ҳам бизнес субъектларнинг рейтингини аниқлаб, уларни эълон қилиб бориш табиий соғлом рақобатнинг ривожланишига ижобий таъсир этади. Шу билан бирга ушбу соҳада фоалият юритувчи субъектлар фаолиятидаги муаммолар, камчиликларва эътибордан четда колаётган ҳолатлар ҳамда асосийси уларга таъсир этаётган омиллар яққолрок кўриниб боради.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича сезиларли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги кунда туризм соҳасида фаолият юритаётган корхоналар фаолият самарадорлигини оширишга таъсир этувчи бир қанча омиллар эътибордан четда қолмоқда. Булар:

- бизнес субъектларнинг фаолиятини илмий асосда ташкил этилмаётганлиги;
- бизнес субъектлар томонидан менежментнинг рағбатлантирувчи функцияларидан фойдаланилмаётганлиги;
- бизнес субъектлар томонидан маркетинг тадқиқотлари олиб бориш даражасининг жуда ҳам пастлиги;

- бизнес субеъктларнинг сифат жиҳатидан умумий талабларнинг йўқлиги;

- бизнес субъектларнинг жаҳон стандартларга мослаштириш бўйича стандартларнинг йўқлиги;

- бизнес субъектларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилмаганлиги

- туризм соҳасида илмий жиҳатдан асосланган малака ошириш курсларининг етишмаслиги.

Туризм соҳасининг асосий тўрта ташкил этувчиси - меҳмонларни кутиб олиш, транспорт инфратузилмаси, овқатланиш ва меҳмонҳоналар билан таъминлаш билан шуғулланувчи бизнес субъектлар фаолиятини жадал ривожланишини таъминлаш учун уларнинг мамлакатда ягона рейтинг тизими асосида баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Унга кўра, ҳар бир йўналишда фаолият юритувчи бизнес субъектлар ҳаракатчанлигини таъминлашга қаратилган бизнес субъектларнинг ички механизми яратилади.

Мамлакатда туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектларнинг фаолият натижалари яратиладиган электрон портал орқали рейтинг баҳолаш тизимида баҳоланиб эълон қилиб борилиши уларнинг фаолияти сифати ва хажмини оширишга ички интилишини таъминлаш орқали эришилади. Бир сўз билан айтганда туризм соҳасида ижобий рақобат муҳитини шакллантириш ва туризм бозоридаги фаолиятини ягона ойна орқали солиштириш ҳамда бозордаги талаб ва таклиф каби бозор механизмларини тўлиқ хис этишларига эришилади.

Қўйидаги жадвал орқали туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар рейтингини юритишнинг умумий тавсифини келтиришимиз мумкин. Унга кўра ҳар бир субъект ўз фаолиятини самарали ташкил этиш билан бирга мамлакатда фолият юритаётган бошқа бизнес субъектлар фаолияти билан яқиндан танишиб бориш ва тажрибалар билан алмашиш, асосийси, бизнесини илмий жиҳатдан, инновацион ёндашувлар асосида янгилаб бориш имкониятлари яратилади.

Ушбу таклиф этилаётган рейтинг тизими асосида бизнес субъектларнинг фаолияти шаффофлиги таъминланади ва уларнинг мижозлари сони кўпайиши асносида даромадлари ортиб бориши учун шароит яратилади. Яъни, ўз ўрнида бизнес субъектларнинг рейтингдаги ўрниниюксалиши уларнинг мижозларини сонини кўпайишига, бизнеснинг ишончли эканлигига, олиб бораётган фаолиятининг камчиликларини кўришига ва бунга зарурий чоралар белгилашга ҳамда рақобат муҳитида самарали фаолият юритишига эришилишини яққол кўрсатиб беради. Шу билан бирга, рейтинга кирган бизнес субъектларнинг рейтингдаги ўрни орқали туризм бозоридаги энг асосий ютуқларидан бири реклама қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса бозор субъектларининг ҳаракатчанлини оширишнинг самарали механизмларидан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес субъектларнинг бозор механизмлари асосида ҳаракатчанлигини таъминлаш уларнинг иқтисодий стратегияларида алоҳида ўрин тутади. Айнан шу вақтда, бизнес субъетларнинг рақобат муҳитида ўз ўринларига эга бўлишлари учун уларга илмий асосланган замонавий маркетинг ва менежмент стратегияларга бўлган эҳтиёжлари ўсиб боради. Шу ўринда туризм соҳасида илмий-тадқиқот олиб бораётган изланувчилар ва бу соҳада мутахассислар тайёрлаётган олий таълим муассасалари ва касб ҳунар коллежларига бўлган ҳамда уларнинг илмий салоҳиятига бўлган талаб ортиб боради. Ўз ўрнида айтиш керакки, ҳозирги кунда илмий иш олиб бориш учун изланувчи ва тадқиқотчиларда туризм соҳасида бизнес юритувчи субъектларнинг умумлашган маълумотлари базасининг йўқлиги бу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг самарасини пасайтиришга хизмат қилмоқда.

Бизнес субъектлар фаолиятини илмий тадқиқотлар объектига айлантирилиши ва бу соҳада фаолият юритувчи таълим муассасаларини зарурий маълумотлар билан таъминланиши бизнес субъектларнинг малакали ходимлар билан таъминлаш орқали уларнинг бизнесдаги устунликларини таъминлашга хизмат қилади. Бу борада бизнес субъектлар, таълим муассасалари ҳамда рейтинг тузувчи ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг амалга оширилиши ёки таълум муассаси томонидан рейтинг юритилиши аниқ бир механизмга таяниши зарур.

Бунда таълим муассасалари илмий ишларни олиб бориши учун маълумотлар базасига эга бўлади. Шу маълумотлар базаси орқали бакалавр босқичида битирув малакавий ишлари, магитратура босқичида магистралик диссертациялари ва докторантура босқичида докторлик диссертациялари мавзулари учун аниқ муаммолар базаларига эга бўладилар.

Бу эса ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизими олдида турган энг долзарб муаммолардан бири фан, таълим ва реал сектор интеграциясини таъминлашнинг инновацион усули бўлиши мумкин. Бунинг учун Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Туризм ва сервис” кафедраси мисолида қуйидагича механизм таклиф этиш мумкин.

1-жадвал

**Туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар рейтингини юритишнинг умумий тавсифи**

| Номи | Муаммоси | Мақсади | Бажариладиган вазифалар | Механизми | Эришиладиган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| Туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар рейтинги | – менежментнинг рағбатлантирувчи функцияларидан фойдаланиш пастлиги;<br>– туризмсоҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектларда маркетинг тадқиқотларининг камлиги;<br>– туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектларнинг сифат жиҳатидан умумий талабларининг йўқлиги;<br>– туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектларини жаҳон стандартларга мослаштириш бўйича тадбирларнинг етишмаслиги;<br>– туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар бизнеси учун илмий жиҳатдан асосланган малака ошириш курсларининг етишмаслиги. | Туризм бизнеси соҳасида замонавий менежмент ва маркетинг функциялридан фойдаланган ҳолда уларни ривожланишга рағбатлантирувчи механизмларни қўллаш асосида рейтинг ишлаб чиқиш ҳамда самарали таълим-консалтинг хизматларини кўрсатиш. | – рейтинг тузишнинг маркетинг концепцияларини ишлаб чиқиш;<br>– баҳолаш мъезонларини ишлаб чиқиш;<br>– сайёҳлар ва мижозлардан сўровномалар ташкил этиш, жойларда ўрганиш ва қиёслаш орқали баҳолашни ўтказиш;<br>– электрон портал ишлаб чиқиш ва унда рейтинг натижаларини эълон қилиб бориш;<br>– туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар ходимлари ва менежерларига ўқув курслар ташкил этиш;<br>– тегишли давлат қўмиталари ва органлари билан ҳамкорликни ташкил этиш;<br>– ўтказилган курс натижаларига кўра сертификатлар бериш. | Ҳар бир бизнес субъектнинг фаолияти ва замонавий талабларга мослиги бўйича маркетинг концепциялари ишлаб чиқилади ҳамда шу асосда баҳолаш меъзонлари яратилади. Шунингдек, уларни баҳолаш амалга оширилади ҳамда электрон портал орқали эълон қилиб борилади. Уларнинг ҳолати ва ривожланиши бўйича илмий семинарлар ва ўқув малака ошириш курслари ташкил этилади. | – соҳадаги бизнес субъектларнинг жадаллик билан ривожланишига туртки беради;<br>– туризм соҳасининг ривожланишига қўшимча рағбат беради;<br>– таълим, фан ва реал ишлаб чиқариш билан инновацион ҳамкорлик яратилади;<br>– бизнес субъектларнинг фаолияти илмий асосда ташкил этилишига эришилади;<br>– соҳада фаолият юритувчи таълим муассасалари учун илмий база шаклланади;<br>– соҳадаги мавжуд муаммолар илмий асосда ечимини топишга эришилади;<br>– малака ошириш курслари орқали соҳа вакилларининг салоҳияти оширилиб борилади. |

**Туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар рейтингининг ишлаш механизми**



Ушбу механизм орқали рейтинг тизимини шакллантириш, улардаги иштирокчиларнинг умумий манфаатларини кўрсатиб бериш ва рейтинг талабларини ишлаб чиқишдаги вазифаларнинг тақсимланиши акс этган.

Туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар рейтингининг ишлаш механизмнинг самарали амал қилиши учун ундаги қўйилаётган рейтинг баллари ва кўрсаткичлар менежментнинг рағбатлантирувчи функциясини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Шу ўринда айтиш мумкинки, туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектларрейтинги қуйидаги тамойиллар асосида шаклланирилиши ва амал қилиши мақсадга мувофиқ.

1. Объективлик – баҳолаш мезони балларининг ҳар бир пункти объективлик асосида ташкил этилишига эришиш. Ҳар бир қўйилган балл асосида объектив маълумотларнинг бўлишига қаратилган тизимнинг ишлашини таъминлаш. Сўровномалар ўтказиш, мавжудлиги бўйича ҳисоблаш ва бошқа усуллар орқали реал баҳолашни ташкил этиш. Субъектив омилларнинг бўлмаслиги, бизнес субъектлар манфаатла-

**Туризм соҳасида фаолият юритувчи бизнес субъектлар рейтинги юритилиши асосида томониларнинг манфаатдорлиги**

| Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдорлиги | Бизнес субъектлар манфаатдорлиги | Тошкент давлат иқтисодиёт университети манфаатдорлиги |
|---|---|---|
| – республикада фаолият юритувчи субъектларнинг тартибга солинган аҳборотлар базаси яратилади ва у орқали келажакдаги реал прогнозларни ишлаб чиқиш имконияти вужудга келади;<br>– туризм ва унга боғлиқ бўлган соҳаларнинг инновацион ривожланишига илмий ёндашувлар пайдо бўлади;<br>– бизнес субъектлар ўртасида ижобий рақобат муҳити орқали туризмни интенсив ривожланшига эришилади;<br>– таълим, фан ва реал ишлаб чиқариш билан инновацион ҳамкорлик яратилади;<br>– бизнес субъектларнинг фаолияти илмий асосда ташкил этилишига эришилади; | – доимий янгиликлардан ҳабардор бўлиш эвазига қўшимча ривожланиш имкониятига эга бўлади;<br>– рейтингда акс этиш орқали қўшимча мавқега эга бўлиш ва бизнесни мустаҳкамлашга эришилади;<br>– самарали рекламага эга бўлиш;<br>– бизнес субъектларнинг фаолияти илмий асосда ташкил этилишига эришилади;<br>– соҳадаги мавжуд муаммолар илмий асосда ечимини топишга эришилади;<br>– бизнес субъектларнинг стратегик ривожланишига илмий масалаҳатлар ва консультацияларга эга бўлинади;<br>– малака ошириш курслари орқали соҳа вакилларининг салоҳияти оширилиб борилади. | – таълим, фан ва реал ишлаб чиқариш билан инновацион ҳамкорлик яратилади;<br>– соҳада фаолият юритувчи таълим муассасалари учун илмий база шаклланади;<br>– соҳадаги мавжуд муаммолар илмий асосда ечимини топишга эришилади;<br>– йиғилган ахборотлар орқали профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг реал муаммоларга бағишланган Битириув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияалари ва докторлик диссертациялари мавзулари шаклланакди;<br>– туризм соҳасида бизнес юритувчи бизнес субъектларнинг фаолиятини баҳоловчи услубий асос яратилади;<br>– малака ошириш курслари орқали соҳа вакилларининг салоҳияти оширилиб борилади. |
| **Ўзбекистон бўйича туризм соҳасининг илмий-инновацион ривожланишига, бизнес субъектларнинг ҳаракатчанлигини ошириш орқали ҳалқ манфаатларининг рўёбга чиқарилишига эришилади.** | | |

рига хизмат қилувчи шахслар аралашуви бўлмаслигини таъминлаш.

2. Шаффофлик – ҳар бир ўтказилган сўровномалар ва ҳисоблашлар электрон полртал орқали ёритиб борилиши зарур. Бизнес субъектларнинг ушбу ахборотлардан хабардорлигини таъминлаш ва уларнинг ўгаришлари бўйича вақт кесимида таққослама маълумотларни кенг оммага жорий этиб боришни таъминлаш.

3. Рағбатлантирувчи – ҳар бир субъектнинг олаётган баллари унинг ривожланишини таъминлашга қаратилши, яъни рағбатлантирувчи кучга эга бўлиши керак. Бунда икки томонлама ёндашув бўлиб, биринчидан, субъектларнинг алоҳида олгандаги баҳолаш баллари орқали рағбатлантиришни таъминлаш, иккинчидан, умумий иқтисодиётнинг тенденцияларидаги соҳанинг ривожланишини рағбатлантирувчи балларни бўлишини таъминлаш.

Ушбу тамойиллар орқали тузилаётган рейтингнинг таъсирчанлиги ва хаётийлигини таъминлаш, узоқ муддатда тадбиркорларнинг бизнесини самарадорлигини ошириш, мамлакатда ижобий рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда пировардида тадбиркорларнинг бизнес юритишга бўлган ҳаракатчанлигини таъминлаш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланишига масъул бўлган ҳукумат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, туризм соҳасида бизнес юритувчи субъектлар ва рейтинг юритувчи олий таълим муассасаси сифатида Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг манфаатларини қуйидаги жадвал орқали акс эттириш мумкин.

# АКТИВНОЕ РАЗВИТИЕ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В РАМКАХ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ И ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ ОПЫТ

**Адилова Зулфия Джавдатовна**

И.о. зав. сектора НИЦ при ТГЭУ

***Аннотация.*** Мазкур мақола фан ва таълим интеграцияси, илмий салоҳиятни ривожлантиришни хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда миллий фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига бағишланган. Инсон фаолиятининг барча соҳаларида интеграцион жараёнларининг фаол ривожланиши, фаннинг ривожланиш тенденцияларининг кучайиши ҳамда таълим билан интеграциялашув феномени юқоридаги вазифалар долзарблиги моҳиятини тушунишга замин яратмоқда.

Шунингдек, мақолада илмий ва амалий фаолият билан ўқув жараённи ўзаро интеграцияси, шунингдек, ушбу жараёнларни ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб ўтилган.

***Таянч тушунчалар:*** жаҳон тенденциялари, интеграция, фан, таълим, инновация, хорижий тажриба, илмий-тадқиқот институтлари .

***Аннотация.*** Данная статья посвящена вопросам интеграции науки и образования, динамике и тенденциям развития научного потенциала зарубежной, а также развитию отечественной науки и образования. Активное развитие интеграционных процессов во всех сферах человеческой деятельности, существенное ускорение темпов развития науки, социальной жизни и образования актуализируют задачу выявления теоретических предпосылок интеграции, теоретического осмысления феномена интеграции образования и науки, определение ее сущности. В данном аспекте имеет значение современное состояние и перспективы развитие интеграционных процессов и темпов взаимодействия образовательного процесса с научно-практической деятельностью.

***Ключивые слова:*** мировые тенденции, интеграция, наука, образования, инновации, зарубежный опыт, научно-исследовательские институты.

Сегодня интеграция науки, образования и производственного процесса является одним из самых важных условий для вхождения Узбекистана в число самых развитых государств мира. Для этого у Узбекистана наряду с другими государствами имеет все необходимые ресурсы, научно-практический потенциал и возможности.

Государство предлагает стратегию, очерчивает направления, по которым должна двигаться интегрированная система национальной науки и образования, а конкретизировать стратегию должен экономический сектор.

По данным компании Thomson Reuters, из десяти самых успешных научных центров в сфере авиакосмической и оборонной промышленности являются семь университетов. В автомобильной индустрии университеты занимают  десять лидирующих позиций среди поставщиков технологий, в биотехнологии – четыре позиции, в области косметики и здоровья – шесть. Именно они занимают первые десять строк в списке разработчиков информационных технологий в сфере телекоммуникаций, пищевой промышленности, создании новых моделей бытовой техники.

Исследователи высших учебных заведений также полностью доминируют среди разработчиков технологий в нефте- и газодобыче, фармацевтике, производстве медицинского оборудования и полупроводниковых материалов.

При этом большинство ведущих вузов мира в течение многих десятилетий плотно работают с крупнейшими корпорациями. Обычно такое сотрудничество начинается с четкого формулирования имеющихся технических проблем, затем решаются вопросы научного, кадрового и финансового обеспечения. И работа, направленная на решение конкретной задачи, стимулирует возникновение того самого «инновационного конвейера», который сегодня двигает вперед ведущие экономики мира.

Большинство университетов с научными традициями ведут исследования мирового уровня в десятках отраслей и множестве различных направлений одновременно. Это такие научные центры, как Калифорнийский университет в Беркли, Гарвардский университет, Массачусетский технологический институт, Московский государственный университет и другие.

В то же время в странах «догоняющего развития» – Китае, Индии, Южной Корее – научно-образовательные университеты по-

явились не в результате эволюции, как ответ на запрос со стороны бизнеса, а были созданы директивно, путем объединения государственных научных и образовательных центров. В таких исследовательских центрах научные изыскания ведутся в нескольких смежных направлениях.[1]

Еще одним опытом развития науки, образования и производства являются тенденции в странах СНГ, в частности в Республике Казахстан.

В Государственной программе развития образования Республики Казахстан на 2011–2020 гг. интеграция образования, науки и производства, создание условий для коммерциализации продуктов интеллектуальной собственности и технологий признаны задачами не менее важными, чем подготовка научных и научно-педагогических кадров.

Согласно данным АО «Национальный центр научно-технической информации», с 2010 по 2014 год вузами Казахстана выполнено более 60% общего числа зарегистрированных НИОКР. Это связано с введением грантового финансирования по результатам конкурсов, когда вузы получили наибольшее количество одобренных заявок по представленным проектам. При этом на фундаментальные исследования приходится 53,5% всех работ, на прикладные – 46,2%. Проектно-технологические и опытно-конструкторские работы составляют пока лишь 3%. Как положительный факт можно отметить рост числа научных исследований, выполняемых вузами за счет внебюджетных (собственных средств).

Интересен и такой аспект: после реформирования системы подготовки научных кадров высшей квалификации (перехода на PhD) вузы стали единственными организациями, где осуществляется защита диссертаций. Также по количеству публикаций в международных научных журналах, имеющих импакт-фактор, за период 2011–2014 гг. преобладают именно вузы, среди которых лидируют Казахский национальный университет им. Аль-Фараби, Евразийский национальный университет им. Л. Гумилева и Назарбаев Университет. Доля работ их ученых в массиве казахстанских документов составляет около 40%.[2]

Вместе с тем нельзя не заметить, что отечественные вузы все еще оторваны от реальных потребностей регионов, что выражается в несоответствии уровня выпускаемых специалистов спросу на локальном рынке труда. Они также все еще далеки от предпринимательского сектора. Нам представляется, что системной мерой, которая могла бы стимулировать взаимодействие вузов и производства в научно-технической сфере, может быть создание налоговых условий, которые давали бы бизнесу выгоды от сотрудничества с университетами. И такие примеры в мире имеются. В Японии в два раза снижается налог на имущество в отношении оборудования, приобретенного предприятием в целях реализации научного проекта, размещенного в университете. В этой стране также распространена практика предоставления налоговых кредитов для взаимодействия корпораций и университетов.[3]

Время требует ускоренного развития науки, поднятия ее на более высокий уровень. Предпосылкой совершенствования данного направления являются принятые в республике за последние годы законадательно-нормативные акты и программы.

Прошедшая 30 декабря 2016 года встреча Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева с представителями науки, государственных и общественных организаций, членами академии наук также стала еще одной инициативой по дальнейшему всестороннему развитию Узбекистана. Всех нас радует, что поддержка данной сферы и ученых является одной из приоритетных задач государства.

**Таблица 1**

**Основные показатели высшего образования (1991-2016 годы)**

| | Количество высших образова-тельных учреждений | Число студентов (тыс. чел) | Профессорско-преподавательский состав (тыс. чел) | Число студентов, приходящееся на одного преподавателя |
|---|---|---|---|---|
| 1991г. | 52 | 340,9 | ... | ... |
| 1995г. | 58 | 192,1 | 19,9 | 9,6 |
| 2000г. | 61 | 183,6 | 18,4 | 10,0 |
| 2005г. | 62 | 278,7 | 23,1 | 12,1 |
| 2010г. | 65 | 274,5 | 23,0 | 11,9 |
| 2016г. | 70 | 268,3 | 24,0 | 11,2 |

*Источник: Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике, 2016г.*

Так, в Указе Президента «О мерах по дальнейшему совершенствованию и стимулированию деятельности академиков Академии наук Республики Узбекистан» обозначен ряд важных мер, направленных на укрепление роли и места науки в социально-эконо-

мическом развитии страны, всестороннюю поддержку деятельности академиков, повышение качества подготовки высококвалифицированных научных кадров .[4]

В данном аспекте хотелось бы отметить, что в системе высшего образования Узбекистана идут преобразования, как в качестве, так и в количестве. Если в 1991 году количество высших образовательных учреждений составляло 52 учреждения, то к 2016 году этот показатель увеличился на 34,6 %, то есть составил 70 учреждений.

Немало важную роль играет число студентов на одного преподавателя. От этого фактора также зависит качества преподавания, восприятия и усвоения материалов со стороны слушателей. Данная тенденция каждым годом снижается.

**Рисунок 1**

**Количество высших образовательных учреждений и число студентов на одного преподавателя (1991-2016 годы)**




*Источник: Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике, 2016г.*

Если в высших образовательных учреждениях в 2005 году на каждого преподавателя приходилось 12,1 студентов, то в 2016 году этот показатель составил 11,2 студентов.[5]

**Рисунок 2**

**Соотношение числа студентов, приходящихся на одного преподавателя в высших образовательных учреждениях в некоторых странах**




Источник: Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике, 2016г.

Из приведенного выше материала следует, что высшему образованию в республике уделяется большое значения. На протяжение ряда лет в территориях открывают филиалы ведущих вузов страны и зарубежья (в городе Ташкенте), вводятся новые специальности.

Для полномасштабного развития науки и образования также имеет большое значение подготовка научно-педагогических кадров высшей квалификации. В данном направление в Республике Узбекистан осуществляется по этапная деятельность подготовки научных кадров в рамках докторантуры. Послевузовское образ[5] ование направлено на обеспечение потребностей общества в научных и научно-педагогических кадрах высшей квалификации, удовлетворяющих творческое воспитание и профессиональные интересы личности, деятельность организуется как обучение в докторантуре, а также самостоятельное соискательство в высших учебных заведениях и научно исследовательских учреждениях (институты старших научных сотрудников, самостоятельных соискателей).

**Рисунок 3**

**Число учреждений осуществляющих деятельность по подготовке докторантов (2000-2016 годы)**




Источник: Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике, 2016г.

К 2016 году число учреждений осуществляющих деятельность по подготовке докторантов составило 128 единиц и увеличилось в 1,6 раза по сравнению с 2000 годом. В 2016 году к числу учреждений, осуществляющих деятельность по подготовке докторантов входят 65 научных институтов, 63 высших учебных заведения. Введение одноступенчатой системы послевузовского образования с защитой и присуждением ученой степени доктора наук в соответствии с Указом Президента от.24.07.2012 года №УП-4456 привело к увеличению числа обучающихся на соискании степени доктора наук. В частности, число обучающихся на соискании степени доктора наук увеличилось более чем в 4 раза в 2016 году по сравнению с 2000 годом с 331 до 1370 человек.

В целях кардинального повышения качества и эффективности системы подготовки и аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации, дальнейшего совершенствования сферы послевузовского образования, расширения возможностей для всесторонней реализации интеллектуального потенциала молодежи в научно-исследовательской деятельности Указом Президента от 16.02.2017 года №УП-4958 была введена двух уровневая система послевузовского образования, включающая «базовую докторантуру» - с защитой диссертации и присуждением ученой степени доктора философии (PhD) в соответствующей отрасли науки и «докторантуру» - с защитой диссертации и присуждением ученой степени доктора наук (Doctor of Science) в соответствующей отрасли науки.

**Таблица 2**

**Динамика обучающихся на докторантуре по отраслям наук (2000-2016 годы)**

| | **2000г.** | **2005г.** | **2010г.** | **2016г.** |
|---|---|---|---|---|
| **Всего** | **334** | **183** | **217** | **1370** |
| *в том числе по наукам:* | | | | |
| естественные науки | 82 | 51 | 50 | 309 |
| технические науки | 26 | 12 | 21 | 167 |
| медицинские науки | 83 | 45 | 30 | 113 |
| сельскохозяйственные науки | 11 | 8 | 10 | 154 |
| общественные науки | 93 | 47 | 70 | 348 |
| гуманитарные науки | 39 | 20 | 36 | 279 |

*Источник: Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике, 2016г.*

В последние годы число старших научных исследователей по отраслям наук растет высокими темпами. В частности, наибольшее увеличение числа учащихся в 2000-2016 годах наблюдалось в сельскохозяйственных науках (в 14 раз больше, чем в 2000 году), гуманитарных (7,2 раза) и технических науках (в 6,4 раза).

В рамках развития данного направления необходимо отметить деятельность отечественных научно-исследовательских центров, институтов и инновационных структур.

Одним из таких организаций является научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при Ташкентском государственном экономическом университете. Центр создан согласно постановлению Президента Республики Узбекистан от 28 февраля 2013 года № ПП-1927 "О создание научно-исследовательского центра "Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана" при Ташкентском государственном экономическом университете".

Одним из важных задач центра является широкое привлечение к научным и прикладным исследованиям, проводимым Центром, профессорско-преподавательских кадров, старших научных сотрудников-соискателей и студентов Ташкентского государственного экономического университета и других экономических высших образовательных учреждений республики. Также разработка на основании и результатах проводимых Центром исследований научных и учебно-методических материалов для внедрения в учебные планы и программы экономических высших образовательных учреждений страны, направленных на повышение качества и уровня преподавания экономических дисциплин.

В рамках совершенствования деятельности в данном направлении в центре недавно был создан сектор «Интеграция науки и образования» в деятельность, которого входит координации действий в рамках сотрудничества центра с вузами экономического направления республики.

Для систематизации работы в указанном направлении, на новый 2017-2018 учебный год центром был разработан «План мероприятий по разработке научных и учебно-методических материалов для внедрения в учебные планы и программы экономических вузов страны» и утвержден Министром высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

В целях усиления данного направления работы Министерством финансов Республики Узбекистан и Государственным комитетом по науке и технологии было выделено дополнительное финансирование для формирования рабочей группы для реализации вышеуказанных задач.

В центре была сформирована рабочая группа в составе 42 человек, из них 3 Академика Академии наук, 14 докторов и 21 кандидатов наук. Совместно с соответствующими подразделениями и базовыми кафедрами Ташкентского государственного экономического университета и Ташкентского финансового института в рамках подготовки к новому учебному году была проведена работа по экспертизе и доработке типовых и рабочих учебных планов и программ по подготовке студентов по 7 направлениям бакалавриата и по 8 специальностям магистратуры.

Кроме того, с вышеуказанными базовыми экономическими вузами обновлены базы тем выпускных квалификационных работ и магистерских диссертаций, разработаны и предоставлены 60 тем научно-технических проблем необходимые для исследовательской деятельности центра и требующие поиск решений на предприятиях Республики Узбекистан. Также были привлечены одаренные магистры и студенты для участия

в подготовке фундаментальных и прикладных исследований центра.

Сотрудниками центра разработаны и представлены в Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан 87 тем магистерских диссертаций, предназначенных для включения в базу тем ВУЗов готовящие специалистов в сфере экономики. Изучены и предоставлены рецензии на 20 научных трудов включающих в себя, государственные учебные стандарты экономического профиля, учебные программы, учебники, учебные пособия, монографии, научные статьи, магистерские диссертации и выпускные квалификационные работы.

Участниками группы «Интеграция науки и образования» Центра разработаны 9 учебных пособий и 12 учебно-методических комплексов совместно с профессорско-преподавательским составом ТГЭУ и ТФИ.

На основе разработанного центром графика семинаров организованы выездные научно-методологические семинары в высших учебных заведениях, а также организациях и ведомствах в регионах республики. В частности, Сурхандарьинском областном хокимияте, Ферганском государственном университете, Самаркандском институте экономики и сервиса, Каракалпакском и Ургенчском государственных университетах, а также в Бухарском государственном университете.

Организован конкурс по номинации “Лучшая статья года” с публикациями научных статей среди профессорско-преподавательского состава, соискателей и студентов ТГЭУ опубликованных в журнале “Иктисодиёт ва таълим” по итогам календарного года, коллегиально отобраны лучшие статьи, определены победители конкурса.

Проведен научно-методологический семинар на тему “Инновационное развития экономики Узбекистана”, с участием ведущих специалистов министерств, ведомств, сотрудников научно-исследовательских институтов, а также профессорско-преподавательского состава, соискателей, магистров, студентов ТГЭУ иТФИ. В рамках научно-методологического семинара разработан сборник научных статей и тезисов, где организовано участие сотрудников центра, представителей министерств и ведомств, а также состава группы с публикациями.

***Источники и литература:***


*1.https://www.top-technologies.ru*
*2.https://www.kaznu.kz/ru*
*3.https://www. articlekz.com*
*4. http://www.narodnoeslovo.uz/*
*5. https:// www.stat.uz/uz/*

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ КОМПЛЕКС ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

**Хажиев Бахтиёр Душабоевич**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Мамарахимов Бекзод Эркинович**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада Жиззах вилоятининг иқтисодий ривожланиш ҳолати, вилоятнинг салоҳияти, ундаги мавжуд имкониятлар, улардан фойдланиш даражаси билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга, вилоятда бугунги кунда амалга оширилаётган имконияятлар ва уларнинг самараси ҳам ёритишга харакат қилинган.

***Таянч тушунчалар:*** Жиззах вилояти иқтисодий ривожланиши, имкониятлари, “Жиззах” махсус индустриал зонаси, туризмнинг ривожланиши.

***Аннотация.*** В данной статье рассматривается экономическое развитие Джизакской области, потенциал области и данные об уровни использование ресурсов. А так же в статье рассматривается нынешние реализуемые возможности и эффективности.

***Ключевая слова:*** экономическое развитие Джизакской области, возможности, Свободная индустриальная зона «Джизак», развитие туризма.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг самараси ўлароқ, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган устувор йўналиш ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ҳудудларда тарғиб этиш, шунингдек, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ўрганиш мақсадида Тараққиёт стратегияси маркази билан ҳамкорликда ташаббускорлик асосида 2017 йилнинг ёзги таътил даврида профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар учун амалий лойиҳа ишлаб чиқилди. Унда ҳар бир ҳудуд бўйича профессор-ўқитувчи ва кўнгилли иқтидорли талабалардан иборат ижодий ишчи гуруҳлар шакллантирилди.

Республика ҳудудлари кесимида Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бандида белгиланган чора-тадбирларни ҳудудларда бажарилишини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида университет томонидан тузилган ишчи гуруҳ Жиззах вилоятига ташриф буюриб, маҳаллий ҳокимият вакиллари, шунингдек, иқтисодиётнинг банк, молия, солиқ, реал сектор корхоналари раҳбар ходимлари, мутахассислари ҳамда маҳалла оқсоқоллари билан учрашувлар ташкил этиб, мазкур таҳлилий маълумотнома тайёрланди.

Жиззах вилояти 1973 йил 28 декабрда ташкил этилган. Шимолий-шарқда Қозоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти, жанубий-ғарбда Самарқанд, Навоий вилоятлари, жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 21,1 минг квадрат км. Жиззах вилояти таркибида Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Ғаллаорол, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш ва Янгиобод каби 12 та туман, 1 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва 7 та туманга бўйсунувчи шаҳар (Жиззах, Гагарин, Дўстлик, Маржонбулоқ, Пахтакор, Даштобод, Ғаллаорол), 8 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Ўсмат, Учқулоч, Янгиқишлок, Қўйтош) мавжуд.

Шундай қилиб, 2016 йил ҳолатига Жиззах вилояти ҳудудида жами 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар (ҳайкаллар, бюстлар, хотира майдонлари) “Давлат муҳофазаси рўйхатлари”га киритилган.

Шундай қилиб, Жиззах вилояти ҳудудида жами 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар (ҳайкаллар, бюстлар, хотира майдонлари) “Давлат муҳофазаси рўйҳатлари”га киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони воҳанинг саноат салоҳиятини ошириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қулайликлар яратди. Чунончи, 2013 йил махсус индустриал зонада инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш даври бўлди. 17 километр узунликдаги автомобиль йўллари янгидан қурилиб, электр, газ, сув, оқова каби ташқи коммуникация тармоқлари юзага келтирилди.

Вилоятнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларига нисбатан ўртача кўрсаткич даражасида ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсгани, кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,9 марта кўпайиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 18,3 фоиздан 21,7 фоизга етгани ана шундай амалий ишлар натижасидир(1-расм).







*Манба: Муаллифлар томонидан Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.*

**1-расм. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯҲМ тузилмаси**

2016 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,2 %), саноат (қурилиш соҳаси билан бирга) (14,5 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (6,3 %) тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Вилоят иқтисодиёт тармоқлари бўйича ЯҲМ тузилмаси**

*(ўтган йилга нисбатан %да)*

| Кўрсаткичлар | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯҲМ** | **111,9** | **111,7** | **108,8** | **110,0** | **109,2** | **109,2** | **109,4** |
| шу жумладан: | | | | | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 111,7 | 111,6 | 108,8 | 109,9 | 109,2 | 109,1 | 109,3 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 116,3 | 115,3 | 109,6 | 112,1 | 109,6 | 111,4 | 111,4 |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | **111,7** | **111,6** | **108,8** | **109,9** | **109,2** | **109,1** | **109,3** |
| Қишлоқ хўжалиги | 106,4 | 105,8 | 107,1 | 105,9 | 106,6 | 106,2 | 106,3 |
| Саноат (қурилиш соҳаси билан бирга) | 114,3 | 117,6 | 110,1 | 118,4 | 110,4 | 112,0 | 114,5 |
| Хизматлар | 116,2 | 114,7 | 109,6 | 109,3 | 110,8 | 110,2 | 109,2 |
| ЯҲМ аҳоли жон бошига | 108,5 | 108,4 | 107,0 | 108,2 | 107,2 | 107,1 | 107,3 |

Вилоятда саноатнинг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хомашё захиралари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илғор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узоқ муддатли истиқболни кўзлаб саноатни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизматлар соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши вилоят иқтисодиётининг нафақат макродаражада, балки мега даражадаги рақобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади. Чунки, XXI асрнинг навбатдаги декадасида янги иқтисодиётнинг энг асосий қонунияти– индустриал иқтисодиётни постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқсодиётига шиддат билан ўзгариб бораётганлигидадир. Хизматлар иқсодиётига ўтиш жараёни замонавий миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигининг бош омилидир. Лекин, ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқсодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ва хусусан ҳудуд иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган имкониятларидан бири бандлик ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Ушбу жиҳатдан Жиззах вилоятида бошқа ҳудудларга нисбатан долзарб масалалардан бири бўлган бандликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Жиззах вилоятида корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилда рўйхатга олинган юридик шахслар сони 11832 тани ташкил қилиб, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 10693 таси ёки 90,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда (2-жадвал).

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 2566 та (21,7 фоизи), саноат 1676 та (14,2 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 794 та (6,7 фоизи) ва қурилиш 1109 та (9,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 34,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 48,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**2-жадвал**

**Корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари (2016 йил)**

| Кўрсаткичлар | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | бирлик | якунга нисбатан фоизда | бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| Жами | **11832** | **100,0** | **10693** | 100,0 |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1373 | 11,6 | 1198 | 11,2 |
| саноат | 1676 | 14,2 | 1506 | 14,1 |
| қурилиш | 1109 | 9,4 | 1010 | 9,5 |
| савдо | 2566 | 21,7 | 2205 | 20,6 |
| ташиш ва сақлаш | 450 | 3,8 | 400 | 3,7 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 794 | 6,7 | 722 | 6,7 |
| ахборот ва алоқа | 192 | 1,6 | 149 | 1,5 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 337 | 2,8 | 336 | 3,1 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 3335 | 28,2 | 3167 | 29,6 |

*Манба: Муаллифлар томонидан Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.*

2016 йил январь-декабрь ойларида жами 1550 та хўжалик юритувчи субъектлари (фермер ва деҳқон хўжаликларсиз) ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 31,5 фоизи), Жиззах (15,5 фоизи) ва Фориш (7,5 фоизи) туманларига тўғри келади. 2016 йил январь-декабрь ойларида жами 1550 та хўжалик юритувчи субъектлари (фермер ва деҳқон хўжаликларсиз) ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 31,5 фоизи), Жиззах (15,5 фоизи) ва Фориш (7,5 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 23,6 фоизи савдо, 16,3 фоизи саноат ва 9,4 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

2016 йилда 1382 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 13 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 0,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Шунинг вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳудуд ЯҲМнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2010 йилдаги 77,3 фоиз ўрнига 2016 йилда 80,3 фоизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкил этди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Охирги беш йилда 4 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 8 минг 500 тага етди. Бугунги кун¬да ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80 фоизни, экспортдаги ҳиссаси 87 фоизни (74,4 млн АҚШ доллари), меҳнат би¬лан банд аҳолини қамраб олишдаги улуши 82 фоизни ташкил этмоқда.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сони 1506 тани ташкил қилди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида маълумот**

| Кўрсаткичлар | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Янгидан ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари | 1392 | 1475 | 767 | 994 | 990 | 1168 | 1506 |
| Тугатилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари | 587 | 560 | 569 | 586 | 567 | 628 | 1329 |
| Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти (млн АҚШ доллари) | 85,3 | 81,7 | 20,3 | 90,3 | 36,5 | 43,7 | 74,4 |

*Манба: Муаллифлар томонидан Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.*

2016 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 80,3 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, 2016 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 373,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,2 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 170,8 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 21,0 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1 119,8 млрд. сўмни (саноатнинг 57,8 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 129,7 фоизни ташкил қилди;

- 2 407,2 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,8 фоизи) ташкил қилди.

- 737,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 58,9 фоизи) ўзлаштирилди;

- 853,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,5 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан 112,5 фоизга кўпайди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 108,6 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 109,0 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 110,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 101,2 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,5 фоизи ёки 2 749,5 млрд. сўми (ўсиш 116,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 75,1 фоизи ёки 1 522,4 млрд. сўми (ўсиш 119,3 фоиз) шакллантирилди;

- 88 406,2 минг АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 65,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 61 836,3 минг АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 82,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан равнақ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда.

Вилоятдаги доимий аҳоли сони 2016 йил ҳолатига 1311,7 минг кишини ташкил қилди ва 2010 йилга нисбатан 145,0 минг кишига ёки 112,4 фоизга кўпайди. Ушбу ҳолатни туманлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, энг кўп аҳоли Ш.Рашидов туманига тўғри келади (205.2 минг киши), кейинги ўринларда Жиззах шаҳри, Ғаллаорол (162,8 минг киши), Зомин (148,3 минг киши) ва Бахмал (147,6 минг киши) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Энг паст аҳолига эга бўлган туманлар эса Арнасой (44,2 минг киши) ва Янгиобод (27,0 минг киши) тумани бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳудуддаги ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати мамлакат аҳолиси сони, жинси ва ёши жиҳатидан таркиби би-

лан белгиланади. Булар эса ўз навбатида аҳолининг табиий ҳаракатланишига боғлиқ бўлади.

Аҳолининг табиий ҳаракатланиши, уни такрор ишлаб чиқариш хусусияти кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараққиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланади.

Ушбу ҳолат ҳудуд иқтисодиётининг таҳлил қилинаётган йиллар мобайнидаги таркибий ўзгариши билан боғлиқислоҳотлар натижасида кузатилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади.

Жиззах вилоятида ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида хукумат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга иш билан таъминланиш даражаси ўсиб бормоқда. Ишчи кучи ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилга нисбатан 115,6 фоизга кўпайиб, 753,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,4 фоизини ташкил этади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Вилоятда меҳнат ресурслари сони динамикаси, минг киши ҳисобида (йил бошига нисбатан)**

| Ҳудудлар | Йиллар | | | | | | | | 2017 йилда 2010 йилга нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2010* | *2011* | *2012* | *2013* | *2014* | *2015* | *2016* | 01.07.17 | +,- | % |
| **Жиззах ш.** | 108,9 | 113.3 | 115,2 | 117,2 | 119,1 | 121,4 | 123,6 | 125,3 | 16,4 | 115,1 |
| **Арнасой** | 24,5 | 25.5 | 26,2 | 26,9 | 27,1 | 27,9 | 28,1 | 28,5 | 4,0 | 116,3 |
| **Бахмал** | 66,7 | 69.9 | 71,3 | 72,5 | 73,9 | 75,1 | 78,3 | 77,9 | 11,2 | 116,8 |
| **Ғаллаорол** | 75,3 | 79.5 | 81,7 | 82,6 | 83,9 | 85,1 | 86,3 | 87,2 | 11,9 | 115,8 |
| **Ш.Рашидов** | 90,6 | 94.5 | 96,8 | 98,3 | 101,8 | 102,5 | 103,8 | 105,0 | 14,4 | 115,9 |
| **Дўстлик** | 31,7 | 33,1 | 34,1 | 34,9 | 35,8 | 35,9 | 36,3 | 36,6 | 4,9 | 115,5 |
| **Зомин** | 76,6 | 79,6 | 81,8 | 83,5 | 84,3 | 85,8 | 87,1 | 87,8 | 11,2 | 114,6 |
| **Зарбдор** | 29,5 | 30,5 | 31,5 | 32,4 | 32,9 | 33,1 | 33,5 | 34,1 | 4,6 | 115,6 |
| **Зафаробод** | 26,5 | 27,5 | 27,6 | 28,0 | 29,4 | 30,4 | 30,5 | 30,7 | 4,2 | 115,8 |
| **Мирзачўл** | 25,5 | 25,8 | 26,2 | 27,1 | 27,9 | 28,1 | 28,2 | 28,4 | 2,9 | 111,4 |
| **Пахтакор** | 36,0 | 37,2 | 38,5 | 39,6 | 40,2 | 40,8 | 40,9 | 41,5 | 5,5 | 115,3 |
| **Фориш** | 47,5 | 49,1 | 50,8 | 51,7 | 52,5 | 53,9 | 54,6 | 55,7 | 8,2 | 117,3 |
| **Янгиобод** | 12,8 | 13,2 | 13,8 | 14,1 | 14,2 | 14,6 | 14,8 | 14,9 | 2,1 | 116,4 |
| **Жами** | **652,1** | **678,7** | **695,5** | **708,8** | **723,0** | **734,6** | **746,0** | **753,6** | **105,1** | **115,6** |

*Манба: Муаллифлар томонидан Жиззах вилояти бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.*

Жиззах вилоятида ишчи кучи ресурслари сони динамикаси таҳлил қилинганда, 2017 йилнинг ярим йиллида 2010 йилга нисбатан ўзгариши 115,6 фоизни ишчи кучи ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил қилган.

Кўрилаётган даврда ишчи кучи ресурслари сонининг ўсиш суръати вилоят ҳудудларида деярли бир хил кечган (114,6 фоиздан – 117,3 фоизгача). Фақатгина Мирзачўл тумани нисбатан паст кўрсатгичга эришилган (111,4 фоиз). 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ишчи кучи ресурслари сони жиҳатидан Жиззах шаҳри (125,3 минг киши), Ш.Рашидов тумани (105,0 минг киши), Зомин тумани (87,8 минг киши) ва Бахмал тумани (77,9 минг киши) етакчилик қилмоқда.

Вилоятда меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Мазкур чора-тадбирларда бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бандлик дастурларини ишлаб чиқишга замонавий ёндашувларни ҳамда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш механизмларини, янги интерактив хизматларни жорий этиш ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва бошқа чоралар кўзда тутилган.

Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга иш билан таъминланиш даражаси ўсиб бормоқда. Жумладан, ҳудудлар кесимида иш билан бандлар сони 2010 йилда 381,6 минг кишини ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг ярмида 455,7 минг кишини банд сифатида рўйҳатга олинган. Шу йиллар давомида иш билан бандлар сони 74,1 минг кишига кўпайган (119,4 фоизга ошган).

Мамлакатда кичик бизнес ривожи учун яратилаётган шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватлаш механизмлари самарали ишлаётганлиги туфайли, аҳолининг ишбилармонлик қобилияти кенгайиши, ёшларда тадбиркорлик ташаббуси ортиши кузатилмоқда. Бу жищатлар ўз навбатида, истиқболли таклиф ва ташаббусларни ўз вақтида рағбатлантиришга катта йўл очиб бермоқда. Натижада, иш билан банд аҳолининг аксарият қисми айнан кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда, тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса ортмоқда. КБХТ ривожига кенг йўл очиб берилганлиги аҳоли бандлигининг ошиши ва даромадлари ўсишида муҳим омил бўлиш билан бирга, иқтисодиётни изчил ривожлантирувчи, жамият барқарорлигини таъминловчи кафолат воситаларидан бирига айланди.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 67,0 фоизи (29,7 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.

Жиззах вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш борасида 2016-2017 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасида кўзда тутилган маблағ 10493,1 млн. сўмни ташкил этади, ташаббускорлар ва масъул ижрочилар маблағлари 5731,0 млн. сўм, тижорат банклари кредитлари 4270,0 млн. сўм, бюджет маблағлари 492,1 млн. сўмни ташкил қилади.

Ушбу бажарилган ишлар натижаси сифатида 2016 йилда 4199 нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюришди.

Уларнинг энг катта қисмини МДҲ давлатлари ташкил қилишини инобатга оладиган бўлсак, кейинги режа ва давлат дастурларига ўзимиздаги мавжуд имкониятларни Европа, Америка ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларига кенгроқ овоза қилиш керак бўлади. Жиззах вилоятининг турли ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларига турли давлатлардан сайёҳлар томонидан туризмнинг барча турлари бўйича 4199 нафар сайёҳлар ташриф буюришган.

"Жиззах" махсус индустриал зонаси ва унинг фаолияти.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2013 йил 18 мартда "Жиззах" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида" ПФ-4516-сонли Фармон қабул қилинган бўлиб, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридан 363,7 га ҳамда Сирдарё вилояти Сирдарё туманидан 150 га ер майдонлари ажратилган.

Бундан ташқари Маъмурий кенгаш томондан "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида умумий қиймати 264,1 млн. доллар, шундан 165,5 млн. доллари хорижий инвестициялар бўлган жами 25 та лойиҳани амалга ошириш маъқулланган (7 таси – Сирдарё филиалида).

2017йил 1 апрел ҳолатига 91,3 млн. доллар бўлган 19 та лойиҳа ишга туширилиб, жами 1324 та янги иш ўринлари ташкил этилган.

Жумладан, умумий қиймати 51,4 млн. доллар бўлган 14та лойиҳа Жиззах шаҳрида, 39,9 млн. доллар бўлган 5 та лойиҳа Сирдарё филиалида жойлаштирилган.

"Жиззах" ЭИЗ ҳудудида 2015 йилда жами 13та лойиҳа томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 102,0 млрд. сўм, экспорт ҳажми – 6,4 млн. долларни ташкил этиб, унинг 75,3% Жиззах шаҳридаги корхоналар, 24,7% Сирдарё филиали корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2016 йилда жами 19 та лойиҳа томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 291,5 млрд. сўмни (2015 йилга нисбатан 3 баравар кўп), экспорт ҳажми эса 14,7 млн. долларни ташкил этди (2,5 баробар кўп).

Бугунги кунда "Жиззах" ЭИЗ Маъмурий кенгаши қарорларига мувофиқ дастлабки қиймати 213,0 млн. доллар бўлган 25 та истиқболли инвестиция лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2016 йил 16 декабрда ўтказилган бизнес форум доирасида умумий қиймати 74,0 млн. доллар бўлган 10 та лойиҳа (шу жумладан, 4 таси "Жиззах" ЭИЗда) бўйича Хитой корхоналари билан маҳаллий корхоналар ўртасида меморандумлар имзоланди. Шундан: 3 та лойиҳа бўйича бизнес-режа ишлаб чиқишга киришилди; 3 та лойиҳа бўйича 2017 йил апрель-май ойларида бизнес-режалар ишлаб чиқиш кутилмоқда; қолган 4 та лойиҳа бўйича маркетинг ишлари натижасига кўра, лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан аниқ таклифлар киритилади.

Жиззах ЭИЗ доирасида жалб этилган ҳорижий инвестицияларнинг миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда. 2013 йилда дастур доирасида 5,6 млн.доллар миқдорида хорижий инвестиция киритилган бўлса, 2016 йилда 35,9 млн. доллар (2013 йилдагига нисбатан 6,4 баробор кўп) миқдоридаги хорижий инвестиция киритилди (2-расм).




Манба: Муаллифлар томонидан Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

**2-расм. Жиззах ЭИЗ доирасида жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори (млн.доллар)**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"гифармони мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳити яратиш, тадбиркорлар учун имконият ва имтиёзлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастурил амал бўлмоқда.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида сармоядорлар учун имтиёз ва преференцияларнинг самарали тизими ишлаб чиқилгани хорижлик тадбиркорларни ҳам жалб этаётир. Иқтисодий зона барпо этилган дастлабки пайтда келган хитойлик ишбилармонлар имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Хитойлик сармоядорлар ўтган қисқа даврда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда учта замонавий корхона барпо этди.

Ўтган йил охирида Хитойнинг "ZTT" ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниялари тенг миқдорда – ҳар икки томон ҳам 500 минг доллар миқдорида инвестиция киритиб, "Smartvizion" қўшма корхонасини ташкил этган эди. Замонавий технологиялар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўлланиладиган аппаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари юқори сифати билан ажралиб туради.

Жиззах вилоятида автомобил ишлаб чиқариш заводи қурилмоқда. Завод Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Uzb ekistanPeugeotCitroenAutomotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ўзавтосаноат" АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасидаги келишув асосида қурилмоқда.

Янги заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Peugeot» ва «Citroen» енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқарилади. Қўшма корхонанинг устав капитали 30 миллион евро. Лойиҳани амалга оширишга умумий қиймати қарийб 130 миллион евролик инвестиция жалб этилаётир.

Завод қурилиши учун "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида 45 гектар ер майдони ажратилган. Президентимиз қарори билан лойиҳа иштирокчилари учун бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар тақдим этилган.

Мамлакатимиз автомобиль саноати ривожида яна бир муҳим қадам бўладиган янги қўшма корхона аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади. Янги корхонада 600 дан зиёд иш ўрни барпо этилади.

Жиззах вилоятидаги "Primalyuksfayzteks" масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа қиймати 450 миллион сўм бўлган шлакоблок, декоратив ва хом ғишт ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектлари фаолиятини ҳартомонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида қишлоқларда ҳам замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Бу қишлоқлар аҳолиси учун янги иш ўринлари яратиш, оилалар даромади ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Президентнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъ-

минлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида сармоядорлар учун имтиёз ва преференцияларнинг самарали тизими ишлаб чиқилгани хорижлик тадбиркорларни ҳам жалб этаётир. Иқтисодий зона барпо этилган дастлабки пайтда келган хитойлик ишбилармонлар имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Хитойлик сармоядорлар ўтган қисқа даврда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда учта замонавий корхона барпо этди.

Ўтган йил охирида Хитойнинг "ZTT" ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниялари тенг миқдорда – ҳар икки томон ҳам 500 минг доллар миқдорида инвестиция киритиб, "Smartvizion" қўшма корхонасини ташкил этган эди. Замонавий технологиялар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўлланиладиган аппаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари юқори сифати билан ажралиб туради.

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

- Ҳудудда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш лозим. Масалан, Жиззах шаҳри, Зомин, Фориш, Бахмал, Ғаллаорол туманларида туризм соҳалари бўйича инфраструктурани ривожлантириш. Табиий доривор нематларни қайта ишлаш тизимини дастур асосида амалга ошириш лозим.

- Бахмал туманида боғдорчилик жуда яхши даражада ривожланган бўлиб, ушбу ҳудуддаги меваларни Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган қайта ишлаш заводига топшириб келишади. Ушбу меваларни ушбу ҳудудда қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

- Вилоятнинг тоғли ҳудудларида (Бахмал, Фориш, Янгиобод, Ғаллаорол ва Зомин) банк тизимини тўғри йўлга қўйиш лозим. Масалан, тадбиркорлар томонидан яқин жойларда банк муассасаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли узоқ йўл босиш орқали банк хизматларидан фойдаланади. Ушбу тизимни ривожлантиришда мини банкларни очиш ёки масофавий банк хизматларини (мобил банкинг, интернет банкинг, СМС банкинг ва ҳоказо) тўғри йўлга қўйиш орқали бартараф этиш мумкин. Жумладан, Халқ банкининг нафақа тарқатувчиларидан ҳам тўғри фойдаланиш орқали аҳоли омонатларини йиғишни ва бошқа шунга ўхшаш банк хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

- Ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредитларининг ажратилиши кечиктирилмоқда. Натижада белгиланган лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилмаяпти ҳамда уларнинг иш фаолиятларини бошлаши кечикмоқда. Айниқса, кичик ҳудудларда банкларнинг кредит лимитлари кам қилиб белгиланиши ва унинг тезда тарқатилиб, тугалланишини ҳам бунинг бир омили сифатида қараш мумкин.

- Ерларнинг мелиоратив ҳолати вилоятда 260 минг гектарга яқин суғориладиган майдонларнинг 238 минг гектари (91,5 фоизи) ҳар хил даражада шўрланган. Ушбу шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бажариладиган ишларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Масалан, шўрланган ерларда ўстириш мумкин бўлган ўсимлик ва мевали дарахтларни ўтказиш ва уларни рағбатлантириш лозим.

Жумладан, Ёшларни иш билан таъминлаш – касб-ҳунар коллежларининг 18656 нафар битирувчиларидан 1250 нафарининг (6,7%) бандлиги таъминланди. Вилоят туманларида бўш иш ўринлари ярмаркаларини самарали ташкил этиш лозим. Киритилаётган инвестициялар асосида яратилган иш жойларига биринчи навбатда маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш лозим.

- Дастур доирасидаги лойиҳаларга хориждан келтириладиган асбоб-ускуналар ва бошқа хом-ашёлар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш масаласи ўз ечимини кутмоқда, бу ўз навбатида дастурга киритилган айрим лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга ошишига салбий таъсир қилади.

- Вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан, инфраструктура ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларини яхшилаш талаб этилади. Акс ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келади. Жумладан, инвестицион жозибадорлик ҳудудга кириб келиши кўзда тутилаётган инвесторга керакли шарт-шароитларнинг яратилганлигини асослаб бериши ҳамда унинг ишлаб чиқарган товарларини бозорларга етказиб бериш бўйича қулайликларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

- Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурлари самарадорлигини

ошириш, хусусан, Дастурларга киритилган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ишга тушиши, янги ишчи ўринлари яратилиши ва кейинчалик ҳисоботларда ҳажм кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Дастурлар ижросида қатнашадиган субъектлар (ҳокимият, банк, лойиҳа ташаббускори, идора ва ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи низомнинг мавжуд эмаслиги. Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши каби Давлат дастурларини ҳам қабул қилишда дастур лойиҳаларини киритиш бўйича қўйиладиган талаблар, тақдим қилинадиган имтиёзларнинг мазмуни ва ҳудуд иқтисодиёти учун самарадорлигини инобатга олган ҳолда ҳар бир лойиҳа учун имтиёзнинг алоҳида белгиланиш шартлари ишлаб чиқилиши ва халқ муҳакамасидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Натижада Дастурнинг иқтисодиёт учун фойдалилик даражаси яхшиланади, Дастур ижросида қатнашувчиларнинг масъулияти ортади ва Дастурга киритилган лойиҳаларнинг истиқболсиз деб топилиш ҳолатлари йўқолади.

- Хорижий давлатдан ишлаб чиқариш мақсадида келтирилаётган асосий воситалар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмларни божхона талаблари бўйича сертификациядан ўтказиш учун кўп вақт ва харажат талаб қилинади. Олиб келинган мол-мулк божхона омборида сақланиб ортиқча тўловларни ошириб боради. Ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун келтирилаётган дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, инструмент, бутловчи қисмларни инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавф туғдирмайдиган тоифаларини сертификациядан ўтказишни ихтиёрий тартибга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шунда корхонада ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган битта мутахассис ва ортиқча тўловлар учун харажатлар камаяди ва шу иш ўрнини ишлаб чиқариш учун жалб қилиш мумкин бўлади.

***Манба ва адабиётлар:***


1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.*
2. *2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини Жиззах вилоятида ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури*
3. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2018 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 20 январдаги 287-сон қарори.*
4. *Президентнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони*
5. *Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б*
6. *Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б*
7. *2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ДАСТУРИ. Жиззах вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 мартдаги 135-сонли қарори.*
8. *“Жиззах вилоятининг 2017 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги Жиззах вилояти ҳокимининг 464-сонли Қарори. 2016 йил 30 декабрь.*
9. *“2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Жиззах вилояти ҳокимининг 466-сонли Қарори. 2016 йил 31 декабрь.*
10. *Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ҳаракатлар стратегияси: ёзги таътил - 2017” амалий лойиҳасининг Жиззах вилояти бўйича ижодий-ишчи гуруҳ маълумотлари.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Исламов Анвар Аширқулович**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Ўзбекистонда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирлар таҳлил қилинган. Мамлакатимизда минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш тамойилларига асосланган унинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** минтақа, минтакавий сиёсат, давлат дастурлари, ҳудудий дастурлар, инвестицион лойиҳалар, , эркин иктисодий зоналар, кичик саноат зоналари, технопарклар, дастурлар мониторинги, ҳудудий дастурлар самарадорлиги.

***Аннотация.*** Проанализированы социально-экономическое развитие регионов Узбекистана и проводимые меры в этой сфере. Разработаны предложения и рекомендации, основанные на принципах проведения региональной экономической политики по повышению ее эффективности.

***Ключевые слова:*** регион, региональная политика, государственные программы, региональные программы, инвестиционные проекты, свободные экономические зоны, малые промышленные зоны, технопарки, мониторинг программ, эффективность региональных программ.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали миллий иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакат мустақил тараққиётининг чорак асрлик ютуқ ва камчиликлари таҳлили асосида амалдаги қонун ва норматив ҳужжатлар ҳамда уларнинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қўйилган вазифаларга мувофиқлиги ўрганилиб, ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини ягона дастур асосида ривожлантиришга замин яратди[1]. Бинобарин, мазкур Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари Ўзбекистонда минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш тамойиллари-

ни янада такомиллаштириш учун хизмат қилди. Мамлакат доирасида минтақавий сиёсат давлатнинг ижобий маънодаги иқтисодиётга аралашувини намоён қилади. Бинобарин, ички ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиш мамлакат ҳукуматнинг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда асосий эътибор давлат билан бозор ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, баҳолаш ва тартибга солишга йўналтирилиши лозим. Маълумки, кўп укладли иқтисодиётга асосланган жамиятда давлат бозор иқтисодиётини шаклланиши ва ривожланиши билан алоқадор жиҳатларни, жумладан аҳолининг ҳаётий фаолиятини таъминлаб турувчи такрор ишлаб чиқаришни давом эттиришдек муҳим вазифани бажаради ва у ҳудудий бошқариш тизимини шакллантириш муаммосини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этади[2] .

Иқтисодий тараққиётни давлат томонидан тартибга солиш амалиёти жаҳоннинг жуда кўп давлатларида қўлланилмоқда. Бу айниқса, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун зарурий эҳтиёждир. Иқтисодиётнинг классик мактаби номаёндаси А.Смит - давлат баъзи - бир товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш мажбуриятини олиши керак, бироқ бунда давлатнинг иқтисодиётдаги роли катта бўлиши мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган. П.Самуэльсон иқтисодиётдаги жуда кўп муаммолар бозордан ташқаридаги воқеа ва жараёнларга алоқадор бўлиб, улар талаб ва таклиф қонуни таъсири доирасига кирмайди, иқтисодий сиёсатдаги мақсадларни белгилаш вазифасини давлат ўз зиммасига олиши керак, деб таъкидлаган[3].

Турли кўринишдаги ҳудудий нотенгликлар, аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитидаги, ишсизлик ва бандликдаги, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш суръатларидаги ва тадбиркорлик шароитидаги тафовутларни камайтириш минтақавий сиёсатнинг бош вазифаси ҳисобланади. Минтақавий сиёсат ҳудудлар даражасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар мажмуасини англатиб, у моҳиятига кўра ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишида намоён бўлади.

Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш ва бошқариш самарадорлигини оширишда мамлакат минтақаларида қўлланилаётган ёндашувларни кўриб чиқиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг назарий асослари А.Смит, Д.Рикардо, Н.Н.Колосовский, А.Лёш, А.Гринберг каби олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда Абдусалямов М., Қодиров А., Аҳмедов Т., Солиев А., Рузметов Б., Содиқов А., Қаюмов А., Эгамбердиев Ф., Низамов А.лар томонидан мазкур масаланинг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этилган. Минтақавий ривожланишни тартибга солишда марказ билан чекка ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни баҳолаш муҳим ҳисобланади. Айнан ана шу ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши даражасидаги фарқлар минтақавий сиёсатда фарқли жиҳатларни шакллантиради ҳамда бошқариш усуллари, тамойиллари, инструментларини белгилаб беради.

Минтақавий сиёсатнинг мақсади - мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳалақит берадиган, ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган ҳудудий нотенгликларни бартараф этишдан иборат[4].

Минтақавий иқтисодий сиёсат ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги ҳудудий тафовутларни энг кам даражага келтириш, марказий ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатини оширишга қаратилиши лозим.

Турли мамлакатларнинг марказий ҳукуматлари, ҳудудий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари бундай тафовутларни бартараф этиш учун бир қатор (мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат тузилиши ва б.) омилларга боғлиқ бўлган хилма-хил воситалардан фойдаланадилар.

Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг оммавий усулларидан бири ҳудудий ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Уларга Европа Иттифоқи қошида ҳудудий мувофиқлаштириш жамғармаси, Италияда «Жануб хазинаси» жамғармаси, Болгарияда айрим ҳудудлар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини таъминлаш жамғармаси, Венгрияда ҳудудлар ривожланишининг марказий жамғармаси кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин[5].

Мамлакатимизда мазкур ёндашув Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 мартдаги 159-сонли "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи

минтақасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорида ўз ифодасини топган.

Хорижий мамлакатлар минтақавий иқтисодий сиёсатининг муҳим хусусияти ички маъмурий-ҳудудий бирликлардан ваколатидан самарали фойдаланиш орқали намоён бўлади, яъни, йирик маъмурий-ҳудудий бирликлар-губерния, штат, провинция эмас, балки муайян шаҳар ва муниципалитетлар ҳудудий мувофиқлаштириш маконлари сифатида хизмат қилади. Масалан, Францияда кам ривожланган Жануби-Ғарбий минтақанинг 9 та агломерацияси ва 17 та шаҳар, Испанияда 10 та "ривожланиш марказлари" ва 2 та "саноатни рағбатлантириш марказлари", Японияда 10 та "саноат ривожланишининг алоҳида районлари", 6 та "янги саноат шаҳарлари", Италияда 12 та "саноатни ривожлантириш ареаллари" ва 26 та "индустриализация ядролари", Германияда 300 та "муҳим аҳоли пунктлари" минтақавий иқтисодий сиёсат объекти, айни пайтда уни амалга ошириш марказлари бўлиб хизмат қилади[5].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона, 96 та кичик саноат зоналари, 2 та технопарк фаолиятига асос солинганлиги ҳудудлар иқтисодий ривожланишида ўзига хос таянч марказлари бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон тажрибасида минтақавий сиёсатнинг меъёрий асоси сифатида ҳудудий ривожланиш дастурларидан кенг миқёсда фойдаланилади. Бинобарин, бундай дастурлар давлат иштирокида ёки унинг ташаббуси билан амалга ошириладиган, танланган ҳудудда муайян ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳал этишга қаратилган ташкилий-хўжалик тадбирлари ва лойиҳаларини ўз ичига олувчи ҳужжат ҳисобланади. Дастурлар, моддий ва молиявий ресурслар чекланган шароитларда уларни минтақа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устивор соҳаларига йўналтиришни таъминлаш, муайян ҳудудларни алоҳида ривожлантириш орқали бошқа ҳудудларни ривожига турткиберадиган мультипликатив самара яратиш, ҳудудлар иқтисодиётининг айрим соҳаларини инвестицион лойиҳалар воситасида ривожлантириш каби вазифаларни ҳал этишда деярли муқобилсиз инструмент ҳисобланади. Мустақиллик йилларида республикамизда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича етарлича тажриба тўпланди. Хусусан, махсус йўл хариталари асосида минтақалар кесимида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 13339 та лойиҳа амалга оширилди, 2,1 трлн. сўм кредит ўзлаштирилди, 10 та эркин иқтисодий зона, 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилди, «Peugeot» ва «Citroën» бренди билан енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича завод барпо этилмоқда. Шу давр мобайнида ижтимоий соҳада 2,7 минг км. автомобиль йўллари қурилди ва таъмирланди, 84300 та иш ўрни яратилди. Шаҳарларда энергия жиҳатдан самарадор арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури амалга оширилмоқда, унинг доирасида 50286 та хонадондан иборат 1136 та кўп қаватли уйларни, бундан ташқари, намунавий лойиҳа асосида шаҳар ва қишлоқ жойларида 80 мингдан ортиқ турар жойларни қуриш мўлжалланган.

Давлат Дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, низомлар маҳаллий дастурларнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз амалиётида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сонли "2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3301-сонли "Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги 291-сонли "2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги, 2016 йил 12 декабрдаги 400-сонли "2017-2019 йилларда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек

туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2016 йил 13 декабрдаги 404-сонли "2017-2019 йиллар даврида Наманган шаҳрининг йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 31 майдаги 332-сонли "Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синаб кўришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари, 2017 йил 27 мартдаги 159-сонли "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182 сонли "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ "Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги Низом маҳаллий дастурлар ижросини назорат қилади.

Маъмурий бирликлар доирасида амалга оширилган ҳудудий дастурлар уларнинг ҳудудий ривожланиш даражасини, инвестицион жозибадорлигини, инфратузилманинг ривожланганлик даражасини, инновацион салоҳиятини яхшиланиши орқали ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ошишига замин ҳозирлади. Холбуки, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларидаги нотенгликлар бир қатор объектив сабаблар – бозор ислоҳотларининг дастлабки давридаги ҳудудий ривожланиш даражаси, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги, иқтисодий-географик ривожланиши, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, инновацион салоҳияти ва бошқа кўпгина омиллар билан изоҳланади.

Минтақалар ўртасидаги кескин нотенгликка барҳам берилиши давлат бюджети даромадларини шаклланишидаги ҳудудларнинг улушида ҳам ўз аксини топади. Хусусан, 2005 йилда давлат буюджетининг шаклланишида энг катта улуш (23,1%) Тошкент шаҳри ҳиссасига, энг кам кўрсаткич Жиззах вилояти ҳиссасига тўғри келган ва улар орасида фарқ 19,3 мартани ташкил этган бўлса, 2016 йил якунлари бўйича бу фарқ уч баробардан ортиққа қисқариб, 6,3 га тўғри келди.

1-жадвал

**Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳудудларнинг улуши (жами кўрсаткичга нисбатан % ҳисобида)**

| Ҳудудлар | 2005 | 2008 | 2012 | 2014 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2,0 | 2,4 | 2,4 | 2,3 | 3,3 |
| Андижон | 3,3 | 3,4 | 3,3 | 3,4 | 5,7 |
| Бухоро | 7,3 | 7,1 | 7,2 | 6,2 | 5,5 |
| Жиззах | 1,2 | 1,3 | 1,2 | 1,3 | 2,5 |
| Қашқадарё | 7,4 | 10,4 | 11,4 | 10,7 | 7,5 |
| Навоий | 13,3 | 8,5 | 7,9 | 7,3 | 5,3 |
| Наманган | 2,8 | 2,4 | 2,6 | 2,8 | 4,4 |
| Самарқанд | 3,9 | 3,6 | 3,8 | 3,9 | 7,1 |
| Сурхондарё | 2,5 | 2,6 | 2,4 | 2,5 | 4,6 |
| Сирдарё | 1,8 | 1,5 | 1,3 | 1,4 | 2,1 |
| Ташкент | 14,0 | 9,5 | 9,8 | 10,1 | 10,3 |
| Фарғона | 8,5 | 8,6 | 8,1 | 7,3 | 7,0 |
| Хоразм | 2,4 | 2,2 | 2,2 | 2,2 | 3,6 |
| Тошкент ш. | 23,1 | 26,3 | 27,1 | 26,9 | 15,8 |

*Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.*

Юқорида таъкидланганидек, жаҳон тажрибасида минтақавий иқтисодий сиёсат - ҳудудларнинг капитал қўйилмалари ва уларнинг қайта тақсимланишини таъминлашга қаратилган ҳолда қуйидаги 3 йўналиш асосида олиб борилади.

Биринчи йўналиш - кам ривожланган ва саноат тараққиёти паст минтақаларда инфратузилма объектларини барпо этиш ва уларнинг бошқа районлар билан алоқаларини яхшилаш.

Иккинчи йўналиш – юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан йирик шаҳарларга нисбатан чеклаш усулларини қўллаш.

Учинчи йўналиш – муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва хусусий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш[6].

Ушбу ҳолатни мамлакатимиз амалиётидан келиб чиқиб изоҳласак, Жиззах вилоятида биринчи ва учинчи йўналишларда иқтисодий сиёсат амалга оширилди. Тошкент шаҳрига нисбатан иккинчи йўналиш қўлланилди.

Бугунги кунда республика ЯИМни шакллантиришда ЯҲМнинг улуши бўйича Тошкент шаҳри 15,8 фоиз билан етакчилик қилмоқда. Тошкентва Қашқадарё вилоятлари мос равишда 10,3 ва 7,5 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллайди. ЯҲМнинг энг кам улуши Сирдарё (2,1 фоиз) вилоятида қайд этилади.

Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатдан мувозанатлашганлигини таъминлаш ва минтақавий номутаносиблигини камайтиришга қаратилган оқилона минтақавий сиёсат натижасида мамлакатнинг таркибий ўзгаришида айрим ҳудудларнинг роли сезиларли даражада ортиб, уларнинг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди.




***2016 йил учун ялпи ҳудудий маҳсулот***

*(млрд. сўм)*

Мақсадли ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2000-2016 йиллар давомида Тошкент шаҳрида (4,3 марта), Қорақалпоғистон Республикасида (3,5 марта), Жиззах (3,9 марта), Самарқанд (3,8 марта), Наманган (3,5 марта), Андижон (3,3 марта), Сурхондарё (3,3 марта) вилоятларида ЯҲМнинг изчил ўсиш суъатлари таъминланди. Шунингдек, кузатилаётган давр учун ЯҲМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати Тошкент шаҳрида 109,6 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 108,2 фоиз, Жиззах вилоятида 109,0 фоиз, Самарқанд вилоятида 108,7 фоиз, Наманган вилоятида 108,1 фоиз, Андижон вилоятида 107,9 фоиз, Сурхондарё вилоятида 107,8 фоизни ташкил қилди.

2000-2016 йилларда ЯҲМнинг нисбатан кичик ўртача йиллик ўсиш суръати республика бўйича ўртача даража (107,3%) билан таққослаганда Навоий (104,5%), Фарғона (105,8%) ва Тошкент (106,5%)

вилоятларида кузатилди.

Мамлакатимиз амалиётида қўлланилаётган минтақавий иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш қуйидаги мақсад ва вазифаларни ҳал этишга имкон беради:

- минтақалар иқтисодий тараққиётининг устивор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси бўйича минтақалараро дифференциациялашувнинг ўта чуқурлашиб кетишини олдини олиш;
- объектив иқтисодий, табиий-географик ва шу каби омиллар оқибатида ижтимоий ривожланишнинг мақсадга мувофиқ даражасини таъминлай олмайдиган ҳудудларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодиётнинг айрим тармоқларини устувор равишда ривожлантиришга туртки бериш, шу жумладан кўп меҳнат талаб қиладиган ва мос равишда кўплаб янги иш ўринлари яратишга омил бўладиган ишлаб чиқариш соҳаларини алоҳида қўллаб-қувватлаш; ҳудудларга киритилаётган давлат инвестицияларини самарадорлигини ошириш ва миллий манфаатларга мослигини таъминлаш;
- ўзига хос мақомга эга бўлган ҳудудларни ривожланишини тартибга солиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш ва ҳ.к.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.//08.02.2017 й. №28 (6722).*

*2. Самуэльсон П. Экономика. –М.: НПО —Алтон, 1993, -789 с. 31.*

*3. Садиков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Т.: —Иқтисод-молия, 2005. – с. 60-82.*

*4. Региональная экономика и управление развитием территорий. Учебник / Под ред. Ф. Т. Прокопов–М.: Юрайт, 2016. – 320 с.*

*5. Capello R., Regional Economics, Routledge Advanced Texts in Economics and Finance.- UK.: Routledge, 2015.-375 с.*

*6. Региональная экономика: учебник для вузов/ Т.Г. Морозова, М.П. Победина, Г.Б. Поляк и др.; Под ред. проф. Т.Г. Морозовой. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ, 2012. – 472 с.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИ УМУМЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Қўзиев Исломжон Неъматович**

И.ф.д., доцент, Ўқув ишлари бўйича проректор, Тошкент молия институти

**Авазов Илҳом Равшанович**

Катта ўқитувчи, Тошкент молия институти

***Аннотация.*** Мазкур мақолада республикамизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини текшириш натижаларининг аудиторлик ҳисоботларига таъсири акс эттирилган. Шунингдек аудиторлик текширувида иштирок этадиган аудитор ва аудитор ёрдамчисига қўйилган талаблар келтириб ўтилган.

***Таянч тушунчалар:*** аудиторлик ҳисоботи, аудитор, аудитор ёрдамчиси, гуруҳ раҳбари, бош аудитор, раҳбариятга хат, аудиторлик текшируви.

***Аннотация.*** В данной статье отражено влияние результатов проверок финансовых отчетов хозяйствующих субъектов на аудиторские отчеты. А также требования к аудиторам и помощникам аудитора, участвующих в аудиторской проверке.

***Ключевые слова:*** аудиторский отчет, аудитор, помощник аудитора, руководитель группы, главный аудитор, письмо руководству, аудиторская проверка.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида муҳим масалалардан бири аудиторлик текшируви натижаси бўлган аудиторлик ҳисоботи ҳисобланади. Чунки аудиторлик ҳисоботи аудитор ишининг натижасидир. Шу сабабли, аудиторлик ҳисоботи қандай бўлиши, уни қандай такомиллаштириш кераклиги ҳозирги даврнинг муҳим масаласидир.

Ўзбекистонда аудиторлик текширувида қатнашган ходимлар томонидан тузиладиган аудиторлик ҳисоботи, уларни умумлаштириш ва умумий ҳар бир текширилаётган мижоз бўйича аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулосасини тузиш тартибининг методологияси масаласи муҳим ҳисобланади.

Аудитор ва аудитор ёрдамчиси томонидан тузилган аудиторлик ҳисоботи ҳамда унинг таркиби бўйича иқтисодий адабиётларда турлича фикрлар, шу жумладан, ҳисоботни тузиш жараёни, тузиш учун зарур аудиторлик далилларини тўплаш ва аудитда танлаш каби турли методологик ёндашувлар мавжуд.

Ташқи аудит методологиясига кўра, аудиторлик ҳисоботини тузиш ва унинг таркиби аудит режаси, дастури ва аудитни ўтказиш услубиётига боғлиқ бўлади [3].

Аудиторлик ҳисоботини тузиш методологиясини такомиллаштириш ишлари қуйидаги йўналишларда амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз:

1. Биринчи йўналишда айрим аудиторлик текширувида қатнашган аудиторнинг ҳисоботи ва умумий молиявий ҳисобот аудити бўйича аудиторлик ҳисоботининг орасидаги фарқ аниқланади. Аудиторлик текшируви бўйича шартнома тузилгандан кейин аудит ўтказиш бўйича гуруҳ раҳбари (Партнёр) томонидан аудит режаси, аудит дастури ва аудит жараёнига жалб қилинадиган ходимлар, уларга тегишли вазифалар белгилаб олинади. Ушбу вазифаларни самарали ҳамда ўз вақтида бажариш учун аудит гуруҳи белгиланади, уларга тегишли вазифалар, уларни бажариш тартиби бўйича маслаҳатлар берилади ҳамда аудитни бошлашдан олдин аудит олиб борилаётган хўжалик юритувчи субъект тўлдириши керак бўлган жадваллар белгилаб олинади.

Одатда, аудит гуруҳининг иш ҳажми, бажариш муддати ва бажариладиган аудиторлик амалларига қараб, унинг

таркиби белгиланади. Масалан, «Odil-audit» аудиторлик ташкилоти томонидан «Тошкент дон маҳсулотлари» АЖнинг 2015 йил фаолиятини аудит ўтказиш учун қуйидаги ходимлар жалб қилинган (1-расм).




***1-расм. Аудиторлик ҳисоботини умумлаштириш жараёни тузилмаси***

Аудиторлик ташкилотининг ходимларига тегишли вазифалар гуруҳ раҳбари (Шерик) томонидан бўлиб берилади, у ходимларнинг ушбу вазифаларни бажаришида доимий назоратни амалга оширади, бундан ташқари, аудиторлик текширувини назорат қилиниши гуруҳ раҳбарлари, яъни аудитор, бош аудитор томонидан назорат қилинади. Ушбу кетма-кетликда аудитор ёрдамчиси аудиторлик текшируви натижаси бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботини гуруҳдаги ўзига бириктирилган аудиторга топширади. Шундан сўнг, аудитор ушбу ҳисоботларни ўзининг аудиторлик ҳисоботи билан бирга умумлаштиради, умумлашган ҳисоботни бош аудиторга топширади. Бош аудитор, ўз навбатида, аудиторлардан олган ҳисоботлар ва ўз аудиторлик ҳисоботини бирга умумлаштириб, умумий аудиторлик ҳисоботи учун маълумотлар билан гуруҳ раҳбарига (Шерикка) топширади [10, 112-б.].

Гуруҳ раҳбари (Шерик) аудиторлик ҳисоботини умумлаштиради ва якуни бўйича олинган аудиторлик далилларини, аудит жараёнида муҳимлик даражасини аниқлаши, аудиторлик риски, аудиторлик текшируви бўйича тестлар ва танлаш амаллари бажарилишини яна бир бор текширади, шу асосда умумий хулоса чиқаради, умумий аудиторлик хулосасини расмийлаштиради ҳамда раҳбариятга хатни шакллантиради.

Аудиторлик текширишида қатнашаётган ҳар бир ходим ўзи томонидан режага мувофиқ берилган топшириқ, унинг дастури, бажарилган ишларни қайд қилиб боради ва ушбу масалалар бўйича аудиторлик ҳисоботини тузади. Ушбу ҳисоботда берилган топшириқ, уни бажариш учун қилинган амаллар, тўпланган аудиторлик далиллари, уларга ишлов берилиши, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ҳолатининг текширилиши, аудиторлик рискларини

аниқлаш бўйича қилинган амаллар, тегишли жадваллар кўрсаткичларининг тўғрилиги текширилади.

Аудиторлик текширувига жалб қилинган ходимлар ва уларнинг бажарадиган вазифаларини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ҳар бир ходимнинг бажарадиган вазифаси, унинг аудит жараёнидаги қатнашиш вақти ҳамда назорат қилувчи ходим белгиланади. Масалан, гуруҳ раҳбари (Шерик) томонидан бажарадиган вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- аудиторлик гуруҳига раҳбарлик қилиш ва уларнинг бажарган ишларини назорат қилиш;
- мижоз билан бевосита аудит ишини ташкил қилиш тартибини белгилаш;
- мижознинг бизнеси билан танишиш;
- мижоз бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими билан танишиш;
- аудит режаси ва дастурини тузиш;
- аудиторлик амалларини белгилаш;
- ташқи манбалардан маълумот олиш (счётлар қолдиғи, дебитор ва кредиторлик қарзлари ҳолати, ўзаро ҳисоб-китобларни текшириш учун ахборотлар олиш);
- якуний аудиторлик ҳисоботини тузиш ва аудиторлик хулосасини шакллантириш.

Аудитор томонидан бажарадиган вазифалар уларнинг малакасига қараб белгиланади. Масалан, аудитор ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий натижаларни аудит ўтказиш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг аудити;
- товар-моддий қийматликлар сақланиши, сарфланиши назорати ва унинг ҳисоби аудити;
- молиявий инвестициялар аудити;
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборот манбасини текшириш;
- даромад ва харажатлар таркиби, унинг ахборот манбасини текшириш;
- солиқ ва бошқа тўловларнинг ҳисобланишини текшириш;
- соф фойдани аниқлаш ва унинг тақсимланиши аудити.

2. Иккинчи йўналиш аудиторлик текширувини амалга оширишда аудитор ёрдамчиси, аудитор, бош аудитор томонидан бажарилган ишларни назорат қилиш варағини (картасини) ишлаб чиқиш ҳисобланади. Чунки, ушбу назорат қилиш варағи орқали назорат амалга оширилади, аудиторлик текширувидан кейин юзага келган муаммоли масалалар бўйича низоларни ҳал қилишда аниқ иш бажарган ходим ва уни назорат қилган ходим аниқланиши мумкин.

Аудитор ёрдамчиси томонидан бажариладиган ишлар тўғри амалга оширилганлигини текшириш, унинг устидан назорат қилиш мақсадида ушбу назорат қилиш варағи тузилади, унда назоратни амалга оширган шахс (аудитор, бош аудитор, шерик) томонидан унга тегишли ёзувлар амалга оширилади.

Мазкур аудиторлик ишларини тартибга солиш мақсадида назорат қилиш варағининг тахминий шаклини ишлаб чиқиш лозим.

**1-жадвал**

**Аудитор ёрдамчисининг бажарган ишини назорат қилиш варағи**

***Аудитор ёрдамчиси:*** *Рахматов А. 12.03.2016.*

***Аудитор:*** *Алиев В. 18.03.2016.*

***Умумий назорат қилувчи бош аудитор:*** *Рахимов С. 19.03.2016.*

| № | **Объект (фаолият, жараён)** | **Текшириш мезони** | **Текшириш мақсади** | **Аудит ўтказиш санаси** | **Назорат қилинган сана ва имзо** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 2015 йил 12.01 - 2015 йил 30.01 Кассир ҳисоботини текшириш | Ёппасига | Пул маблағларини текшириш | 12.03. 2016. | 19.03.2016 Имзо |
| 2. | 2015 йил. Январь-февраль касса ҳужжатлари тўғри юритилишини текшириш | Танлама | Ҳужжатлаштириш тартибини текшириш | 13-17.03. 2016. | 19.03.2016 Имзо |
| 3. | 2015 йил. Январь – февраль бўйича 5010, 5020 счётларнинг қолдиқлари ва оборотини текшириш | Ёппасига | Счётларнинг оборотлари ва қолдиқлари тўғри берилганлигини текшириш | 18-19.03. 2016. | 20.03.2016 Имзо |

Фикримизча, аудитор ёрдамчиси бажарган ишларни назорат қилиш варағи қуйидагича бўлиши мумкин.

Ушбу назорат қилиш варағи орқали ҳар бир аудиторлик ташкилоти ходимининг бажарган ишлари назорат қилиб борилади. Худди шу тартибда аудитор ва бош аудитор бажарган ишининг назорат варағи тузилади, шу амаллар орқали назорат амалга оширилиб борилади. Аудитор назорат варағини тўлдириб, унга илова қилинган аудиторлик далиллари (жадвал, аудит тестлари, айрим ҳужжатларнинг нусхаси, рискни баҳолаш, аудитда танлаш ва бошқалар) билан биргаликда қабул қилиб олади [11, 150; б]. Фикримизча, шундай назорат варағини юритиш аудитор ёрдамчилари ишини мунтазам текшириш имкониятини яратади.

Аудиторлар томонидан, энг аввало, ишчи ҳужжатлари тўпланади ва уларнинг маълумотлари назорат қилинади. Ушбу ишчи ҳужжатлар аудитор ёрдамчиси, аудитор, бош аудитор учун алоҳида бўлади.

Демак, ҳар бир ходим бажарган ишлари бўйича тузилган ҳисоботлар тегишли шахс томонидан назорат қилинади; масалан, аудитор ёрдамчиси томонидан бажарилган ишларни аудитор, аудитор томонидан бажарилган ишларни текшириш бош аудитор томонидан, бош аудитор томонидан бажарилган ишларни текшириш эса гуруҳ раҳбари (Шерик) томонидан амалга оширилади. Натижада, бажарилган ишлар, албатта, доимий назоратда бўлади, ҳар бир ходим томонидан тузилган текшириш натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботлари гуруҳ раҳбари томонидан умумлаштирилади ҳамда умумий аудиторлик ҳисоботи тузилади.

Аудитор текшириш натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириши, хатолар ва уларнинг молиявий натижаларга таъсирини баҳолаши, мижоз раҳбариятига ёзма ҳисоботни аудиторлик ташкилоти ички стандартлари талаблари асосида шакллантириши лозим. Аудитор томонидан маълумотларни умумлаштириш аудиторлик ҳисоботини тузиш бўйича ички стандарт асосида амалга оширилади. Аниқланган хато ва камчиликлар уларни тузатишга доир таклифлар билан биргаликда раҳбариятга топширилади. Мижоз раҳбариятига ёзма ҳисобот аудиторлик ташкилоти ички стандартлари талаблари асосида шакллантирилади. Бунда, албатта, аудиторлик ташкилотининг ички стандартига эътибор қаратилади ва ёзма ҳисобот шу асосда тузилади. Чунки аудиторлик ташкилотларининг ўзининг ички стандартлари мавжуд бўлиб, ушбу стандартларда бевосита аудит жараёнида зарурий босқичлар ва аудиторнинг қадамлари белгилаб олинади. Аудиторлик ҳисоботининг муҳим томони аудиторлик далилларини тўплаш ва уларнинг тегишли кўрсаткичларини таҳлил қилиш зарурияти пайдо бўлишидир.

3. Учинчи йўналиш аудиторлик ҳисоботини режа ва дастурда белгиланган ҳар бир ходимнинг бажарадиган вазифасига қараб, маълум кетма-кетликда тузилиши масаласи ҳисобланади. Ушбу кетма-кетлик, аудитор ёки аудитор ёрдамчиси томонидан алоҳида тузилади, унинг кетма-кетлиги сақланиши лозим. Бундан ташқари, аудиторга айрим ҳолатларда яна бир муҳим масала, яъни режа асосида текширишдан ташқари махсус саволлар бўйича аудит ўтказиш учун топшириқлар бўлиши ҳам мумкин (2-расм).




*2-расм. Аудитор ҳисоботи кетма-кетлиги*

Ушбу кетма-кетлик аудитор ёки аудитор ёрдамчиси томонидан алоҳида тузилади ва унинг кетма-кетлиги сақланиши лозим. Бундан ташқари, аудиторга айрим ҳолатларда яна бир муҳим масала, яъни режа асосида текширишдан ташқари махсус саволлар бўйича аудит ўтказиш учун топшириқлар бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ушбу кетма-кетлик топшириқнинг хусусиятига қараб тузилади.

Аудитор ҳисоботи ва аудиторлик ҳисоботи ўртасидаги фарқ, яъни айрим аудиторлик текширувида қатнашган аудиторнинг ҳисоботи билан умумий хўжалик субъекти аудити бўйича аудиторлик ҳисоботи орасидаги фарқ аниқланди. Натижада аудиторлик ҳисобининг шакли ва мазмунининг чуқурлиги ва нисбатан кўп маълумотларни ўз ичига олишлиги кўрсатиб берилди. Аудиторлик ҳисоботида текшириш натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириш, хатолар ва уларнинг молиявий натижаларга таъсирини баҳолаш, мижоз раҳбариятига ёзма ҳисоботнинг аудиторлик ташкилоти ички стандартлари талаблари асосида шакллантириш лозим бўлади.

Аудиторлик текширувини амалга оширишда аудитор ёрдамчиси, аудитор, бош аудитор томонидан бажарилган ишларни назорат қилиш варағи ишлаб чиқилади. Ушбу варақ орқали назорат амалга оширилади ва аудиторлик текширувидан кейин юзага келган муаммоли масалалар бўйича низоларни ҳал қилишда аниқ иш бажарган ходим ва уни назорат қилган ходимни аниқлаш имконияти яратилади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Т.: «Ўзбекистон», 2015 й.-40 б.*

*2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 13 апрель. №404.*

*3. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май.*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда*

*5. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. -М.: 2011. -982с.*

*6. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. -Т.:ЎБАМА, 2013. -321 б.*

*7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.*

*8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва ҳалқфаровонлигининг гарови. - Тошкент: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017. - 48 б.*

*9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017. - 488 б.*

*10. Альманах Узбекистан. 2015. -Т.: Центр экономических исследований. 2016.-222 с.*

*11. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012. 1 қисм, 3-жилд. -Т.: ЎБАМА, 2014.-1502 б.*

## ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

**Муқумов Зафар Авазмуротович**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Тожибоева Шаҳноза Анваровна**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақола корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни комплекс, тизимли таҳлил қилиш асосида мавжуд бўлган ички имкониятларни аниқлаш ва самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, хўжаликнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида унинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

***Таянч тушунчалар:*** товар маҳсулоти; меҳнат омиллари; меҳнат воситалари омиллари; меҳнат буюмлари омиллари; ички хўжалик имкониятлари; ишлаб чиқариш самарадорлиги; комплекс таҳлил; тизимли таҳлил; омилли таҳлил.

***Аннотация.*** В статье рассматриваются вопросы определения внутри хозяйственных резервов и их эффективное использование на основе комплексного, системного анализа, влияющих факторов производства продукции предприятия. Результаты исследования позволяют правильно оценить финансово-хозяйственную деятельность предприятия на основе эффективного использования внутри хозяйственных резервов и тем самым обеспечить им устойчивое финансовое состояние.

***Ключевые слова:*** товарная продукция; факторы труда; факторы средств труда; факторы предметов труда; внутри хозяйственные резервы; эффективность производства; комплексный анализ; системный анализ; факторный анализ.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Миризиёев: “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор” [4. 3-б.] деб айтиб ўтдилар.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасинини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» ги №ПФ 4947-сон Фармони қабул қилинди [1]. Мазкур ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» масалаларига бағишланган. Бу эса, иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий ва молиявий барқарор фаолият юритишлари лозимлигини тақозо этади.

Республикамизда изчил иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган босқичда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти: «Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётимизнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши тушунамиз. Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислоҳотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир» [6. 8-б.] деб айтиб ўтдилар.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини

ошириш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Зеро, иқтисодиёт олдига қўйилган вазифалардан бири – бу уни самарадорлигини кўтаришдан иборат. Мамлакатимизда корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда уларнинг ички имкониятлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосий ўринни эгаллайди. Таҳлил натижалари асосида бошқарув маъмурияти ўз корхоналарини иқтисодиётда тутган ўрни, танлаган стратегик йўли тўғрилиги, мавжуд ресурслардан қай даражада фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар. Зеро Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлда қабул қилинган «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарорининг қабул қилиниши ҳам хўжалик субъектларида иқтисодий таҳлил ўтказишнинг долзарблигини белгилаб беради [3].

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш уларнинг фаолиятини яхшилаш, самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга таҳлил натижалари асосида уларни иқтисодий салоҳиятига баҳо бериш, ички хўжалик имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва асосли қарорларни қабул қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун эса, амалиёт маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш асосида ички имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида илмий асосланган услубиятга эга бўлиши керак. Зеро, хўжалик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш асосида ички имкониятларни аниқлаш усулининг амалий томонлари умумметодологик жиҳатдан етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур мақола мавзусининг долзарблиги ва амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, корхоналарда ички хўжалик имкониятларини аниқлашда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишга доир умумий методологик усуллар назарий жиҳатдан ёритилган. Россиялик олимлар Г.В.Савицкая [14. 105-б.], Д.И. Жиляков ва В.Г. Зарецкаялар [17. 103-б.] томонидан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлил асосида ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усули назарий жиҳатдан ўрганилган. Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимларидан бири Т.Ш.Шоғиёсов [15. 16-б.] маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш усули бўйича бўйича тадқиқотлар олиб борган. Мазкур мавзу иқтисодчи олимлар А.Х.Шоалимов ва Ш.И.Илхомовлар [8. 66-б.] томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усули тадқиқ қилинган.

Таҳлилнинг назарий муаммолари масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, уларнинг амалий жиҳати ҳисобланади. Мазкур мавзу бўйича иқтисодий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, айнан олинган корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб борилмаган.

Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларини аниқлаш таҳлилнинг асосий мақсадини ҳам белгилайди. Яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва корхонанинг молиявий натижаларини ҳамда ҳолатини яхшилаш бўйича субъектда мавжуд бўлган ички имкониятларни аниқлаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш чора тадбирларини белгилаш таҳлилнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Таҳлилда ҳар бир таркиб бўйича мавжуд бўлган ички имкониятлар аниқланиб уларга баҳо берилади. Жумладан, ишлаб чиқаришда меҳнат ресурслари бўйича имкониятлар, меҳнат воситалари ва улардан самарали фойдаланиш бўйича имкониятлар, меҳнат предметлари ва улардан самарали фойдаланиш бўйича имкониятлар, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш юзасидан имкониятлар мавжудлиги ва шу кабиларни белгилаш мумкин.

Иқтисодчи олим Н.Ф.Ишонқуловнинг тадқиқотларига кўра [10. 269-б.]: «Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ички имкониятлари – ресурслардан фойдаланиш бўйича корхонада мавжуд бўлган, бироқ ишга солинмаган захираларнинг мавжудлигидан ташкил топади». Бу имкониятлар биринчи навбатда корхонанинг меҳнат воситалари, технологиялари ва замонавий меҳнат воситалари билан қуролланиш даражасига ҳамда уларнинг ҳолатига боғлиқ. Имконият-корхона иқтисодини кучайтиришнинг муҳим воситасидир. Агарда субъектда улардан тўлиқ ва тўғри фойдаланилса ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш юзасидан муҳим ижобий натижаларга эришилади.

Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошириш кўп жиҳатдан мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолатига ҳам боғлиқ экан. Ишлаб чиқариш имкониятлари фаолиятдаги технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда унинг ташкилий техникавий даражасини яхшилаш, меҳнатни ташкил этиш, бошқарувни такомиллаштириш кабилар орқали ҳам белгиланади.

Иқтисодчи олим А.Х.Шоалимов ва Ш.А.Тожибоеваларнинг фикрича [9. 33-б.]: «Корхонанинг хўжалик юритиш самарадорлигини оширишда ижобий таъсир этувчи омиллар таъсирини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш имкониятлар деб аталади». Корхонадаги ички имкониятлар фаолиятни интенсив ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодчи олим Н.Ф.Ишонқулов томонидан [10. 270-б.] корхона ички имкониятлари қуйидаги таркиб бўйича гуруҳланади: а) меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган имкониятлар; б) моддий ва ёқилғи энергетика ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган имкониятлар; c) меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган имкониятлар; д) маҳсулот таннархини пасайтириш ва фойдани кўпайтириш бўйича имкониятлар.

Хўжалик фаолияти ва унинг натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар беқиёсдир. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича биснес-режанинг бажарилиши кўпгина омилларга боғлиқ. Кўпинча улар қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилиб маълум миқдор ва сифат ўзгаришларга олиб келади. Шунинг учун товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш жараёнини осонлаштириш мақсадида, улар маълум иқтисодий белгиларига асосан умумлаштирилди. Иқтисодчи олимлар А.В.Ваҳабов ва А.Т.Иброҳимовлар [13. 142-б.] томонидан маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни тўртта гуруҳга ажратиш кўрсатилган (1-чизма).




**1-чизма. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омиллар**

Иқтисодчи олим А.Х.Шоалимов [16. 43-б.] томонидан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар қуйидагича таркибланади (2-чизма).

Барча омиллар бир-бири билан боғлиқликка эга, аммо иқтисодий таҳлилнинг шартларига кўра уларни шартли равишда гуруҳларга ажратилиб, ҳар бир омилни таъсир этиш даражаси алоҳида аниқланади. Чунки, юқорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бирлари билан узвий боғланганлар. Бинобарин, бу омилларнинг таъсирини механик тарзда бир-бирига қўшиб ҳам бўлмайди. Масалан, меҳнат унумдорлигини ўсиши ишчиларнинг иш вақтидан самарали фойдаланишга, ишчиларнинг касбий малакасига боғлиқ (меҳнат омиллари). Сўнгра, меҳнат унумдорлиги корхонанинг асосий воситалар билан таъминланиш даражасига, асосий воситаларнинг техник ҳолатига ва улардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ (меҳнат воситалари омиллари). Ва ниҳоят, меҳнат унумдорлигини ўсиши моддий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланишга (меҳнат буюмлари омили) боғлиқ. Демак, аввал ҳар бир омиллар гуруҳи алоҳида-алоҳида ўрганилади. Сўнгра уччала омиллар гуруҳини таҳлил қилиш асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги ички хўжалик тўғрисида умумий хулоса берилади.

Корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чикаришда асосий ўринни жонли меҳнат омили, яъни инсон омили муҳим ахамият касб этади. Чунки, ҳар кандай фан-техника тараққиётининг ривожланган боскичида ҳам инсон омилининг бўлиши талаб этилади. Яъни, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш ускуналарини ҳам инсон бошқариши лозим бўлади. Бундай шароитда корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулот




**2-чизма. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар**

ишлаб чиқариш хажмининг ошишига, маҳсулот таннархининг пасайишига, фойда микдорининг ошишига ҳамда бошқа бир қатор техник-иктисодий кўрсаткичларининг яхшиланиши корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражасига боғлиқ. Меҳнат кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси машина ва жиҳозлардан максимал фойдаланишга, ишлаб чиқаришни бир маромда амалга оширилишига ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир кўрсатади. Корхонада меҳнат омилларидан самарали фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари ҳисобига маҳсулот хажмини ўсишини, иш вактидан тўлик фойдаланиш ва бошка омиллар эвазига маҳсулот таннархини пасайтиришдан иборат. Корхонада меҳнат омилларидан самарали фойдаланиш бўйича ички имкониятларни аниқлаш учун қуйидаги 1-жадвални тузамиз.

**1-жадвал**

**Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таҳлили**

| № | Кўрсаткичлар | Ўтган йил | Ҳисобот йили | Мутлоқ фарқи (+,-) | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | Ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони, киши | 1866 | 1879 | +9 | 100,70 |
| **2.** | Бир ишчи томонидан бир йилда ишланган киши кунлари, кун | 265 | 256 | -9 | 96,60 |
| **3.** | Иш кунининг ўртача узунлиги, соат | 7,83 | 7,84 | +0,01 | 100,13 |
| **4.** | Бир ишчига тўғри келувчи соатлик иш унуми. сўм | 43,91 | 51,11 | +7,2 | 116,40 |
| **5.** | Товар маҳсулоти ҳажми, минг сўм (1қ х 2 қ х 3қ х 4қ) | 170013227,7 | 192747471,2 | +22734243,5 | 113,37 |

Энди маҳсулот ҳажмига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари ҳисоб-китобини занжирли алмаштириш усули орқали қуйидаги 2-жадвалда кўриб чиқамиз.

2- жадвалдан кўринишича, ҳисобот йили товар маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 22734243,5 минг сўмга ошган. Бу ўсишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Ишчилар сони ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан 9 кишига ошди. Бунинг натижасида корхона 1184443,7 минг сўмлик (171197671,4- 170013227,7) кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

**2– жадвал**

**Маҳсулот ҳажмига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари ҳисоб-китобини занжирли алмаштириш усули бўйича ҳисоб-китоби**

| Ҳисобнинг тартиб сони | Алмаштиришнинг тартиб сони | Ҳисоб формуласига кирувчи омиллар | | | | Пировард натижа - товар маҳсулоти (1ус x 2 ус x 3ус x 4ус) минг сўм | Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони | Бир ишчи томонидан бир йилда ишланган киши кунлари | Иш кунининг узунлиги | Бир ишчига тўғри келувчи соатлик иш унуми | | |
| А | Б | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | - | 1866 | 265 | 7,83 | 43,91 | 170013227,7 | - |
| 2 | 1 | 1879 | 265 | 7,83 | 43,91 | 171197671,4 | +1184443,7 |
| 3 | 2 | 1879 | 256 | 7,83 | 43,91 | 165383410,9 | -5814260,5 |
| 4 | 3 | 1879 | 256 | 7,84 | 43,91 | 165594628,5 | +211217,6 |
| 5 | 4 | 1879 | 256 | 7,84 | 51,11 | 192747471,2 | +27152842,7 |
| Омиллар баланси: +22734243,5 минг сўм | | | | | | | |

2. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши кунлари ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан 9 кунга камайган. Бу эса товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 5814260,5 минг сўмга (165383410,9 - 171197671,4) камайтирди.

3. Иш кунининг узунлиги ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан 0,01 соатга ошган. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 211217,6 минг сўмга (165594628,5-165383410,9) кўпайган.

4. Бир ишчига тўғри келувчи соатлик иш унуми ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан 7 сўм 2 тийинга кўпайиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 27152842,7 (192747471,2-165594628,5) минг сўмга ошган.

Демак, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши асосан меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Агар корхона иш кунидан фойдаланиш борасида фақат ўтган йил даражасига эришганда эди, у ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча равишда 5814260,5 минг сўмга ошириши мумкин бўлар эди. Бу сумма меҳнат омиллари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги ички хўжалик имконияти ҳисобланади.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида корхоналар ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириши учун етарли асосий воситаларга эга бўлишлари билан бирга улардан самарали фойдаланишлари керак. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмаса, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади. Ишлаб чиқариш жиҳозларидан вақт ва кувват бўйича фойдаланиш таҳлилида корхона асосий фондлари ва уларнинг таркибида дастгоҳ ва ускуналар иш вақтидан фойдаланишнинг даражасига, қувватларнинг фойдали иш коэффициентларига, фойдаланишнинг реал ҳолатига баҳо берилади. Дастгоҳ ва ускуналарнинг жами ишлаган вақти ҳамда дастгоҳ ва ускуналар иш вақтидан олинган самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилади ҳамда уни ўстиришнинг ички имкониятлари белгиланади. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат воситалари омиллари бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш учун қуйидаги 3-жадвал келтирилади.

**3 - жадвал**

**Дастгоҳлардан самарали фойдаланишнинг иш вақти (экстенсив) ва қуввати (интенсив) бўйича таҳлил қилиш**

| № | Кўрсаткичлар | Ўтган йил | Ҳисобот йили | Фарқи, (+,-) | Ўсиш суръати, (%) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Товар маҳсулоти (минг сўм) | 170013227,7 | 192747471,2 | +22734243,5 | 113,37 |
| 2. | Ишланган дастгоҳ-соатлар (минг соат) | 856324 | 843548 | -12776 | 98,51 |
| 3. | Бир дастгоҳ-соатга тўғри келувчи маҳсулот ҳажми (сўм, тийин) 1қ : 2қ | 198,54 | 228,50 | +29,96 | 115,09 |

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилаёттан корхонада ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 22734243,5 минг сўмга ўсган бўлса, бунга аксинча жами ишланган дастгоҳ соатлар ҳажми 12776 минг дастгоҳ соатга қисқарган. Дастгоҳлардан унумли фойдаланиш натижасида бир дастгоҳ соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўтган йилги 198,54 сўмдан хисобот йилига келиб 228,50 сумга кўтарилган.

Таҳлил объектида ҳисобот даврида товар маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 22734243,5 минг сўмга ошишига икки омил таъсир кўрсатди:

1. Ишланган дастгоҳ- соатлар сонининг ўзгариши (экстенсив омил):- 12776 * 198,54= - 2536547,04 минг сўм.

2. Бир дастгоҳ соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (интенсив омил): + 29,96* 843548= +25272698,08 минг сўм.

Демак, икки омил таъсирининг ўзгариши товар маҳсулот ишлаб чиқаришдаги умумий фарққатахминантенг,яъни:(-2536547,04)+(+ 25272698,08)=+ 22736151,04 минг сўм. 1907,54 минг сўм фарқ рақамларни бутунлаш ҳисобига бўлди (22736151,04-22734243,5). Шундай қилиб, дастгоҳларнинг бекор туриб қолишини бартараф қилиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш имконияти 2536547,04 минг сўмдан иборат. Энди дастгоҳларнинг вақти ва қуввати бўйича фойдаланиш коэффициентини аниқлаймиз.

1. Экстенсив фойдаланиш коэффициенти: 843548 / 856324=0,9851.

2. Интенсив фойдаланиш коэффициенти: 228,50/198,54=1,1509.

3. Интеграл фойдаланиш коэффициенти: 0,9851/1,1509=0,8559.

Демак, корхонада дастгоҳлардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти 0,9851 бандни ташкил қилди. Чунки корхонада ишланган дастгоҳ-соатлар ҳажми 12776 минг соатга камайган. Интенсив фойдалаланиш коэффициентини 1,1509 бандни ташкил қилди. Бу ҳолат эса ижобий саналади. Мазкур коэффициент 1 бандни ташкил қилса мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин корхонада ишланган дастгоҳ-соатлар ҳажмини камайиши натижасида эса интеграл фойдаланиш коэффициенти 0,8559 банддан иборат бўлди.

Корхоналар ўз мақсадларини муваффақиятли ҳал этишлари учун моддий техника ресурслари билан таъминлаш жараёнининг бажарилишига алоҳида эътибор берадилар. Бунинг учун аниқланган, яъни корхона учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларининг янги турлари мавжудлиги ҳамда улрнинг жаҳон бозорида таклиф қилинганлиги ўрганилади. Чунки, корхона ўзи учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларининг яхшиларини, яъни самаралисини олишга ҳаракат қилади. Корхоналарни материаллар билан тўлиқ, бир меъёрда ҳамда самарали фойдаланганлик даражасини таҳлил этиш меҳнат буюмлари омиллар таркибида ўрганилади. Товар маҳсулоти режасининг бажарилиши, таннархнинг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши корхоналарни материаллар билан белгиланган ассортименти ва сифати бўйича таъминланишига боғлиқ.

Корхонада материаллар самарадорлигини характерловчи асосий кўрсаткичлар тизимига материаллар самараси ва сиғими кўрсаткичлари киради. Таҳлил этишда материаллар самараси ва сиғими таъсирида товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига баҳо берилади. Бу бевосита корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни аниқлаш ва белгилашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Энди меҳнат буюмлари таркибидаги мавжуд ички хўжалик имкониятларни аниқлаш учун қуйидаги 4-жадвални келтирамиз.

4-жадвал маълумотларидан кўринишича, ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга кетган материал сарфи 0,01 тийинга ошди. Натижада, корхона бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2965345,7 сўмга камайди:

**4 - жадвал**

**Материал сиғими кўрсаткичини таҳлил қилиш**

| № | Кўрсаткичлар | Ўтган йили | Ҳисобот йили | Фарқи, (+,-) | Ўсиш суръати, (%) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Материал харажатлар, минг сўм | 110508598 | 128285856 | +14777258 | 116,09 |
| 2. | Товар маҳсулоти, минг сўм | 170013227,7 | 192747471,2 | +22734243,5 | 113,37 |
| 3. | Товар маҳсулотига кетган материал сарфи (материал сиғими), 1қ : 2қ, | 0,65 | 0,66 | +0,01 | 101,54 |

а) + 0,01* 192747471,2 =+1927474,712 минг сўм. Демак, товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннархи моддий харажатларда қимматлашган. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келди, яъни маҳсулот ҳажми манфий белги (-) билан ифодаланади; б) – 1927474,712: 0,65 = -2965345,7 минг сўм. Шундай қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиш резерви 2965345,7 минг сўмни ташкил этади.

Ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ва уларни корхона айланмасига йўналтириш асосан уч гуруҳ ишлаб чиқариш омилларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ экан. Бу омилларни юқорида батафсил таҳлил қилдик. Энди маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилуқчи омиллар таҳлили асосида ички хўжалик имкониятларни аниқлаш учун қуйидаги 5-жадвални ҳавола этамиз.

**5-жадвал**

**Маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларни аниқлаш**

| № | Кўрсаткичлар | Суммаси (минг сўмда) | Жадвалга илова |
|---|---|---|---|
| **1.** | Меҳнат омиллари | 5814260,5 | 2-жадвал |
| **2.** | Меҳнат воситалари омиллари | 2536547,04 | 3-жадвал |
| **3.** | Меҳнат буюмлари омиллари | 2965345,7 | 4-жадвал |
| 4. | Ички хўжалик имконияти | 2536547,04 | |

Ички хўжалик имконияти деганда уларнинг энг кам суммаси олинади. Жадвалдан кўриниб трибдики, таҳлил қилинаётган корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари бўлиб меҳнат воситалари омиллари ҳисобланади. Демак, корхона бошқаруви биринчи навбатда асосий воситалардан самарали фойдаланиш борасида керакли тадбирларни амалга ошириши лозим бўлади.

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ички имкониятлардан самарали фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Хўжалик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлили асосий кўрсаткич ҳисобланиб, самарадорликни баҳолашда катта рол ўйнайди ва корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий салоҳияти, бошқаруви, муаммоли саволлари уларни ечими бўйича асосий тавсияларни беради. Бу ўз навбатида корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланишга, уларни келгусида ривожланиши, молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

2. Ишда марказий ўринни меҳнат омилларини таҳлили эгаллаган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари аниқланган. Таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисоб-китоби қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги ички хўжалик имкониятлари сўммаси аниқланган (5814260,5 минг

сўм). Агар таҳлил қилинаётган корхонада бир ишчига тўғри келувчи киши кунлари ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан камаймаганда эди, у ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 113,37 фоизни эмас, балки 126,74 (192747471,2+5814260,5 = 215481714,7х100/7170013227,7= 126,74 %) фоизни ташкил этган бўлар эди.

Иш вақтидан фойдаланишнинг комплекс иқтисодий таҳлилида иш вақтининг унумсиз сарфланишига катта аҳамият берилади. Таҳлил қилинаётган корхонада иш вақтидан фойдаланишда кун бўйи йўқотишлар қарийб 9 кунни ташкил этди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлган: ҳар йили ишловчиларга бериладиган навбатдаги жавоб бериш (таътил), касаллик туфайли ишга чиқмаслик, корхона маъмурияти рухсати билан ишга чиқмаслик, давлат вазифасини бажариш, қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш натижасида ишга чиқмаслик, сабабсиз ишга чиқмаслик ва х.к. Смена ичида содир бўладиган бекор туришларни таҳлил қилиш маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Смена ичида содир бўладиган бекор туришга қуйидагилар сабаб бўлади: иш жойларини керакли хом ашё билан ёмон ва қониқарли таъминлаш, қайсики иш вақти йўқотишнинг 50 фоизини ташкил этади; ишчиларнинг ўзлари томонидан йўл қўйиладиган бекор туришлар. Бу иш вақти йўқотишнинг тахминан 40 фоизини ташкил қилади; бошқа сабаблар натижасида бекор туришлар, ёҳуд электр қувватининг бўлмаслиги, дастгоҳларнинг носозлиги ва ҳ.к.лар.

Таҳлил натижасида корхонада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги ички имкониятларни кўрсатиш мумкин: меҳнат шароитларини яхшилаш; ходимлар билан таъминланиш ҳолати ва ҳаракатини тўғри бошқариш; иш ўринларини ташкил этишнинг такомилаштириш; меҳнатнинг тақсимланишини илмий асосда ташкил этиш;

3. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига таъсир қилувчи меҳнат воситалари омиллари таҳлили дастурини муваффақиятли бажариш нафақат асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши, техник ҳолати, балки улардан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Таҳлил қилаёттан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 22734243,5 минг сўмга ортиғи билан бажарилиши асо сан дастгоҳ ва ускуналарнинг унумдорлигини ошиши ҳисобига бўлган. Корхонада ишланган дастгоҳ-соатлар ҳажмини камайиши ҳисобига йўқотилган вақт 12776 дастгоҳ-соатни ташкил қилган. Бунинг натижасида эса корхонада дастгоҳлардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти 0,9962 бандни ташкил қилган. Таҳлил натижалари асосида корхонада асосий воситалардан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги ички имкониятларни кўрсатиш мумкин: ишлаб чиқариш технологияларининг самарали турларини жалб этиш; асосий воситаларни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш ускуналарининг меҳнат унуми, самарасини ошириш; технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг усулларини фаоллаштириш, ишлаб чиқариш маромийлигига амал этиш, техник стандартлар ва лойиҳалар тузилиши ва шу кабилар.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлилида корхонани материаллар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини ўрганиш ва баҳо бериш асосий масала ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, корхонада материаллардан самарали фойдаланилмаган. Материал сиғими кўрсаткичи ҳисобот йили охирида 0,01 сўмга кўпайган. Бу корхонада бир сўмлик товар маҳсулотига тўғри келувчи материал сарфини ошганлигини кўрсатади. Бунинг натижасида эса корхона бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2965345,7 сўмга камайган. Демак, корхона бошқаруви материаллардан самарали фойдаланиш, материал сарфини камайтириш борасида керакли чора тадбирларни ўтказмаган. Ҳозирги кунда корхонада материал сарфини камайтиришнинг аҳамияти жуда каттадир. Шуларни инобатга олган ҳолда корхонада материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин: хом-ашё ва материалларни сарф меъёрларини тўғри белгилаш ва уларга амал қилиш; замонавий техника ва чиқиндисиз технологияларни жорий қилиш; ишлаб чиқаришдаги браклар ҳажмини камайтириш; ёқилги ва электр энергия ресурсларидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имконияти бўлиб меҳнат воситалари омиллари ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш натижасида мавжуд ички имкониятлардан фойдаланиш корхона фаолиятининг самарадорлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш имконини беради.

**Манба ва адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ 4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4720-сон Фармони. 2015 йил 24 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарори. 2015 йил 28 июл.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 16 январдаги (№ 11 (6705)) сони.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Тошкент. 07.12.2016.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
8. Шоалимов А.Х., Илхомов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2016. – 347 б.
9. Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т: Лессон-пресс, 2016. -196 б.
10. Ишонқулов А.Н. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т.: Сано-стандарт, 2014. -264 б.
11. Subratanyam K.R. Financial statement analysis./Eleventh edition. New York, Mc Graw-Hill Education, 2014, 814 pages.
12. Steven M. Bragg. Financial analysis: A business decision guide. 2nd edition. Colorado, Accounting Tools, Inc., 2014. –325 pages
13. Ваҳобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. -Т.; Иқтисод-Молия, 2013. -600 б.
14. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Учебник. 5-е изд., переаб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2013. - 536 с.
15. Шоғиёсов Т. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Т.: Фан ва технология, 2012. – 278 б.
16. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 280 б.
17. Жиляков Д.И., Зарецкая В.Г. Финансово-экономический анализ. Учебное пособие. — М. :КНОРУС, 2012. — 368 с.

# ТОПИНАМБУР ИНДУСТРИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИГИ

**Қосимов Махаматжон Сулайманович**

и.ф.н.доц., Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада Ўзбекистонда топинамбур индустриясини шакллантиришда олий таълим муассаларининг инновацион ҳамкорлиги натижалари умумлаштириб таҳлил қилинган.

***Таянч тушунчалар:*** топинамбур, порошок, инулин, инновацион ҳамкорлик, технология, норматив ҳужжат, тенденциялар.

***Аннотация.*** В статье обобщено и освещается формирование индустрии топинамбура в Узбекистане и инновационное сотрудничество высших учебных заведений, а так же результаты сотрудничество.

***Ключевые слова***: топинамбур, порошок, инулин, инновационное сотрудничество, технология, нормативные документы, тенденции.

Халқаро тажрибалар таҳлилининг кўрсатишича, дунёнинг ривожланган мамлакатларида топинамбур етиштириш ва ундан инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучаймоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкилотлари (FAO UN) томонидан топинамбурни жаҳоннинг тўрт стратегик ўсимликлари қаторига киритилганлиги ҳамда ундан озиқ овқат, фармацевтика ва кимё саноатлари учун зарур хом ашё ресурслари олиш имкониятининг катталигидир.

Ўзбекистонда топинамбур экинига 2005 йилдан алоҳида эътибор берилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 2006 йили "Файз барака", 2011 йили "Мўжиза" миллий навлари яратилган.

Жаҳон тажрибалари ва республика олимларининг олиб борган илмий ва инновацион фаолиятларининг кўрсатишича, топинамбур етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш, уни чиқитсиз қайта ишлаш ва республикага импорт қилинаётган қайта ишланган топинамбур маҳсулотларини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, экспортбоб янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодиётнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

1990 йилларнинг охирида Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-текшириш институти олимлари томонидан миллий топинамбур навини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган ва 2006 йили "Файз барака" нави яратилди. 2011 йили эса саноатда қайта ишлашга қулайроқ бўлган "Мўжиза" нави яратилди.

Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-текшириш институти топинамбур уруғчилигининг стандарти ва сертификатлаш тизимини яратдилар.

Республикада олимлар топинамбур индустриясини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан топинамбур уруғчилиги, агротехникаси, уни механизациялаш мавзуларида Мавлянова Р., Омонова М, Рустамов А, Шоумарова М, Кимсанбоевлар Х., топинамбур индустрияси иқтисодиёти бўйича Ходиев Б., Қосимов М., Фармацевтика соҳаси бўйича Алиев Х, Аминов.А, Азизов У, Комилов Х, озиқ-овқат саноати ва товаршунослиги бўйича Салихов С, Рахимов Д.,механика ва технологияси бўйича Норкулова К, Сафаров Ж, Маматкулов М, микробилогияси бўйича Ахмедова З, Ярашева илмий изланишлар олиб борганлар.

2012-2017 йилларда республиканинг тажриба синов майдонларида топинамбурни етиштириш, унинг агротехникасини яратиш, илдизмеваси/ер нокидан озиқ-овқат, фармацевтика хом ашёларини ишлаб чиқариш ва самарадорлигини аниқлаш бўйича кўламли ишлар олиб борилди. Саноат синовлари асосида топинамбур илдизмевасидан шарбат, қуритилган топинамбур, унинг кукуни,

топинамбур кукунли йогурт, ингредиентлар, поясидан целлюлоза ишлаб чиқарилди, дастлабки ижобий натижаларга эришилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳамкор олий таълим муассалари билан биргаликда охирги йилларда 5 та патент олинди. Топинамбур илдизмевасидан шарбат олиш, уни қуритиш, кукун олишнинг норматив техник ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва тегишли давлат идораларида тасдиқланди. Топинамбурни илдизмевасини инфрақизил нур (ИҚ)да қуритиш жихози, болғали тегирмон ишлаб чиқилди. Улардан фойдаланиб топинамбур илдизмеваси қуритилди, майдаланган кукуни ишлаб чиқилди. Яратилган ИҚ технологияга технологик регламент ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Фермер хўжалигида топинамбур етиштиришнинг агротехнологияси, ишлаб чиқариш харажатлари, уни етиштиришнинг самарадорлиги аниқланди. Бу ишланмалар ва ҳисоботлар хусусий корхоналарнинг бизнес режасини тузиш учун маълумот ва реал технология бўлиб хизмат қилади.

Ер ноки кукунининг кимёвий таркиби, унинг соғлом овқатланиш тизимидаги аҳамияти ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси билан умумий овқатланиш корхоналари, касалхоналар, санаторийларга кенг татбиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ер нокининг порошогини ишлаб чиқиш машиналар тизими ва технологик регламенти кичик корхона учун яратилди.

Лойиҳа доирасида олиб борилган ҳамкорлик натижасида Фармацевтика соҳалари мутахассислари ва олимлар ер ноки порошогидан биофаол модда (БАД) ишлаб чиқишни тавсия этдилар ва унга хусусий тадбиркорларнинг маблағлари жалб этилмоқда.

Тадқиқотлар Тошкент давлат Техника Университети, Тошкент Кимё технология институти, Наманган мухандислик технология институти, Тошкент Давлат Аграр Университети, Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, "Ўзфармсаноат" далат концерни билан ҳамкорликда Мегалойиҳа доирасида амалга оширилди. Яратилган технология ва янги маҳсулотлар фермер хўжаликларида, кичик корхоналарда, гўшт-сут, нон ва нон маҳсулотлари, умумий овқатланиш корхоналарида, шунингдек хўл ер нокини санатория ва куротларда ишлатилиши мумкин. Топинамбур кукунини ишлаб чиқариш техника ва технологиясига хусусий корхоналар катта қизиқиш билдирмоқдалар. Уни аввал кичик корхонада пилот қилиб сўнгра ижобий натижаларни кенгайтириш режалаштирилди.

Келгусида янги технология ва ишланмалар фармацевтика, целлюлоза-қоғоз тармоқларида ишлатилади. Тадқиқот натижалари ва таклифлари асосида норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:

1. Лойиҳа доирасида яратилган вакумли ИҚ нурли қуритиш ускунаси ва болғали тегирмонлар хусусий корхонага эксплуатация учун тавсия этилди.

2. Топинамбур кукунини ишлаб чиқариш бўйича ТДТУ ва ТДИУда яратилган норматив техник ҳужжатлар тадбиркорларга таклиф этилди. Кегусида тадбиркорлар топинамбур порошогини ишлаб чиқишда лойиҳа доирасида яратилган норматив – техник ҳужжатлардан фойдаланиши ва асосланишлари керак.

3. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент давлат техника университетларида лойиҳа ишланмалари ўқув жараёнига қабул қилинди.

4. Топинамбур кукунини технологик регламенти ва таклиф этилган машиналар тизими янги ишланаётган пилот лойиҳа учун асос қилиб қабул қилинди

5. Лойиҳа доирасида олинган 5 та патент амалиётга белгиланган тартибда тадбиқ этилади.

6. Лойиҳа дорасида нашр этилган монографиялар, аналитик докладлар фан ва таълимни ривожланишига ижобий ҳисса бўлиб қўшилади.

7. Лойиҳа доирасида олиб боилган саноат синовлари ва олинган концентрат мева консерва корхоналарининг мавсумий иш фаолиятин узайтиради ва қўшимча даромад олиш имкониятини яратади.

8. Лойиҳа тадқиқотлари ва ишланмалари асосида Аналитик доклад тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ва республика ҳукуматига тақдим этилди.

***Топинамбурнинг товар сифатидаги хусусияти***

Тонинамбурнинг таркибида 16-20% инулин мавжуд бўлиб унинг бу хусусияти товар сифатида катта аҳамият касб этади. Топинамбурнинг таркибида ноябрь-декабрь ойларида инулин миқдори максимал даражага етишади.

Халқ орасида ер ноки қандли диабетда фойдали деган тушунча кенг тарқалган. Шунинг учун халқ табобатида ундан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумки, қандли дибетнинг икки тури мавжуд бўлиб, улар:

***Диабет 1-тури*** ( инсулинга қарам - мухтож.)

Диабет 2 – тури ( исулинга қарам эмас ).

Дибет 1 – тури. Доимий равишдаер нокини истеъмол қилинса, қондаги қанд миқдори

камаяди.

***Асосий сабаблари:***

1. Ошқозонда парчаланмаган инулин овқатланишдан сўнг, овқатдаги глюкозани адсорбация қилади.

2. Топинамбур клечаткаси ҳам глюкозани ўзига шимиб, қонга сўрилишига қаршилик қилади.

3. Жигарда глюкогиогинезни камайтиради.

4. Қондаги глюкоза камайиши натижасида ошқозон ости бези ўзининг инсулинини ишлаб чиқаради.

5. Топинамбур таркибидаги кремний, рух, марганец ва калий инсулин синтезига ёрдам беради.

6. ***Инулин*** таркибида фруктоза - пархез қанд бўлиб, ҳамма орган ҳужайраларига инсулин ёрдамисиз кира олади ва глюкозанинг вазифасини бажариши мумкин. Беморда инсулин етишмаганда бу жуда муҳимдир. Фруктоза маликулалари ҳужайра деворига терилиб, маълум бир қисм глюкозани ҳужайра ичига киришини таминлайди. Буларнинг ҳаммаси қонда қанд миқдорини сезиларли даражада камайтиради ва меёрни таъминлашга таъсир этади. Кунлик қондаги қанд миқдори меъёрда бўлади. Диабет 1 ни даволашнинг асосий вазифаси (самараси) шу билан боғлиқ.

7. Антитоксик ва антиоксидант вазифани фруктоза ва полиоксикислоталар бажаради.

8. Томирлар ҳолати яхшиланиб асоратлар камаяди.

9. Қон иммунологик кўрсаткичи яхшиланади ва юқумли касаллик билан касалланиш камаяди.

***Топинамбур қандли дибетнинг 2-турида қабул қилинганда:***

Қонда қанд миқдори камаяди. Сабаби: ичакдан глюкозани қонга сўрилиши камайгани, глюкозани ўзлаштирилиши фаоллашгани, ҳужайраларнинг инсулинга сезгирлигини ортиши, ўзининг инсулини ишлаб чиқариши кўпайгани ва жигарда гликоген ҳосил бўлиши камайганидир.

Ёғ алмашиши яхшиланади. Холестерин ва триглицерин қонда камайиши натижасида атерослероз ва унинг асоратини олдини олади.

Диабет касаллиги семизлик билан кетаётган бўлса, вазнни камайтиради.

Ошқозон ичак тракти ва жигар ҳолати яхшиланади.

Буйрак усти, буқоқ бези ва жинсий безлар синтези яхшиланади.

Юқорида кўрсаткичлар қандли диабетда касалларни ўзини яхши ҳис қилишини, иш қобилаятини ва ҳаёт сифатини яхшилайди.

***Топинамбурнинг халқ табобатидаги ўрни***

Халқ табобатида (қандли дибет, қабзият, гастирит ва бошқа турли касалликларда) топанамбурнинг гули ва барги дамламаси; туганагининг ўзи хом ҳолда ва ундан тайёрланган турли салат ва овқатлар сифатида; ер устки қисмидан эса (остиохондироз, артиритда) даволовчиванналар сифатида қўлланилади.

Топинамбур илдизмеваси бўлмиш ер нокидан дунё халқлари турли таомлар тайёрлаб истеъмол қилиб келмоқда. Тиббиётнинг пархез таомлар билан даволаш бўйича мутахассислар юқорида тадиқот хулосаларига келганлар.Жумладан Россия, Япония, Хитой олимлари таркибида инулин сақловчи ўсимликлар билан турли касалликларни даволаш устида кенг кўламли изланишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам бу борада маълум илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мегалойиҳа доирасида топинамбурдан парҳез озиқ-овқатлар тайёрлаш рецептлари ишлаб чиқилди. Бу ишда Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Парҳез таомлар билан даволаш маркази” фаол иштирок этдилар. Ҳамкорликда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1993 йил 19 мартдаги 122-сон СанПиН норматив ҳужжатига қўшимчалар киритилди. Унга биноан бир нечта даволаш йўналишларида кунлик топинамбур истеъмол қилиш нормаси киритилди.

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ


**Карлибаева Рая Хожабаевна**

И.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети



***Аннотация.*** Ушбу мақолада шакллантирилган молиявий менежментнинг фундаментал асослари ривожланган мамлакатлар молиявий менежмент мактаби намоёндаларининг концепциялари, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари куриб утилган.


***Таянч тушунчалар:*** молия, акциядорлик жамият, хусусийлаштириш, акция, ўз капитали, эмиссия, мулк, кузатув кенгаши, назорат, устав фонди.


***Аннотация.*** В этой статье основное внимание уделяется к основам финансового менеджмента, концепциям школ финансового менеджмента развитых стран и улучшению корпоративного управления в акционерных обществах.


***Ключевые слова:*** финансы, акционерное общество, приватизация, акции, акции, эмиссия, имущество, наблюдательный совет, контроль, уставный капитал


Замонавий шароитларда миллий акциядорлик жамиятларида шаклланган молиявий менежмент республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг турли босқичларида ривожланиб борди. Лекин ушбу ривожланиш, жаҳон амалиётида молиявий менежментнинг эволюцион тараққиёти билан солиштирилганда қисқа давр ичида сифат жиҳатдан такомиллашиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Молиявий менежментнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бозор иқтисодиётининг тараққиёти, шаклланган иқтисодий тизим шарт-шароитларига боғлиқ бўлиб, ундаги институционал бирликлар ўзаро муносабатларининг иқтисодий механизми асос бўлиб ҳисобланади.

Миллий анъаналар билан уйғун ҳолда шакллантирилган молиявий менежментнинг фундаментал асослари ривожланган мамлакатлар молиявий менежмент мактаби намоёндаларининг концепцияларига асосланган. Лекин, республикамизда ўзига хос тавсифдаги "Ўзбек модели" деб эътироф этилувчи бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий ислоҳотларнинг таъсирида акциядорлик жамиятларида молиявий менежментнинг тараққиёти Ғарб мамлакатларидаги тараққиёт қонуниятларидан нисбатан фарқли равишда ривожланиб бормоқда.

Демак, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида молияий менежментнинг тараққиётининг асосида миллий иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожланишини умумий қонуниятлари ташкил этади. Бунда молиявий менежментнинг тараққиёти акциядорлик жамиятлари иқтисодиётининг макро ва микро муҳитидаги мавжуд муаммолар ва уларни барқарораф қилишнинг мутлақ зарурияти негизида ривожланган.

Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ, мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ислоҳотларда асосий йўналишлардан бири сифатида амалга оширилиб, ушбу ислоҳотларда акциядорлаштириш устувор аҳамият касб этиб, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг

ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари шакллантирилди ҳамда изчил равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент моделининг шаклланишини дастлабки босқичи, 1991 йилда "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг қабул қилиш даврига тўғри келди. Ушбу Қонун, давлат мулки хукмрон мавқега эга бўлган моно укладли иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ трансформацион жараёнларнинг мазмун моҳиятини ифодалайди. Йирик капитал сиғимига эга бўлган давлат корзоналарини хусусийлаштиришда акциядорлик жамиятлари устувор аҳамият касб этди. Шунингдек, ушбу даврда яна бир муҳим Қонун "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги[1] Қонуннинг қабул қилиниши корпоратив мулкчиликка асосланган тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий мақоми бўлиб хизмат қилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги низом[2] очиқ акциядорлик жамияларида хусусий капитани шакллантириш ҳисобига инвестицион фаолликни юксалтиришнинг хуқуқий мақоми ролини ўйнади.

Бундай шароитда аксарият хусусий корхоналар тўлиқ хўжалик мустақиллиги, ўзини-ўзи молиялаштириш, ўзини-ўзи қоплаш тамойилларига асосланган хўжалик юритиш тизимига ўтиши натижасида мавжуд молиявий ресурсларни самарали бошқаришнинг замонавий тизимини шакллантириш ва уни ривожлантиришга шарт-шароит яратиб берди. Шунингдек, мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улушини ортиб бориши параллел равишда пул фондлари кўлами ва масштаби бўйича ҳам уларнинг салмоғини ортиши кузатилди. Молия тизимида давлат молияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган собиқ иттифоқнинг парчаланиши ва мустақил Ўзбекистонда амалга оширилган бозор ислоҳотлари натижаси ўлароқ, молия тизимида корпоратив молия ва молиявий воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи молиявий институтларнинг роли ортиб борди. Мамлакат иқтисодиёти ва хусусан, молия тизими барқарорлигини таъминлашда мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари ролининг ортиб бориши улар молиясини бошқаришнинг замонавий тизимини шакллатиришга объектив заруриятни келтириб чиқарди.

Албатта, хусусий мулкчиликнинг корпоратив шаклига асосланган акциядорлик жамиятларида ҳам ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятнинг якуний натижаси ҳисобланган фойдани максималлаштириш асосий мақсад ҳисобланади. Қолаверса, акциядорлик жамиятлари маълум бизнес учун капиталлани концентрация қилиш ва ушбу бизнесдан манфаатдорларнинг кенг арсеналини ўзида мужассамлаштирувчи мулкчилик шакли сифатида ривожланиб бормоқда.

Ислоҳотларнинг дастлабки даврида хўжалик субъектлари молиявий хизмат тизими олдига янги вазифалар юклаган эди. Собиқ тоталитар тизимдан меърос бўлиб қолган хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилиш зарур эди. Марказлашган бошқарув тизими шароитида турли директив усуллар орқали бошқариш тизимини тугатиш ва давлатни жамиятнинг сиёсий институти сифатидаги иқтисодий вазифалари қаторида макроиқтисодий тартибга солишда бозор механизмларидан фойдаланишга устуворлик берилди. Бир томонлама ривожланган ва технологик жиҳатдан эскирган асосий фондлар билан қуролланган хўжалик субъектларга замонавий технологиялар билан жиҳозланган инвестицияларни ва хусусан, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислоҳотларни амага оширишни талаб қилар эди.

Ўтиш даври иқтисодиётига хос бўлган муаммолар кесимида капиталлар тақчиллигини инобага оладиган бўлсак, ислоҳотларнинг дастлабки даврида акциядорлик жамиялари стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг истиқболдаги тараққиётида ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқорида тилган олинган, қонунчилик актлари акциядорлик жамиятлари фаолиятини умумий тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Ислоҳотларнинг кейинги даврида акциядорлик жамиятлари фаолияти ва молиявий менежментни ташкилий механизмни бевосита тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунга яққол мисол сифатида, 1996 йилда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг қабул қилинишини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу Қонун акциядорлик

жамиятлари фаолиятини ташкил қилиш ва улар молиявий фаолиятини бошқаришнинг умумий регламентини бевосита тартибга солувчи қонунчилик акти ҳисобланади. Ушбу Қонунга иқтисодий ислоҳотларнинг турли даврларидаги шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, қарийиб 2015 йилгача 13 марта ўзгариш ва қўшимчалар киритилди[3] . Киритилган ўзгариш ва қўшимчалар асосан қуйидаги принципал масалаларга қаратилди:

- акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асослари шакллантирилди. Давлат улуши ва институционал инвесторларга тегишли акциялар пакети бўйича уларнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқаришдаги хуқуқ ва ваколатлари тизими шакллатирилди;

- акциядорлик жамиятларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарурий молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Бу ўз навбатида хусусийлаштиришдан сўнги акциядорлик жамиятлари молиявий-эксплуатацион эҳтиёжлари учун молиявий ресурсларни иккиламчи бозорлардан жалб қилиш механизми шакллатирилди.

- давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини хусусийлаштиришда сўнги (постприватизацион) қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари ишлаб чиқилди;

- эмиссиявий фаолият ва молиявий ресурсларни жалб қилишда фойдаланиладиган молиявий инструментлардан фойдаланиш механизмининг хуқуқий асосларини шакллантирилди;

- дастлаб акциядорлик жамиятлари устав капиталига минимал табақалаштирилган талаб белгиланди. Акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини янада ошириш мақсадида акциядорлик жамиятлари устав капиталига ягона минимал талаб қайтадан белгиланди. Шунингдек, акциядорлар манфаатларини ҳимоя илиш, акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги корпоратив низолар кесимида жамиятнинг барқарорлигини тизимли мониторингини ташки қилиш учун соф активни ҳисоблаш методологияси ва унинг мезонлари белгилаб олинди;

- акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада барқарорлаштириш, миллий анъаналарга асосланган ҳолда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш орқали уларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилди. Бизга маълумки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва жаҳон хўжалигининг инқироздан кейинги тараққиёти шуни тасдиқламоқдаки, мамлакат иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш хаётий заруриятга айланиб қолмоқда. Бунда иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилишда биринчи навбатда ички ресурслар ва шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилиш хал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони[4] билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига[5] бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, булар асосан қуйидагиларга қаратилган:

- акциядорлик жамиятининг устав капиталини ошириш фақатгина қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш орқали амалга оширилиши белгиланди;

- акциядорлик жамияти томонидан оддий акцияларга ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишда тенг ҳуқуққа эгалигига риоя этган ҳолда амалга оширилиши белгиланди;

- акциядорлик жамияти хусусий акциядорларининг камида учдан икки қисмининг розилиги мавжуд бўлмаган тақдирда жамиятнинг устав капиталидаги давлат улушини солиқ ва давлат олдидаги бошқа қарздорликлар ҳисобига шакллантириш ёки уни ошириш тақиқланиши белгиланди;

- бир акциядор томонидан жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи сотиб олинаётганда бошқа акциядорлар ўзларининг акцияларини унга бозор қиймати бўйича сотиш ҳуқуқи таъминланди.

Кейинги йилларда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ислоҳотларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича туркумлашимиз мумкин.




*Манба: Расм муаллиф томонидан акшлантирилган.*

**1-расм. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишлари.**

Демак, кейинги йилларда ислоҳотларнинг концептуал асослари қуйидагилардан иборат бўлмоқда, яъни акциядорлик жамиятлари шакллари бўйича уларнинг ҳуқуқий статусидаги ўзгаришлар амалга оширилди. Очиқ ва ёпик акциядорлик жамиятлари тушунчаси чиқариб ташланди ва устав капиталига белгиланган минимал талаб 400 миг АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилиб, ушбу миқдордаги минимал талаб таъминланмаган ҳолда масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш белгилнди. Чиқарилган акцияларни очиқ ва ёпиқ обуна йўли билан жойлаштириш имкониятлари шакллантирилди.

Акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимида Кузатув кенгашининг йирик ва стратегик аҳамиятга молик битимлар тузишга оид қарорлар қабул қилиш, жамият устав фондини ошириш, жамият устав фонди ошиши муносабати билан киритиладиган ўзгартиришлар, ташқи аудит хизмати бўйича қрорлар қабул қилиш бўйча қатор меъёрлар белгиланди. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига малакавий талаблар ўрнатилди ва тафтиш комиссияси аъзолигига бир шахсни кетма-кет икки мартадан ортиқ сайланишига чеклов ўрнатилди. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарорларига оид ижро интизомини бузиш ҳолатларида ижро органи билан тузиган шартномани бекор қилишга асос бўлиши белгиланди.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жамият инвестицион жозибадорлигини муҳим омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан кейинги йилларда ушбу йўналишдаги чора тадбирлар аввало потенциал инвесторларни жамият фаолияти тўғисидаги тўлиқ ва ошкора ахборотлар билан таъмилаш орқали акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган. Хусусан, акциядорлик жамиятлари учун фонд биржасининг расмий сайтида уларнинг уставига киритилган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги маълумотларни ошкора киритиб бориш мажбурийлиги белгиланди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда биринчи навбатда акциядорлар ва уларнинг кенг таркибини ташкил қилувчи миноритар акциядорлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилмоқда. Улардаги бошқарув ва назорат органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади, энг асосийси эса миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш институтини яратади, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун жамият фаолияти тўғрисидаги кенгроқ ахборотлар олиш кафолатини яратади. Йирик акциядорларнинг катта ҳажмдаги акциялар пакети уларга Умумий йиғилишда юқори даражадаги овоз бериш имкониятини беради. Уларнинг иштирок этмаслиги натижасида кворумнинг мавжуд бўлмаслиги ва охир оқибатда йиғилиш бекор қилиниш ҳолатлари учрар эди. Бу ўз навбатида, ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиб, зарурий корпоратив қарорларни ўз вақтида қабул қилиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарар эди. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу Умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланиши белгиланди.

Демак, юқоридаги ўзгариш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини самарали жорий этиш ва уни жадал ривожлантириш, шунингдек инвестор ва акциядорларнинг, айниқса, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилиб, бизнеснинг ривожланишига янги имкониятлар яратиб келмоқда.

Пировад натижада йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган иқтисодиёт тармоқлари барқарор ривожланишида корпоратив мулкчилик муносабатларининг ўзида ифодаловчи ацияддорлик жамиятларининг аҳамияти юқори бўлган.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида акциядорлик жамиятларининг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар**

| № | Иқтисодий кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ялпи ички маҳсулот ҳажми | трлн. сўм | 62,4 | 78,8 | 97,9 | 120,9 | 145,8 | 171, 4 |
| 2. | ЯИМни йиллик ўсиши | % да | 108,5 | 108,3 | 108,2 | 108,0 | 108,0 | 108,0 |
| 3. | Рўйхатга олинган АЖлар сони | дона | 1236 | 1371 | 1309 | 1276 | 1232 | 1211 |
| 4. | Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми | трлн. сўм | 27,1 | 29,8 | 32,3 | 35,1 | 39,1 | 45,3 |
| 5. | Акциядорлик жамиятлариниг ЯИМдаги улуши | % да | 43,4 | 37,7 | 32,9 | 29,0 | 26,8 | 26,4 |
| 6. | 1 та акциядорлик жамиятига тўғри келувчи маҳсулот ҳажми | млрд. сўм | 21,9 | 21,7 | 24,6 | 27,5 | 31,7 | 37,4 |

Манба: Жадвал ЎзРДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кейинги йилларда мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши кузатилиб, бу кўрсаткич 2010 йида 62,4 трлн. сўмни, 2015 йилга келиб эса 171,4 трлн сўмни ташкил қилган.

Ушбу даврларда акцияорлик жамиятлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштирилиши натижасида уларнинг сони таҳлил қилинаётган дастлабки даврларда кўпайиб борган бўлса-да (2010 йилда 1236 та 2012 йилда 1309 та), кейинги даврларда уларнинг сони камайиб борган. Бу ўз навбатида устав капитали белгиланган миқдорни ташкил қилмаган акциядорлик жамиятларини масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат миллий иқтисодиётида кичик бизнес ва усусий тадбиркорлик фаолиятининг аҳамиятини жадал ўсиб бориши натижасида уларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда ортиб борди. Лекин, акциядорлик жамиятларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми номинал мазмунда ўсиб борган бўлсада (2010 йилда 27,1 трлн. сўмдан 2015 йилда 45,3 трлн. сўм) уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, акциядорлик жамиятларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги аҳамиятини йиллар мобайнидаги маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг тренди ва уни яли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасидаги корреляцияни аниқлаш орқали улар фаолиятининг самарадорлигини мукаммалроқ баҳолаш мумкин.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 285-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги низом. 1994 йил 8 июн.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда; 9-сон, 181-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2007 й., 29-30-сон, 297-модда, 50-51-сон, 506-модда, 514-модда, 52-сон, 533-модда; 2008 й., 39-сон, 392-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 15-сон, 176-модда, 37-сон, 403-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда*

*4. "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сон Фармони. 24.04.2015 йил.*

*5. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни. ЎРҚ-370-сон. 06.05.2014 йил.*

# СТАТИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ МИГРАЦИИ НА РЫНОК ТРУДА УЗБЕКИСТАНА

**Аюбджанов Аббос Хосилович**

К.э.н. доц. зав. кафедрой «Статистика» ТГЭУ

**Тула Нодирбек Баходир ўғли**

Старший научный сотрудник - соискатель кафедры «Статистика» ТГЭУ

***Аннотация.*** Мақолада миграция тушунчасининг маъноси аниқланган. Миграция жараёнларининг аҳоли ва меҳнат ресурслари сонига бўлган таъсири механизмлари илмий жиҳатдан ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида миграциянинг ҳолати ва динамикаси келтирилади. Бундан ташқари, меҳнат миграцияси юзага келишининг асосий сабаблари ўрганилган.

***Таянч тушунчалар:*** миграция, аҳоли, муҳожирлар, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори.

***Аннотация.*** В статье рассматривается и уточняется понятие миграции. Проводится научное исследование механизмов воздействия миграционных процессов на численность населения, а также трудовых ресурсов. Приводится состояние и динамика миграции в Республике Узбекистан. Кроме того, в статье выявляются основные причины возникновения трудовой миграции.

***Ключевые слова:*** миграция, население, мигранты, трудовые ресурсы, рынок труда.

На сегодняшний день Узбекистан, имеет отрицательное сальдо внешней миграции населения, но в последние годы коэффициент механической убыли сокращается. Это обусловлено, прежде всего, тем, что за последние годы в стране каждый год создаеваемқе новые рабочие места. Большая часть этих рабочих мест приходится на частное предпринимательство, которое развивается благодаря усилиям правительства страны. Ш.М. Мирзиёев выступая на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН отметил: «Впервые создан институт Омбудсмена по защите прав предпринимателей. Значительно сокращены налоги на бизнес, расширен его доступ к кредитам. Созданы новые свободные экономические зоны, где инвесторам предоставлены широкие льготы» [1].

Миграция (с латинского “migration”– “переселение”) – переселение людей из одного региона (страны, города, села) в другой, в ряде случаев большими группами на маленькие и большие расстояния [5].

Миграция увеличивает не только численность населения отдельных территорий, но и влияет на динамику демографических процессов, т.к. мигранты тоже участвуют в воспроизводстве населения. Если внутренняя миграция воздействует на обстановку в отдельных районах, то внешняя - на характеристику населения в целом [2]. Так, миграция из села приводит к созданию возрастно-половых диспропорций, нехватке молодежи, а это затрудняет развитие сельского хозяйства, тормозит быстрейшее освоение новой техники. С другой стороны, миграция влияет перераспределение населения, связанное с размещением производительных сил, распределением производственных мощностей и инвестиций между отдельными территориями страны, в том числе между природными зонами, районами, разными типами сельских и городских поселений. Перемещение населения в новые районы страны часто связано с решением и других проблем. Важно, чтобы люди не только приехали в районы нового освоения, но и остались там трудиться и жить длительное время. Пока

человек накопит опыт работы в новых условиях, проходит не менее полугода, возникает проблема «приживаемости» новоселов. В противном случае, когда человек, проработав недолго на новом месте, уезжает обратно, общество несет существенные экономические и социальные потери. Для этого необходимо проводить различного рода мероприятия направленные на социально-экономическую поддержку данного населения:

- обеспечить благоприятные условия для ведения домашнего хозяйства, бизнеса;
- предоставлять жилье на льготной основе (льготные кредиты);
- создать полную инфраструктуру для нормального обеспечения жизни людей (дороги, связь, коммуникации);
- создание социальных объектов (детские сады, школы, больницы и другие);
- обеспечение новыми автономными нетрадиционными энергоэффективными установками (биогазовые, ветряные, вихревые, солнечные).

Маятниковые мигранты увеличивают количественно и изменяют качественно трудовые ресурсы поселений - центров притяжения, где число рабочих мест превышает собственные ресурсы труда или не соответствует профессионально-квалификационной структуре населения. С другой стороны, маятниковая миграция создает условия для удовлетворения разнообразных потребностей в труде жителей, как правило, небольших поселений, в которых качественно, а иногда и количественно ограничен выбор рабочих мест.

Сезонные миграции, перемещения трудоспособного населения к местам временной работы и жительства на срок, обычно в несколько месяцев, с сохранением возможности возвращения в места постоянного жительства. Сезонные миграции не только повышают реальный жизненный стандарт, но и удовлетворяют потребности производства, испытывающего дефицит рабочей силы. Подобные миграции возникают вследствие того, что в экономике ряда районов доминирующее положение принадлежит отраслям, в которых потребность в рабочей силе неравномерна во времени. В результате в сезоны наибольшего объема работ эти отрасли испытывают превышающую обычные размеры потребность в рабочей силе, которая не может быть удовлетворена за счет местных ресурсов труда, поэтому дополнительная рабочая сила привлекается из других районов.

К отраслям сезонного характера производства относится, прежде всего, сельское хозяйство. В этой отрасли в сезоны посевных и уборочных работ потребность в рабочей силе намного больше, чем в другое, особенно зимнее время. Так решением проблемы занятости в зимнее время может быть создание предприятий по переработке сельскохозяйственных продуктов (консервирование фруктов и овощей, развитие производства текстильной продукции и т.п.). Интеграция этой отрасли промышленности с сельским хозяйством заметно сокращает потребность в сезонной миграции. Агропромышленная интеграция, межотраслевое кооперирование в использовании рабочей силы, применение новых технологий и методов производства по существу сводит на нет потребность в сезонной миграции.

В последние годы возрос процесс интеллектуальной эмиграции («утечки умов»), который угрожает существованию и развитию целых направлений отечественной науки, вызывает многие негативные социальные и экономические последствия для общества. Эмиграция ученых и специалистов высокой квалификации имеет еще один негативный аспект: эмигрируют, как правило, талантливые и активные люди в наиболее трудоспособном возрасте. Происходит как бы экспорт интеллекта, отчего средний уровень интеллекта в стране – экспортере снижается. В принципе это можно рассматривать как угрозу интеллектуальной безопасности страны.

Как говорилось выше, миграция влияет не только на численность населения, но и на естественный прирост населения. Естественный прирост населения в первую очередь зависит от количества рожденных детей. По данным Госкомстата большинство узбекистанцев в наши дни считает наиболее приемлемым иметь двух детей. Если раньше абсолютно нормальным явлением было 5-6 детей в семье, то сейчас многодетные семьи стали встречаться гораздо реже. Но, как и прежде для семей сельских жителей характерно большее количество детей, чем для городских семей. До сих пор, в сельской местности рождаемость детей в значительной степени больше по сравнению с рождаемостью в крупных городах, несмотря на то, что социально-экономическая обстановка привела к неуправляемости процесса урбанизации во многих странах, в том числе и Узбекистане.

По проведенным нами расчетам на основании данных Госкомстата, за период независимости Республики Узбекистан числен-

ность выбывших из республики неизменно превышает численность прибывших. Соотношение между иммиграционными и эмиграционными потоками несколько варьировалось, но общая тенденция превышения эмиграции сохранялась неизменной. Необходимо учитывать тот факт, что несмотря на отрицательное сальдо миграции в Узбекистане наблюдается постоянный приток трудовых ресурсов.

**Динамика механического движения населения за 1991-2016 гг.**[6]

| Год | Прибывшие, человек | Выбывшие, человек | Сальдо миграции | Коэффициент механической убыли, промилле |
|---|---|---|---|---|
| 1991 | 371054 | 401285 | -30231 | -1,47 |
| 1992 | 349374 | 424086 | -74712 | -3,54 |
| 1993 | 302440 | 356470 | -54030 | -2,50 |
| 1994 | 221747 | 360661 | -138914 | -6,29 |
| 1995 | 167829 | 256800 | -88971 | -3,96 |
| 1996 | 148644 | 198900 | -50256 | -2,19 |
| 1997 | 146601 | 195001 | -48400 | -2,07 |
| 1998 | 143321 | 193274 | -49953 | -2,10 |
| 1999 | 162559 | 224656 | -62097 | -2,57 |
| 2000 | 145880 | 212472 | -66592 | -2,72 |
| 2001 | 151842 | 229603 | -77761 | -3,13 |
| 2002 | 152795 | 236127 | -83332 | -3,32 |
| 2003 | 139695 | 232707 | -93012 | -3,66 |
| 2004 | 147398 | 243490 | -96092 | -3,74 |
| 2005 | 144778 | 246386 | -101608 | -3,90 |
| 2006 | 144038 | 209227 | -65189 | -2,48 |
| 2007 | 151172 | 214310 | -63138 | -2,37 |
| 2008 | 149732 | 195836 | -46104 | -1,70 |
| 2009 | 138077 | 187710 | -49633 | -1,80 |
| 2010 | 139775 | 183858 | -44083 | -1,57 |
| 2011 | 136565 | 184149 | -47584 | -1,63 |
| 2012 | 169701 | 210653 | -40952 | -1,39 |
| 2013 | 155084 | 189650 | -34566 | -1,15 |
| 2014 | 145354 | 183916 | -38562 | -1,26 |
| 2015 | 139280 | 168579 | -29299 | -0,94 |
| 2016 | 141548 | 167796 | -26248 | -0,83 |

Важной тенденцией миграции населения в стране являлось то, что количество выбывших из страны в первые годы независимости было значительно больше прибывших. Пик отрицательного коэффициента убыли населения приходится на 1994 год. После данного периода отрицательного сальдо миграции варьируется до 2005 года, после которого начинается плавное снижение. Динамика механического движения населения Республики Узбекистан представлена на рис 1. Таким образом, снижение отрицательного сальдо миграции сказывается на численности трудовых ресурсов.

Основная часть эмиграции населения из Узбекистана происходит в пределах СНГ (около 90%). Наибольший поток ее традиционно направлен в Россию, которая за 1991-2014гг. приняла более 2 млн. узбекистанцев, что составляет 59,0% от общего объема эмиграции за этот период. В этой численности значительно преобладают этнические русские (53%).




**Рис.1. Динамика механического движения населения за 1991-2016 гг.**[5]

Миграционные процессы, если они крупномасштабны, имеют существенные последствия для государства, а поэтому всегда находятся в центре внимания не только миграционных служб, но и социальных работников.

Причин миграции населения может быть несколько:

- неблагоприятная экономическая обстановка в стране:
- инфляция,
- массовая безработица;
- экономический кризис;
- экологическая катастрофа в данном регионе или государстве;
- гражданские войны и др.

Также миграция может быть связана с экономическими факторами, например, связанная с желанием граждан улучшить свое экономическое благосостояние, т.е. поиск более высокооплачиваемой работы за рубежом, получить ПМЖ в развитой стране и т.д.

Значительные масштабы нелегальной трудовой миграции в Россию были обусловлены емким рынком труда, более высокой ценой рабочей силы, относительными свободами предпринимательской деятельности, безвизовым режимом въезда. Большое значение имеет также нарастающий дефицит собственно российских кадров, что делает возможным трудоустройство в самых разных регионах России.[3]

Влияние процессов трудовой миграции выходит далеко за пределы демографии и экономики. Как было отмечают О. Д. Комарова и В. А. Тишков, «миграция населения, как внутренняя, так и внешняя – за пределы страны, является одним из важнейших индикаторов этнополитических и социально-политических процессов, происходящих в государстве и обществе. По характеру миграционных потоков можно судить о степени открытости и демократичности общества, об уровне его урбанизированности, об эффективности экономики и инфраструктуры, о региональных диспропорциях развития, о состоянии межэтнических отношений, о назревающих или уже явных этнических конфликтах»[4].

Оценить реальные масштабы потенциальной трудовой миграции в Россию очень сложно, т.к. преобладают нелегальные трудовые потоки. В этих оценках целесообразно отталкиваться от современного состояния и учитывать новые тенденции. На развитие будущих тенденций будет оказывать воздействие целый ряд факторов, в частности, следующие:

- состояние местных рынков труда. По данным опросов трудовых мигрантов, при существенных изменениях у себя на родине в вопросах рабочих мест и оплаты труда большинство их предпочли бы работать у себя дома;
- уровень конкуренции на международных рынках труда, в том числе позиций России в вопросах трудовой миграции из Узбекистана;
- позитивные или негативные сдвиги в уровне административно - правового давле-

ния на мигрантов как в местах вселения, так и в местах выхода;

• сравнительные экономические эффекты от миграции в Россию и соседние республики. В этом отношении Россия выглядит более приоритетно, чем республики Центральной Азии, но в последние годы на фоне европейских санкций многие трудовые мигранты из Узбекистана предпочитают другие страны (Южная Корея, ОАЭ, Турция и др.)

Определенное значение имеет также уровень профессиональной востребованности мигрантов. Как правило, в местах вселения профессионально - квалификационный потенциал их используется крайне не достаточно.

Таким образом, можно констатировать, что миграция – это перемещение населения из одних населенных пунктов в другие с переменой места проживания, а для трудовых ресурсов и места приложения труда. Трудовая миграция способствует обмену трудовыми навыками, производственным опытом, ведет к обновлению кадров и их профессионально-квалификационному росту. Однако при недостаточном регулировании миграции ее масштабы могут не совпадать с народно-хозяйственными интересами. Это проявляется в том, что большое количество мигрантов направляется из трудонедостаточных регионов в обжитые, которые не испытывают недостаток в кадрах.

Необходимо отметить, что в Узбекистане в последние годы происходит либерализация сферы предпринимательства, что создает необходимые предпосылки для вовлечения трудовых ресурсов и финансовых средств в эту сферу, а вместе с этим в миграционных процессах усиливается фактор первоначального капитала. Многие наши соотечественники выезжают за границу в поисках первоначального капитала, поэтому все возрастающая роль в этом отводится созданному при Национальном банке внешнеэкономической деятельности специальному Фонду поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

***Источники и литература:***

*1. Доклад Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева 19 сентября 2017 года на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций.*

*2. Тула Н.Б. «Статистическое исследование взаимосвязи демографических процессов и рынка труда» Монография Turon Zmin Ziyo 2014 с.92*

*3. Alikhan Aman. Population migration in Uzbekistan.1999-2009.Tashkent, 2009, P. 100-101.*

*4. Комарова О.Д., Тишков В.А. Миграция и миграционная политика // Миграции и новые диаспоры в постсоветских государствах/Отв. ред. В.А. Тишков. М.: Ин-т этнологии и антропологии РАН, 1996. С.11.*

*5. Абдурахманов и другие. Демография.// Учебник Т. «IQTISODIYOT» 2014 с.286*

*6. Госкомстат Республики Узбекистан. www.stat.uz*

# O`ZBEKISTON MEHNAT BOZORIDA REKRUTING AGENTLIKLARI FAOLIYATINI YO`LGA QO`YISH ZARURATI

**Abduraxmanova Gulnora Qalandarovna**

I.f.d., Toshkend davlat iqtisodiyot universiteti

**D. A'zamov**

Magistrant, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

***Annotatsiya***. Maqolada mamlakatimizda aholi bandligi darajasini oshirishda davlat ish bilan bandlik xizmati organlari bilan bir qatorda, ish bilan bandlikka ko`maklashuvchi nodavlat rekruting agentliklari faoliyatidan foydalanishning zaruriyatlari, shuningdek O`zbekistonning hozirgi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi sharoitida mazkur xizmatdan foydalanishning samarali ekanligi ko`rsatib berilgan.

***Tayanch tushunchalar:*** mehnat resurslari, bandlik darajasi, nodavlat bandlik tashkilotlari, xususiy agentliklar, rekruting.

***Аннотация.*** В данной статье обоснована необходимость пользования деятельностью негосударственных рекрутинговых агентств в целях повышения уровня занятости населения наравне с государственными службами содействия занятости, а также, рассмотрена эффективность использования услуг этих служб в условиях социально-экономического развития Узбекистана.

***Ключевые слова:*** трудовые ресурсы, уровень занятости, негосударственные организации занятости, частные агентства, рекрутинг.

Bugungi kunda mamlakatimizdagi mehnat resurslarining umumiy soni deyarli 18 500ming kishini tashkil etmoqda. Har yili mehnat bozoriga 50 mingdan ziyod oliy ma'lumotli hamda 500 mingdan ortiq o`rta maxsus ma'lumotga ega bo`lgan mehnat resurslari kirib kelishmoqda. Shuni tan olib aytish lozimki, aholining ish bilan bandligini ta'minlash borasida davlat ish bilan bandlik xizmati organlari, xususan hududlardagi Bandlikka ko`maklashish markazlari (BKM) o`rtasida o`zaro raqobat muhitining mavjud emasligi tufayli bandlik darajasini oshirish bo`yicha ular tomonidan yetarlicha tashabbuslar ko`zga tashlanmayapti. Ushbu maqolada Yevropa va AQSh mehnat bozorlarida o`tgan asrning 50 yillaridan buyon faoliyat ko`rsatib kelayotgan bandlikka ko`maklashish bo`yicha xususiy agentliklar tajribasini, shuningdek O`zbekistondaularning faoliyatini yo`lga qo`yishning zaruriyatlarini ko`rib chiqamiz.

Rekruting agentliklari bozor iqtisodiyoti instituti sifatida davlatning ish bilan bandlik sohasidagi monopolligiga qarshi g`oyalar evolutsiyasi, shuningdek bandlikka ko`maklashish bo`yicha xizmatlar ko`rsatish yuzasidan o`zining yarim asrdan ziyodroq amaliy tajribasiga ega. "...jahon mamlakatlari tajribasida asosan keng tarqalgan nodavlat bandlik tashkilotining shakli rekrut agentliklar bo`lib, ularning asosiy vazifasi buyurtmachi tashkilotga mutaxassislarni buyurtma asosida topish va eng maqbul nomzodni tanlab berishdan iboratdir" [7].

Rekruting agentliklar ko`magida personalni qidirish va tanlash jarayonini bir-biri bilan ham ichki, ham tashqi tomondan chambarchas bog`langan elementlar tizimi sifatida baholash lozim. Lekin ushbu tizim davlat ish bilan bandlik xizmati strukturasidagi kabi statik xarakterni o`zida namoyon qilmasligi, bandlikka ko`maklashish jarayonida egiluvchan usullarni qo`llashi bilan o`ziga xosligiga ega.

O`zbekistonda mavjud mehnatga layoqatli mehnat resurslaridan 13298,4 ming kishi ish bilan band bo`lgani holda, ishsizlar soni 2016 yil holatiga 724 ming kishini tashkil etmoqda [9]. Quyidagi jadvaldan so`nggi besh yillikdagi ishsizlik holatini hududlar kesimida ko`rib chiqamiz (1-jadval).

**1-jadval**

**O`zbekiston Respublikasida ishsizlar soni dinamikasi (ming kishi)**

| T/r | Hududlar | Yillar | | | | | 2016 yil 2012 yilga nisbatan o`zgarish (foizda) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | O`sish | (+,-) |
| 1 | Qoraqalpog`iston Respublikasi | 41,3 | 40,3 | 35,7 | 35,4 | 36,5 | 89,4 | -11,6 |
| | viloyatlar: | | | | | | | |
| 2 | Andijon | 66,3 | 68,5 | 73,7 | 75,6 | 77,5 | 116,9 | 16,9 |
| 3 | Buxoro | 40,1 | 40,9 | 45,3 | 48,2 | 47,1 | 117,5 | 17,5 |
| 4 | Jizzax | 21,2 | 22,2 | 24,6 | 24,0 | 26,0 | 122,6 | 22,6 |
| 5 | Qashqadaryo | 58,3 | 58,3 | 64,0 | 66,1 | 66,1 | 113,4 | 13,4 |
| 6 | Navoiy | 21,5 | 22,8 | 23,1 | 22,4 | 22,4 | 104,2 | 4,2 |
| 7 | Namangan | 49,0 | 49,6 | 52,2 | 53,3 | 56,5 | 115,3 | 15,3 |
| 8 | Samarqand | 74,6 | 76,2 | 82,6 | 86,7 | 90,6 | 121,4 | 21,4 |
| 9 | Surxondaryo | 46,6 | 47,6 | 52,0 | 53,7 | 56,8 | 121,9 | 21,9 |
| 10 | Sirdaryo | 13,9 | 15,2 | 17,0 | 18,2 | 16,1 | 115,8 | 15,8 |
| 11 | Toshkent | 45,4 | 46,8 | 51,1 | 54,2 | 54,8 | 120,7 | 20,7 |
| 12 | Farg`ona | 73,2 | 72,9 | 82,9 | 85,6 | 88,3 | 120,6 | 20,6 |
| 13 | Xorazm | 35,7 | 37,1 | 39,2 | 39,5 | 41,4 | 116,0 | 16,0 |
| 14 | Toshkent shahri | 39,2 | 41,3 | 43,6 | 46,5 | 43,9 | 112,0 | 12,0 |
| | **Jami** | **626,3** | **639,7** | **687,0** | **709,4** | **724,0** | **115,6** | **15,6** |

*Manba: O`zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo`mitasi ma'lumotlari*

Jadvaldan ko`rinib turibdiki, ishsizlar sonining o`sishi barcha hududlarga ham xos emas. Xususan, Qoraqalpog`iston Respublikasida ishsizlar soni 2012 yilga nisbatan 11,6 foizga kamaygan. Farg`ona hamda Toshkent shahrida 2016 yilda 2015 yilga nisbatan kamayish kuzatilgan bo`lsa-da, 2012 yilga nisbatan mos ravishda 20,6foiz va 12 foizga ortgan. Boshqa hududlar bilan taqqoslanganda Navoiy viloyatida ishsizlar sonining yuqori darajada o`sishi sezilmaydi. 2012 yilga nisbatan o`sish 4,2 foizni tashkil etgan. Respublikaning boshqa hududlarida ishsizlar soni 2012 yilga nisbatan 10-20 foizatrofida ko`paygan.

Yurtimizda yiliga 1,5 million odamni ishga joylashtirishga ehtiyoj bo`lsa-da, 2016 yilda Bandlikka ko`maklashish markazlari atigi 248 ming kishini yoki 16,5 foizini ishga joylashtirgan. Buning asosiy sabablari ish faoliyatidagi eskirgan shakl va usullar hamda bandlik muammolarini hal etishdagi rasmiyatchilik bilan bog`liq [2].

Bu holat davlatning aholi bandligini qo`llab-quvvatlash chora-tadbirlarini yanada oshirishni, xususan bandlikka ko`maklashish bo`yicha samarali xorijiy tajribalarni o`rganib, uni mamlakat iqtisodiyotiga joriy etishni talab etmoqda. Shu o`rinda yana bir statistikaga e'tibor qarataylik. Mamlakatda 2016 yil holatiga 724 ming ishsiz aholi bo`lgani holda, mehnat organlarida (hududlardagi BKMlarda) rasmiy ishsiz sifatida ro`yxatdan o`tganlar soni eng ko`p bo`lgan hududlar Qashqadaryo viloyati hamda Toshkent shahrida mos ravishda 826 va 818 kishini tashkil qilgan (2-rasm).




*Manba: O`zbekiston Respublikasi davlat statistika qo`mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi.*

**1-rasm. Mehnat organlarida ishsiz sifatida ro`yxatdan o`tganlar (kishi)**

Ushbu ma'lumotlardan ko`rinib turibdiki, jami 4990 kishi mehnat organlarida rasmiy ishsiz sifatida ro`yxatga olingan. Bu mamlakatdagi ishga joylashtirishga muhtoj mehnat bilan band bo`lmagan aholining 0,7 foizini tashkil etadi.

Davlat ish bilan bandlik organlarining passiv harakati (ularga faqat murojaat qilinadi, ular tomonidan aktiv holda mehnat bozoridan resurs qidirish xos emas), o`zaro raqobat va tashabbuskorlikning mavjud emasligi, rag`batlantirish choralari tizimi yetarli darajada yo`lga qo`yilmaganligi rekruting agentliklari faoliyatini tashkil qilishning yana bir zaruriyatidir. "Aholi bandligiga ko`maklashish nodavlat tashkilotlari (rekruting agentliklari) to`g`risida"gi O`zbekiston Respublikasi qonuni rekruting agentliklarini tashkil qilishning huquqiy asosi bo`lib xizmat qiladi [1].

Rekruting faoliyati tadbirkorlik shakli sifatida paydo bo`lganiga ko`p vaqt bo`lgani yo`q. Uning kelib chiqish joyi AQSh hisoblanib (1950 yillar), 1960 yillarda Yevropa mamlakatlariga, 1990 yillarning boshida Rossiya mehnat bozoriga kirib keldi. Rossiyada bu paytda endigina bozor munosabatlariga o`tish boshlangan bo`lib, rekruting agentliklarining ilk mijozlari ikki turdagi kompaniyalar bo`lishdi:

1) yuqori darajadagi rekruting xizmatlariga ehtiyoji mavjud xorij kompaniyalari;

2) yaqin orada bozor munosabatlariga o`ta boshlagan, rekruting faoliyatidan umuman xabari bo`lmagan va pulni nima uchun to`lashni bilmaydigan mahalliy kompaniyalar [9].

Yuqoridagi kabi holat mamlakatimizda ham kuzatilishi ehtimoldan xoli emas. Rekruting xizmatlarining O`zbekistonda ommalashmaganligi, ushbu soha bo`yicha mutaxassislarning yetarli emasligi, mahalliy korxonalarimizda kadrlar siyosatining hali-hamon eski "qadriyatlar" doirasida olib borilayotganligi kabi omillar buning asosiy sabablari sifatida baholanadi.

Mutaxassislar tayyorlash tizimida, xususan oliy va o`rta maxsus ta'lim muassasalarida hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy darajasi va mavjud salohiyatidan kelib chiqib ushbu soha bo`yicha mutaxassislar (rekruterlar) tayyorlash yo`lga qo`yilishini taklif qilamiz. Shuningdek, aholi zich joylashgan hamda erkin iqtisodiy zonalar (EIZ) tashkil etilgan hududlarda birinchi navbatda rekruting agentliklari faoliyatini yo`lga qo`yish samarali bo`ladi.

Mamlakatimizda bandlikka ko`maklashuvchi xususiy agentliklar faoliyati tashkil etilishi natijasida quyidagilarga erishiladi:

- davlat ish bilan bandlik organlari va xususiy agentliklar o`rtasida raqobat yuzaga kelib, mehnat bozoriga innovatsiyalar kirib keladi;
- rekruting agentliklari o`rtasida o`zaro raqobat muhiti shakllanib, mehnat bozoridan resurs qidirish jarayoni aktivlashadi;
- korxona va tashkilotlarda kadrlar siyosatiga yondashuvlar o`zgarishi kuzatiladi. Har bir rahbar kimga nima uchun pul to`layotganligini to`la anglab yetadi va maksimal darajada eng yuqori darajaga ega bo`lgan mutaxassisga ega bo`lishni xohlaydi;
- malakali kadrlar (mutaxassislar) va professionalizm har ikki tomonning (ish beruvchi va rekruting agentligi) aniq maqsadiga aylanadi;
- O`zbekiston iqtisodiyotida yangi tadbirkorlar - "ovchilar", mehnat bozoridan malakali boshqaruv va ishlab chiqarish personalini qidiruvchilar sinfi shakllanadi (2-rasm).




*Manba:Mualliflar tomonidan tayyorlangan*

**2-rasm. Rekruting agentliklari ta'siri**

Xulosa qilib aytish mumkinki, bandlikka ko`maklashishga zamonaviy yondashuv uch tomonlama yutuqli xarakterga ega bo`ladi. Birinchidan, yangi tadbirkorlik faoliyati shakllansa, ikkinchidan, davlat ish bilan bandlik xizmati organlariga raqobatchilar paydo bo`lib, ularning rivojlanishiga turtki beradi, uchinchidan, mahalliy korxonalarda kadrlar siyosatiga innovatsion yondashuvlar joriy qilinadi, malakali mutaxassislar va professionalizm birlamchi o`ringa ko`tariladi. Mehnat bozorida raqobat kuchayib, bo`sh ish o`rinlariga da'vo qiluvchi potensial mehnat resurslari ham ishga qabul qilish etiketlarini o`zlashtiradi. Nomzoddan talab qilinadigan rezyume, ma'lumotnoma kabilarni to`ldirish talablari bo`yicha rekruting agentliklarida konsultatsiya xizmatlari tashkil etiladi. Boshqacha aytganda, eski "qadriyatlar"dan voz kechilib, mehnat munosabatlarida yangicha madaniyat qaror topadi.

***Manba va adabiyotlar:***


1. *Mirziyoyev Sh.M. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni. "2017 – 2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasi", 2017 y., 6 (766)-son, 70-modda.*
2. *Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo`lishi kerak. "Xalq so`zi" gazetasi, 2017 yil 16-yanvar, № 11 (6705)*
3. *Abdurahmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti(nazariya va amaliyot). – T.: "Mehnat", 2004*
4. *Abdurahmonov Q.X., Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. – T.: "Fan va texnologiya", 2012*
5. *Xolmo`minov Sh.R. va boshqalar. Mehnat bozori rivojlanishining tahlili. – T.: "Fan va texnologiya", 2016*
6. *Abduraxmanova G.K. Aholini munosib mehnat tamoyillari asosida ish bilan ta'minlash. O`quv qo`llanma. – T.: Iqtisodiyot, 2017*
7. *Рекрутинг: найм персонала. Учебное пособие / под ред. Ю.Г. Одегова. – М.: Издательство «Экзамен», 2002, с.5, с.11*
8. *Маркетинг персонала: монография / Ю.Г. Одегов, Р.А.Галиахметов, К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Галиахметова. – Ижевск: Из-во ИжГТУ имени М.Т.Калашникова*
9. *http://www.mehnat.uz – O`zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi rasmiy veb-sayti*
10. *http://www.stat.uz – O`zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo`mitasi rasmiy veb-sayti*

## ҲУДУДЛАРДА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

**Иноятов Умидбек Улуғбекович**

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент архитектура-қурилиш институти

***Аннотация.*** Ушбу мақолада ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини статистик усулларда баҳолаш, Тошкент вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибини ўзгариш динамикасининг статистик таҳлилини амалга ошириш жараёнлари ёритиб берилган.

***Таянч тушунчалар:*** ҳудудий тадбиркорлик, ижтимоий, иқтисодий, иқтисодий барқарорлик, экспорт, кичик тадбиркорлик, тенденция, омил, инвестиция.

***Аннотация.*** В данной статье описывается процесс статистического анализа социально-экономического развития регионов, статистический анализ динамики изменений в структуре валового регионального продукта Ташкентской области.

***Ключевые слова:*** региональное предпринимательство, социальный, экономический, экономическая стабильность, экспорт, малый бизнес, тенденция, фактор, инвестиция.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислоҳотлари ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш ҳисобланади. Халқаро валюта жамғармаси (IMF)нинг ҳисоботига кўра, “бугунги кунда дунёда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) га тегишли бўлиб, улар бутун дунёнинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида КЎБнинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда 85 фоиз аҳолини иш билан таъминламоқда”[1] .

Ўзбекистонда ҳам мустақилликдан кейинги ўтган 26 йил мобайнида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда КБХТни ривожлантиришга алоҳида устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилганлиги боис белгилаб берилди. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти таъкидлаганларидек, “...авваламбор, соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганини айтиш лозим”[2] .

КБХТни тизимли ва комплекс равишда қўллаб-қувватлаш, ривожланишини таъминлаш, жумладан, унинг ЯИМдаги, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, 2016 йил якунларига кўра[3] КБХТнинг улуши ЯИМда қарийб 57,0 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмида 45.3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида 98,2 фоиз, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида 39,1 фоизга етди ва жами аҳолининг 78.2 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

Шу сабабли, минтақаларда тадбир-

корлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги, экспортдаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, ҳудудий тадбиркорлик субъектларининг турли даражаларда ривожланиш омиллари ва тенденцияларини статистик усулларда баҳолаш, статистик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш, ҳудудий иқтисодий ривожланиш стратегиялари статистик моделларини тузиш ва статистик прогнозлашнинг илмийуслубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ижтимоийиқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни беқиёс бўлиб, у иқтисодиётнинг локомотиви вазифасини бажариб келмоқда. Жумладан 2016 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56.9 фоизни ташкил қилган бўлса, иқтисодиётдаги жами бандларга нисбатан соҳадаги бандлар улуши 78.2 фоизни ташкил қилган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда соҳа тараққиётини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан туб ислоҳотлар амалга оширилиб ҳамда ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб келинмоқда. Мамлакатимиз ҳамда ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини таъминлашда яратилаётган меъёрий ҳуқуқий база билан бир қаторда улар учун ажратилаётган кредитлар ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш ижтимоий жиҳатдан 3 та омилни ривожлантиришга олиб келишини кўрсатмоқда. Яъни:аҳолининг даромад омили сифатида ҳаёт даражасини юксалишига олиб келади; иш билан бандлик омили сифатида ишсизликни камайтиришга олиб келади; маҳсулот ва хизмат омили сифатида диверсификациялашга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 1 апрелдаги 138-сонли “Тошкент вилоятини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг 2016 йил 17 сентябрдаги 289-сонли “2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори ҳудуд ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Мазкур Қарорларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ҳамда иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари келтириб ўтилган бўлиб уларни ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар вилоятнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик нуқтаи назаридан мамлакатимиз ҳудудлари орасида олдинги ўринларни эгаллаб ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни яратишда салмоқли ҳиссага эга.

Шунингдек, ҳудудлар жумладан, Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида соҳанинг тараққиётини таъминлашга эришилмоқда. Натижада 2016 йилга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 57.1 фоизни ташкил қилиб, 2005 йилга нисбатан 1.77 баробарга ошиши таъминланган. Вилоятдаги жами банд аҳолининг 76.9 фоизи мазкур соҳада фаолият олиб бормоқда. Юқорида келтирилган натижаларга эришишда республикамизда қабул қилинган алоҳида қонунлар тизими, меъёрий ҳужжатлар, айниқса, Давлат дастури асосида яратилган хуқуқий-меьёрий база замин бўлмоқда. Шу сабабли, вилоятда бу тоифадаги субъектлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Вилоят миқёсида олиб қараганда 2013 йилда 633 миллиард сўм миқдорида тижорат банклари кредитлари ажратилган бўлсак, 2016 йилга келиб вилоятдаги умумий инвестициялар ҳажмининг 40.1 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ўзлаштирилган[4] .

Соҳа ривожини иқтисодий сатаистик таҳлилини давом эттиришдан олдин Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқаришдаги моҳияти, иқтисодий-ижтимоий аҳамияти мезонларига эътибор қаратиб ўтишни жоиз топдик. Фикримизча улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- иқтисодий-таркибий жиҳатдан у тармоқ тузилишини белгилаб, ички бозорни талаб ва таклиф асосида товар ва хизматлар билан тўлдиришга хизмат қилади;
- ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳолини иш жойлари ҳамда барқарор даромад манбаи билан таъминлайди, аҳоли турмуш даражасини оширишда асос бўлиб хизмат қилади;
- молиявий жиҳатдан ишлаб чиқариш

ва иш жойларини кўп маблағ талаб қилмасдан қайта ташкил этиш ва жиҳозлашга имкон беради;

- ижтимоий-психологик жиҳатдан оилада меҳнат кўникма ва анъаналари авлоддан-авлодга ўтишини, маҳсулот етиштириш маданияти ва маҳорати ҳамда сир-асрорларини эгаллаш жараёни давом этишини таъминлайди.

Таҳлилимизни давом эттирар эканмиз вилоятдаги рўйҳатдан ўтган корхоналарда фаолият кўрсатаётганлари улушини кейинги йиллардаги динамикасини келтириб ўтмоқчимиз (1-расм). Қуйида келтирилган маълумотларни кўрсатишича, кейинги йилларда мазкур кўрсаткич камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2014 йил биринчи январь ҳолатига жами 19971 та кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, унинг яшаб қолгани сони 17848 тани ташкил қилган. Бироқ 2017 йил 1 январ ҳолатига юқоридаги кўрсаткичлар мос равишда 23936 ва 20083 тани ташкил қилган.




**1-расм. Тошкент вилояти бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг фаоллилик даражаси[4]**

Миқдорий жиҳатдан олиб қараганда рўйхатдан ўтган корхоналар сони 3965 тага ошган, шунингдек фаолият юритаётган, бошқача айтганда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 2237 тага ошган. Натижани нисбий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қиладиган бўлсак, рўйҳатдан ўтган корхоналарда фаолият кўрсатаётган корхоналар улушини камайиш тенденциясини кузатишимиз мумкин, яъни 2013 йилда рўйхатдан ўтган кичик тадбикорлик субъектларининг 89.4 фоизи яшаб қолган бўлса, 2016 йилган келиб бу кўрсаткич 84.1 фоизни ташкил қилган холос.

Бу ҳолатни табий ҳолат сифатида қабул қилишимиз мумкин, чунки ички бозорларни тўйиниши, рақобатнинг кучайиши яъни бир сўз билан айтганда ривожланиш бозорда яшовчанлик коэффицентини камайишига олиб келади.

Биз тадқиқотларимизни янада аниқлаштириш ва таҳлилларимизга аниқлик киритиш мақсадида вилоятдаги кичик корхона ва микрофирмаларни яратиш ҳамда тугатиш коэффицентлари динамикаси таҳлилини амалга ошириб ўтишни жоиз топдик. Мазкур коэффицентлар мавжуд кичик корхона ва микрофирмаларга нисбатан яратилган ҳамда тугатилган субъектларнинг фоиздаги улуши сифатида аниқланган.

Яратиш ва тугатиш коэффицентлари ўртасидаги фарқ соф ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларни мавжудларига нисбатан фоиздаги улушини билдиради. 2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2008 ва 2009 йилларда яратиш коэффициентини кескин пасайши натижасида соф яратиш коэффициенти минималлашган, яъни мос равишда 3.2 ва 2.6 фоизни ташкил қилган. Кейинги минималлашиш даражаси 2012 йилга тўғри келиб 5 фоизни ташкил қилган. Энг минимал даражага 2016 йилда тушган бўлиб, 2.4 фоизни ташкил қилади.




**2-расм. Тошкент вилояти бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларни яратиш ва тугатиш коэффиценти[4]**

Биз юқорида вилоятда ташкил этилаётган корхоналарни яшовчанлик коэффициентини таҳлилий кўриб чиқдик, энди уни янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида вилоят ҳудудлари кесимида кўриб чиқамиз (1-жадвал ).

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2013 йилда энг юқори яшовчанлик коэффиценти Чирчиқ, Ангрен шаҳри ҳамда Чиноз туманларига тўғри келган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Бекобод, Зангиота ва Бўка туманларига тўғри келган. 2014 йилга келиб эса юқори яшовчанлик Чирчиқ, Ангрен шаҳри ва Қибрай туманларига тўғри келган бўлса, энг паст кўрсаткич Бекобод шаҳри ва Зангиота ҳамда Бўка туманларига тўғри келган. 2015 йилга келиб юқори яшовчанлик Чирчиқ шаҳри ҳамда Қибрай, Чиноз туманларига тўғри келган бўлса, энг паст кўрсаткич Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Бўка туманларида кузатилади. 2016 йилда ҳам олдинги йилдаги тенденция сақланиб қолган.

**1-жадвал**

**Тошкент вилояти бўйича ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг фаоллилик даражаси[4]**

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг улуши, % | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 01.01.2014 й. | 01.01.2015 й. | 01.01.2016 й. | 01.01.2017 й. |
| | Вилоят бўйича жами | 89.4 | 87.4 | 84.6 | 84.1 |
| 1 | Оққўрғон тумани | 89.9 | 89.8 | 91.5 | 90.1 |
| 2 | Оҳангарон тумани | 87.0 | 87.1 | 74.7 | 71.8 |
| 3 | Бекобод тумани | 86.8 | 85.4 | 86.9 | 88.8 |
| 4 | Бўстонлиқ тумани | 89.2 | 88.6 | 67.9 | 65.6 |
| 5 | Бўка тумани | 64.9 | 72.0 | 55.4 | 49.4 |
| 6 | Қуйичирчиқ тумани | 90.0 | 88.5 | 82.9 | 80.2 |
| 7 | Зангиота тумани | 85.3 | 76.7 | 80.1 | 79.2 |
| 8 | Юқоричирчиқ тумани | 93.8 | 94.3 | 92.0 | 90.0 |
| 9 | Қибрай тумани | 93.7 | 94.7 | 96.6 | 96.0 |
| 10 | Паркент тумани | 87.1 | 87.0 | 87.6 | 87.2 |
| 11 | Пскент тумани | 92.0 | 94.6 | 90.7 | 89.9 |
| 12 | Ўртачирчиқ тумани | 89.9 | 88.1 | 81.3 | 81.4 |
| 13 | Чиноз тумани | 94.4 | 93.9 | 93.4 | 92.4 |
| 14 | Янгийўл тумани | 89.4 | 83.9 | 77.3 | 78.3 |
| 15 | Олмалиқ ш. | 92.8 | 91.7 | 91.9 | 91.7 |
| 16 | Ангрен ш. | 95.0 | 94.8 | 87.5 | 88.8 |
| 17 | Бекобод ш. | 87.6 | 81.7 | 86.1 | 86.1 |
| 18 | Чирчиқ ш. | 95.9 | 96.4 | 97.7 | 98.5 |

Таҳлиллар кўрсатишича, олинган 4 йилда ҳам Чирчиқ шаҳрида кичик бизнес субъектларини яшовчанлик даржаси юқорлигича сақланиб қолган ва ўсиш тенденциясига эга бўлган. Тескари ҳолатни эса Бўка туманида кузатишимиз мумкин бўлиб у ерда йиллар давомида пасайиш кузатилган ва 2016 йилга келиб таҳлил қилинаётган йиллардаги энг паст кўрсаткич 49.4 фоизга етган. Кейинги таҳлилларга ўтишдан олдин, умумий тенденцияни кўрсатиб ўтиш мақсадида биз 2016 йилда вилоятдаги корхоналарни иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимотига тўхталиб ўтмоқчимиз фақат бу ерда фермер ва деҳқон хўжаликлари инобатга олинмаган (3-расм).




**3-расм. Тошкент вилоятида мавжуд корхоналарни иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти[4]**

Бу ерда ҳар бир тармоқдаги корхоналар сони ҳамда уларнинг фоиздаги улуши келтирилган бўлиб, энг катта улуш хизмат кўрсатиш корхоналарига тўғри келмоқда, яъни уларнинг сони 9336 тани ташкил қилгани ҳолда вилоятдаги жами корхоналардаги улуши 32 фоизни ташкил қилади. Вилоятдаги савдо корхоналари сони 2016 йилда 7125 тани ташкил қилган бўлиб, уларнинг улуши 25 фоизга тенг бўлган.

Саноат соҳасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, саноат корхоналари сони 5248 та бўлиб, уларнинг улуши 18 фоизин ташкил қилган. Вилоятнинг саноат салоҳияти юқорилиги ҳамда у ерда йирик саноат корхоналарини мавжудлиги ва тармоқнинг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бу нормал кўрсаткич деб қабул қилиш мумкин.

Қурилиш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳамда қишлоқ, ўрмон балиқ хўжалиги йўналишидаги корхоналар улуши мос равишда 6, 8 ва 9 фоизни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини улуши камлиги фермер ва деҳқон хўжаликларини инобатга олинмаганлиги билан боғлиқдир.

Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кичик тадбиркорликнинг улуши турли хил бўлиб, асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо соҳасида юқори ҳисобланади. Саноат соҳасида кичик бизнеснинг улуши анча пастлигини кўришимиз мумкин (4-расм).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши вилоят билан Республика миқёсида деярли бирхиллигини, бироқ саноат соҳасидаги фарқ анча катта эканлигини кўришимиз мумкин. Тошкент вилоятида саноатда кичик бизнеснинг улуши 34.0 фоиз, аммо Республикада 45.3 фоизни ташкил қилмоқда. Юқоридаги таҳлилларимиздан маълумки, ҳудуднинг ЯҲМда саноатнинг улуш катта бўлиб, йирик саноат корхоналарини мавжудлиги натижасида кичик бизнеснинг улуши кичикроқ бўлмоқда.

Фикримизча, корхоналарнинг тармоқлар бўйича тақсимоти билан кичик бизнеснинг улардаги улуши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Яъни тармоқларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда.




**4-расм. Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улуши 2016 йил[5]**

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши вилоят билан Республика миқёсида деярли бирхиллигини, бироқ саноат соҳасидаги фарқ анча катта эканлигини кўришимиз мумкин. Тошкент вилоятида саноатда кичик бизнеснинг улуши 34.0 фоиз, аммо Республикада 45.3 фоизни ташкил қилмоқда. Юқоридаги таҳлилларимиздан маълумки, ҳудуднинг ЯҲМда саноатнинг улуш катта бўлиб, йирик саноат корхоналарини мавжудлиги натижасида кичик бизнеснинг улуши кичикроқ бўлмоқда.

Фикримизча, корхоналарнинг тармоқлар бўйича тақсимоти билан кичик бизнеснинг улардаги улуши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Яъни тармоқларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда.

Қурилиш соҳасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, қурилиш корхоналарининг минтақадаги умумий корхоналар сонига нисбатан улуши 6.2 фоизни ташкил этган бўлишига қарамасдан бажарилган ишларнинг 73.8 фоизи кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келмоқда. Савдо соҳасини қараб чиқадиган бўлсак, тескари ҳолатни кузатишимиз мумкин. Корхоналар улуши ҳам тармоқда кичик бизнеснинг улуши ҳам юқори эканлигини кузатишимиз мумкин. Яъни мазкур кўрсаткичларни мос равишда 24.6 ва 90.9 фоизни ташкил қилган.

Саноат соҳасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу ерда ҳам юқорида келтирилган тенденция сақлаб қолинган бўлиб, соҳадаги корхоналар улуши билан кичик тадбиркорликнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Яъни улар мос равишда 18.1 фоиз ҳадма 34.0 фоизни ташкил қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мазкур тенденциянинг таъминламаётганлиги биз соҳадаги корхоналар сони ва улушини вилоят жами корхоналарига нисбатан ҳисоблаганда фермер ва деҳқон хўжаликларини инобатга олаётганимиз йўқ. Бироқ соҳа маҳсулотларини етиштиришда кичик тадбиркорликнинг улушини ҳисоблаганда фермер ва деҳқон хўжаликлари инобатга олинмаган. Натижада қишлоқ хўжалик корхоналарини улуши 9.3 фоизни, аммо кичик тадбиркорликнинг улуши 96.3 фоизни ташкил қилмоқда.

Тошкент вилоятида олиб борилаётган иқтисодийислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда вилоят иқтисодиёти учун янги бўлган бозор муносабатларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатадиган таъсир даражасини тўлароқ ҳисобга олиш ва шу асосда мақсадли йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш имкони юзага келади.

Иқтисодиётимиз локомотиви ҳисоблаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вилоят экспорт салоҳиятини оширишдаги роли ҳам аҳамиятга молик ҳисобланди. Чунки юқорида келтириб ўтганимиздек, ЯҲМ 57.1 фоизи мазкур соҳа субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, кўриб ўтганимиздек, иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот етиштиришда соҳанинг улуши юқори.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши 2006 йилда 10.4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 28.7 фоизни ташкил қилган (5-расм).




**5-расм. Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги улуши[4]**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни экспортдаги улушини таҳлил қилар эканмиз, унинг кейинги йилларда юқори суръатлар билан ошганлигини, аммо 2016 йилга келиб кескин пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин унинг йиллар бўйича ўзгариш тенденциясини кузатар эканмиз тўрт ҳолатда олдинги йилга нисбатан пасайишни кўрамиз. Булар 2008, 2010, 2012 ва 2016 йилларга тўғри келмоқда. ЯҲМнинг ўзгариш тендециясига мос равишда ўзгаришни кузатамиз, аммо 2010 ва 2016 йиллар бундан мустасно.

Шунингдек, вилоятнинг экспорт ва импорт салоҳиятини таҳлил қилганимизда 2008 ва 2009 йилларда экспортнинг пасайганлиги, аммо 2010 йилда ошганлигини кўрамиз. Бу ҳолат вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ёки экспортдаги ўзгариш билан эмас, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқдир. 2016 йилдаги ҳолатда эса минтақадаги экспорт миқдорини ҳам олдинги йилга нисбатан пасайганлиги кузатилади.

Олиб борилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, вилоятда кичик бизнес субъектларини фаоллик даражаси пасайиш тенденцияга эга. Бунинг асосий сабаби яратиш коэффициентини пасайиши ва кейинги йилларда паст даражада ўсиши, аксинча тугатиш коэффициентининг мос йиллардаги пасайиш тенденциясининг анча пастлиги ва охирги йилларда ўсиш тенденциясининг юқорилигидир.

Бундан ташқари тармоқлар кесимида корхоналар тақсимоти билан кичик бизнес субъектларини тармоқлардаги улуши ўртасида боғлиқлик мавжуд. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспортдаги улушини камайишини инобатга олган ҳолда экспортини қўллаб-қувватлаш вилоят экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралади.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 2012 йил 14 сентябрь. – www.uza.uz.*

*3. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Статистик тўплам. – Т., 2017, 18-50-б.*

*4. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.*

*5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*

# ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ СФЕРЫ ИНДУСТРИИ ГОСТЕПРИИМСТВА

**Усманова Диляфруз Каршиевна**

К.э.н. Самаркандский государственный университет

**Бакаев Зиёвуддин**

Ассистент, Самаркандский государственный университет

***Аннотация.*** Корхона рақобатбардошлигини ошириш бизнеснинг узоқ муддатли ривожланиш ва ташкилот фаолиятини бошқаришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада корхонанинг меҳмонхона хизматлар бозорида рақобатбардошлигини яхшилайдиган айрим таклиф ва йўллар кўриб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** Рақобатбардошлик, меҳмонхона саноати, туризм, туристик маҳсулотнинг иқтисодий самарадорлиги, туристик маҳсулотнинг ижтимоий самарадорлиги, дастурий махсулот.

***Аннотация.*** Повышение конкурентоспособности предприятия является одним из важных направлений деятельности управления организацией, без которого невозможно полноценное долгосрочное развитие бизнеса. В данной статье рассмотрены некоторые пути, способные улучшить конкурентные позиции предприятия и упрочить его положение на рынке гостиничных услуг.

***Ключевые слова:*** Конкурентоспособность, индустрия гостеприимства, туризм, экономическая эффективность туристского продукта, социальная эффективность туристского продукта, программный продукт.

Повышение конкурентоспособности предприятия является одним из важных направлений деятельности организации, без которого невозможно полноценное стратегическое развитие бизнеса. Организации сферы туризма, переживающей период бурного роста в Узбекистане, безусловно, также нуждаются в учете факторов конкурентоспособности и использовании соответствующих методов совершенствования организации.

Современный Самарканд - это уникальная история, архитектурные памятники, природа и экология, инфраструктура развлечений, национальные обычаи, традиции, ремесленничество, религия, гостеприимство. Регион имеет огромные возможности в продвижении национального туристского продукта на мировом рынке, поскольку ни один тур по Узбекистану не обходится без посещения Самарканда.

Самарканд, являясь одним из древнейших городов и центров цивилизации, внес бесценный вклад в историю мировой науки и культуры. Не случайно Самарканд был назван «Сердцем Великого Шелкового пути» на заседании Всемирной Туристской Организации. Неслучайно Хакимы области осознали необходимость диверсификации экономики, развития разных направлений деятельности, а бизнесмены проголосовали за это собственными активами, вкладывая финансы в сервис, туризм, гостиничное дело, в предприятия индустрии гостеприимства.

В последние годы в нашей области заниматься турбизнесом стало очень выгодно: рентабельность в туристской отрасли гораздо выше, чем в сложном, технологическом производстве, прибыль появляется также гораздо раньше, чем при вложении средств в промышленность.

При разработке теоретических и практических вопросов были использованы труды отечественных и зарубежных ученых, посвященные развитию теории организации, вопросам стратегического управления[1] .

По-нашему мнению, конкурентоспособность организации – это способность организации реально и потенциально вступать в опосредованные рынком взаимодействия с другими его субъектами, заинтересованными в достижении целей, аналогичных целям данной организации.

Основываясь на научных трудах исследователей конкурентоспособности организации как О.С.Виханский, Д.А.Баева,В.Б.Чернов,

Г.Минцберг, М.Портер, можно выделить следующие виды конкурентоспобности : проявленная (фактическая), потенциальная, конкурентоспособность продукции и конкурентоспособность деятельности, включающая в себя текущую эффективность деятельности и адаптивную.

При анализе и оценке конкурентоспособности используют различные методы, которые можно, по мнению Д.А.Баевой разбить на группы – методы, которые носят фактический характер и методы, не имеющие фактической направленности. Каждый из них имеет определенные положительные и отрицательные стороны. Так, методы не носящие фактический характер основаны на косвенных показателях – доля рынка, стоимость бизнеса – они просты и удобны в использовании, но их невозможно применить для управления конкурентоспособностью. Вторая группа методов носит факторный характер, они более затратны, однако обладают высокой применимостью в целях управления процессом развития конкурентоспособности.

Одним из показателей конкурентоспособности туристской организации является эффективность туристского продукта. Эффективность туристского продукта определяется на основе системы показателей числа обслуженных туристов, реализации туристских услуг иностранным посетителям, объёма обслуживания, затратами туристов, произведенными в отдельном регионе, стране. Отдельная система показателей, характеризующих эффективность туристского продукта, на данный момент не разработана. Поскольку каждый туристский продукт имеет как экономическое, так и социальное значение[2] , то необходимо разрабатывать и внедрять показатели экономической, социальной эффективности туристского продукта.

Экономическая эффективность производства вообще показывает минимальные затраты для создания данного объёма продукции. По нашему мнению, эффективность туристского продукта отдельной организации следует определять как отношение суммы выручки от его реализации к собственным затратам и затратам, понесенным организацией на приобретение туристских услуг сторонних организаций. Для туристских операторов, занимающихся одновременно и приёмом и отправкой, следует определять экономическую эффективность туристского продукта, реализуемого иностранному и отечественному посетителю.

$$\textbf{Экон.Эфф. тур.продукта} = \frac{\text{Сумма выручки от реализации туристского продукта}}{\text{Затраты туроператора, включая затраты на приобретение услуг сторонних организаций}}$$

Причем это несложно организовать на практике потому, что учет реализуемых иностранным туристам продуктов требует открытия валютного счета для осуществления внешнеэкономической деятельности. Большинство туристских организаций в современных условиях работают на основе частной собственности, а это создает возможность для ведения учета и налогообложения по упрощенной схеме[3] . Эти организации выплачивают единый налог, который определяется на основе валовой выручки от реализации услуг, единый земельный налог и фиксированный налог на отдельные виды предпринимательской деятельности. Поэтому числитель этого показателя включают сумму налоговых поступлений в бюджет. Чем выше он, тем больший экономический эффект имеет тот или иной туристский продукт для организации. Чем больше знаменатель показателя, тем ниже экономический эффект для туроператора, но увеличивается доходность смежных отраслей и соответственно экономическая эффективность туризма для региона или дестинации.

Социальную эффективность туристского продукта предлагаем определять суммой создаваемых социальных фондов от реализации туристского продукта, то есть показывает какая часть дохода от реализации отдельного туристского продукта за минусом затрат организации идет на социальные мероприятия организации – обеспечение занятости, медицинское обеспечение компании, страхование персонала, материальную помощь персоналу, последующее трудоустройство и оказание помощи малообеспеченным, решение других социальных проблем общества. Числитель данного показателя можно определить на основе данных бухгалтерского счета «Резервы предстоящих счетов и расходов».

$$\textbf{Соц.эфф. тур.продукта} = \frac{\textit{Резервы и социальные фонды туроператора}}{\textit{Сумма выручки - Затраты туроператора, включая затраты на приобретение услуг сторонних организаций}}$$

Туристский продукт, создаваемый конкретной организацией, определяет не только характер деятельности, но и стратегию регионального развития туризма и в целом политику государства в отношении туризма. Туристский продукт организации лежит в основе регионального, который в свою очередь формирует национальный продукт. Специфика туристского продукта определяет абсолютные и сравнительные преимущества как отдельного предприятия, дестинации, региона, так и государства в целом. Уровень туристского продукта, его структура, качество позволяет дать оценку развитию туризма в государстве.

Программный продукт «Расчёт экономической и социальной эффективности туристского продукта» предназначен для вычисления оценок эффективности туристского продукта организаций, занимающихся как разработкой, так и реализацией диверсифицированных туристских продуктов в Узбекистане.

В программе используется массив данных, составленный на основе паспорта и бухгалтерского баланса туристских организаций, которые предоставляются вышестоящим организациям и государственным налоговым и государственным службам. В связи с внедрением системы «Электронное правительство» данные сведения предоставляются в электронном формате, что обеспечивает оперативность получения данных и прозрачность расчетов. Программа предназначена для вычисления оценок эффективности диверсифицированных туристских продуктов в Республике Узбекистан.

Функциональные возможности данной программы включают в себя ввод данных в окна редактирования, вычисление оценок эффективности, очистка окон редактирования для ввода новых данных

Продукт прошел практическую апробацию и показал надёжность в эксплуатации; снабжен удобным графическим интерфейсом, и не требует от пользователя специальных знаний в области программирования.

Область применения данного продукта являются Государственный Комитет Республики Узбекистан по развитию туризма, специалистами в сфере туристического бизнеса, научными работниками.

**Блок – схема программы**






***Источники и литература:***


1. Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В. Плеханова” в г. Ташкенте, 2013.-248с. Баева Д.А.Управление кнкурентоспособностью промышленного предприятия. Челяюинск:Изд.центр”ЮУрГУ”,2010.-190с. Голышева Е.Б. Развитие сферы туризма Республики Узбекистан в период финансово-экономического кризиса//Актуалние проблемы туризма-2010, № 2. – Т.: 2010. Журавлев В.В. Основы стратегического управления.-Челябинск: Изд.-во НОУВПОРБИУ, 2012.-166с.Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: Со¬временный опыт управления. Изд 2-е, перераб. и доп. –М.: Финансы и статистика, 2001.
2. Мухаммедов М.М., Рахматов Ф. Социальные аспекты развития туризма в Узбекистане.// Современные проблемы теоретической и практической медицины. Сборник научных трудов. II выпуск. – Самарканд, 2006. – С.66-69.
3. Налоговый Кодекс Республики Узбекистан, введенный в действие с 1.01.2008г, раздел XXIII, глава 53, статья 364.

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

Босишга рухсат этилди 29.12.2017 й.
Бичими 60х90 1/8.
Шартли босма табоғи 10,9
Адади 100 нусха

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида офсет қоғози ва усулида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги, 6

**Таҳририят манзили:**
100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси 49,
Телефонлар (99871)239-29-65, 239-28-97